

Шарқ Юлдузу

- NASR
- NAZM
- DRAMATURGIYA
- MUMTOZ ADABIYOT
- YOSHLAR DAFTARI
- JAHON ADABIYOTI
- ESTETIKA
- SAN' AT FALSAFASI
- ADABIYOTSHUNOSLIK



Sharq yulduzi



Абдували ҚУТБИДДИН
(1960–2019)

Шарқ юлдузи

Адабий-бадний, илмий, ижтимоий-сиёсий журнал

1931 йилдан чиқа бошлаган

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ

Сирожиддин Саййид
Муҳаммад Али
Кенгесбой Каримов
Энахон Сиддикова
Икбол Мирзо
Қаҳрамон Куронбоев
Минҳожиддин Мирзо
Жумакул Курбонов
Фармон Тошев
Исажон Султон

Хайриддин Султонов
Маҳмуд Тоир
Гулистон Матёкубова
Шерзод Ирзоев
Хаётхон Ортиқбоева
Тоштемир Турдиев
Шухрат Маткаримов
Адхамбек Алимбеков
Жамолиддин Муслим

Бош муҳаррир – Сирожиддин Рауф


Бош муҳаррир ўринбосари – Азиз Саид

Масъул котиб – Дилором Муротова

Назм бўлими мудири – Икром Отамурод

Навр бўлими мудири – Саид Анвар


Адабиётшунослик бўлими мудири – Ориф Ҳожи



УШБУ СОНДА:

САИД АҲМАД ШАВВАЛДИЙНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Саид АҲМАД



КИЛТИРИКДА ҚОЛАН ПЮНҲ


– Мен аҳмоқ, ризкинғизни қийиб пул йиғибман. Шундай қилсам ўлиб кетганимда болаларим қунига яратади, деб ўйлабман. Бумайрам, кеча айтган гапинг ўла-ўлғунимча қулоғимдан кетмайди.

Бумайрам, нима деган эканман, деб унга савол назари билан қаради.

– Гўдаклигида тўйиб овқат емаган ўғил болалар қатта бўлганда нимжон, қилтирик, ланж, оғир ишга ярамай-диган бўлиб қолади, дегандинг. – У шундай деятуриб Анваржонга бир қараб қўйди. Бу қарашнинг маъносини Энаси ҳам, Бумайрам ҳам, ҳатто Анваржоннинг ўзи ҳам тушунди. Ноқулай вазиятдан қутулиш учун пешонасини силади. – Энди пул йиғишнинг ҳожати йўқ.

ҲАҲИМАС МЕНИ БОҒИМ

Абдували ҚУТБИДИН



ЎФҚМИДИНИ, ҚУЁШ КЕПТАМ ИИҚИЛАСАН

Осима,

Не қилай кўнглим ушмундоқ,

Бир чети осмону, бир чети тупроқ.

Бир тунда подшоман икки кишварга,

Бир кунда зордирман бир қур назарга.

Липиллаб, липиллаб бўзарди руҳим,

Хоҳла порлатиб қўй, хоҳла парчала,

Эсиз, ҳар томонга урди шуқуҳим,

Эсиз, ўтолмадим шум даричадан.

НАСР

Даврон СУЛТОНОВ

АФСОНАВИЙ ҚУЪСУ СИРИ

Саргузаит-детектив қисса

Андерсон бўйи пастрок, тўлачадан келган, озроқ жасорат етишмайдиган одам. Унга иши жуда ёқарди. Тинч кишлок. Одамлар оз, болалар ҳам ювош. Улар ҳадеб ўрмонга киравермайди, кўпчилик ўрмондан қўрқади, табиийки, Андерсон ҳам ортикча ғалвалардан узок юради. Аслида, Андерсоннинг ўзи ҳам ўрмондан қўрқади. Ҳар доим ёнида полициячиларнинг махсус таёғини олиб юради. Шу вақтгача ҳеч бир кўнгилсизлик бўлмаганди. Бирок энди нотабиий ишлар кўпайиб борарди. Жониворларнинг йўқолиши, тунги инграшлар, дарахтлар чириб тўкилиб тушиши...




Мирзо КЕНЖАБЕК

*МЕНИ ҲАМ СОҒИНҶАН БИРОР
ЗОЯТ БОРМИ?*

Шукр дейман, муҳаббатли онларимга,
Қизил дарё бўлиб оккан унларимга,
Бу кенг дунё – зулми пинҳон кунларимга
Тор кетса ҳам, муҳаббатим кетгани йўк.

Сурур топдим гоҳи ҳаёт ишларидан,
Омон чиқдим ялдоси бор кишларидан,
Бахтим кулиб, юрагимнинг даштларидан
Қор кетса ҳам, муҳаббатим кетгани йўк.



АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ

*ҲАЗРАТИ НАВОИЙ ИЖОДИДАН РИҲ
ОЛИБ...*

Исмоил Махмуд шоир сифатида ўтган асрнинг 70-йилларида адабиёт майдонига шуъла сочиб кириб келган. Унинг илк шеърлар мажмуаси “Шуъла” ҳам нафақат илк ижодининг самараси, балки ижод йўли бошида турган шоирнинг изланишлари натижаси эди. Сир эмаски, ўтган аср етмишинчи ва ундан кейинги йиллар авлоди ўзида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Рауф Парфи ижодий таъсирини ҳис қилган, эҳтимол, очик, эҳтимол, гайришуурий равишда ўз салафларига эргашишга интилган.




АДАБИЁТШУНОСЛИК

Дамин ТҶРАЕВ

*БОТМОНҚУШ ҚЎШИҒИ ЁХВД БИР
НОВЕЛЛА ТАҲЛИЛИ*

Яқинда детектив-саргузашт ва тарихий мавзуларга кизикувчи адабимиз Неъмат Арслоннинг “Ботмоннинг қўшиғи” номли новелласини ўқиб қолдим. Аслида бу фалсафий ва фантастик новеллада модернизм, романтизм ва реализм унсурлари бор. Айниқса, реалистик унсурда муаллиф автобиографияси билан боғлиқ тасвирлар, хусусан, асар персонажларининг аниқ прототиплари исмлари билан берилиши ва бадиий маконнинг айнан кўрсатилиши ҳам бадиий асар сюжети талқинидаги янгиликдир.





МИРТЕМИР

Йўллар ўтиб кетмиш ҳижрон доғида

Она тилим

Она тилим – онажоним тили бу,
Бешиқданок сингтан жону кулокка.
Элу юртим, хонумоним тили бу,
Қадимликда ўхшар она тупрокка.

Боболардан бизга мерос эзгу тил,
Авлодларга хазинайи бебаҳо.
Қалбимизга, руҳимизга кўзгу тил,
Бу дунёга бағишламиш не даҳо.

Ҳандалак

Полиздан ҳандалак ҳиди анкийди,
Ўқариқ бўйида сахар уйғонсам.
Атир оғушида олам балқийди,
Ҳаво элексирай, канийди консам.

Кўзлар илғагунча полиз, бедазор,
Бедана вавағлар тўрғай кетидан.
Яшиллик салтанат қурмиш беғубор,
Ўпич олгинг келур хаёт бетидан.

Кўкракка уради ёкимтой салкин,
Чечаклар товланар – чечакларда ноз.
Ҳаммаси, ҳаммаси кўнгилга яқин,
Ҳаммаси дилрабо, суюк, сўлим, соз.

МИРТЕМИР – Ўзбекистон халқ шоири. (1910 – 1978). Самарқанд давлат университети-нинг ўзбек тили ва адабиёти факультетини битирган. Ижодкорнинг ўттиздан ортиқ шеърӣ ҳамда таржима китоблари нашр этилган.

Ҳандалак узаман муздек ва ёркин,
Бекасам ҳандалак – чипор ҳандалак.
Қўлимда ловиллар гўёки ёлқин,
Куймадек бежирим, ипор ҳандалак.

Ҳа, аслида, қуёш зарраси бу ҳам,
Она тупроқ тоти, тупроқ шираси.
Емишларнинг тенгсиз барраси бу ҳам,
Жаннатда йўқ ўзи, гапнинг сираси.

Бу ўзбек бобонинг асрий санъати,
Сув бўйида сўйсанг, тилим-тилим бол.
Она табиатнинг тансиқ неъмاتي,
Дала файзлик, хушбахш, фусункор, ҳалол.

О, ҳандалак бўйлик, сув бўйига кел,
Сени кўргим келиб, ҳозир кўнглим сел.

Излаганим

Кутишдан ғоят толдим,
Умр ўтди, чарчаб колдим.

Йўл юрсамда, мўл юриб,
Хаёл суриб, ох, уриб,

Излашга тушдим тагин,
Тезлашга тушдим тагин.

Чертдим дутор, чалдим тор,
Ахтардим диёр-диёр.

Чўлдан, сойлардан ўтиб,
Овлоқ жойлардан ўтиб,

Қир ошиб, тоғлар ошиб,
Неча-неча адашиб,

Етдим излаганимга,
Йиллар кўзлаганимга.

Бу висол, тенгсиз висол,
Жилмаяди бахт мисол.

Излаганим бариси –
Ўша илҳом париси.

Қуш

Тонг чоғи турган эдим – одатим шунақарок,
Оқ булут паға-паға, оқ булут бароқ-барок.

Ёғолокмас, шекилли. Ёғадиған ўхшамас,
Совур салкинида ҳам осмон нечун бўшамас.

Ҳовлимда кезар эдим, енгиллик сезар эдим,
Хаёлни кўкламга хос бўёқда безар эдим.

Бирдан яшил чўғ кўрдим, хув, гилос булоғида,
Яшил чўғ ёнар эди, яшиллик кучоғида.

Яқинроқ келдим секин, ишонмайман кўзимга,
Ҳайрон боқардим, лекин, келолмайин ўзимга.

Қалин барг далдасида ўтирарди митти қуш,
Қуш эмас, жозибалик ва алдоқчи яшил туш.

Қанотлари чиройлик, силлик, кўзлар – кўзмунчок,
Тирик кўғирчок, гўё, кўз кўрмаган овунчок.

Тағин яқинроқ келдим, чўчимади, учмади,
Ҳаттоки, анов шохдан, манов шохга кўчмади.

Тўтимикин ё қумри, нахотки, беном бўлса,
Нахотки, хаёлларим, мўлжалларим хом бўлса.

Қафасдан қочдимикин, олисдан меҳмонмикин,
Ювошлигимдан хушҳол бирон беошёнмикин?

Кўзлар қамашгудек кўрк, кетолмай айланаман,
Хуштак чалсам елкамга қўнғудек шайланаман.

Момом айтмиш бир чўпчак эсимда эди ҳамон:
Қуш суратида пари кўринар ахён-ахён.

Қушдек ўтирар, лекин, сўзингга тушунармиш,
Ёвузмисан ё акси – ўзингга тушунармиш.

Вожаб, нетсамикин, хуштак чалсам келся,
Тушларда излаганим паризод шу бўлсяя.

* * *

Кўз кўзга тушганди ой кучоғида,
Кўзларда қолганди кўз учқунлари.
Ўша сеҳрли тун, сой қирғоғида
Дилга ўт солганди сўз учқунлари.

Йўллар ўтиб кетмиш ҳижрон доғида,
Шаркираб оқмоқда Тентаксои хануз.
Юзма-юз келдикку кўклам боғида,
Яркираб бокмоқда тўлин ой хануз.

Аброр Ҳидоят

У саҳнага чиққанда залга титроқ тушарди,
Етти қат кўк авжидан нақ қалди роқ тушарди.
Эл юм-юм йиғлар эди Ҳамлетнинг ёзмишига,
Анов-манов одамнинг соҳига оқ тушарди.

У чикса саҳна гўё, тўлиб-тошиб кетгандай,
Туйғулар қирғоқлардан зумда ошиб ўтгандай.
Кўчада пайдо бўлса – ёришгандай бу жаҳон,
Тавозекор сиймога олам гуллар тутгандай.

Қорамағиз, ўйчан кўз, алпдай миқти, яғриндор,
Навий тимсолида газал ёру ҳикмат ёр.
Салла ҳам ҳўб ярашур, жангчининг шинели ҳам,
Севгида Отеллодай, вафода Мажнуншиор.

Кўшчи ҳам, сардорлик ҳам руҳига иноқ ғоят,
Ҳақиқатга айланур у сўзласа ривоят.
Даҳо туғилар эмиш, рост бўлса, юз йилда бир,
Ўша – Аброр Ҳидоят.

* * *

Ўлан авжларида гул очади дашт,
Ўлан авжларида замон уйғонур.
Ўлан авжларида дунё-дунё гашт,
Ўлан авжларида олам тўлғонур.

Ўлан авжларида туғилар суйғу,
Ўлан авжларида туғилар жужук.
Ўлансиз на ранг бор, на ёруғ туйғу,
Ҳаёт лабларига тошади учук.

Тупрок

Розиман шу юртда туғилганимдан,
Она тупроғимдада. Ҳа, она тупрок.
Етти иқлим интиқ, жонона тупрок,
Розиман шу лойда йўғрилганимдан.

Жами суюклардан суюкроқ ўзи,
Қандоғам ардоқлик, қадри нечоғлик.
Ўзим ҳам ўзлим чамбарчас боғлик,
Жами буюклардан буюкроқ ўзи.

Ҳали мен кўрмаган гўшаси талай,
Ҳали мен бормаган кўк ўрмон озмас.
Жилғаю сой, дара, биёбон озмас,
Мен хаёл сурмаган жой кўп ҳар қалай.

Ҳали мен қонмаган булоқлари бор,
Ҳали не тоғлар бор – кезолганим йўқ.
Ҳали армонимдек безолганим йўқ,
Ҳали мен ёнмаган ўчоқлари бор.

Ҳали мен сузмаган кўм-кўк кўл ҳам кўп,
Ҳали мен тутмаган каклик бесанок.
Онаси ўпмаган не-не гул ёнок,
Ҳали мен тўзмаган сўқмоқ йўл ҳам кўп.

Ҳали мен минмаган гижинг тулпор мўл,
Ҳали мен қувмаган оҳу ҳам анча.
Ҳали мен чалмаган чолғу ҳам анча,
Ҳали мен инмаган ўнгир мўл, ғор мўл.

Менга суюк бари – тоши, жўяги,
Шу тупроқда ухлар боболарим ҳам.
Шу тупроқда олис момоларим ҳам,
Шу юртда (қайдадир) онам суяги.

Шу тупроқда ўтди ғариб гўдақлик,
Шу тупроқда ўтди шўх ўсмирлигим.
Шу тупроқда мангу қалбан бирлигим,
Ёруғ бугунлиги соз келажаклик.

Шу тупроқ кўзларда гавҳар қароғим,
Ҳали ўтроқ жонман, кезмадим жаҳон.
Қайларда юрмайин, ягона армон,
Шу тупроқда қолсин тупроғим.

КЎХНА ҲАҚИҚАТ

Икки ҳикоя



ҲАКИМ САТТОРИЙ

Кишлоқнинг пешона ажинларидек хикматга ўранган кўчалари энди анча силлик тортган, сайр этган одамнинг баҳри очиладиган даражада. Чол – бир кам тўқсонни урган қария, ҳассага ҳам зорикмай, дадил одимлайди, туғди-битди тупроғининг шавкатли тарихидан авж билан сўзлайди. Тўққиз-ўн ёшларида уни зовур бўйида дулдул кутиб турган, уни адл миниб, кўзини юмган ва дунёни, билмайди ўзи ҳам, неча марта айланиб чиққан? Ўшанда кўрганларини бугун телевизор намоён этиб, энди-энди одамларни хайратлантириб турибди. Бу синоатлар бола Турматга етмиш йиллар олдин аён эди. Чолнинг эйфориясига сиртдан мафтун бўлиб, азбаройи қари одамни тинглаш мажбуриятдан лоқайд қулоқ тутиб, неча бурумлардан ўтдик. От турган дўнг бугун теп-текис, энди бу гўшанинг синоати тўрдаги Бузрук бова кабристониди. Дарёдек узун ривоятлар ўзи билан оқизиб кетади, ихтиёрингни бўш қўйсанг, уммонда мавж урасан. Агар ризкингдан бўлса, қирғоққа чиқсанг, сени ҳам от кутиб турган бўлар. Бунини Турмат чол билади, бироқ ўзига аён сирларни ошкор қилгиси келмайди.

Кўча бўйлаб уйлар маржон мисол тизилган эди-ю, қайрилишдаги бир ҳовли яшин ургандек мажруҳ бўлиб ётарди. Тўғридан келганда кўча тараф девори таги билан қулаган, шохлари буталмаган, алангадан қовжирагандек тўкилиб турган дарахтнинг чўкиртқак шохлари орқали қараганда эса эшиги йўқ, деразаси қийшайиб қолган, деворлари сувалмаган қулба кўзга ташланарди. Йўлқайрилиш унинг яқинидан тушган эди, бу томондаги ҳол унга бир неча йилдан буён одам қадами тегмаганини намоён қилиб турарди. Шиферланмаган томини ёмғир ивигиб юборган, ҳатто икки-уч қатор хом ғишт ювилиб кетганди. Мунчоқ шодаларини курмакдек бузиб турган бу манзарани кечириб юбориш мумкин эмасдек, отага савол билан юзландик. Чолнинг ҳамон от миниш завқини тарқ этмаган чехраси зумда тундлашди, айтсамми ё айтмасам, дегандек тараддудланди. Ботинидан нафас олиб:

– Нарирок борайлик, – деди. Унинг ичи тутаб, бурқсиб кетгандек эди, ҳатто чехрасида саросима ва кўркув зоҳир бўлди. Наҳотки бу жойда машъум қотиллик рўй берган бўлса? Чолнинг турки-туси оғир бир кўргилиқдан нишон берарди.

Ҳақим САТТОРИЙ – 1953 йилда туғилган. Қариши давлат педагогика институти (ҳозирги ҚарДУ) ва Тошкент давлат университети (ҳозирги ЎЗМУ) тугатган. “Хотира қарвони”, “Амир Темур севган юрт”, “Ҳазрат Соҳибқирон”, “Соҳибқирон адабияти”, “Имзоли хатлар”, “Маҳак тоши”, “Вақт манзаралари” сингари китоблари, “Соғинч” романи нашр этилган.

– Ота-боболаримиз кўчиб чиқиб, маскан қурганда атрофда ҳеч ким бўлмаган, – ота ҳассасига таяниб, сўз бошлади. – Шу жойларни одамларга хатлаб берганларини эслайман. Паст-баланд уйлар тикланди. Бу ҳовлининг эгаси ҳам бир ҳокисор банда эди. Аравакашлик қилармиди, жувозкашлик қилармиди – аниқ эсимда йўқ, кишлокнинг бир мардуми эди-да. Кампири далага қатнардди. Ҳамманинг ўз юмуши бор, ким билан ким қизикади?

Ёши ўтиб қолган одамга навқирон йилларини эслаш бирмунча гаштли эди. Гапнинг даромади эса бундай экан:

– Бир кун окшом шу йўлдан ўтаётсам, ичкаридан безовта товушлар кулоққа чалинди. Пастак девордан бўйлаб қарадим. Бекор қараган эканман, кўзим куйди-я: аравакашни ўғли тиз чўқтириб, бошига муштларди, ота эса аранг ихраганча “Урманг, урманг”, дерди “сиз”лаб. Ўғил ёлғиз фарзанд, эркатой, оқбилак бола эди. Бу гапни бировга айтиб бўлмайди, “Бош ёрилса, қалпоқ остида, қўл синса, энг ичида” замонлар. Кўча-кўйда чолга қарайман, ранги ўчган, кўпга қўшилмайди. Дарди ичида-да. Шу кўйи дунёдан ўтиб кетди.

Кўча хилват, ҳеч ким ўтиб-қайтмайди. Ҳаётнинг бу синоати қаршисида икки киши тим ёлғиз қолгандек эдик. Афсуски, бундай эмас. Бу кўхна дунё нималарни кўрмаган. Аммо ўч кишидан иборат хонадонда шундай юзи қаролик содир бўлса? Ёмонлик бегона ўтдек ердан ўсиб чиқадими ёки ҳашаротдек йўқ жойдан пайдо бўладими? Мурғак гўдак, бир парча жиш, ота-она меҳри, ардоғида улғаяди ва қилган биринчи юмуши отанинг бошига мушт қўйиш бўлса?.. Бу нобақорликнинг ажри нима бўлар экан? Ҳайтовур, оқпадарнинг қисмати қандай кечди? Тўксонни уриб қўйган “жонли гувоҳ” эти жимирламай, совуққон шундай дейди: “Нима бўларди, ўзига қайтди”.

Яна ўша йўл, яна ўша ҳовли. Бу сафар овоз ихраб эмас, кишлокни бошига кўтариб янграрди: “Урма, ахир отангман!” Бунга ўшанда кўплар парво қилмаган, қайтар дунё ишларига имон келтирган, холос.

...Эркатой ўғил отаси вафотидан кейин ўзига хос турмуш тарзини йўлга қўйди. Кишлоқда учта безори бўлса, бири шу, тўртта тентак бўлса, бири шу. Уйланган, ўғилли, қизли бўлган. Бизнинг одамлар кечиримли, унутувчан халқ, ўтган гапларни ёдидан чиқариб, тўйида қатнашиб, зиёфатини еб юраверган. Йиллар ўтиб, куч-қувват кетган, кўп нарсалардан мосуво бўлган, бироқ маишатдан орттирган бир “бош оғриғи” – ичкиликбозликдан қутула олмаган. Қариб қолганда ҳам муттасил ичаркан.

– Шундай отанинг фарзандлари нима бўларди? – деб сўроқ қўяди ота ва ўзи жавоб беради. – Турмат йигирма беш ёшидан кишлокнинг иссиқ-совуғига аралашиб юрди, сартарошлик қилди, хагна амалини бажарди, тўй-таъзияларда келган-кетганинг қавушини ўнгариб турди. Болалари бир-бирига бош қўшмай ўсди. Мана шу зардолидан нари ёғини қизига, бу ёғини икки ўғлига хатлаб берганди, ўзим қатнашганман.

Ичкиликка домига тушган ота ҳаммага бош оғриқ бўлган, балки унга қисмат ёзуи шу тахлит битилгандир.

– Биз “эшшак” деймиш, ёғоч рандаланадиган чорпоя, – ҳасратли ҳикоясига якун ясайди чол, – ўғиллар отасини шунга ётқизиб олган, навбатма-навбат савалайди, у эса бақариб, “Урма, ахир отангман!”, деб зор йиғлайди. Унинг фарёдини эшитадиган одам йўқ. Балки бу хайкириғи отасининг арвоҳига етиб бораётгандир.

Ҳовли бутунлай кимсасиз-хароб, қиз ҳам турмушнинг қайси бир шамолида чирпирак бўлиб кетгани аниқ. Ўғилларнинг қисмати ҳам шу зайл кечибди. “Яқинда биттасининг ўлиги келди, – дейди бобо ичига тупуриб. – Унисидан дарак йўқ эмиш”.

Бор гаплар. Одамзот пайдо бўлгандан бери такрорланадиган ҳақиқатлар. Буларни қайта-қайта эшитганларнинг энсаси қоатади, қисмати шу ўзанда ҳал бўлганлар эса, афсуски, бундай ибратли гапларни олдинроқ эшитмаган, эшитса ҳам амал қилмаган чиқар. Ростки, менга ҳам шундай мазмундаги панд-насихатлар унчалик ёқвермайди. Табиатимда ўзбошимчалик кучлими ёки ўзимга ортикча баҳо бераманми, “Яратган ҳаммага ақл берган. Шу оддий гапларни такрорлайверишдан не наф? Шунгаки ақли етмаган бўлса, уни одам санаб бўладими?” тарзида мулоҳаза қиламан. Ахир, “Бирни кўриб, фикр қил, бирни кўриб шукр қил, шундан кейин зикр қил”, деганлар-ку.

...Кўп қаватли уйнинг кун ботиш тарафида баҳор ойлари қалдирғочлар чарх уриб айланади. Кушларнинг ҳаракати шунчалик шаштли-шиддаткорки, унга парво қилмаслик мумкин эмас. Қалдирғоч билан боғлиқ қанча ривоту ҳикоятлар мавжуд, уларнинг бу парвозида ҳам бирор сир яширинмикан, деган мулоҳаза тинчлик бермасди. Кушшунос олим дўстимга аҳволни баён этсам, “Уйнинг ертўласида сув бўлса керак. Намда ҳашаротлар кўп бўлади, кушлар шуни овлайди”, тарзида жўяли жавоб берди. Лекин бу билан менинг саволларим тугамаган эди. Кушлар чарх уриб, уй деворларига ўзини ургудек бўлиб келарди-да, бизнинг саккизинчи қаватдаги хонадонимиз балкони тўзиб қоларди. Сип-силлик деворда қандай тиркиш топиладики, ичкарида тезаклар пайдо бўларди. Улар кунлар ўтиб кўпайиб қолар, оқибатда, тез-тез балконни тозалашга тўғри келарди. Бу машғулот жонга теккач, таниш мутахассисга, “Уларнинг думига халта осиб қўйишнинг иложи йўқми?” деб мурожаат қилганим ҳам бор гап. Қўлдан-ку ҳеч иш келмади, қалдирғочлар қиладиганини қилиб юрарди, аммо бу синоатнинг ечими жуда антика бўлди.

Ёз куни, барча деразалар очик. Тонг пайти кун чиқиш тарафдаги бўлмага бир қалдирғоч кириб қолибди. Чиқишга йўл топиш учун ўзини у ёққа уради, бу ёққа уради, мияси товукниқидан ҳам кичкина-да, кирган тиркишини топа олмайди. Томоғи булқиллаб, хансираб қолган. Уни тутиб олишга ва очик ҳавога чиқариб юборишга аҳд қилдим. Туткич бермаганига кўнмай, бурчакка қисиб, авайлаб ушладим-да, ташқарига қўйиб юбордим.

Эрталаб балкон тарафга ўтсам, яна шу аҳвол. Мени кутиб туришган эканми, бир тўда қалдирғоч тўп бўлиб, ойнага яқин келди-да, чағиллаб-чағиллаб учиб кетди. “Булар мени уйдан ҳам ҳайдаб чиқармоқчи, шекилли”. Яна ҳасрат билан тезакларни тозаладим-да, нонушта қилиб, ишга кетдим. Қайтиб келганимда балкон топ-тоза турар, қалдирғочлар пашшаларни илдамроқ тутиш иштиёқида забт билан чарх уришда давом этарди. “Бугун қоринлари тўймагандир-да”, деб қўйдим. Бу юзаки хулоса экан. Биласизми, нима бўлди? Эртасига ҳам, ундан кейин ҳам, умуман, ўша банди қушни озод қилганимдан сўнг қалдирғочлар балконни бўлғамай қўйди. Бу синоатга қойил қолдим. Дунёнинг ягоналиги, яхлитлигига эътибор беринг, озод қалдирғоч қандай қилиб ўз қувончини турдошларига етказди ва улар қачон хулоса чиқариб улгурди? Тонг қолмаслик мумкин эмас. Онгсиз, бор йўғи бир қисм патдан иборат муштдеккина жониворлар оламида шунча сир-синоат, ҳисоб-китоб мужассам экан, Яратган инсондек мукамал ва қудратли хилқатда қанақа мўъжизаларни сингдириб, унинг юриш-туришини нечоғлиқ кузатиб турар экан? Шунда отасига ўтказган зуғуми ўзига қайтган ўғилларнинг қисматига ҳайрон қолиш жоизми? Оддий, хокисор бир жумла бор, “Бу дунё ҳисоб-китобли”. Бошқа нима дейиш мумкин? Ҳар саволнинг жавоби бўлганидек, яхшиликнинг ҳам, ёмонликнинг ҳам ажри бор.

САДБАРГУЛ

Тошга ёмғир қор қиларми бетиним ёккан билан...
Халқ кўшиғи

“Отам Кўкғумбаз мозористонига ерланган. Аммам Қулфия гўрининг устига садбаргул уруғини сочиб кетган. Бир йилдан кейин келиб кўришса, қабр гулларга ўраниб ётганмиш”.

Ёш иктидор кикирлайди. Нега қикирлайди? Бу саволга устоз жавоб беролмайди. Ўзи ҳам. У яна ошиғич сўрайди: “Садбаргул нима?”

Устоз кўлидаги дафтардан худди тошга ўйиб ёзилгандек битикларни хижжалаб, бирор маъни ажратишга уринади, Шогирд амалиётига зарур кўрсатма олишга шошади. Яшил жилдли дафтар бир дунё синоатни жамлаган. Унинг муқовасига шундай сўзлар ёзилган: Эминдавлатова Сафонури(нг) ижтимоий ҳаёти”. “Ижтимоий ҳаёт”, ...Бу иборани ким илова қилган – устоз мулоҳаза қилиб кўрди-да, шундай фикрга келди “Дабдурустан, у одми одам эмас. Ахир масаланинг ижтимоий аҳамиятини тушунибди-ку”. Сатрлар шу дастхатда давом этади: “30-йил мен учда, акам етти ёшда, Ҳожарбону синглим онаминг бўйида экан. Отамни кишлоқ мударриси деб, Қаршига қамашган”.

Устоз бу воқеалар кечган манзилларни аниқ эслайди. Хилват тоғ кишлоғи, каттагина нуфузга эга. Масжидлар, улар учта эди чамаси; кечагидек ёдида. Масжидларга олабўжи кўзи билан қаралган замонлар, бу маҳобатли иморатлар кўркинчли туюлар, кўчасидан юриб қолишса овоз чиқармай, оёқ учида шипиллаб чопиб ўтишарди. Ҳатто ховуз бўйидаги энг каттасида мезанага чиқиладиган зиналар остида бир уюм китобларни ҳам кўришган, титилиб, бир-бирига уйқашиб ётарди. Сарғиш рангли бу жонсиз китоблар уларнинг кўркувини баттар оширган.

Шогирд узок сукунатдан зерикади, эрмаги ҳам жонига тегади чамаси, қулоғидан тугмачани ечиб, столга яқинлашади. Бироз истиғно билан: “Ишни нима қилдик?” дейди. Устоз тажанғнамо:

– Шу дафтар анчадан бери безовта қияпти, мен гувоҳ бўлган, эшитган анча-бунча гапларга туртки бўляпти, бироқ фикрларни тизгинлаб, баён этиш...

– Шаклга тушмайдиган мазмун ҳали пишиб етилмаган бўлади, наҳотки шуни билолмайсиз. Сизга ассоциатив омиллар етишмаяпти, демак, воқеликка яқинроқ боришингиз лозим.

“Ол-а, роса чархланган экан-ку”, мулоҳаза юритди устоз. Ўзининг бу ожиз ва ботиний тафаккурини давом эттириб, “Сиз бошқа мураббий топсангиз бўлар экан”, дейишга тутинади, аммо мажולי етмайди. Қадронлашиб қолаётган ёқимли ҳисдан воз кечкиси келмайди, худди баҳор шабадасига юзини тутган, энди роҳатланиб турибди, тескари қарай олмайди.

Дафтардаги ёзувларнинг давоми бошқа одам томонидан битилган, кўли калтираса керак, эгри-бугри. Ҳойнаҳой, момо ўз кўли билан, “Ўз бошимга ёккан қорни ўзим қураб эканман-да”, дебми, ўзи ёзган. Савод анча эскиргани, имло ёддан чиққани билиниб турибди, сўзлардан маъно ажратиш қийин, бирор нарсани англаш учун тўрт-беш сатрни ўқиб, мулоҳаза қилиб, сўнг тушунса бўлади.

Устоз битикларни бошдан-охир бир “суваб чикди”; у бу мутолаани шундай атади, зеро уни ўқиш деб бўлмасди. Хомуш тортиб қолди. Бу бир ҳасратнома эди.

Уни дунёга келиб ҳеч нарса орттирмаган, ўлиб ҳам кетмаган (балки ўлиб ҳам кета олмаган) бир банди оғир ва изтироб билан қоғозга туширган. Дафтар охиригача ракам қилинган, унда бир сатр ҳам бўш жой йўқ, кампирнинг тўлиб кетганини шундан ҳам билса бўлади. Масаланинг “ижтимоий моҳияти”ни англаган зот – биринчи котиб бошида мукованинг ортини бўш қолдирган, чумоли излари (бу “хуснихат”ни шундан бошқача атаб бўлмайди) варақларнинг охиригача етиб борганда ҳам ҳасрат тугамаган ва бўш қолдирилган саҳифа ҳам тигиз тўлган. Унинг мазмуни ҳам жуда қизик: “Балта армияга кетган йеили 80 ёшлик биви ҳалфа бланд мачетга 2 рақаҳат намаз уқиб чиқдик” ва ҳоказо.

Устоз, чамаси, вокеликка яқинроқ бораётганди. “Сен ҳам шунақа ҳақиқатларни билиб кўйсанг чакки бўлмасди”, деди ўктам овозда. “Чириган суяк ифтихор бўла олмайди”. Беруний шундай деган. “Бу “суяк” ҳали чириб улгурмаган. Буларни ёзган момо ҳали тирик, хоҳласанг, олиб бориб кўрсатаман”. “Хоҳласам. Хоҳламасам-чи?” Шогирд очикча юзсизлик қилаётганди. “У бирор нарса ёзиб ҳам келмаган. Ўзимга ёздириш йўлини излапти, – мулоҳаза қилди Устоз. – Ҳозир белидан қучсаму... Йўқ, ўлсам ҳам бундайга бормаيمان. Агар яна ҳаддидан ошаверса, ҳайдаб чиқараман”. Устознинг мустар бўлиб қолганидан нимадир нохушликни сезган Талаба мулоим овозда деди: “Биз ёшларга ота-оналарнинг ҳаёт йўли мактаб бўлиши лозим. Мен гумроҳни маъзур тутинг, гапларингизни тинглашга мадорим етади”. Устоз Талабанинг сезгирлигидан яйраб кетди. “Ахир, анча драматик, ҳатто аянчли тақдир. Эътибор бергин (жонгинам). Сенга мазмунини бир сидра силлик айтиб бераман: “Отам Қўчқоров Эминдавлат Бухорода ўқиган, Бухоро илмини орқасига кўтариб кетган. Мулло йигитлар ўн уч ҳужрадан кўтариб, уч марта айлантириб ўтган. Шаҳрисабзда азоннинг чала айтилганини билган. Ҳаҷчасойдан Алланазар деганни олиб келиб, қудук қаздирди. Қирк бир газдан сув чиқди. Бухородан темир занжирли сатил олиб келди. Қудук оғзига ёғоч қопқок ўрнатиб, оғзини кулфлаб юрарди. Гузар аёллари кўзага сув олиб кетишарди. Бир куни қудук оғзига қора илон кўринган. Мулло Абдурахмон домлага айтса, ёмонлик аломати деган”.

– Қара, одамлар қандай закий бўлган. Қудук бошида қора илонни кўриб, келаётган фалокатни билган.

– Мен бунақаларга дуч келмадим, шунинг учун ишонмайман. – Талаба ўзи билан олиб келган чепсини сўриб, тантиқланганнамо муносабат билдирди. Табиий, тажанг зот яна ғижинди. Устознинг авзойи бузилганини сезиб, бир ютинди-да, кўшиб кўйди. – Ҳали ёшман-ку.

“Ёшсан-а, ёшсан, мен кўрмаган балоларни кўргансан, – мулоҳаза қиларди устоз. – Мени айлантirmoқчи бўлаяпсан-а. Йўқ, аҳмоғингни топибсан, сенинг оҳангингга ўйнамайман, амалиёт ишингни ўзинг ёзасан”.

– Рост, сен қанчалик бахтиёр, хурсан. Менинг эса шу кампирга раҳмим келиб кетаяпти. Дикқатингни қарат, нималарни баён этаяпти: “Онам тўққиз ёшида отамга фотиҳа қилинган. Ўн иккида теккан. Ўн беш ёшида Обидилло акамни туққан, онам майиб бўлиб қолган. Ўн саккиз ёшида мен туғилганман. Йигирма бир ёшида Ҳожар”.

“Шунақаси ҳам бўладими? – бармоғини тишлаб турарди Шогирд. – Прапорциялар бузилган-да, шунинг учун қутилмаган фожиалар келиб чиқаверган, қаранг, майиб бўлиб қолибди”. “Ҳаёт тафсилотларини ҳисоб-китоб қилиб бўларканми? Мана бунга нима дейсан: “Отам қамалғач, қудукнинг суви қуриб қолди”.

“Бўлса-бордир, балки қудук юза қазилгандир, – Шогирд бу синоатга бепарво эди. – Кейин сув чиқибдими?” “Ҳайрият, қизиқиши сўнмаган экан, – яйраб кетди

устоз ва дафтардан олдинроқ кетиб ўқиган янгилигини шошиб баён қилди: “Онам олти ой ўтмай, отамнинг шогирди Шоймардон чолга тегди” деб ёзган. Кейин Ҳамидулла оғаси туғилибди ва шу боланинг суннат тўйи куни қудуқда сув пайдо бўлибди.

“Буниси эътиборли далил экан. Онанинг эрга тегиши ва фарзанд кўриши Яратганга хуш ёққан. Бола соғлом ўсибдими?” “Соғлом экану, – чайналди устоз гўё ёш авлодни ўтмиш сабоқларидан совитиб қўядигандек ичи куйиб, – фақат баданининг териси ҳам, сочи ҳам қордек оппоқ экан”. “Ҳа, бу оддий ҳол, устоз, – гап бошлади Талаба домлага зид равишда ўйчан эмас, шодон, ҳаттот кийқириб, – аёл янги эри билан кўшилаётганда, ўта ҳаяжонланган, бу олий нерв тизимида мудроқ ётган қолдик зоналарни кўзгатиб юборган. Ҳали ҳам қўли учта ёки оёғи битта, ҳагто юраги иккита туғилмабди-ку”. Устоз суҳбатдошининг бунча дангал, ҳагто шарттаки эканини тасаввур қилмасди, кейин эса янги авлоднинг хабардорлик даражасига, очиғи, тан берди. Унингча, бундай анавал ҳолатлар илмга эмас, кўпроқ илоҳиётга боғлиқдек эди.

“Бухорода илм олган мулло қишлоқда кўп янгиликлар қилган экан, – гапни давом эттирди устоз фозолардан ерга қайтиб. “Шаҳрисабдан Малик Аждар масжидини таъмирлаган усталарни олиб бориб, қошона уй қурдирди отам. Уйнинг хуснини кўрган қишлоқдошлар бу масжид бўлибди, дейишди. Отам, “Йўқ, бу масжид эмас, масжидни энди кураимиз”, деган. Масжид қуришга киришилади. Олдин тўққизта хужра қурилади, уларга усталар ўрнашади. Отамнинг оналари Розия момом ҳашар ошини пишириб беради. Гапга етарман одамларнинг бир хиллари мол, яна бошқалари тошганларини беради. Хайри-эхсон билан. Отам бошчилик қилиб, масжид қурила бошлади. Катта ҳовуз, икки туп тол, Узоқ бобонинг уйи бор эди”. Ана шундай хокисор, илмпарвар, халқпарвар одамни шўролар сиёсати маҳв қилган-а? Устознинг товушида надомат ва нафрат бор эди. Унинг гинаси ўтмишдан кўра ўша кунлар мантиғини ҳис қилмаётган бугунги авлоддан кўпроқ эди.

Очк деразадан уйғонаётган замин нафасини олиб, майин шабада кириб келди, юзларни силаб ўтди. Унинг эпкиннида бугун ўзлигини анлаган муаззам заминнинг ўктамлиги бор эди. Шамолнинг парку қадамлари тундлашган зехн дарчасини тикиллатиб ўтди. Устоз кимирлаб қўйди, уни ҳаёл асир эта бошлади. Чепси сўриб турган Талаба ширинлик таъмидан масрур, бироқ бепарво эди.

“...Очк деразадан уйғонаётган замин нафаси шиптир ҳидини олиб келди. Темир эшик ғийкиллаб, фарёд чеккандек очилди. Яна нозир пайдо бўлди. У икки кундирки, Эминдавлатга зугум қилади: “Соқолингни қирдирасан”. Иякдаги мўйлар зохирга интилиб ташқарига чиқибдики, тиг темаганди. Мусулмончиликнинг фарзларини оғишмай амалга оширишга интилган муллабачча унинг суннатларига ҳам амал қилишга тиришарди. Хусусан, соқол ва мўйлаб ўстирмоқ хўп манзур амаллардан ҳисобланади. Соқолга тиг темагани маъкул, мўйлаб эса кузаб турилиши жоиз. Бир унсурда икки ҳикмат: ҳад чегараси руҳсат этади ва рад қилади. Соқолда оўрк аломати мавжуд, унга фаришталар осилиб ўйнар эмиш. Мўйлаб эса ҳадидан юсқа, ейиш-ичишга ҳалакит беради; уни юқори лабдан бир бармоқ бўйи кириб юриш қоида қилиб қўйилган. Соқол намознинг пайрави – жойнамозга тегиб туради, саловатга қўшилиб, Яратганга ҳамд айтади.

Мулла ўзини соқолсиз тасаввур қила олмасди. “Соқол бош ила пайвасдир ва бирга танани тарк этмоғи жоиздир”. Нозир бу гал ғазабга тўлганди. Агар амри вожиб бўлмаса, маҳкумни судраб, соқолига ўт қўйишга ҳам тамкини бордек эди. Эминдавлат унга ғамбода кўзларини тикиб, жўлайиб қаради. “Бир ракаат намоз ўқиб олишга ижозат этадиларми?” “Йўқ, – ғазабдан нозирнинг тупуқлари сачраб кетди. –

Вақт зик! Шунча пайсалга солдинг”. Мулла тайсаллади, у қисматидан дақиқаларни тилаб олаётганди. Нозирнинг қўли елкага етди, шахт билан силтаб тортмоқчи бўлган бармоқлари бехос бўшашиб кетди. Шарт бурилиб, эшикка йўналди: кимдир уни чақиргандек бўлганди. Пайтдан фойдаланган мулла устидаги чопонини ечди-да, киблани ростлаб, ибодатга ўтирди. Бутун вужуди сел бўлиб, муборак каломни хифз қилди, ихлос билан пешонасини саждага қўйди. Унинг боши она заминга михлангандай бўлди: унинг руҳи олислардаги покиза дийдорларга етишди.

Бу пайт ўзига келиб қолган нозир олдингидан ҳам баттар ғазаб билан бўрондек кириб келди-да, жойнамоз устида саждада турган чол бошида тўхтаб, ўдағайлади: “Ҳой, бетавфик! Балки така тўрвангни бошинг билан бирга жудо қилишларини хоҳларсан?” Унинг ғазаби чегарасидан ошганди, шиддат билан келиб, пешонасини ерга тираб, ким билади, Оллоҳдан нимани илтижо қилиб турган ожиз банданинг гавдасини туртиб юборди. У худди қоядан узилган тошдек, ёнбошга думалаб тушди. “У халиям ўзига келгани йўқ! Мен унга гапиряпманми, деворга?”

Камерадагилар ҳам ички сезим билан ҳозир нимадир рўй беришини билгандек бўлишди: нозирнинг авзойи чинакамига бузилганди. У муллани турғазиб, юзигами, гарданигами, тарсаки тортмоқчи бўлди, шекилли, гирибонидан маҳкам ушлаб силкитди. Гавда зил-замбил бўлиб қолган, қимирламасди. Бундан нозирнинг қути ўчди, пуфаги пасайиб, маҳкумнинг юзини ёруққа солиб қаради. Унинг кўллари шалвираб қолган, жағи тушганди. Бу балки Яратганнинг бир бегуноҳ бандасига инояти бўлган, Эминдавлат саждага бош қўйиб, омонатини топширган эди”. (“Ҳамроҳлари қарасалар, отам жойнамоз устида тамом топибдилар”, деб ёзибди мома ҳасратномасида).

Дераза ойнаси очик, ундан баҳор нафаси сезилиб турарди. Устоз воқеа тафсилотини қанча дардли ҳикоя қилишга уринмасин, Талаба у кутган даражада таъсирланмади. Чуқур сўлиш олди фақат, чепсисининг қоғозини ташлайдиган жой топа олмай, ортига яширди ва бироз ғуссали товушда, бироқ ўқтам: “Ҳеч нарса сабабсиз юзага келмайди”, деди. Яна қўшиб қўйди: “Нега Худо харомхўрларни шундай осон нариги дунёга равона қилмайди?” Покдомон, булоқ сувидек тоза бир маърифатли одамнинг заволи эса ўша пайтда Бухоро амирлигида юзага келган нопокликларнинг касри эмиш. “Алам қиладигани шуки, – деди у анча жўяли қилиб, – ҳар доим ҳолвани ҳоким еган, калтакни эса етим. Бухородаги баччабозликларни Фитрат домла жигари эзилгудек лаънатлаган”.

Талабанинг сабаб ва оқибат борасидаги мулоҳазалари Устозни жонлантирди. Қолаверса, у ҳозирги мунозарарада ютқизаётган эди. Шул боис тош босадиган ва зарба берадиган далил қидирди. “Яхши эслатдинг: кимдир экади, кимдир ўради. Мана, ҳолбуки, сен етук мутахассис бўлиш учун етарлича тайёрланаяпсанми? Менинг назаримда, вақтдан унумли фойдалана олмаяпсан. Китоб ўқимайсан, изланмайсан...” “Менга диплом бўлса, кифоя, бошқасини ўйлаётганим йўқ”. “Ишлаб кетишинг қийин бўлади”. “Ишлаб кетаман, бунинг қафолатини ҳозир тўлаб қўйганман. Саккиз миллионни олдим, бу ёғига ҳам ишлатади-да. Эшагига яраша тушоғи. Қолаверса, менинг пулимни олганлар боқади, шунга мажбур, ўзлари шундай йўл тутушяпти. Менинг ишлаб кетишим-ишлаб кетолмаслигим ҳақида мен эмас, мени ишлатадиганлар бош қотирсин”. “Тавба”, деди Устоз эшиттирмай. Шундоқ кўз олдида у ҳурмат қилиб келган фазилатлар нуқсонга айланиб бораётганди. “Раҳбарларимиз доно-да, – мулоҳаза қилди Устоз. – Яхшиям демократияга йўл бермайди. Бўлмаса, булар ҳамма жойни расво қилади” (у “булғайди” дейишга истиҳола қилди).

Яшил муковали дафтар Устознинг кўзига арининг уяси бўлиб туюлди. “Шогирд билан кечинмаларимни баҳам кўришаман, бугунги куннинг вакили сифатида унинг муносабатини биламан, деган эдим. Қайтанга, у мени маломатга кўмиб ташлаяпти-ку. Хайрият...” Бирор нарса таъма қилмаганини, бир гал Талаба ўзидан ортиб қолган икки дона олчадек курутни ташлаб кетаман, деганида ҳам мажбурлаб, қайтариб чўнтагига солиб қўйганини эслади-да, мамнун бўлиб кетди. “Нафсимни тийиб, кўп нарсадан ютаман-да!”

Шогирд тўғридаги унниққан курсида бамайлихотир ўтирарди. Каталакдек бу хонада оҳорли нарсанинг ўзи йўқ эди. Устоз оиласи билан ховлида яшарди, аҳён-аҳёнда бу жойга бош суқар, ўзининг ибораси билан айтганда, ижод қиларди. Ҳашамлардан холи, жўн бу маскан болалиги ўтган қишлоқ кулбасини эслатар, шунинг учунми, кадрдон ҳисларига қанот берарди. Шу чекка масканда чинакамига яйрарди. Шогирд шу “қаср”ни тартибга келтириш билан боғлиқ баъзи юмушларда қарашиб турар, яна ҳам аниғи – у билан баҳузур гаплашадиган энг қулай жой ҳам шу ер эди. Қизга муқаддас хилкатдек қарар, ундан уялар, бироқ баъзан ёшликнинг тизгинсиз пўртаналарими, шогирднинг ҳумор кўзларини сузиб қарашлари кўнглига ғулу солар, шунда тезда қизи Рухсорани эсларди-да, бирдан ҳовридан тушарди. “Бошқача бўлиши мумкин эмас”, дерди у.

Шогирддаги бугунги шахт уни хайрон қолдирди (у Талаба бугун айнан стипендиясини имтиҳондан баҳо олиш учун домланинг чўнтагига тикиб келганини билмасди). Худди карама-қарши кутбда тургандек, бу икки суҳбатдош ботиндан келиша олмаётганди. “Очиғи, бу дафтар менга қаттиқ таъсир қилди. Бу момони танийман-да. Бир умр ёлғиз ўтди. Фарзанд, оила насиб этмади. Кимларга сиғинди бўлмади у. Аммо яшашга иштиёқини сўндирмай, тўксон ёшида сўнгги кучини сарфлаб, ҳаёт йўлини қоғозга тушириб, нима умидлар билан менга етказганини эсласам, кампирнинг матонатига қойил қоламан. Яна унинг фаросатини қара, бисоти кимга аскатишини ҳам билган. – Устоз ўйчан тортиб қолган Талабани сергаклантириш учун кўнгилга тегадиган гаплардан сўзларди ўзича. Иероглифлардек дарж этилган сўзлардан кўнгли суратларини топмоқчи бўлади, сўзларни тўкиштириб, маъно чиқаради-да, ёш қизга тақдим этади. Зора ибрат олса, ўзини тарбияласа, деб ўйлайди. – Қара, нималар деб ёзибди: “Уйда туриб қолдим. Менинг кўнглим мулло Абдуллода эди. Ўз онам қари энак¹ деб ўртайди, ўзи ўн иккида эрга теккан-да. Ўғай онадек кун соларди. Яна йигирма ёшимда ўғай қайнона қўлига келин бўлиб бордим. Мен хамир қилсам, ҳаммаси ўчоқдан оқиб тушарди. Холбуви овсиним қайтадан хамир қилиб, нонни юларди. Уч ойдан сўнг бир қора сигирни уч қуллик бизаги билан Ҳамидулло оғамдан етаклатиб юборди. Боласи уч ойлик бўлганда Холбуви, Мингиш овсинларим эшакхонага айириб, қалтақлаб, икки кўзини кўр қилиб қўйишди. Ўзи охурга уриб олди, деди. Сўйиб еди. Учта кўрпани қавиб бераман, деб, бошидан бир қарич, охиридан бир қарич кесиб, Сафар ўғлини оти охурига ташлаган. Отам берган сигирни сотиб, беш метр қандир олгандим, бешигига ёпинчик қилибди. Рўзгордан баҳрим кўтарилди. Шу сирди ҳатто Бойкўзига айтмадим, йиғлайман. Иложим йўқ. Райис қайнағамга хат қилиб берсам бўларкан. Уч ой била турдик. Саккиз ой захар-заққум ютиб яшадим”.

“Сен қундошлик нималигини билмайсан, – қиз анграйиб қаради, – бошингга ҳам тушмасин. Худди икки оёқни бир этикка тиккандек. На унисида тинчлик бор, на бунисида ором. Ўзбек оиласини қундошлик хароб қилган. Қундошлардан тутилган гўдақларга қасоскорлик сўтдан ўтган бўлади. Бир отанинг болалари қирпичок”. Талаба воқеанинг давомига қизиқди.

¹ Энак – сигир.

“Сен яна у кишлокларни билмайсан. Сувлар шунака тиник бўладики, қарасанг, юрагинг кўринади. Шунданми, одамларнинг олди-бердиси тоза. Эшигида кулф йўқ. Қизларнинг юзини эмас, бўйини кўриш ҳам маҳол. Бир бурчакдами, панадами, қиз билан йигит гаплашиб турганини кўриб қолишса, шу лаҳзада хабар таркалади: “Фалончи фалончини ушлабди!” “Ушлабди” – бир тавки лаънат. Ушланган қизга ит теккан ҳисобланади, у бир умр тиззасини кучоқлаб ўтади. Яна “Ўйнабди” деган гап бор. Буниси нақ ўлимнинг ўзи. Орият бор-да уларда. “Орият нима, устоз?” “Орият?! Нима десам экан? Яъни, масалан, курашда укаси йиқилса, орига акаси чиқади”. “Акаси йиқилса-чи? Отасими? Қизик экан. Ҳозир орият йўқ, негаки, курашда йиқилса, акасини қўймайди. Оғирлигига қараб туширади. Қолаверса, кураш бошланмасдан олдин ким энгиши маълум бўлади”. “Сен мукаддас курашимизга соя ташлама”. “Спортда фирромлик кўп-ку. Ким обрў топибди?” “Сиз ёшлар... скептик бўлиб ўсайсизлар”. “Аксинча. Биз буюк боболаримизни танияпмиз. Уларнинг салобати олдида унча-бунча ҳақиқатлар кишини ишонтирмайди. Мана, сизнинг мулла бобонгизга қойил қолдим. У зотда сиз айтган орият кучли бўлган. Суқма қошиқдек ялтираган ияк билан жамоатга кўринишдан ор қилган. Шуни айтаман-да. Нега Худо ҳаромхўрларнинг жонини шундай тез олмайди?” Талаба бугун қаттиқ изтиробда экани аниқ эди. У сўлиш олиб, деди: “Сиз кишлокнинг тиник сувларини гапирасиз. – Сукут сақлаб қолди. Кейин айтди: – Бир ойлик ризқидан мосуво бўлган оч одам учун бегона тўшакда ётиш ҳеч нарса эмас”.

“Барибир назорат ишингни ёзиб бермайман. Ўзинг ёзасан, кўзинг чикқудек бўлиб”. Паст овозда, яна тескари қараб айтилган бу гапларни Талаба эшитмади, чамаси, Сафонур кампирнинг кейинги тақдири билан кизиқиб қолди. “Овсини билан келишиб кетибдими?” Мажруҳ овозда гапирар экан, яшил жилдли дафтарга аста қўл чўзди, уни олиб, лоқайд варақлади. “Мановисининг ёзуви чиройли экан. Аёл киши бўлса керак. Буниси майда хат, бугалтир ёзганми? Вой, бу чизикларни? Ўзи ёзган-а? Бечора. Котиблари ташлаб кетаверган. Кам ҳақ тўлаган. Алами келиб, йиғлаб ёзган бўлса керак. Саводи чакки эмас. Қарноблик дугонимдан яхшийкан”. “Ҳозир ҳам китоб ўқир экан. Туни билан кулбасининг чироғи ўчмайди, дейишади. Мук тушиб, ўқиб ўтирар экан”.

“Латифа жалабди эри билан расво бўлганимда Сарносиёга милиса борди, қандай амаллар (бўлгани)ни айтиб бердим. Ўғай онаси узатиб қўйганди, дедим”, дафтардаги ёзувлар шундай дарак берарди.

Онаси ўгайдан баттар ниргилаган “қари қиз” яна ўғай онанинг қўлига келин бўлиб боргач, турмуши заҳар-заққум билан ўта бошлайди. Тутқунликка тушган куш тиркиш изларди. Бу вазият ҳам юзага келади. Яна бир чалкаш тақдир афсонаси, афсона эмас, ҳақиқати – “райис қайнаға” омбор мудирнинг қизи, ёш келинчак Латифа билан дон олишаётгани овоза бўлиб кетади. Буни Латифанинг эри, ҳисобчи бўлиб ишлаб юрган Абдиқомил ҳам сезиб қолади ва аламзада кўнгиллар топишиб, тақдирдан қасос олишади – кишлокдан эркак ва аёл бир кечада гум бўлишади. Бу воқеа бутун ўрамда тоғ кўчкисидек даҳшатли овоза кўзгайди. Мулла Эминдавлатнинг қизи тақдирига ўт қўяди.

“Бу аёл ҳақидаги ҳикояларни момолар пичирлаб, “Ўзидан келган бало ўзи билан кетсин” дегандек, гижиниб эслаб қолишарди. Айниқса, бўйсира қизлар хузурида тилларини тишлашарди – бундай тақдирни ҳаром деб билишарди. Мен бу аёлни кўрганимда қирк ёшлардан ўтган, ҳар томонлама сулув бека эди. Буюк мусаввир Чингиз Аҳмаров қахрамонларининг нақд ўзи. Рассом уни тушида кўрганми, деб ўйлайсиз. Отаси тирик бўлганда, у ким бўларди? Ибораларининг ўткирлигини:

“Расво бўлиб юрган йилларим...” дейди. Ўша дамларини канчалик ёркин, айнан ифодалаган. Яна эрининг исмини (Бойқўзи) атайди, бирга қочган эркакни эса сир тутлади. Биз тарафларда аёлларнинг ўз умр йўлдошининг номини тутмаслик чуқур ҳурмат рамзи ҳисобланади. Сафонур шаръий никоҳли эркакни эмас, кўнгил амри билан танлаганини тан олайпти. Кампирнинг тийнатида улугворлик бор экан. У қалбан ижодкор экан (ҳатто “улуг!”)

Лаънати тузум канча тақдирларни каллаклаб ташлаган-да”. “Ўша авлоднинг чекига шу синов тушган”. Талаба тамиз билан мулоҳаза юритарди, унинг мантиғи беихтиёр “Бу авлоднинг чекига-чи?” деган саволни туғдирарди. Шуни сезгандек, Талаба гапни илиб кетди: “Азал ёзуғи бир хил. Моҳият ўзгармай қолаверади. Фақат сиёсатчилар шиорларни, пешлавҳаларни ўзгартириб, илиб қўйишади. Бой бойга боқар, сув сойга оқар. Оқ ит, қора ит – барибир ит. Камбағалнинг косаси ҳеч оқарганми?” “Камбағал камбағал бўлиш учун туғилган бўлса, уни бой қилиб бўлмайди. – Устоз чинакамига дарғазаб бўла бошлади. – Индамаса, одамнинг бошига чиқаман, дейсан. Нима бунча вижиллайсан?” “Интернет билан дўстман-да, устоз”.

Талаба ошхонага чиқиб кетди. Сувни очиб, идиш тўлдираётгани эшитилди. “Юзсизлигини. Худди отасининг уйидагидек ўзини тутди-я”. Талаба қўлида қизил нақш олма билан қайтиб кирди. Устоз уни кечки овқатдан кейин ейман, деб олиб қўйган эди. Алам қилсин, дегандек, олмани ғарчиллатиб тишлаб, гап бошлади: “Бугун мен боласини олдирган бўридайман. Момом ғазабга минса, ўзини шундай атарди. Устоз, қурбонликлар моддийлашса, ҳамма ваҳима кўзгайди. Ахир, ўқувчининг чўнтағига кўз олайтирган “Домлами, дамлами”ни мулла бобонинг соқолини қиртишлашга мажбур қилиб турган миршаддан нима фарқи бор? Бири одамни жисман ўлдираяпти, буниси ёш инсонни маънан чала ўликка айлантираяпти. Нозир агар эскилик саркити, деб соқолга қарши курашган ва ўтмишни ўлдирган бўлса, буниси келажакни барбод қиляпти-ку. Бир ойлик насибасидан ажралган киши ногоҳ бошка бир бузуқчиликка қўл урмайди, деб ким кафолат беради? Буни “устоз”и ўргатди-ку, шундай сабоқ берди-ку. Ўзимни бир нарса қилиб қўймасайдим”.

Ўй эгаси тамом мулазм тортиб қолди. У доим бу кизнинг ташрифидан саросимага тушарди: маккор, нималарни мўлжаллаяпти? Хушёр бўлишим, хушёрликни йўқотмаслигим лозим, деб ўзига сўз берганди. Бир йили “маънавий бузуқлик” қилган ҳамкасбининг муҳокамасида қатнашган эди-да. Душманингга ҳам бу кунни солмасин. Бугун чап ёни билан турган эканми? Эшикни очмаса бўлар экан. Очмаса ҳам кетмай тураверади, қўнғирокни жиринглаверади. Кейин кўшни хотин чиқади балқондан бўқоғини осилтириб бақирганча: “Очмайсизми? Ўйнашларингиз келди”. Бу гапни бутун “дом” эшитади. “Кизим”, деди аранг бошини кўтариб, шу зум кўзи қувлик билан қулиб турган шахло нигоҳга дуч келди. Таажжубки, у ўзи тилга олган ҳаёт қуйқалари қаршисида мағлуб эмас эди. Лаблари қимтилган, кўзини қисиб ҳам қўйдими, лунжида олманинг сўнгги бўлақлари айланар эди. Овозининг қандайдир шавқка тўла, яна жўшқин, илҳомбахшми-ей эканлигини айтмайсизми?

“Сиз менга ҳақиқий ҳаётдан хабар бердингиз, устоз. Пупанак нарсалар жонимга тега бошлаган эди, – Талаба имтиҳон топшираётгандан балоанд, худди диплом ишини химоя қилаётгандек жон-жаҳди билан сўзларди. – Мухаббат ҳар доим ғолиб. Мен ошқман. Қаранг, ишқ тошдан гул ундирган. Бегонага бўйини ҳам кўрсатмайдиган киз, ниҳоят, бегона эркак билан номаълум юртларга қочиб кетган. Мана, севгининг кучи”. “Бу ўринда севги рўл ўйнамаган. Ор учун қилган эркак. Хотинининг ўчини келинидан олган”. “Ор севгидан устунми? Наҳот севгидан устун туйғулар бор?”

“Бўлганда қандок. Мана, момонинг ўз эътирофини ўки: “Ҳам табелчи, ҳам монтер бўлиб ишларди. Пулни дасталаб олиб келади. Бир ғалтакни ўзимга раво кўрмадим. Тийинини тийинлаб қўлига топшираман. Пулни олаётиб, уч сўмни узатди. Сенга пул керак экан, менга ор керак, дедим. (Мана, шаънининг юксаклиги). Шу зайлда етти йил тукушдим. Қандай кунлар бошимдан ўтди?” “Эр-хотинлик бўлмаганими?” “Бўлган. Бу мумкин эмас. Аёл йўлида жисмини топшириши мумкин, лекин қалбини асрайди. Аёл шунинг учун ҳам аёлки...” Бу сафсаталар Талабага керак эмас эди. “Лекин фарзанд кўришмаган экан”. Бир кам дунё-да. Эски чолдеворларни бузиб, озод осмонда парвоз қилган ва қанча маломатларга рўбарў бўлган кушнинг маҳзун тақдири ҳақида ҳиссиз варақлардаги ажи-бужи ёзувлар совуққон сўзларди: “Гашти Тезгузарга ўн саккиз йил умр ўтказдим...” Бева бир чолга тан маҳрам бўлган, вояга етмаган болаларга оналик меҳрини бериб тарбиялаган. “Қизлар йўлимдан чиқмасди”. Гўдақлар улғайиб, ўз нонини ўзлари топиб ейдиган бўлгач, Сафонур кампир керак бўлмай қолган, уни қувиб юборишган. Охири “ўзи парвоз қилган макон”га қайтган – она авлодлари йўқлаб олишган. “Этажга тураман. Бебахтлик аъмомимга ёзилган экан. Зухра синглим келин қилгач, хабарлашмай кўйди. Отаси бошқалиги билинар экан”.

...Кимсасиз хонанинг чироғи ёруғ. Унда бир кампир куймаланади. Ўтган умрини ёруққа солиб, ундан таскин излайди. Айниқса, отасининг шавкатли йиллари, ўзининг хур ёшлиги унинг учун ёқимли. Ўша кунларини қумсаб, истаб яшайди. Йўқ, худди ўша кунларда яшаётгандек, вақт тўхтаб қолгандек. Шунинг учун ҳам у қаримайди, йилларни писанд қилмайди. Талаба таассуротларидан келиб чиқадиган дил изҳорини шу тарзда ифодалади. У Сафонурни ўзига дугона деб билди, фақат у йўл қўйган хатоларни такрорламаслик, унинг бой берган имкониятларини қўлдан чиқармасликка аҳд қилди. Қолаверса, унинг ишончи тагдор эди:


– Мен эса бахтли бўламан. Чунки мен келажакка сармоя ташлаб қўйганман. Меддан саккиз миллион олган бойвачча бир умр мени боқади, иш билан таъминлайди, иссиқ-совуғимга чидайди. Чунки мен унинг ёмон қунида емай-ичмай, оиламнинг ризкидан кийиб, шунча пулни тўлаганман. У кимларгадир арзимас чой-чақа бўлиб туюлар, менга эса... Рости, шимга пулим йўқ, икки юз минг туради. Борини бойваччамга берганман...

У чиндан ҳам бугун “боласини олдирган бўри”дек эди. “Ундан ҳамма нарсани кутиш мумкин”, дерди Устоз минғирлаб. Шундай бўлди. Талаба наъра тортди:

– Устоз, мен сизни севиб қолганман. Кетдик... Тўшакка...

Устоз шу жойда қулади. Ғолиблар йўли мағлублар лоши устидан ўтади.

Бу тарих вақт чиғириғида чирийди, кул бўлади, йўқолади – унутилади. Яқинда кишлоқда мени синглимнинг набираси танимади, шунча тушунтирсалар ҳам фаҳмламади. Бир мунис аёл, шумшук тақдирнинг баёни ҳам кимларгадир ибратли, кизик. Бошқаларга аҳамиятсиз. Бу ҳам бир инсон манзараси. Кимдир назар солади. Кимдир қараб турса-да ҳеч нарсани кўрмайди. Бир кун тўксон ёшли кампирни ҳам Худо бандам, дейди. Балки кимдир эски ақидаларни ёдда тутиб, унинг қабри устига садбаргул уруғини сепиб кўяр. Гул очилса, одамлар қабр эгасини эсламасалар ҳам, гулга кўзлари тушади. Шунда марҳумлар шаҳрини ғусса билан тарк этаётганлар калбида яна ҳаёт иштиёқи алангаланса, ажаб эмас. Тирикликнинг ҳикмати шу эмасми?



Мирзо
КЕНЖАБЕК

Мени ҳам соғинган бирор зот борми?

Ҳаёт гўзаллиги, олам ранглари

Беғараз болалик изларидадир,
Ошиқнинг вафоли сўзларидадир,
Онанинг умидвор кўзларидадир –
Ҳаёт гўзаллиги,
Олам ранглари.

Сен дўстандани хиёнат кўрган онингдан,
Кетди ҳаловатинг жисму жонингдан,
Шу йўсин охишта кетди ёнингдан –
Ҳаёт гўзаллиги,
Олам ранглари.

Қизларнинг жисмидан кетган ҳаёдор,
Йигитлар дилидан қочган зиёдор,
Золимлар дастидан қолган дунёдор –
Ҳаёт гўзаллиги,
Олам ранглари.

Бўхтон гирдобидан қолсангда маънос,
Мудом виждон билан яша юзма-юз,
Шубҳасиз, тегрангдан кўрсатади юз –
Ҳаёт гўзаллиги,
Олам ранглари.

Мирзо КЕНЖАБЕК – Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси. 1956 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ҳамда Имом Бухорий номидаги Ислоҳ институтида таълим олган. Шоирнинг “Мақтубларим”, “Қуёшга қараган уй”, “Муножот”, “Шарқ тили”, “Баҳорим еллари”, “Хушхабар” сингари китоблари чоп этилган.

Андухлар дилингга солмасин соя,
Қалбни тарк этмасин муқаддас гоя,
Йўқса, ибтидода топгай ниҳоя –
Ҳаёт гўзаллиги,
Олам ранглари.

Балки, у музликда ўсган майсадир,
Балки, у ёв кўксин тешган найзадир,
Изла, не бўлса ҳам мавжуд нарсадир –
Ҳаёт гўзаллиги,
Олам ранглари.

Ранг ва нур кўрмасанг куёшда, ойда,
Шижоат сезмасанг эгилган ёйда,
Билгинки, биз қалбни йўқотган жойда –
Ҳаёт гўзаллиги,
Олам ранглари.

Илоҳий санъат

Қайда бўлсам, кўкнинг тиник
Ойи ўшанда,
Парвардигор санъатининг
Пойи ўшанда.

Қай диёрда кезсанг,
Фазо чексизлигин кўр:
Боқ, осмоннинг энг баландроқ
Жойи ўшанда.

Муҳаббат шукронаси

Шукр дейман, муҳаббатли онларимга,
Қизил дарё бўлиб окқан унларимга,
Бу кенг дунё – зулми пинҳон кунларимга
Тор кетса ҳам, муҳаббатим кетгани йўқ.

Сурур топдим гоҳи ҳаёт ишларидан,
Омон чиқдим ялдоси бор кишларидан,
Бахтим кулиб, юрагимнинг даштларидан,
Қор кетса ҳам, муҳаббатим кетгани йўқ.

Ғам кўпайса, шўх чиқади чолғуларим,
Дардларимга ниқоб бўлар кулғуларим,
Кетгиси йўқ не-не гўзал туйғуларим
Зор кетса ҳам, муҳаббатим кетгани йўқ.

Ишқи борлар магар абад хор қолдими,
Ҳаммага кенг дунё сенга тор қолдими,
Йигит кўзи ёшландими, ор қолдими –
Ор кетса ҳам, муҳаббатим кетгани йўқ.

Бу муҳаббат мулкидан бир ривоятдир,
Сир аҳлига шу ибрат ҳам кифоятдир,
Севги дардни янгилашдан иборатдир –
Ёр кетса ҳам, муҳаббатим кетгани йўк.

Ажабмас

Хуш бўй келар узоқдан,
Эмин бўлсак тузоқдан,
Биз кўз тиккан бу боғдан
Райхон чикса, ажабмас.

Дема: “Қалбим гирёна,
Ишқ биноси вайрона...”
Қум ичиндан энди бир
Қўрғон чикса, ажабмас.

Хафа бўлма йиллардан,
Чекин ёвуз диллардан,
Бу бесадо тиллардан
Қуръон чикса, ажабмас.

Биз бадгумон эмасмиз,
Ёмон сўзни демасмиз,
Илон чиққан тешиқдан
Инсон чикса, ажабмас.

Нелар ўтди қошингдан,
Ёр, айланай, бошингдан,
Тўккан қатра ёшингдан
Уммон чикса, ажабмас.

Аҳли ишқ, аҳли иймон
Бошида минг имтиҳон,
Гирён яшаб, дунёдан,
Хандон чикса, ажабмас.

Термиз дарахтлари

Термиз – аجدодларга қадимий Ватан,
Еллари қалбимга берур фарахлар.
Лекин, ҳаёлимни тортар дафъатан
Хиёл бир томонга оған дарахтлар.

Аён, эркаликдан бу боғлар холи,
Чунки, касби бўлмиш кураш ва сабот:
Ниҳоллик чоғидан афғон шамоли –
Аччиқ қумлар билан сийламиш ҳаёт!

Ҳар шажар китобин еллар варақлар –
Яширин сир қолмас бирон япроқда:
Довулар қўйнидан урэн дарахтлар
Менинг юрагимга қараб келмоқда.

Тириклик ҳамиша талошли бўлур,
Ҳар кўчат бошида бўлғуси не ҳол?
Ҳаёт жабҳасида бардошли бўлур
Силтовлар ичида ўсгувчи ниҳол.

Игналари билан игна барглилар,
Шамолдан ўзига тикибдир ридо:
Яшил салтанатин сақлашга улар
Рақибдан химоя топибдир, ҳатто!

Термиз – аждодларга қадимий Ватан,
Тафти ҳам қалбимдан оташ сўроқлар.
Лекин, ҳаёлимни чулғар дафъатан
Силтовга дош бериб ўсган дарахтлар.

Шамоллар боғланиб, тинганда куюн,
Боғларни кузатдим, нечоғ бахтиёр!
Елларда – мозийлар саломи тайин,
Елларда – ёмғирлар хушхабари бор!

Ҳар юрак шажардан топурақ фарахлар,
Ҳар дилни яхшилик яшнатар тағин.
Лекин, силтовларда ўсган дарахтлар
Кўнглимга яқиндир, кўнглимга яқин!

Ғанимат

Эй дўст! Ғаниматдур ўтлиғ ёшлигинг,
Бундай буюқ давлат, шижоат қайда?
Сездирмай кексалик ёқангни тутса,
Гуркираган азму жасорат қайда?

Эй дўст! Ғаниматдур соғлик, хушёрлик,
Ҳали келмай туриб инжиқ беморлик,
Мажбурий дўст бўлса, сенга бедорлик,
Юрганинг ул соғу саломат қайда?

Эй дўст! Ғаниматдур бўш вақт – фароғат,
Машғуллик ёқангни тутса, надомат,
Эркин бир нафасга топмай ҳаловат,
Хотири жамлиги фароғат қайда?

Эй дўст! Фаниматдур бойлик – сарватинг,
Бир кун қўлдан кетса молу давлатинг,
Мухтожлар кадрига етса фикратинг,
Давлатинг йўғида саховат қайда?

Эй дўст! Фаниматдур тириклик, ҳаёт,
Рухсат сўрамасдан келганда мамот,
Ҳайҳот, имконларинг, фурсатинг барбод,
Қайтиши бўлмаган саодат қайда?

Мирзо, сўзинг бўлур на зар ва на сим,
Нубувват боғидан етмаса насим,
Жавомиъул-калим сўзидан сўзим –
Набий мақолидек зарофат қайда?

Чирмовик

Чирмовикнинг касби шулки,
Ҳаёт боғин чиритар.
Ўз танангдан озик олиб,
Ўз танангни куритар...

Сурат

Ғамгин суратлардан назарлар безор,
Ҳаёт табассумга, кулгуларга ўч.
Эй якин ғамларим, дилда тут қарор
Эй узок кувончим, суратимга кўч.

Зулмлар кўп бўлса ички оламда,
Ташда кўпроқ бўлур қувнок ҳашамлар.
Ахир, эл урфига бокгил қадамда:
Мотамни яширғай тўйлар, байрамлар.

Дилда исён қилса ҳисларинг барҳо,
Виждонинг долласа ерни тутгудек,
Қўйгил, ичда оксин Тўполондарё,
Зоҳиринг яшнасин тинч оқар сувдек.

Бас, ғамгин суратлар сандикда турсин,
Элга очилмасин дарду хижолат.
Кўнгил ун чекса ҳам, юзларинг кулсин,
Табассум ичинда беркинсин холат.

Ғамгин суратлардан назарлар безор,
Ҳаёт табассумга, кулгуларга ўч.
Эй якин ғамларим, дилда тут қарор,
Эй узок кувончим, суратимга кўч.

УСМОН НОСИР

Бузилади тарихнинг сир сандиклари,
Қазилади Магаданнинг хандаклари!..
Жасадинг йўқ, суягинг йўқ. Қайда қалбинг?
Чиғатойда пайдо бўлди янги қабринг.
Бўшлиқ додлар: бу не дунё? Бу не каср?
Усмон Носир!
Усмон Носир!
Усмон носир!

Шоирларни ёвлар ҳамон ғаним дейди,
Ватан ўлса-ўлар! Улар “жоним” дейди.
Ҳолбуки, ҳеч қонхўрликнинг чеки йўқдир,
Бино қурдик қон устида, теги йўқдир.
Қон бахрини сузиб ўтар жаллод аср,
Усмон Носир!
Усмон Носир!
Усмон Носир!

Бу дунёда сўз айтгали юрак керак,
Бу додларга етмоқ учун фалак керак!
Сен – юракнинг оловисан, яловисан,
Сен – оловнинг юрагисан, каловисан!
Сўйла, қачон хоинларинг бўлди басир? –
Усмон Носир!
Усмон Носир!
Усмон Носир!

Усмон! Сени ўлдирганлар пусиб яшар,
Кўкрагига темирларни осиб яшар,
Ўз халқининг ўзагини узиб яшар,
Шаҳидларнинг тириклигин сезиб яшар!
Ўздан чиққан балоларда қолди на сир,
Усмон Носир!
Усмон Носир!
Усмон Носир!

Шакирлайди камокхона калитлари.
Шоирларга хурар ернинг ҳар итлари!
Нидо бериб оналарнинг бешигидан,
Бу дунёнинг ҳар бир очик эшигидан
Кириб келар мана бугун, мана ҳозир –
Усмон Носир!
Усмон Носир!
Усмон Носир!

* * *

Мени ҳам соғинган бирор зот борми?
Дунёда хижрондек истибод борми?
Сизиб гул юзидан умрим ўтарми? –
Тиник кўзёшингга беркингим келди.

Учаман, юксакрок чорлар самолар,
Тубанга тортолмас мени иғволар,
Ғаюр ғийбатчилар, шум бенаволар,
Бас! Само, тўшингга беркингим келди.


Ерда на зўрим бор менинг, на зарим,
Қуллик не, Зулм не, Узлатим, қарим –
Ҳақ йўл иморати – Қуръони Карим,
Шаффоф оғушингга беркингим келди.

Дўстлардан юз бурдим, эркдан беркиндим,
Чангидим, тилсимот сочига индим,
Ёмон парчаландим, мен ёмон синдим,
Бир шафик очунга беркингим келди.

Сиз мени на шовкин-ғавғодан изланг,
На исён, на шеър, на дунёдан изланг,
Ёронлар, Мирзони Мирзодан изланг,
Ўз ичу тошимга беркингим келди.

АФСОНАВИЙ КЎЗГУ СИРИ

Саргузаит-детектив қисса



Даврон
СУЛТОНОВ

Муқаддима

Тун. Ташландиқ маскан зимзиё. Ҳар-ҳар ердаги шохлари тарвақайлаган дарахтлар ваҳимали кўринади. Бироқ у бошқа нарсадан, ҳар кунги рўзномаларда янгидан-янги даҳшати баён этилаётган ўша қадимий кўзгуни учратиб қолишдан кўрқарди, ҳатто бу ерга қандай келиб қолганлигини ҳам ўйламасди. Кўзгу тахминан уч аср олдин бир алкимёгар томонидан ясалган. Афсонага кўра, алкимёгар ўша буюми билан одамларнинг қиёфасини ҳамда умрини ўғирлаган. Аммо унинг бадқирдорлиги узоқ давом этмаган, одамлар уни тутиб, жиноятлари учун гулханда ёкишган. Шундан сўнг ўша даҳшатлар одамлар ёдидан кўтарилиб кетганди. Яқинда эса, кўзгу Натландия заминига келтирилди: кўркинчли воқеалар яна бошланди. Кимки унга қараса, зумда қариб, хокка айланмоқда. Бир неча сония ичида қариб, ўлим топмоқда. Энг ёмони, кўзгу ҳам турган ерида зумда бир ум кулга айланади-ю, яна исталган ерда пайдо бўлиб, навбатдаги қурбонини куйдириб, кул қилади.

У ҳар томон аланглаб нажот истаркан, шуларни хаёлидан ўтказди. Назарида, ҳадемай ўша кўзгуга дуч келиб, паймонаси тўладигандек дир-дир титрарди. Бир неча бор бақириб ёрдамга чақирди, аммо ҳеч зог жавоб қилмади. Гўё бутун оламда якка ўзи қолиб кетгандек эди. Ташландиқ масканнинг эса чек-чегараси кўринмасди. Бирдан яқин ерда нур кўринди. Юраги ғаш бўлса-да, ўша томон юрди. Етиб боргач, у ернинг кўзгулардан таркиб топган лабиринт эканлигини кўрди: Деворларда ўша машъум кўзгунинг ўнлаб нусхалари бор эди. У қаттиқ кўрқди, аммо қочиб кетмади. Гўё тақдирга тан бергандек, оёқлари ўзига бўйсунмай, ичкарига тортиб кетди. Ҳар бир кўзгу ўзидан нур таратар, айримлари ичида кўзлари юмилганча ҳавода муаллақ турган одамлар бор эди. Кўпларни танимади, сўнг ичкариларкан, бир неча танишини учратди. Уларнинг барчаси ўша кўзгуга боқиб умридан айрилган бахтиқаролар эди. У атрофга аланглаганча йўл охирига келди. Энг сўнггида турган кўзгуда бир кекса одам бор эди, фақат қария бошқалардан фаркли ўлароқ унга хунук жилмайганча тикилиб турарди. Йигит куни битганини хис этди. Шу дам бутун аъзойи баданини кучли оғриқ қамради. Жони оғриганидан бақирмоқчи бўлди, аммо инграшдан бошқа нарса чикмади. Қўлларига боқиб танаси кексайганига гувоҳ бўлди. Айни

Даврон СУЛТОНОВ – 1993 йилда тугилган. Гулистон давлат университети қошидаги Академик лицейни тугатган. “Марҳумнинг қасоси”, “Бўри одам”, “Абадият чашмаси” номли китоблари чоп этилган.

дамда ўзини чоллардек ҳис этарди. Қаршисидаги кўзгу ичидаги одам эса тобора ёшариб, хушбичим ёш йигитга айланарди. У барчасини, қаршисидаги одам ҳаётини тортиб олаётганлигини тушунди ва мадори қуриб кўзларини юмди.

Қишлоқчадаги жиноят

Натландия. 1877 йил

Шундоқ ҳам бу лаънати ўрмонда ғалати воқеалар кўпайиб кетаётганди. Бу воқеалар қанча маш-машаларга сабаб бўлмади. Бирок Шерман Ҳилбертнинг даҳшатли ўлими ҳаммасидан ошиб тушди. Андерсон туш вақти ўз кўзлари билан кўрган жасадни энди ўла-ўлгунича унута олмасе керак. Мана соат тунги бирга яқинлашиб қолдики, унинг кўзига уйку келмаяпти. Курсига ўтирганча деразага термиллади. У қишлоқнинг ягона полисмени ва қишлоқ яқинидаги ўрмоннинг нозирини. Уйи ҳам қишлоқнинг шарқий чеккасида, шундоқ ўрмон биқинида. Шу сабаб ҳам у бошқаларга нисбатан кўпроқ кўрқади. Бир кўли пичокни тутиб турипти. Ёнида енгил сўйил ҳам бор. Аммо барибир танаси титрашдан тўхтамайди. У сўнгги вақтларда жуда чарчаётганди. Қоқ тун ярмида аёли уни уйғотиб, ўрмон қаъридан

ИСТЕЪДОД КАМОЛ ТОПСИН

Даврон Султоновнинг “Афсонавий кузгу сири” номли асарини устида баҳслашиб қолдик.

Асар тили равон. Услуби ҳам, мазмуни ҳам жойида. Муаллиф ўзбек, аммо воқеалар Европада кечади, қаҳрамонлари ҳам ўша юрт вакиллари. Ўзга замон, ўзга макон! Бу қанақаси бўлди? Даврон Султонов чет эл адабиётидан бирорта детектив асарини таржима қилганмикин?.. Асарни таржима десак, у ҳам бинойидай...

Суриштиришини бошладик. Ёзувчининг асарлари таниқли адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев, ёзувчи Луқмон Бурихонларга таниш экан. Улар ҳам дастлаб биз каби ажабланишган, баҳслашишган... Ёзувчи Тўлқин Ҳайит Давроннинг “Бўри одам” романига сўзбоши ёзиб, “Худо берган иқтидор бор” лигини таъкидлаб, баҳсларга нуқта қўйгандек бўлибди...

Муаллифни таҳририятга таклиф қилдик. Ўттиз ёшлардаги, соддагина йигит, “Мен Даврон Султонман”, деб кириб келди. Жаҳон ва ўзбек детектив адабиёти ҳақида бироз заплашдик... Гап орасида унинг қишлоқда яшаши, Академик лицейни тамомлаганини билдик. 2015 йилда “Тафаккур” наشريётида “Марҳумнинг қасоси”, 2016 йилда “Ўзбекистон” наشريётида “Бўри одам”, 2018 йилда “Парадигма” наشريётида “Абадият чашмаси” романлари китоб ҳолида нашр этилганидан хабар топдик. Юқоридаги саволларимизни унга ҳам бердик.

– Ўйлаб топган воқеаларимни миллий ҳаётимизга олиб киролмадим. Воқеалар хорижда рўй берса, қаҳрамонларим ўзга юрт вакиллари бўлса нима қилибди, ўқувчисини топар, дедим... – Даврондан шундай жавобни эшитдик.

Адабиётнинг майдони кенг. Бу майдонга кириб келаётган яна бир даъвогарга, унинг истеъдодига қилни қирқ ёрар адабиётшуносларимиз баҳо берар, деган хулосага келиб ушиб қиссани эълон қилишини маъқул кўрдик.

Таҳририят

вахимали инграш эшитилаётганини айтарди. Болалари ҳам, ўзи ҳам тун бўлди дегунча юрак ховучлаб қолишарди. Ҳа, уларни кўркув чарчатарди. Бироқ бугун ҳар доимгидан ҳам кўпроқ толиқди. Жаноб Ҳилбертнинг дахшатли ўлими одамлар орасида тарқаб кетгач, хотини болаларини олиб қўшни кишлоққа, ота уйига кетди. Ҳозир хотини ёнида бўлганда ҳам, бошқа гап эди.

Жасадни жуда озчилик кўрди, бироқ шу озчиликнинг сўзлари қолганларни ҳам чўчитиб қўйди. Шаҳар маҳкама рахбари пойтахт бош маҳкамасига мактуб йўллади. Негаки, Нилскид шаҳри ва унинг атрофидаги кишлоқларда ҳали бундайин ўлим юз бермаганди. Эҳтимол, бутун мамлакат тарихида ҳали бунақаси бўлмагандир? Нима бўлганда ҳам, маҳкама ходимлари ёрдамга мухтож. Бўлиб ўтган воқеалар хусусида барча турли тахминларни илгари сурса-да, ҳеч ким уни ҳаққоний йўсинда изоҳлай олмасди.

Андерсон шулар ҳақида тинимсиз ўй суради. Ўйлайвериш боши шишиб кетди. Бир неча бор чарчоқ ўз кучини кўрсатиб, кўзи илинди. Аммо қиска тушларида ҳам шу муаммолардан қутула олмасди. Икки бор ўзининг бакиригидан уйғониб кетди. Айниқса, иккинчи босинкираши анча ваҳимали кечди. Бунга бир соат бўлди, энди кўзига уйқу келмасди. Эҳтимол, қиска уйқу озгина бўлса ҳам, қувват бўлгандир?

Ногаҳон, итнинг инграши эшитилди. Андерсон ўрнидан сапчиб турди. У адашиши мумкин эмас. Бу итнинг кўркувдан инграши эди. У пичогини титроқ қўлида маҳкам қисиб, иккинчи қўлига сўйилни олди, сўнг дераза ёнига келиб, ташқарига мўралади. Ҳовлисидида бир одам турар, у итнинг тасмасини тутиб олганди. Итнинг оғзи боғлоғлик бўлиб, шу сабаб овози паст эшитиларди. Типирчиларди-ю, ўзини тутиб турган одамга яқин йўлай олмасди.

– Жаноб Андерсон! – деди ташқаридаги одам.

Дераза ёнида турган Андерсон ўзини панага олди. Юраги яна ҳам тезроқ ура бошлади. У овоз эгасини таниди. Адашиши мумкин эмас, мингта одам орасида кўзи юмук бўлса ҳам, унинг овозини танийди. Наҳотки, барча кўнгилсизликлар ортида у турган бўлса? Андерсон хаёлига ярк этиб шу фикр келди: “Ахир, мен унга...”

– Жаноб Андерсон, – ташқаридаги одам унинг хаёлини бўлди, – биламан, уйдасиз. Бирон жинниликни режалаштирмай, бу ёққа чиқинг! Сиз билан гаплашиб олишимиз керак. Чин сўзим, агар айтганларимни қилсангиз, сизга зиён етказмайман. Борди-ю, мен билан келишиб иш қилмасангиз... – ҳовлидаги одам бир нафас тин олиб, ўзгарган оҳангда давом этди. – Рафиқангиз ва болаларингиз ҳозир қаерда эканлигини биламан. Менга ишонаверинг, уларни топиш муаммо бўлмайди. Энди мени куттирмай, ташқарига чиқинг!

Ойласи ҳақидаги таҳдид Андерсонни ғазаблантирди. Унда ўзгача куч, собитлик пайдо бўлди. Ўлиб кетса ҳам, бу разилни ойласига яқинлатмасликка ҳаракат қилишни ўз бурчи, деб билди. Шаҳдам қадамлар билан даҳлизга йўналиб, эшикни тегиб очди.

– Агар оиламга қўлингни теккизгудек бўлсанг, билиб қўй, у дунёдан қайтиб бўлса ҳам, сени ўлдираман!

– Жаноб Андерсон, – меҳмон қўлларини ёзди, – мени ким деб ўйлаяпсиз? Наҳотки, болаларингизни ўлдиришга қўлим борса? Мен шунчаки, бирон ишқал бўлмасдан тезроқ чиқишингиз учун шундай дегандим. Негаки сизни вафодор эр, меҳрибон ота эканлигингизни биламан, – меҳмон сўнгги сўзларига алоҳида ургу берди.

Ўйлаганидек, бу Андерсонга таъсир қилди.

– Мендан нима истайсан? – аввалгидек дағал оҳангда давом этди Андерсон.

– Мана бу бошқа гап. Дастваб, сизга бир кичик томошани кўрсатмоқчиман. Зеро, бугунги келишувимиз ўз кучини мангу саклаб қолмоғи лозим. Ҳозир шартларимга “Ҳа”, деб, эртага оркамдан пичок уришингизни истамайман, – меҳмон шундай дея ёнидан бир буюмни чиқарди.

Шу дамгача типирчилаётган ит баттар жазавага тушди. Ҳадемай ўзи билан қандай дахшатли воқеа рўй беришини юраги сезиб, инграши кучайди. Андерсон кўплаб ўлим қуроолларини кўрган, аммо бунақасини умри бино бўлиб кўрмаган эди. Меҳмон ўша машъум қуролини ишлатди: ит типирчиланганча зумда жон берди. Бир неча сония ичида юнги тўкилди-ю, танаси чириндига айланди. Жаноб Андерсон бу ёвуз мўъжизадан ларзага келди. Кўз олдига рафикаси, шириндан-шакар болалари келди. Қўлидан пичоғи тушиб, ўзини меҳмоннинг оёғига отди.

– Илтимос, болаларимга раҳм қилинг! Майли, мен ўлишга ҳам розиман. Фақат, болаларимга раҳм қилинг! Ахир, улар хали жуда ёш. Бу дунёга келиб, нима кўришди?

Меҳмон Андерсонга ғолибона жилмайди. Андерсонни бежиз танламади. У жуда кўрқок ва бу ишларда кўп нарсани билиб олганди. Энди ундан ўз мақсади йўлида истаганича фойдаланиши мумкин. У эгилиб, Андерсоннинг кўз ёшларини артди.

– Жаноб Андерсон, наҳотки, мени болаларингиз жонини олади, деб ўйлаётган бўлсангиз? Агар айтганларимни сўзсиз бажарсангиз, уларга ҳеч қандай хавф соя солмайди.

– Нима қилишим лозим?

– Эртага пойтахтдан кучли мутахасис келади. Бошланишига бугунги кўрсатмаларингизни такрорлаб тураверасиз, – меҳмон Андерсонни ўрнидан турғазиб, унга жилмайди.

Икки соатдан сўнг

Андерсон нима учун тунда бу кўркинчи қабристонга келганларига ва анча олдин ўлиб кетган одам қабрини казиётганига тушуна олмади. Ҳамроҳи уни шу ерга етаклаб келиб, мана шу қабрни кўрсатиб, қазишни буюрди, холос. Бошқа ҳеч нарса айтмади. Андерсоннинг ўзига қолганида тунда бу ерга ҳеч қачон келмаган бўларди, аммо гап болалари тинчлиги ҳақида бормоқда эди. У белкурак билан тупроқни юқорига тинимсиз улоқтирганидан жуда чарчаб, танаси қора терга ботди. Ниҳоят, белкурак учи тобутга такиллаб урилди. Бундан ҳамроҳи ҳам мамнун жилмайиб қўйди. Унинг ёнига тушиб, тобут устини тозалашга ёрдамлашди. Сўнг тобут оғзини очишди. Жасадни ўзлари билан олиб кетиш учун копча солишди-да, ўрадан чиқишди.

– Бўла қолинг, Андерсон, ҳадемай тонг отади. Қабрни қайта кўмиш керак.

Андерсон яна ишга киришди. Ҳайтовур кўмиш қазишдан осонроқ кечди. Қабрни имкон қадар аввалги кўринишига келтиришди. Сўнг копча кўтариб, ўрмон томонга юришди. Ўрмонга етишгач, ҳамроҳи Андерсонни тўхтатди.

– Бу ёғини ўзим эплайман. Сиз эса уйингизга қайтиб, яхшилаб ором олинг. Эртага қиладиган ишларингиз кўп бўлади.

* * *

Пойтахт маҳкамасининг бош инспектори Эдвард Робсон Нилскид шахрига эрталабки соат саккиз яримда етиб келди. Темир йўл бекатида уни маҳкама

фойтунида полисмен кутиб турарди. Ёмғир шивалаб ёғар, одам гавжум эди. Фойтун ўн беш дақиқада маҳкама биносига етиб келди. Инспектор Робсон елкаси кенг, калин соқол мўйловини доимо калталатиб юрадиган батартиб инсон эди. Раҳбар хонасида тўрт киши бор эди.

– Хайрли кун, жаноблар! – деди инспектор Робсон шляпасини олиб. – Мен пойтахт маҳкама бош инспектори Робс бўламан. Бу ерга жаноб майор Уорсоннинг чақириги билан келдим.

– Хуш келипсиз, инспектор! – деди тўлачадан келган маҳкама раҳбари – Майор Уорсон мен бўламан. Пойтахтга ўша мудҳиш хабарни мен йўллагандим. Ўзингиз ҳам ўкиб билган бўлсангиз керак, кеча шахримизга яқин бўлган қишлоқда даҳшатли воқеа содир бўлди.

– Мақтубингизни шахсан ички ишлар вазири ҳам ўкиб чиқди. Олдиндан шуни айтишим жоизки, бу кўпчиликнинг оромини бузди. Бунақаси ҳали ҳеч қаерда бўлмаган. Жаноб вазир бу воқеа атрофга ёйилиб, аҳоли орасида шов-шув бўлишидан чўчимокда. Шу сабаб бу ерга келишимдан олдин ишнинг ниҳоятда махфий қолишига буйруқ берди. Гап мамлакат тинчлиги ҳақида бормокда. Модомики, иш менга топширилаётган экан, бўлиб ўтган воқеага шохид бўлганлар ёки у ҳақда маълумот билганлар тилларига маҳкам бўлишлари лозимлигини айтмоқчиман. Агар биронта журналист бу ерга келиб, сизларни сўроққа тутса, уларга оғиз очмасликларингиз керак. Журналистлар учун бор нарсани бўрттириб кўрсатиш осон. Бу билан улар аҳолини саросимага солиб, кўпроқ рўзнома сотиш орқали яхши фойда кўришга интилишади.

– Сизни тушундим, инспектор, – деди майор Уорсон. – Марҳамат қилиб, бу ерга ўтириб олсангиз, – майор унга бўш курси кўрсатиб қолганларни таништириб чиқди.

Башанг кийинган, озғин киши, ўлими билан кўпчиликнинг тинчини бузиб қўйган, мархум Шерман Ҳилбертнинг нотариуси, ўттиз беш, қирқ ёшлар орасидаги, Робсон сингари бакуват одам шу ернинг бош инспектори Шон Пейнкрофт бўлиб, учинчи, қария инсон эса ўша қишлоқнинг ягона шифокори доктор Жейкоб экан.

– Инспектор Пейнкрофт ва доктор Жейкоб мархум Шерман Ҳилбертнинг яқин дўстлари эди, – сўзида давом этди майор Уорсон. – Улар мархум ҳақида етарлича сўзлаб беришади, яъни тергов жараёнида улар сизга ҳамроҳ бўлишади, фақатгина, гувоҳ сифатида. Барча ваколат сизнинг қўлингизда. Бироқ жаноб нотариуснинг миждозлари ҳам, ишлари ҳам мўл. Мен у кишини мархумнинг васиятини ўкиб эшиттириши учун бу ерга чақирган эдим. Эҳтимол, бу сизга ёрдам берар, деб ўйладим. Жаноб нотариусдан керагини тинглайлик-да, сўнг у кишига жавоб берайлик. Фойтун қишлоққа кетишга шай бўлиб турипти. Ҳамроҳларингиз қолган гапларни йўлда гапириб беришади.

– Сиз оқилона иш тутгансиз, майор, – деди инспектор Робсон. – Ҳали воқеадан яхши хабардор бўлмасам-да, васиятномада нима қайд этилганини билиш зарар қилмаслигига аминман. Кўпгина ҳолларда, айнан, васиятномалар жиноят чигалини ечишга ёрдам беради.

– Жаноб Шерман Ҳилберт нафақат бу яқин ерларнинг, балки мамлакатнинг энг бадавлат одамлари сирасига кирарди, – сўз бошлади нотариус. – У кишининг жанубий вилоятда ҳамда Африкада қатор корхоналари бор. Ҳозирда уларни мархумнинг ёлғиз ўгли бошқармоқда.

– Наҳотки, мархум ўша машҳур жаноб Ҳилберт бўлса? – хайратини яшира олмади инспектор Робсон. – У ҳақда кўп бор эшитган эдим.

– Худди ўзи. Жаноб Ҳилберт кўпдан буён барча ишларни ўғлига топшириб, ўзи туғилиб ўсган қишлоғида сокин ҳаёт кечирарди. Дабдабани ёқтирмас, оддий одамлардек яшарди. Унинг ўғлига отасининг вафоти ҳақида хабар бердик. Ҳадемай етиб келса, ажабмас. Жаноблар, ўзларингиз ҳам тушуниб турган бўлсангизлар керак, аслида, васиятномани кичик Ҳилберт гувоҳлигида ўқишим керак эди. Бироқ бу ишлар талаби билан унинг мазмунидан сизларни огоҳ этишга тўғри келмоқда.

Барча кўчмас мулклар ҳамда мархум сармоясининг асосий қисми унинг ёлғиз ўғлига қолган. Ўндан ортик қийналган оилаларга маълум миқдорда пул қолдирилган. Бу ерда ўша инсонларнинг рўйхати келтирилган, – дея нотариус бир қоғозни инспектор Робсонга тутқазди. – Мархум васиятининг сўнггида икки қалин дўсти: жаноб Пейнкрофт ва жаноб Жейкобга олтин ҳисобида ўн минг натал (мамлакат пул бирлиги)дан қолдиражагини қўшимча қилган. Бори шу, – нотариус инспектор Робсонга яна бир қоғозни бериб, қолган нарсаларини йиғиштирди-да, ўрнидан турди. – Жаноблар, энди руҳсатларингиз билан сизларни тарк этсам, зеро, ишларим кўп...

– О, албатта, жаноб нотариус, – деди раҳбар қолганлар сингари ўрнидан туриб. – Келганингиз учун, яна бир бор ташаккур.

– Бу жумбоқни ечишда бирон нафим тегса, хурсанд бўламан. Қачондир ёрдамим зарур бўлса, тортинмай мурожаат этаверинглар, – нотариус ҳаммага хурмат кўрсатиб, хонани тарк этди.

Жаноб Уорсон эшик ёнига келиб тўхтади-да, инспектор Робсонга юзланди.

– Инспектор Робс, ўйлашимча, жаноб Ҳилбертнинг жасадини кўришга шошиляпиз.

– Худди шундай. У ҳақда кечадан буён бош қотираман.

– У ҳолда ортимдан юрсангиз.

Тўртовлон йўлак орқали кенгрок хонага боришди. Узун столда устига мато тортилган жасад ётарди. Инспектор Пейнкрофт унга яқинлашишга бетламади. Мадори қуриган одамдек эшик ёнида қолди. Доктор Жейкоб эса аксинча, дадиллик билан матони олиб ташлади. Столда кўринишидан бир неча йил олдин вафот этган одамнинг жасади пайдо бўлди. Уни ҳатто ўн йил олдин ўлган, дейиш ҳам мумкин эди. Майит чириганидан қиёфасида шахсини танитувчи бирон белги қолмаганди.

– Нахотки, бу ўтган кун вафот этган одамнинг жасади бўлса? – ҳайратини яшира олмади Робсон.

– У туш вақтида вафот этди, – деди инспектор Пейнкрофт. Қолганлар уни унутиб қўйишган эди. Изоҳ берганида унга боқиб, ранги қув ўчганлигини кўришди.

– Пейнкрофт, ахволингиз яхшими? – доктор Жейкоб сумкасидан дори олиб, унга тутқазди.

– Ташаккур, доктор. Дори шарт эмас.

Бироқ доктор Жейкоб дорини унга мажбурлаб ичирди. Жаноб Уорсон бўлса, инспектор Робсонга яқинлашиб, паст овозда шивирлади:

– Мудҳиш воқеа унинг кўз ўнгида содир бўлган. Ҳали ҳам асаби мустаҳкам экан. Кечаги ахволидан сўнг ақлдан озиб қоладими, деб кўркаётган эдик, – жаноб Уорсон Пейнкрофтга юзланиб, овозини баландлатди. – Пейнкрофт, яхшиси, менинг хонамга қайтинг. Биз ҳам ортингиздан чиқамиз.

– Йўқ, жаноб майор, ахволим яхши.

– Қайдан яхши бўлсин? Бу ахволда ҳозир ҳушингиздан кетасиз. Бу буйруқ, дўстона маслаҳат эмас.

Инспектор Пейнкрофт ортикча қаршилик қилмай, йўлакка чикди. Доктор Жейкоб жасад яқинлашди-да, инспектор Робсонга савол берди:

– Хўш, инспектор, бунга нима дейсиз?

– Очиғи, бундай вазиятга биринчи бор дуч келишим. Жасад кеча туш маҳали ўлганини айтмаганларингда, уни беш ёки ўн йил олдин ўлган, дейишимга етарлича асос бор эди.

– Менимча ҳам, шундай. Жасад анча эскига, худди ўн йиллик қабрдан қазиб олиб олингандек. Мен ҳатто ҳали ҳам бу жасад кадрдон дўстимга тегишли эканлигига ишона олмаяман. Бирок Пейнкрофтнинг айтишича, Шерман унинг кўз ўнгида бир неча сония ичида кескин қариб, шундай кўринишга келиб қолган.

– Жасадни текшириш жараёнида бирон нима топдингизми?

– Факат, бир нарса, – доктор Жейкоб кескир тигли асбобини олиб, жасад қўлини кесиб кўрди. – Кўряпсизми, мушаклар худди эриган мумдек устухонга ёпишиб қолган. Эҳтимол, танани оловга маълум масофада яқин тутилса, шундай кўринишга келар? Мен кеча куёнда шундай амалиётни ўтказдим. Бирок натижаси ўхшаш бўлмади. Куён эти оловда куйгани яққол билиниб қоляпти, Шерманнинг мушаклари эригану, оловда куйганлигини исботловчи из қолмаган. Шуни ҳам унутмаслик керакки, куён ва инсон мушаклари бир хил бўлмайди. Агар қачондир имкон туғилса, мен одам танасида ҳам бу амалиётни ўтказиб кўрарман ва бу бирон натижа берад. Ҳозирча эса бошқа ҳеч нарса айта олмаман.

– Демак, жасад кеча ўлганига инспектор Пейнкрофтдан бўлак ҳеч ким ишонмаяпти? – деди инспектор Робсон бир дақиқалик ўйланишдан сўнг.

– Бу табиий, – жавоб қилди майор.

– Назаримда, буни аниқлашнинг бир йўли бор, – ёнидагиларга жиддий тикилди инспектор Робсон.

– Қандай?

– Ўша қишлоқчанинг ўз қабристонни борми?

– Албатта.

– У ҳолда, жаноб майор, икки одамингизни ўша ерга юборинг. Ҳар эҳтимолга қарши бу ерга яқин бўлган қабристонларга ҳам одам юборинг. Улар эски, бирок яқинда казув изи қолган қабрни кидиришсин.

– Бу ажойиб фикр, – деди майор. – Сиз жасад анча олдин ўлган бошқа одамга тегишли, деб ҳисобляпсиз. Аммо Пейнкрофт ўлимга шохид бўлган. У бизни алдаши мумкин эмас. Сизнинг фикрингиз уни ёлғончига, ҳатто эҳтимолки, жинойатчига чиқаради. Сўзларингиз тўғри ҳам, дейлик, бирок Пейнкрофтга энг яқин дўстини ўлдиришдан нима фойда?

– Ҳар нима бўлиши мумкин. Бироз олдин васиятномада унга ўн минг пул қолганини эшитдингиз. Бу кичкина пул эмас. Муҳтожлик одамни ҳар қандай йўлга бошлаши мумкин. Мўъжизакор ўлим эса жинойатга парда тортади.

– Бемаъ依лик. Мен Пейнкрофтни кўпдан биламан. Унинг қўлидан бундай қабихлик келмайди.

– Қизишманг, майор. Бу, шунчаки, бир фараз. Бизнинг ишда эса ҳар бир фараз текшириб кўрилмоғи шарт.

– Мени маъзур тутинглар, жентльменлар! – орага қўшилди доктор Жейкоб. – Модомики, мен ҳам бу ишда қатнашаётган эканман, у ҳолда ўз фикрларимни айтганим маъқул.

– Марҳамат, доктор, – деди инспектор Робсон. – Балки, нимандир биларсиз.

– О, сизга етгулик бир қанча маълумотларни биламан. Авваламбор, жасад анча

олдин ўлган бошқа одамга тегишли, деган фикрингиз мени ҳам хурсанд қилгани, ҳам ташвишлантириб қўйганини айтмоғим лозим. Гап шундаки, менинг ёш бир ёрдамчим бор. Эрик Брэдли исмли илмга чанқок, ёқимтой, аммо бахтга қарши бедаъво дардга йўлиққан йигит. У икки ҳафта бурун марҳум дўстим Шерман билан жанжаллашиб қолганди. Кеча дўстим вафот этгач эса, инспектор Пейнкрофт уни асосий гумондорга чиқариб қўйди. Эмишки, дўстим Шерман Ҳилбертни, айнан, менинг ёрдамчим Эрик Брэдли ўлдирган. Бунга ҳеч бир далил йўқ, албатта. Бирок кўпчилик бир воқеа туфайли Эрик Брэдлини ёмон кўриб қолганди. Сизнинг фикрингиз, ёш ёрдамчимнинг айбсиз эканлигини тасдиқлаши мумкин. Аммо ёш дўстим Пейнкрофтни жиноятчига айлантиради. Мен хурсанд бўлишни ҳам, хафа бўлишни ҳам билмай қолдим.

– Сўзингизни бўлганим учун, узр, доктор Жейкоб. Бирок менга ўша Эрик Брэдли жаноб Ҳилберт билан жанжаллашиб қолиши ҳамда ҳамма уни ёқтирмай қолгани сабаби бўлган воқеа ҳақида етарлича гапириб бермадингиз.

– Бу ҳақда йўлда Пейнкрофт иккимиз етарлича гапириб берамиз. Ҳозир эса бир нарсани айтмоқчиман. Инспектор Пейнкрофтнинг бир бебош укаси бор эди...

– Доктор Жейкоб, бу инспектор Пейнкрофтнинг аҳволини оғирлаштиради, холос. – Докторнинг сўзини бўлди майор.

– Майор, бу кетишда сизни ишдан буткул четлаштираман, – деди инспектор Робсон. – Сиз терговга халақит беришга урнияпсиз... Доктор, давом этинг!

– Инспектор Пейнкрофтнинг укаси жуда учар ёлгончилар тоифасидан. Пейнкрофт бир неча бор укаси қилмишлари учун жарима тўлаган. Охир оқибат ўтган йили укаси унинг ўзини чув тушириб кетди. Мўмай пулни олиб мамлакатни тарк этди. Тўрт минг натал пулни тўлаш инспектор Пейнкрофтнинг гарданига тушди. Расмий ҳужжатларда унинг имзоси бор. Қарздорлар унинг ҳалол, диёнатли одам эканлигини инobatга олиб, пулни бўлиб-бўлиб тўлашига рози бўлишди. Уларнинг бундан бўлак йўли ҳам йўқ. Пейнкрофт умрида бунча пулни кўрмаган. Дўстим Шерман иккимиз унга бир неча бор беғараз ёрдам таклиф этдик, бироқ у ёрдамимизни рад этди. Пулни эса, ҳар ой белгиланган кунда тўлаб турипти. Яқин йигирма йил ичида ҳам уза олмайди. Унгача нафакага чиқади, кейин нима қилади, хайронман.

Инспектор Робс, Пейнкрофт ҳозирда пулга мухтож, аммо у ўз дўстини ўлдириши мумкин эмас.

– Эҳтимол, – деди инспектор Робсон ўйчанлик билан. – Назаримда, ҳал эшитишим керак бўлган нарсалар анчагина. Энди вақтни ўтказмай, воқеа жойига йўл олсак. Афсуски, бу ёмғир изларни ювиб юборади, – инспектор сўзида тўхтаб, майорга юзланди. – Шу сабаб қабристонларга юборадиган одамларингизга сергак бўлишларини тайинланг. Улар фақат қазилган қабрни топишлари керак. Қабрни текширишга ўзим бошчилик қиламан... Ҳа, я, айтганча, – инспектор Робсон эшик ёнида тўхтаб, ортига ўгирилди, – Пейнкрофтни доимо ўз ёнимда олиб юраман. Шу тариқа у назоратим остида бўлади. Тажрибали ходим сифатида ўзидан шубҳаланаётганлигимни сезиши мумкин, бироқ ҳеч бирингиз унга асосий гумондор эканлигини айтманг.

– Бундан кўнглингиз тўқ бўлсин, инспектор, – деди майор. – Ёмғирда баъзи изларни ювиб кетган бўлиши мумкин, аммо баъзи излар борки, қор ҳам уларни беркита олмайди. Жаноб Ҳилбертнинг ўлими ягона даҳшат бўлмади. Ваҳимали воқеалар анча олдин бошланган эди.

Улар хонадан чиқишди. Инспектор Шон Пейнкрофт йўлак охиридаги курсилар-

дан бирида ўтирарди. Майор уларга оқ йўл тилаб, шу ерда қолди. Қолганлар бинони тарк этгач, олти одамани ёнига чорлади.

– Йигитлар, қанчалик чарчаганларингни биламан. Бироқ ҳозир ёмғирда шалаббо бўлиб, сайр қилишларингга тўғри келади. Қабристонларга бўлиниб, сохиби анча вақт олдин вафот этган, бироқ яқинда қазилиб, эхтимолки, изи яширилган қабрни излайсизлар. Фақат излайсизлар. Топганларингдан сўнг, менга ёки инспектор Робсга хабар берасизлар. Тушунарлими?

Полисменлар бир-бирига қараб олишди. Сўнг бир овозда жавоб беришди:

– Ҳа, сэр.

* * *

Инспектор Робсон икки янги таниши билан маҳкама ховлисида турган фойтунга жойлашди. Ёмғир сустлашиб қолган, бироқ қишлоққа олиб борувчи йўл лой бўлиб кетганди. Кучер отларни секинроқ юргазिशга мажбур бўлди.

– Қанчада етиб борамиз? – деразадан атрофга разм солганча сўради инспектор Робсон. Унга секин юраётганлари ёқмаётгани сезилиб турарди.

– Одатда қирк-қирк беш дақиқаларда етилади. Бироқ мана бундай об-ҳавода бир соатдан ошиқроқ вақт кетади, – жавоб қилди Пейнкрофт.

– Вақтимиз кўп экан. Энди менга сўзлаб бермоқчи бўлган воқеаларни бошласаларинг ҳам бўлар, деб ўйлайман.

– Ҳаммаси ўтган ойда бошланди, – ҳикоясини бошлади Пейнкрофт. – Мўъжаз қишлоқчада ғалати ҳол юз бера бошлади. Одамларнинг ит ва мушуклари туйқус ғойиб бўлар, биронтаси на ўлик, на тирик ҳолда топилмасди. Қишлоқ кичик ўрмонга туташ. Ўрмон этагида бир неча хонадон бор. Менинг ҳикоямга уларнинг иккитаси алоқадор бўлиб, бирида Андерсонлар, иккинчисида Брэдлилар истиқомат қилишади. Жаноб Андерсон қирқни қоралаган, тўлачадан келган хушчаққак, аммо бахтга қарши бироз кўрок одам. У тинч қишлоқчасининг ягона полисмени, шунингдек ўрмон нозири. У рафикаси ҳамда тўрт боласи билан тинч-тотув яшаб келмоқда. У билан ҳадемай кўришасиз. Андерсон ҳозирда бир гуруҳ полисмен билан кеча жаноб Хилберт вафот этган жойда соқчилик қилмоқда.

Брэдлилар оиласи қишлоқчанинг энг қашшоқ оилаларидан бири. Жаноб Брэдли вафот этганига кўп бўлган. Ҳозирда йигирма уч ёшли Эрик Брэдли исмли йигит оила бошлиғи. Унинг нафақахўр онаси ҳамда синглиси бор. Эрик Брэдли ёқимтой, хушмуомала, илмга чанқок, аммо минг таассуф бўлсинки, бедаъво дардга йўлиққан йигит. У бир вақтлар пойтахт олий ўқув юртларидан бирига ўқишга кирган. Аммо кибр-ҳавода беназир бир неча профессор йигитчани чиқиштирмаган. Боланинг пулга муҳтожлиги қўл келиб, улар Брэдлини ўқишдан шармандаларча ҳайдашган. Ўшанда Эрик руҳан синиб қолганди. Юрагида минглаб эзгу орзулари бўлган йигитнинг, дабдурустан, адолатсизликка, бир гуруҳ каландимоғларнинг кабиҳлигига дуч келиб, тушкунликка тушиши табиий ҳол. Жаноб Шерман Хилберт ўшанда унга ёрдам қўлини чўзмқчи бўлди. Брэдлига моддий томондан беғараз ҳомийлик қилишини айтди. Жаноб Хилберт кўплаб оилаларга мурувват кўрсатиб келарди. Аммо Эрик таклифни рад этди. У жуда ғурурли бола эди. Ҳатто рухий аҳволини тезда ўнглаб олди. У ўзининг кўплаб лўттивоз олимлардан устун эканлигидан хурсанд эди. Пойтахт университетини эса ўзига тенг билмади. Ўзини ўша ерда, лўттивоз профессорлар қўлида таҳсил олишини шаъни учун ҳақорат деб билди. Биз бунга ишонамиз, негаки, Эрик тутган ерини қўйиб юбормайдиган,

нимани ниёт қилса, албатта, мақсадига етадиган иродали йигит. Агар ўқишни давом эттиришни истаганида, бунга эришган бўларди. Кейинчалик у доктор Жейкобнинг ёрдамчисига айланди. Доктор туфайли у рўзгорини ҳам бирмунча тиклаб олди.

– Эрик менинг энг яхши шогирдим, – деди доктор Жейкоб. – Ҳозир у қўлоғимга айланган. Қариб, ҳар ерим қақшаб оғрийдиган бўлиб қолган. Билмадим, усиз ҳолим не кечарди? Шу сабаб унга хизматига нисбатан кўпроқ пул тўлар экан, деб ҳадиксираманг, инспектор Робс.

Инспектор Робсон уларни диққат билан тингларди. Бироқ унга ҳикоячилар мавзудан четлашиб кетаётгандек туюлди. Буни пайкаган Пейнкрофт яна тилга кирди:

– Мен буларни бежиз эсламадим, зеро, сўзлайдиган воқеамга буларнинг етарлича дахли бор. Энди ҳикоям бошига қайтсам.

Уй ҳайвонлари йўқола бошлагач, тунлари ўрмон қаъридан ваҳимали овозлар эшитила бошлаган. Айниқса, ўрмонга яқин ерда истиқомат қиладиганлар бу овозларни кўп бор эшитишган. Андерсоннинг айтишича, рафикаси уни тунлари бир неча бор уйғотган ва ўрмон томондан таралаётган этни жунжиктирар овозга кулок солишини сўраган. Андерсон ҳам овоздан сесканиб, уйқуси ўчиб кетган. Овоз бир неча сония, аксари ҳоллари бир-бир ярим дақиқа давом этган. Уни эшитганлар, “Бу ит ёки мушукнинг жон ҳолатда инграшига ўхшайди, бироқ умримда бундай инграшни эшитмаганман”, деб шоҳидлик беришди. Шундан сўнг кишлоқликлар уй ҳайвонларимиз ўрмонда нобуд бўлмоқда, деган тахминга келишди. Ҳайвонлари йўқолиши тўхтамагач, биздан бу ишга тезроқ чек қўйишимизни сўрашди. Мен бир гуруҳ полисмен билан ўрмонда тинтув ўтказдим, бироқ йўқолган ҳайвонларнинг тиригини ҳам, ўлигини ҳам топа олмадим. Аниқлаганимиз, ўрмондаги кичик жонзотлар ўрмон ғарбини тарк этишгани бўлди. Бу ерда бир сир бор эди, бироқ мен ҳам, бошқалар ҳам сирга жавоб топа олмадик. Қисқаси, текширувдан наф чикмади.

Ваҳимали овозлар эса ҳамон кулокка чалиниб турарди. Бир куни Андерсон қўлига сўйил олиб, кўрка-писа уйдан чиқади. Овоз тиниб бўлганди. У ўрмонга анча тикилиб туради. “Тинчлик экан, уйга қайтаман”, деб турганида ўрмон ичида чирок милтиллаётганига кўзи тушади. Кўрққанидан жойида қотиб қолади. Ҳадемай чирок тутган шарпа ўрмондан чиқади ва Брэдлилар хонадони томон йўл олади. Андерсон ўрмондан чиқкан нотаниш Брэдлиларга хавф солиши мумкин, деган ўйда бироз дадил бўлишга ҳаракат қилади ва шарпа ортидан юради. Брэдлилар ховлисида унга етиб олиб, сўйилни ниқтаганича уни тўхтатади. Нотаниш – Эрик экани маълум бўлади. У Андерсонни кўриб каловланиб қолган. Андерсон ўрмонда нима қилиб юргани билан қизиққан. Эрик Брэдли жавоб беришга шошилмаган, аниқроғи, тили айланмаган ва ваҳимали инграшни эшитиб, бирон жонзотга ёрдамим керакдир, деган ўйда ўрмонга кирганлигини, аммо овоз тиниб мўлжални йўқотиб, ортага қайтанлигини айтади. Андерсон унга ишонмай ва эртасига шубҳалари ҳақида ҳаммага гапириб берди.

Шундан сўнг кўпчиликнинг Эрикка нисбатан нафрати ошди. Уни уй ҳайвонларини ўлдираётган малъун, дея ҳисоблашарди. Камдан-кам одамгина Брэдлига ишонди. Кўпчилик унинг жонзотларини яхши кўришини биларди. У дуч келган итни ўйнатиб, бўйнидан силар, айрим ҳоллари нон берарди. Унинг ўзида ҳам учта ит бор эди. Улар биринчилардан бўлиб ғойиб бўлганди.

– Брэдли итларни яхши кўради, – Пейнкрофтнинг сўзини бўлди доктор. – Бироқ бу бошига бало бўлди. Унинг ҳақлигини бир нарса билан изохлашим мумкин. Итлар билан мушукларда кучли ички сезги бўлади. Улар ўзига ва соҳибларига

ёмонлик қилмоқчи бўлган одамни тезда пайқашади. Бундай ҳолларда тишларини кўрсатиб ириллашади. Мисол учун Пейнкрофтни олайлик. У итларни ёмон кўради, итлар ҳам уни хушламайди. Итлар Эрикни яхши кўришади, ҳайқмай, у билан ўйнашишади.

– Нима ҳам дердим, – тилга кирди инспектор Робсон, – фикрингиз мантикли, доктор Жейкоб.

– Доктор, – деди Пейнкрофт. – Итларни ёқтирмаслигим ҳақида ҳам, итларнинг ички сезгиси ҳақида ҳам, Брэдлиннинг итларни яхши кўриши бошига бало бўлгани ҳақида ҳам тўғри айтди. Мен ҳам дастлаб, Брэдлиннинг кўлидан ёвузлик келишига ишонмагандим. Аммо жаноб Ҳилберт бунга ишонди. Унинг зотдор ити бор, уни кучуклигида мархума рафиқаси уйга олиб келганди. Ўша ит жаноб Ҳилбертга рафиқасини эслатиб турарди. Икки ҳафта бурун ҳовлиси ёнида Брэдли ўз итини ўйнатаётганлигини кўриб, жажли чиққан. Йигитчага итидан нарироқ юришини айтган. Босиқлик билан у ҳақдаги миш-мишларни келтириб, агар уй хайвонларининг йўқолишида ростдан ҳам кўли бўлиб, унинг итининг йўқолишини ҳам уюшгирса, оқибати ёмон бўлишини билдирган. Буни қарангки, ўша тун жаноб Ҳилбертнинг ити ҳам йўқолган.

Эртасига жаноб Ҳилберт оқибатини ўйламай, биз билан маслаҳатлашмай, Брэдлиллар уйига бостириб кирган ва йигитчанинг ёқасидан олиб, итини топиб беришини, акс ҳолда уни қаматиб юборишини таъкидлаган. Брэдли унга нима ҳақда сўз кетаётганлигини тушунмаётганини айтган. Будан жаноб Ҳилберт баттар ғазабланиб, йигитни ҳақоратлай бошлаган ва камига юзига шапалоқ тортиб юборган. Яхшики, воқеани Андерсон кузатиб турган экан. У орага қўшилиб, жанжални бостирган.

Брэдлини айбловчи бирон далил йўқ эди, бироқ жаноб Ҳилбертнинг ҳуқуқбузарлиги учун жазо кутарди. Доктор Жейкоб иккимиз қўл қовуштириб ўтирмадик. Брэдли билан суҳбатлашиб, жаноб Ҳилберт кизишиб кетганлигини, аслида, унинг яхши одам эканлигини айтдик. Йигитча – жуда одобли. У бизни тўғри тушунди ва ўзи ҳам даъво очиш ниятида эмаслигини билдирди. Судья олдида буни тасдиқлади. Ҳилбертга кичик жарима тайинланди. Бироқ жаноб Ҳилберт уйига қамалиб олди. У Брэдлини айбдор санар, биз яхши текширув ўтказмаганимиздан нолирди. Суд ҳукмини эса, ўз ҳақ-ҳуқуқларининг топталиши, дея қабул этди. Доктор иккимиз уни юпатишга, йигитчанинг айбсиз эканлигини тушунишига уриниб кўрдик. Озрок ўтиб ҳафагарчилиги таркади. Мен якшанба кунини у билан балиқ овига боришни режалаштиргандим. Озрок ҳаво алмаштириши яхши таъсир кўрсатишига доктор иккимиз ишонардик. Бу бир қанча самара ҳам бераётган эди, бироқ... Бироқ кутилмаганда... Фожиа рўй берди.

Бир кун муқаддам

Куз. Нилскид шаҳри яқинидаги мўъжаз қишлоқча ажиб манзара қасб этган. Майсалар, дарахтлар барги олтин тус олган. Ўтган тун ёққан ёмғир туфайли димокқа ёқимли ис урилади. Қишлоқ у қадар катта эмас. Кўчалар ҳам тор, эгри бутри. Онда-сонда одам учраб қолади. Эрталабки соат тўққизда қишлоққа извош кириб келди. Ундан уч киши тушди. Улардан бири шаҳар маҳкама инспектори Шон Пейнкрофт бўлиб, дам олиш кунини сабабли оддий кийинган, елкасида сумка осиглик, чап кўлида иккита қармоқ бор эди. У кекса дўсти жаноб Шерман Ҳилберт уйи томон ошиқарди. Манзилга яқин қолганида ёш ногирон йигит Эрик Брэдлини

кўрди. Бирок Эрик ортидаги инспекторни пайкамади. Пейнкрофт ҳам уни тўхтатиб ўтирмай, йўлида давом этди. Икки қаватли ҳашамдор уй ҳар доимгидек хузуллаб ётарди. Эшикни ёш оқсоч қиз очиб, уни қарши олди.

- Хуш келипсиз, жаноб Пейнкрофт.
- Жаноб Ҳилберт уйдами?
- Ўз хонасидалар.

Оқсоч меҳмонни юқори қаватга бошлаб чиқди. Пардалар йиғилмагани сабаб, хона қоронғи эди. Уй соҳиби юмшоқ ўриндикда трубка тутатиб ўтирарди. Ёнидаги столда яримлаган вино турар, мезбон хаёлга толганидан эшик очилганини ҳам пайкамаганди. Пейнкрофт бир зум уни кузатиб туриб “ух” тортди да, ўзини қувнок тутишга уриниб, дераза ёнига борди.

– Бу нимаси, жаноб Ҳилберт? – деди пардани суриб. Чолнинг кўзи қамашди. Дарҳол кафтлари билан юзини тўсди. – Ахир, бугун кўлга боришга келишиб олган эдик-ку.

- Илтимос, Пейнкрофт, пардани ёпинг!

Пейнкрофт илтимосни бир четга суриб, чолнинг ёнига келди.

– Ўрнингиздан турсангиз-чи. Ҳадемай пешин бўлади. Сиз эса, йўлга тушишга тайёр эмассиз.

- Ўтинаман, мени тинч қўйинг, Пейнкрофт. Бугун ўзимни ёмон ҳис қиляпман.
- Бу ўтиришда яхши бўлмаслиги аниқ.

Пейнкрофт уни зўрга турғазди. Вино таъсиридан чолнинг кўзлари сузилиб турарди. У инспекторга ортиқча қаршилик кўрсатмай, унинг ёрдамида кийиниб олди. Чорак соат ўтиб улар ўрмонга киришди. Кўп юрмасларидан ўрмон нозири Андерсонни учратишди.

– Андерсон! – олисдан кўриши ҳамоно қичқирди Пейнкрофт. – Сизни кўрганим яхши бўлди. Жаноб Ҳилберт билан балиқ овламоқчи бўлиб кўлга кетаётган эдик. Сезгандирсиз, бизга қайиғингиз керак.

– Аввалги жойида турипти. Фақат ҳар доимгидек қайтаётиб яна жойига яшириб қўйсангиз бўлгани. Пейнкрофт, аслида, эртага сиз билан учрашишни кўзлаб тургандим. Буни қарангки, ўзингиз келиб қолдингиз.

- Яна нима бўлди?

– Кеча ўрмонни айланаётиб, антиқа вазиятга гувоҳ бўлдим. Бир ерда ўнта дарахт чириб, тўкилай деяпти. Уларни ўтган ҳафта кўргандим: Ҳаммаси мустаҳкам қад рослаб турганди. Бу жуда ғалати. Жуда-жуда ғалати.

– Ваҳима қилманг. Балки янглишгандирсиз, Ардерсон? Улар анчадан буён чириб ётган дарахтлардир? Ўрмондаги ҳар бир дарахтни хотирангизда сақлаб қололмайсиз-ку.

– Тўғри, буни пайкамай қолишим мумкин эди. Бирок ўша жой ҳозир кичик сайхонликка айланиб қолган. Тўғри, бу ерда дарахтлар қалин эмас. Аммо бундай кичик очиқ жойлар кам ва уларни яхши биламан. Қисқаси, ўша ерга ўзингиз борганингиз маъқул. Ваҳимали бир нима бўлаётгани аниқ.

– Бас қилинг, Андерсон. Эртага, албатта, ўша ерга борамиз. Бирок ҳозир биз балиқ овига кетяпмиз. Жин урсин, неча ҳафтадирки, дам олиш кунимни яхши ўтказганим йўқ. Бугунгисини ҳам бузмай туринг. Умуман олганда, ҳар нарсага ваҳима билан қарашни бас қилинг. Итларнинг ваҳимали инграшларини айтиб, барчанинг юрагига ғулғула солганингиз ҳам етади.

– Аммо бу овозлар ҳақиқатдан ҳам ваҳимали, уни эшитган бир мен эмасман. Бир неча қўшнилари ҳам буни тасдиқлайди.

– Ўрмон тунда ваҳимали кўринади. Бирон куш ҳам хунук овоз чикариши мумкин. Ахир, ўрмонни тинтиб, шубҳали ҳеч нарса топа олмади-ку. Бу ҳам майли, Брэдлини кечаси ўрмондан чиқиб келяпти, деб гап тарқатишингиз оқибатида у одамлар кўзига ёмон кўриниб қолди, – Пейнкрофт шу ерда тўхтади. Негаки ўтган жанжални эслаш кекса дўстининг кўнглини оғритиши мумкин эди.

– Мен ростдан ҳам Бредлини уч бор ўрмондан чиқиб келаётганига гувоҳ бўлдим. Яна уй ҳайвонлари йўқолган тунларда. Ҳатто жаноб Ҳилбертнинг ити йўқолган тунда ҳам кўргандим.

– Андерсон, сиз, фақат ваҳимали увлашларни эшитганда ташқарига чиққансиз. Аслида, Брэдли тунлари ўрмонни тез-тез зиёрат қилса-чи?

– Нима демоқчилигингизни тушуна олмадим, инспектор.

– Нима, сиз ёш бўлмаганмисиз? Балки, тунлари суйгани билан танҳо учрашаётгандир?

Андерсон ўйланиб қолди, сўнг хаёлига келган фикрдан хурсанд бўлиб кетди.

– Шундай ҳам дейлик, лекин яширинча учрашувдан нима мақсад? Яна қоронғи ўрмонда.

– Каллангизни ишлатсангиз-чи! Брэдли хаста ва қашшоқ. Қайси ота она ўз кизини бедаво дардга йўлиққан, келажаги сўроқ остидаги йигитга узатади. Эҳтимол, икки ёш бирга бўла олмасликларини ўйлаб, тунлари учрашаётгандир? Сиз ҳар гал ваҳимали овозлардан сўнг ўн-ўн беш дақиқа ўтиб, Брэдли ўрмондан чиқиб келади, деган эдингиз. Эҳтимол, улар ҳам ўша овозлардан чўчиб, ортга қайтишар. Брэдли суйганининг сирини айтиб, шаънига бўҳтонлар ёғилишига йўл қўя олмайди-ку! – Пейнкрофт Андерсоннинг ерга боккан юзига қараб, сўзлари бесамар кетмаганлигига гувоҳ бўлди. – Сиз эса ҳар хил уйдирмаларни тарқатиб юрипсиз. Брэдли – хаста. Доктор Жейкобнинг айтишича, икки кундирки, ишга ҳам бора олмаяпти экан. У кўпинча ўсал ётади. Иш кунлари шомгача ишлайди. Шунча чарқодан кейин, кимнингдир уй ҳайвонини ўғирлаб, уни ўрмон ичида ўлдиришга Брэдлида қандай вақт ва хоҳиш бўлсин? Уялинг, Андерсон!

Андерсон жимиб қолди. Ҳатто жаноб Ҳилберт ҳам ўнғайсизланарди. Пейнкрофт ортиқча гапириб қўйганини тушунди. Секин Андерсоннинг елкасига туртиб қўйди.

– Мени кечиринг, Андерсон! Жуда ошириб юбордим.

– Йўқ. Сиз тўғри айтдингиз. Мен аҳмоқлик қилдим. Сиз сезган нарсаларни мен Брэдлининг қўшниси бўлиб пайқамабман.

– Куйинманг. Ҳамма ҳам хато қилади. Ҳали фикрларим ҳақиқат эканлиги аниқ эмас.

Пейнкрофт унинг кўнглини кўтариб, кекса дўстини қўл томон бошлади. Жаноб Ҳилбертнинг кайфияти тушиб кетганди. Пейнкрофт унинг кўнглини олиш учун мавзуну тез-тез ўзгартириб, тинмай гапириб турди. Қайикни қўлга туширишди. Пейнкрофтнинг ўйлаганлари секин бўй кўрсата бошлади. Сухбат ва омадли ов чолнинг кўнглини кўтаргандек бўлди. Балиқ яхши илинарди, иккиси ҳам гапиришдан тўхтаб, овга берилиб кетишди. Қорни қулдирагандагина жаноб Ҳилберту нонушта қилмаганини эслади. Аслида, кўпдан иштаҳаси йўқ эди. Ҳозир эса кўтаринки кайфият натижасида иштаҳаси очилиб кетганди. Пейнкрофт уни шошилтирганидан соатини олишни ҳам унутган экан.

– Пейнкрофт, соат неча бўлди?

Пейнкрофт ён чўнтагига қўл суқиб, соатини олди.

– Ўн биру йигирма. Қорнингиз очдимиз?

– Ҳа. Яна Жейкоб тайинлаган дорини кок тушда ичишим керак.

Пейнкрофт кармоқларни йиғиштириб, кўлига эшакни олди. Соҳилга етишлари билан дўстининг тушишига ёрдамлашди. Тутган балиқларини ерга тушириб, қайиқни жойига қўйди. Қайтиб келганида жаноб Ҳилберт ўзига қулай жой топиб ўтирарди. Пейнкрофт тезда ишга киришиб, куруқ шох-шаббалардан гулхан ёқди. Сув бўйида бир неча балани пичоғида тозалаб, гулханга тутди.

– Яхшики, овимиз бароридан келипти, – жилмайди чол. – Акс ҳолда мени оч колдирар экансиз.

– Наҳотки, мени ҳар хил вазиятларга олдиндан чора кўрмайдиган ландовур, деб ўйласангиз? Қани, бизда нималар бор экан? – Пейнкрофт сумкасидан пишлок, оппок нон, вино олди.

Жаноб Ҳилберт яна ҳам яйраб кетгандек бўлди. Ҳар ҳолда Пейнкрофтга шундай туюлди. Бироқ нимадир унинг хурсандчилигига соя солгандек бўларди. Чол дўсти билан шу ерда эканлигидан суюнардди. Охири бор қачон мана шундай ўтирганини эслай ҳам олмайди. У винодан озроқ хўплади. Пейнкрофт эса яна балиқ тозалай бошлади. Ҳали боши олинисини кутиб турган балиқлар анчагина эди. Жаноб Ҳилберт узок ўйлагач, юрагини сикаётган мавзуда сўз бошлади:

– Ўйлаб боқсам, инсон умри оқар дарё, деганлари тўғри экан. Ёшлигиндан нимагадир интилиб яшайсан. Улғайганингда жамиятда обрўйинг бўлишини, атрофдагилар сени хурмат қилишини истайсан. Қачондир бунга эришасан ҳам. Аммо одамларнинг сенга ҳавас билан боқиши секин-аста кўзларингни кўр қилиб бораркан. Мен одамларга ёрдам бераман. Бироқ чуқур ўйлаб карасам, уларга жоним ачиганидан эмас, хайрли ишимни оғизларидан бол томиб макташлари учун шундай қилар эканман. Бу саховат эмас, бориб турган худбинлик эканлигини, афсуски, жуда кеч тушундим.

– Нега ундай деяпсиз, жаноб Ҳилберт? – деди Пейнкрофт ишидан бирлам тўхтаб, ортига ўтирилар экан. – Сиз ҳалол, диёнатли одамсиз. Қилган ишларингиз кўпчилик жонига оро кирган. Агар муҳтожларнинг қийналаётганига кўз юмиб, умрингизни фақат бойлик йиғишга сарфлаганингизда, шундай дейишингиз мумкин эди. Сизнинг хайрли ишларингизда сира манманлик ёки худбинлик сезмаганман. Бундай ишларни ҳар ким ҳам қила олмайди. Умрингиз беҳуда кечмади, менга ишона беринг.

– Кўнглимни кўтариш учун шундай деяётганингизни биламан... Йўқ, асло қаршилиқ қилманг, Пейнкрофт. Кўпдан бу гаплар юрагимда оғир тош бўлиб ётипти. Ҳозир уни сизга тўкиб-солиб, виждонимни озгина бўлса ҳам, ҳалоллаб олишни истайман.

Менга ўзим орзу қилган бойлик берилди, бироқ мен ўзимни бунга муносиб тутмадим. Одамлар орасида улўғ инсонга айланиш ягона мақсадим эди. Бу кутилган жазога олиб келди. Мен хато қилдим. Хато қилганда ҳам бор обрў-этиборимни тўкиб қўйдим.

Сиз ҳақ эдингиз, Брэдди ажойиб йингит. Ахир, у кўз ўнгимизда эсли-хушли бўлиб вояга етди. У ичида кин саклайдиган писмиқлардан эмас. Унинг қўлидан ёвузлик келмайди. Бироқ рафикамдан қолган ит мен учун жуда қадрли эди. Бошқаларнинг ити йўқолиши менинг ҳам қулоғимни қар, кўзимни кўр қилди. Итимдан айрилиб қолишим мумкинлигини ўйлаб, мен ҳам Брэдди ҳақидаги уйдирмаларга ишондим. Унга пўписа қилдим. Итим йўқолгач эса, ўзимни ҳайвондек тутдим. Эҳ, унинг юзига шапалоқ торгганимда онасининг аҳволини кўрсангиз эди... Назаримда, ўша онда ҳушидан кетиб қоладигандек эди. Бечора Брэдди хоним. Умрида рўшнолик кўрмади. Мен эса боласини қаттиқ ҳақорат қилдим. Она учун бундан ортиқ азоб

бўладими? Брэдли эса менга ҳаётда пул, бойлик, мартаба ҳеч нарса эмаслигини яхшилаб исботлаб берди. У чиндан ҳам ҳалол инсон. Бошқа одам бўлганида судга арз қилиб, уч қават теримни шилиб олиши мумкин эди.

Пейнкрофт тозаланган баликларни олиб келиб, кекса дўсти ёнига ўтирди.

– Аввал айтганимдек, ҳар ким ҳам хато қилади. Бирок ҳамма ҳам хатосини тан олиб, қилган ишидан тўғри хулоса чиқаравермайди.

– Билмадим, буни тўғри хулоса, деб бўладими?

– Нега бўлмасин? Ахир, қилмишингиздан пушаймонлигингиз шундоқ кўриниб туриптики.

– Бироқ мен буни Брэдлига айта олганим йўқ... Кўпдан дориларимни Жейкобнинг ўзи олиб келарди. Ўтган ҳафтадан буён уларни Брэдли олиб келяпти. Бу сизларнинг ишингиз эканлигини биламан. Тирранча мени яна бошлади, – маънос жилмайди жаноб Ҳилберт. – Гўё ўрғада ҳеч нарса бўлмагандек қулиб, “Хайрли тонг!” деди. Дориларни қўлимга бериб, соғайиб кетишимни тилади. Мен эса бирон жавоб ҳам бера олмадим. Лаънати ғурур бунга йўл қўймади. Дастлаб, сизлардан хафа бўлиб, уйдан чиқмаётгандим. Кейин секин-аста айбимни тушунгач, ташқарига чиқишга юзим чидамади.

– Истасангиз, Брэдли билан ўзим гаплашиб, унга ҳаммасини ётиғи билан тушунтираман. Ишингизга аралашмоқчи эмасману, балки уларни уйингизга кечки овқатга таклиф этарсиз? Бу эски алоқаларни тиклашга ёрдам беради.

– Яхши ҳамки сизлардек дўстларим бор, – жаноб Ҳилбертнинг кўзлари порлаб кетди. Энди кўнгли буткул кўтарилгани, ҳеч бир муаммо уни қийнамаётгани сезилиб турарди. – Оғир дамларда ёнимда бўлганларингдан хурсандман.

– Дўст кулфатда билинади, дейишади, жаноб Ҳилберт. Бу бизнинг бурчимиз.

Пейнкрофт жаноб Ҳилберт ён чўнтагидан олган қутичадаги антика дорини кўриб ҳайрон қолди.

– Бу қандай дори?

– Капсула. Жейкобнинг ўзи топтириб келган, агайин мен учун. Устки юпка қатлам нимадан қилинганини билмадим, аммо у ошқозонда эриб, дори конга сўрилиб, таъсирини бошлайди. Жейкобнинг айтишича, шу усул тез самара берармиш.

Пейнкрофт яна сув бўйига қайтди. У ҳам жаноб Ҳилбертга бир гапни айта олмай қийналарди. Бироқ ҳозир буни айтса, чолнинг Брэдлига бўлган адовати яна уйғониб, ундан ҳам ранжиб қолиши мумкин.

Эрик Брэдли Пейнкрофтга ўз хасталигига даво изланаётганини, машҳур олимларнинг китобларини қидириб топиб, муфассал ўрганаётганлигини айтганди. Пейнкрофт ҳатто бир неча ноёб китобни топишда ёрдам берди. У Брэдлидан тажриба учун жониворлар керак бўлишини ҳам эшитганди. Ўшанда бунга ортикча эътибор қаратмади. Ўшанда бу табиий ҳол бўлиб кўринганди. Анча вақт ўтиб, уй ҳайвоплари йўқола бошлади. Андерсоннинг гапидан сўнг унинг ўзи биринчилардан бўлиб Брэдлидан шубҳаланганди. Йигитчадан бу ишларга алоқаси бор-йўқлигини сўради. Брэдлининг самимий нигоҳига боқиб, “Йўқ”, деганига ишонди, бироқ юрагидаги бир нима ҳамон уни шубҳалантириб турарди. Аммо аниқ далили бўлмагач, кимга ҳам айб қўя олади. Буни одамларга айтса, боланинг шўри қурирди. Эҳтимол, Брэдли ростдан ҳам айбдордир?...

Пейнкрофт шуларни ўйларкан, ногоҳ, ортидан хириллаган овоз келди. Чол жон аччиғида типирчилар, доллаши кучайиб борарди. Унинг томоғи, ияги, секин-аста оғзи ва ёноқлари тиришиб, ажинлари кўпаярди. Чол бир неча сония ичида мислсиз равишда қариб бораётгандек эди. Етмиш, саксон... Энди юздан ошган одам тусига

кирди. Буларнинг бари жуда тез бўлиб ўтди. Ниҳоят, чолнинг овози ҳам, ҳаракати ҳам тинди. Танаси зумда беш-ўн йиллик жасад сингари чириб кетди. Ҳатто ички оқ кийими куйиб, илма-тешик бўлди. Жасаднинг устки тери қисми хок бўлиб тўкилиб тушганди. Пейнкрофт жасад ёнида қотиб қолди. На гапирар, на эшитарди. Ахир, дўсти ҳозиргина тирик ва бахтиёр эди. Бу қандай даҳшатли ўлим бўлди!?

Пейнкрофт қанча турганини билмайди. Бошдан-оёқ титрар, тишлари такилларди. Турган ерида ўтириб қолди ва жасаддан кўз узмаган ҳолда шу кўйи ортига тисарила бошлади. Гўё дўстини ҳалок этган номаълум кучлар дарахтлар ортида яшириниб, унинг ҳам жонига қасд қилишадигандек атрофга аланглади. Сўнг ўрнидан турди-ю, ёрдам сўраб югура бошлади.

Бир кундан сўнг

Робсон маҳаллий инспекторнинг ҳар бир жумласини диққат билан тинглади.

– Демак, ўша Эрик Брэдли сизга тажриба ўтказмоқ учун жониворлар кераклиги ҳақида гапирган.

– Ҳа. Бироқ бунга кўп бўлди.

– Бу аҳмоқликдан бошқа нарса эмас, – деди доктор Жейкоб норози бош силкиб. – Биринчидан, илм-фан ҳали бундай ишларга ожиз. Брэдли ақли бутун бўлса ҳам, ҳали гўр йигит. Ахир, дориларни марҳум дўстимга ўзим тайёрлаганман. Брэдли уларни етказиб берган, холос. Уни айбдор санаш ўз-ўзидан мени ҳам шубҳа остига қўяди. Иккинчидан, Брэдли ювош бола, бундай ишлар унинг қўлидан келмайди. Учинчидан, неча кундирки, унинг аҳволи оғир, ҳатто ишга ҳам бора олмаяпти.

Докторнинг гаплари Пейнкрофтга ёқмаётгани сезилиб турарди. У тутатиб кетди.

– Бу билан мени ёлғон гапиряпти, демоқчимисиз?

– Мен ҳали ундай деганим йўқ, – тўнғиллади доктор. Бироқ Пейнкрофтга қаршилиги яққол сезилиб турарди.

– Тинчланинглар, жаноблар! – деди Робсон. – Доктор Жейкоб, ҳали ҳеч ким ёрдамчингиз марҳум дўстингизни ўлдирган, дегани йўқ.

– Бироқ масала шунга қараб кетяпти.

– Бу бир тахмин, холос. Бизнинг ишда эса шубҳали ҳар бир кичик нарса ҳам эътибор талаб этади. Биз ҳали жаноб Пейнкрофтнинг сўзлари ёлғон ёки чинлигини ҳам билмаймиз. Унинг ўзидан бўлак гувоҳи йўқ. Аммо жасад... У киши ақлини шоширадиган даражада, – Робсон докторга маъноли қараб қўйди ва у тинчланди. Пейнкрофт бўлса давом этди:

– Ёрдамга чакириб югуриб кетаётганимда Андерсон йўлимдан чиқди. Унга бўлган воқеани қисқача айтиб бердим ва одамларни олиб келгунимча жасадни кўриқлаб туришини сўрадим. У мендан сўнг жасадни кўрган биринчи гувоҳ.

Робсон кўрамыз, дегандек бош ирғаб қўйди. Улар кишлоққача сукут сақлаб кетишди. Қишлоққа келишгач, доктор экипаждан тушиб, ўз шифохонасига йўл олди. Икки инспектор Брэдлилар уйига боришди. Уйга фақат Робсон кирди. Эрик Брэдли ювош, хаста ёш йигит экан. У дармонсиз одамдек секин кимирлар, юзида қон йўқ эди. Уйда онаси билан синглиси ҳам бор экан. Робсон ёш Брэдли билан ёлғиз гаплашиб олмоқчилигини билдирди. Хонимлар қўшни хонага ўтишди.

– Жаноб Брэдли, кишлоғингизда ит ва мушуклар йўқолиб қолаётган эмиш, деб эшитдим.

– Ҳа, бу ҳақиқат.

– Нима деб ўйлайсиз, уларнинг холи не кечди экан?

– Билмадим. Бирон хайвон йўқолса, ўша тун ўрмон қаъридан ваҳимали ингрок ёки увлаш эшитилади. Мен бир неча бор овоз келган окшом ўрмонга кириб кўрдим. Аммо ҳеч қанча юрмасимдан овоз тиниб қолар, қаерга боришни билмай, ортимга қайтардим, – йигит дармонсизликдан кийналгандек юзини буриштиради, кафти билан тўсарди. Робсон унинг сўзлари қанчалар ҳақиқатга яқинлигини пайқай олмасди. – Уч бор жаноб Андерсон мени кўриб қолганди. У сўзларимни тасдиқлаши мумкин эди. Бирок... Ҳа, майли, у ёғини айтмай кўя қолай. Аминманки, сизга бу ҳақда старлича гапириб беришган.

– Кечаги ўлим ҳақида эшитдингизми? – Робсон ўзини синчковликни сусайтираётгандек қилиб кўрсатишга уринди. Шу орқали Брэдolini чалғитиб кўзларига боқишни мақсад қилганди.

– Ҳа. Лекин, фақат, миш-мишларни эшитдим. Жасадни кўрганим йўқ. Бечора жаноб Ҳилберт... Яхши инсон эди.

– Наҳотки? Буни чин дилдан айтяпсизми ёки урф-одатларимиз ўларок шундай деб қўйяпсизми?

Брэдли маънос билмайди.

– Нима учун мени сўроқ қилаётганингизга тушунаман. Тўғри, орамизда келишмовчилик бўлганди, бироқ мен бу ишларни унутиб юборганман. Эҳтимол, мен қандайдир шубҳа уйғотаётгандирман? Бироқ жаноб Ҳилберт ўлимидан олдинроқ аҳволим оғирлашиб қолганди.

– Нега мени сиздан шубҳаланаяпти, деб ўйлаяпсиз? Ахир, жасадни кўрмагансиз-ку? Унинг қандай ўлим топганини ҳам билмайсиз.

– Тергов ишини старлича тушунаман. Анчагина бадий китобларни ўқиганман. Уларнинг кўпи жинойтчиларни мохирлик билан қўлга олган полициячилар ҳақида эди. Сизга шуни айта оламанки, мархумга ҳам, қишлоқдошларимга ҳам ҳеч бир хусуматим йўқ.

– Уй хайвонларига-чи?

– Афтидан, инспектор Пейнкрофт билан бўлган суҳбатимизни айтиб берган. Тўғри, менга тажриба учун жониворлар керак бўлган. Аммо мен бу тажрибаларни бошлашга ҳам улгурмадим. Тез-тез аҳволим оғирлашиб турипти. Истасангиз, уйимни тинтиб кўришингиз мумкин. Бироқ вақтингиз зое кетгани қолади, холос.

– Зарурат туғилса, нима қилишни ўзимиз биламиз, – деди Робсон қатъий. У яна бир неча арзимас туюлган саволларни бериб, мезбон билан хайрлашди. Фойтун ёнида қўл қовуштриб Пейнкрофт турарди. Робсон келгач, кучерлик қилиб келган полисмен билан ўрмонга киришди. Ўрмон жуда сийрак эди. Робсон полициячилар ўрмонни тинтиб ҳеч нима топа олмаган экан, демак ёш Брэдoliniнинг чиндан ҳам айби йўқ, дея ўйлай бошлади. Аммо йўқолган хайвонлар масаласи ҳамон жумбоқлигича қолаётганди.

Ниҳоят қўл бўйига, воқеа жойига етиб боришди. Бир тўда соқчи орасидан тўлачадан келган одам уларга яқинлашди. Пейнкрофт уни Робсонга таништирди. Бу одам ўрмон нозири Андерсон эди. У Робсонга Пейнкрофтдан чўчиётгандек бўлиб кўринди. Андерсоннинг ҳам, Пейнкрофтнинг ҳам юзига қарагач, бу одамни алоҳида сўроқ қилишни ўйлаб қўйди. Пейнкрофт ўтган кунги воқеалар қаерда бўлганини кўрсатиб берди. Робсон бир қанча изларни, ердаги қон томчиларини, кулни кўрди.

– Андерсон, – деди Пейнкрофт, шунда Андерсон сесканиб кетди, – кеча бу ерда бўлган воқеаларни гапириб беринг.

– Ҳа, албатта... – Робсоннинг шубҳасини орттириб чайналди Андерсон. Сўнг тутулиб-тутулиб ўтган кун кўрганларини сўзлаб берди.

Бир кун муқаддам.

Андерсон бўйи пастрок, тўлачадан келган, озрок жасорат етишмайдиган одам. Унга иши жуда ёқарди. Тинч кишлоқ. Одамлар оз, болалар ҳам ювош. Улар ҳадеб ўрмонга киравермайди, кўпчилик ўрмондан кўрқади, табиийки, Андерсон ҳам ортиқча ғалвалардан узоқ юради. Аслида, Андерсоннинг ўзи ҳам ўрмондан кўрқади. Хар доим ёнида полициячиларнинг махсус таёғини олиб юради. Шу вақтгача ҳеч бир кўнгилсизлик бўлмаганди. Бироқ энди нотабиий ишлар кўпайиб борарди. Жониворларнинг йўқолиши, тунги инграшлар, дарахтлар чириб тўкилиб тушиши... Бир ҳафта олдин улар мустаҳкам бўй чўзиб турган эди. Йўқ, энди у бу ерда ишлаб қололмайди. Ишлар шу зайлда кетса, бошқа ерга кўчиришларини сўрашга мажбур бўлади. Гарчи полициячилар ўрмонда тинтув ўтказиб, ҳеч нарса топа олмаган бўлишса-да, унинг ўрмонга нисбатан бўлган кўркуви кучайиб борарди.

Бугун ўрмонга хар кунгидан кечроқ чиқди. Бир кўнгли ўша дарахт чириндиси ёнига боришни ўйласа, иккинчиси эртага бундан инспектор Пейнкрофтни огоҳ этиб, у билан ўша ерга боришни истарди. У атрофни айланиб юрганида жаноб Ҳилберт ва Пейнкрофтни учратиб қолди. Пейнкрофт балиқ ови учун унинг қайиғи зарурилигини айтди, сўнг Андерсон янги нохушликни сўзлаб берди ва гап эски можароларга уланиб, анча дакки еди. Эшитганлари шундай оғир боғдики, кўроклиги учун ўзидан уялиб кетди. Ҳамсуҳбатларидан айрилгач, ўзини чинакам нозирдек тутишга уриниб, атрофни айланишда давом этди.

Дастлаб дарахтзорга бориб, чириндиларни текшириб кўрди. Қандай мўъжиза! Дарахт шунчалар тез чириши мумкинми? Эҳтимол, инспектор ҳақдир? Бу ер анча олдин шу аҳволга келгандир? Кўрққанга кўш кўринади, дейишади. Андерсон шу паллада даҳшатли чинқирикни эшитди. Бу овоз этни жунжиқтириб юборардики, Андерсон овоз эгаси қанчалар азоб чекаётганлигини ҳис этди. Аввалига қотиб қолди. Овоз кўл томондан келаётганини сезгач, ўша томон юра бошлади. Пейнкрофт ва жаноб Ҳилберт билан хунук иш бўлганини сизди. У шошаркан, овоз тинди. Кўп ўтмай кимдир томоғи йиртилгудек бўлиб ёрдамга чақира бошлади. Бу ҳам уни чўчитиб юборди. Борсаммикан, бормасаммикан, деб иккиланиб қолди. Овоз эса тобора яқинлашарди. Дарахтлар ортида Пейнкрофт кўринди. У калтирар, ранги кув ўчган, ниҳоятда абгор кўринишда эди. Андерсонни кўриб унга томон яқинлашди ва қотиб қолган Андерсоннинг қўлларини маҳкам ушлади. Гўё елкасидан тоғ ағдарилгандек, кўнгли бўшаб кетди.

– Инспектор, сизга нима бўлди?

– Жаноб Ҳилберт... – қўли билан кўл томон ишора қилди инспектор. – У ўлди!

– Ўлди!? Қандай қилиб?

– Даҳшатли!... Ҳа, ҳа, даҳшатли!... – Пейнкрофтнинг тили хали ҳам равон гапиришга келишмасди.

– Нималар деяпсиз?

– Мен б-б-бошқаларни олиб келаман. Унгача ш-ш-шу ерда туриб, кўлга ҳеч кимни йў-йўлатманг... Илтимос, у ерга ўзингиз ҳам борманг.

Пейнкрофт кишлоқ томон югуриб кетди. Андерсон анча вақт на олдига, на ортига юришни билмай қолди. Пейнкрофтнинг ҳаяжони унга ҳам юққанди. Жаноб Ҳилберт қандай ўлим топдики, шундай довжорак одам бунчалар кўркиб кетди? Қизиқиш кўркувдан устун келиб, Андерсон кўл томон секин юра бошлади. Дарахтлар ортида ерда ётган жасадни кўриб, тўхтаб қолди. У жасадни аниқ кўра олмади. У кимир

этмай ётарди. Андерсон биров кутгач, яна ҳам олдинга юрди. У жасадни ҳар хил тасаввур қиларди. Кўзи чакчайиб қотиб қолган, оғзидан қон оққан ва шунга ўхшаш ваҳимали манзаралар. Бирок жасад қошига келганида буткул кутилмаган манзарага дуч келди. Наҳотки, шу чириган мурда жаноб Ҳилбертга тегишли бўлса? Андерсон чўчиб атрофга аланглади. Мурда ўрнидан туриб кетадигандек ундан узоқлашди. Аммо қалтироқ тиззалари букилиб кетавериб, тез юра олмасди. Шу пайт ўлганнинг устидан тепган қилиб, ваҳимали кулги эшитилди. Кимдир жазавага тушгандек куларди. Ҳар бир “Хо-хо-хо” Андерсоннинг юрагига тифдек санчилар, қўл-оёғидан мадор қочарди. Сўнг ўзи ҳам тушунмайдиган қилиб бақирганча чопа бошлади. У қанчалар узоқлашса, ваҳимали кулги овози шунчалар кучаярди.

Бир кундан сўнг

– Овозни эшитганингиздан қанча ўтиб жаноб Пейнкрофтни учратдингиз? – сўради Робсон.

– Тахминан, тўққиз-ўн дақиқалардан кейин, – Пейнкрофтга ўғринча кўркув билан жавоб берди Андерсон.

– Овоз марҳумнинг овозига ўхшармиди?

– Буни аниқ айта олмайман. У жуда ваҳимали эди. Ҳатто одам овозига ўхшамасди. Аниқроғи, соғ одам овозига, демоқчи эдим.

– Сизни кўрқитиб юборган кулги-чи, у кимнингдир овозига ўхшамадими?

– Ҳеч қачон бундай кулгини эшитмаганман. Бошқа эшитмасликни ҳам истардим. У жазавага тушган одамнинг телбаларча қулиши эди.

Андерсоннинг хикояси Робсонга ишончли туюлмади. Барча кўрсатмаларни тинглаб бўлгач, полициячиларга атрофни айланишни, икки кишига қўлни текширишни буюрди. Ўзи ҳам полисменлар билан дарахтлар ортига ўтиб кетди. Имкон қадар янги излар қидиришга тутинди. Қайиқдаги икки полициячи қўлларига таёк сув тубида юмшоқ нимагадир урилганлигини сезишди. Соҳилдан унча узоқ бўлмаган ердан кийимлар топилди. Улар ичига тош солиниб, ўралган ҳолда чўктирилганди. Бу пинжак ва нимча эди. Робсон уларни текшираётганида Пейнкрофтнинг юзи ўзгарганлигини сезди.

– Ахир, бу жаноб Ҳилбертники-ку, – деди Пейнкрофт хайратланган кўйи. Робсонга унинг гап оҳанги сунъийдек туюлди. – Улар кечагина марҳумнинг эғнида эди.

Куруқликда изланиш олиб бораётганлар сопиғача қон юки қотиб қолган бир пичокни топиб келишди. Робсон уни кўздан кечирди. Сопида “Ш” ҳамда “П” ҳарфлари бор эди. “Шон Пейнкрофт”. Робсоннинг хаёлидан шу исм ўтди ва дарҳол Пейнкрофтга қаради. У янглишмаганди. Пейнкрофтнинг кўзлари қатта-қатта очилиб кетганди.

– Бу пичок сизга таниш эмасми? – хотиржам оҳангда сўради Робсон.

– Бу... менинг... пи-пичоғим. Уни кеча йўқотиб қўйгандим, – Пейнкрофт Робсондаги ўзгаришни сезиб, дарҳол жонланди. – Кеча у билан мана бу ерда балиқ тозалаган эдим. Кейин ёдимдан ҳам кўтарилиб кетипти.

– Шундай денг! Ҳатто ҳозиргача эсингизга келмадими?

– Йўқ. Айтдим-ку, балиқ тозалаётган эдим. Кейин жаноб Ҳилберт ўлгач, шу ерда қолдириб кетган бўлсам керак.

– Бироқ қотган қон балиқ қонига ўхшамаяпти-ку. Наҳот, балиқдан шундай қон чиқса? Мана бу ердаги қон томчилари-чи? Боз устига, пичокни соҳилдан узоқроқ ердан топишди.

– Мен ҳам хайронман! – Пейнкрофтнинг кўзлари Робсоннинг жиддий киёфасига жавдираб қадалди.

Робсон ёнидан кишан чиқарди.

– Жаноб Пейнкрофт, сиз Шерман Ҳилбертнинг ўлимида айбланасиз ва хибсга олинасиз. Адвокат ёллашга ҳуқуқингиз бор.

– Лекин, жаноб... – Пейнкрофт мадорсиз билагига совуқ темир урилганини хис этиб, боши айланиб кетди. Қаршилик қилиш беҳуда эди.

Робсон икки полисменга инспекторни ўрмон ташқарисидаги фойтунга элтишни буюрди. Икки одам шу ерда навбатчи бўлиб қолади. Андерсонни ўзи билан олиб кетди. У энди деярли жавобни топган, бу ерда қолиб яна бирон нима топишига ишонмасди. Робсон Андерсонни Пейнкрофт кўздан ғойиб бўлгач, саволга тутди:

– Андерсон, келинг очикчасига гаплашамиз. Сиз Пейнкрофтдан кўркаётганингизни пайқадим. Билишимча, бу жиноят ҳақида етарлича биласиз. Эсингизни йиғиб, билганларингизни тан олинг, ҳатто жиноятга шерик бўлсангиз ҳам. Акс ҳолда, сиз ҳам қамокқа олинасиз. Айтиб кўяй, қочишни ёки гапни айлантиришни хаёлингизга ҳам келтира кўрманг.

– Мен ҳаммасини айтаман, – деди кўзида ёш қалққан Андерсон. – Фақат, уйимга борайлик. Ўша ерда барчасини гапириб бераман.

Робсон унинг илтимосини қондирди. Кичик уйга киришгач, стол атрофига ўтиришди. Андерсон чой олиб келди. Унинг кўли ҳамон қалтирар, танаси ҳам титрарди. Иссиқ чойдан ҳўплагач, тутилиб тилга кирди:

– Жаноб Робс, авваламбор бир нимага кафолат беришингизни истайман.

– Нимага?

– Болаларим ва рафиқамга зиён етмаслигига. Пейнкрофт сувдан қуруқ чиккудек бўлса ёки қамокдан қочгудек бўлса, у... – Андерсон тутилиб қолди. Кўзидан икки томчи ёш окди.

– У сизни кўрқитдими?.. Менга барчасини айтиб беринг, Андерсон? Ҳеч нарсадан кўркманг. Уни дор кутиб турипти. Ҳеч қачон оилангизга зиён етказа олмайди. У болаларингни ўлдираман, дедими?

Андерсон жавоб бера олмади, кўзидан дув ёш оқиб, боши билан бир неча бор “Ҳа” ишорасини қилди.

– Ўзингизни қўлга олинг, – дея Робсон унга чой ичирди. Бу самара бериб, беш дақиқалар ўтиб Андерсон анча тинчланиб, ҳикоясини бошлади:

– Пейнкрофтни кўпдан диёнатли одам сифатида танийман. Бироқ унинг бебош укаси бор эди. Пейнкрофт уни йўлга солишга кўп уринди. Кўп бор хатоларини тўғрилади. Ахийри, укаси унинг ўзини чув тушириб кетди. Шу билан ўзидаги иллатларни акасига ҳам сингдириб кетгандир, эҳтимол?

Пейнкрофт энди укаси ўтирлаб кетган пулларни эгаларига қайтариши лозим эди. Аммо маоши билан ўлгунича ҳам қарздан қутула олмасди. Уйдаги тинчлик ҳам бузилди. Буни қарангки, жаноб Ҳилберт унга яхшигина мерос қолдирганди. Фақат қолнинг ажали етмаётганди.

– Бир дақиқа... – уни тўхтатди Робсон. – Мен бу ҳақда эшитдим. Доктор Жейкоб ва жаноб Ҳилберт унга ёрдам қўлини чўзишларини айтганида Пейнкрофт бунни рад этган экан. Нега у жаноб Ҳилбертдан пул сўраб кўя қолмади?

– Докторда унча пул топилмайди. Жаноб Ҳилберт эса кимгадир яхшилик қилса, бунни атрофга ёйиб юборади. Йўқ, у одамлар орасида фалончига палон пул бердим, деб жар солмайди. Тез-тез учини чиқариб кўяди. У ёғини одамларнинг ўзи ўринлатишади. Бадавлат одам кимгадир хайрия қилса, бу йил мавзусига

айланади. Бир кўзи оқиб тушган бўлса ҳам, бой чиройли, деб бежиз айтишмайди. Қисқаси, Пейнкрофтга ўзи ҳақида одамлар бурчақда пичирлашиб юришлари ёкмайди. Одамлар бой одамни мақташларига сабаб, ўзлари ҳам ундан яхшилик кўришни исташларида. Бироқ ўша саҳий бой вафот этса, унинг яхшиликларини ит ҳам эсламайди. Пейнкрофт буни жуда яхши билади. Ундан ташқари мерос катта эди ва қарзини узгач ҳам, унга анча пул қоларди. Шу сабаб чолнинг ўлимини уюштирди. Бироқ у инспектор. Кўллаб қотиллик терговларини ўзи ниҳоясига етказган. Қотиллик изи ўзини тутиб беришини яхши тушунади. Мўъжизакор ўлим эса ҳаммасини бости-бости қилиб юбориш учун ўнг эди. У жиноятни қачондан режалаштириб чиққанини билмайман, бироқ ўйлагани иш бераётганди, то шу кунга қадар.

Дастлаб, ит ва мушукларни ўлдириб, ўрмонга яширди. Мен Брэдolini иккинчи бор ярим тунда кўрганимдан сўнг кўп ўтмай Пейнкрофтнинг ҳам ўрмондан чиқиб келаётганлигини кўргандим. Ўшанда у мени тутиб олиб, шундай кўрқитдики, оиламнинг ширин жони учун унга ёрдам беришга рози бўлдим.

– Демак Пейнкрофт тунлари қишлоққа келиб, итларни ўғирлаган, шундайми?

– Аниқроғи, ўлдирган.

– Аммо қандай қилиб? Итлар уни хушлашмас экан. Жониворлар шовкин солишлари керак эди-ку.

– Пейнкрофт аҳмоқ эмас. Нонга заҳар қўшиб берарди. Ит одамнинг кўнглидаги ёвузликни илғаши мумкин, аммо овқатдан бош тортмайди.

– Итлар заҳарланиб ўлди ҳам дейлик, ўрмон қаъридан эшитилган овозлар-чи?

– Овозлар ваҳимали эди. Аммо аниқ бирон жонзотники, деб бўлмасди. Қолганлар ҳам буни тасдиқлайди. Бу ҳам Пейнкрофтнинг иши. У аҳмоқона, лекин кўрқинчли овозлар чиқарган.

– Яхши. Энди қотилликка тўхталайлик.

– У ҳаммасини яхши уйдалади. Айб секин-аста Брэдoliniнинг бўйнига тушаётганди. Одамлар ўз ити ёки мушуклари йўқолишида уни айблашаётганди. Пейнкрофтнинг бундай қилишини эса, биров хаёлига келтира олмасди. Қотилликдан бир кун олдин у ёнимга келиб, мени қабристонга бошлади. Анча олдин вафот этган бир одамнинг қабрини қазिशимни буюрди. Мен бунга тушунмадим, аммо унинг буйруғини бажаришга мажбур эдим. Савдони билан тунда қабристонда ёлғиз қолиш нима эканлигини тасаввурингизга ҳам сиғдира олмайсиз. Мен бир нарсадан, ўзим қазиган қабрга ўзим тушишим мумкинлигидан кўрқардим. Бироқ ундай бўлмади. У эски жасадни олиб, лаҳадни қайта кўмишимни буюрди. Сўнг уйим ёнида айрилдик. У жасадни ўрмонга олиб кириб кетди.

Қолгани эртасига маълум бўлди. У жаноб Ҳилбертни алдаб, қўл бўйига олиб борди. У ерга яқин йўлай олмадим, – эслаётгани азоб бераётгандек Андерсон гапиришга қийналарди. – У жаноб Ҳилбертни ўлдириб, жасадини яширган, сўнг соҳилга қабристондан олиб келган жасадимизни қўйиб қўйган. Эски жасад у ўйлагандек, жаноб Ҳилбертнинг бир неча сонияда кескин қариб, чириб кетганини исботлаши лозим эди. Қолганини менга яхшилаб тушунтирди. Мен унинг ёлғонига шерик бўлиб туришим керак эди.

– Сиз Шерман Ҳилберт жасади қаерда эканлигини биласизми?

– Қасам ичаманки, йўқ.

– У ҳолда ўрнингиздан туринг! Қабристонга борамиз. Менга қазиган қабрингизни кўрсатасиз. Сизнинг жазо олишингиз ёки қутулиб қолишингиз тергов якунида маълум бўлади.

– Ахир, инспектор, мен барчасини айтиб бердим-ку. Бу ишларда менинг айбим йўқ. У мени кўрkitган эди.

– Йнгламсирашни бас қилинг, Андерсон! Тезроқ туриб, йўл бошланг.

Андерсон ноилож ўрнидан туриб, кабристонга йўл бошлади. У ерда икки полисменга дуч келишди.

– Сизларни майор Уорсон юборганмиди? – полисменлардан сўради Робсон.

– Ҳа, сер, – жавоб қилди улардан бири.

– Қазилган қабрни топдингларми?

– Ҳа. Бу ҳақда инспектор Робсга хабар бериш учун кетаётган эдик. Янглишмасам, ўша одам сизсиз.

– Ҳа. Белкурак топинглар-да, ўша қабрга боринглар. Мен кутиб тураман.

Полисменлар бош ирғаб, энди йўлга тушишмоқчи эди бири тўхтаб қўли билан ишора қилди:

– Қазилган қабр ана у қатордаги ўн еттинчи...

– Буни биламан, – полисменнинг гапини чўрт узди Робсон. – Тезроқ белкурак олиб келинглар!

Полисменлар белкурак олиб келишганда Робсон ва Андерсон ўша қабр ёнида туришарди. “Буни қаердан билдийкин?” хаёлидан ўтказди полисмен. Сўнг буйруққа биноан, қабрни қазий бошлашди. Тобут оғзини очишганида Робсон мамнун жилмайиб қўйди.

– Энди сиртмоқдан аниқ кутула олмайсиз, Пейнкрофт.

Полисменлар бир бўш тобутга, бир жилмаяётган Робсонга анграйиб қараб қолишди.

ҲУКМ

Робсон суд олдидан Пейнкрофт билан ёлғиз гаплашиб олмоқчи бўлди. Соқчи уни хонага олиб кирди. Хона ўртасида стол ва икки томонида икки курси бор эди. Соқчи беш дақиқа кутиб туришини сўради. Робсон уни шошилтириш учун атайин чўнтак соатини чиқариб, вақтни кўргандек бўлди. Сўнг бир талай қоғозларни столга қўйиб, кута бошлади. Беш дақиқа ўтмай Пейнкрофтни кишанбанд ҳолда олиб киришди. Робсон соқчиларга чиқиб кетишга ишора қилди. Ҳатто кишанни ечишларини буюрди.

– Бунга аминмисиз, сэр? – хавотирланиб сўради соқчилардан бири. Иккинчиси кишанга қалитни яқинлаштирганча, тўхтаб қолди.

– Буйруқни бажаринг! – қатъий жавоб қилди Робсон.

Соқчи дарҳол кишанни ечди. Улар чиқиб кетиши билан билагини ишқаётган Пейнкрофт Робсонга ёпишди.

– Инспектор, илтимос, менга ишонинг! Бу ерда катта англашилмовчилик бўлди.

– Пейнкрофт, Пейнкрофт... – бош силкиди Робсон. – Фаолиятим давомида шунчалар кўп жиноий ишларга дуч келдимки, санокдан адашиб кетаман. Кўплари осон ечим билан тугаган. Баъзилари шундай чигал эдики, яқуний қарорни қабул қилганимда ҳам, иккиланиб, эҳтимол, хато қилдим, деб ўйланиб қолардим. Бу иш эса шунчалар оддийки, рост, ёш бола ҳам озроқ бош қотирса, жавобни топиб оларди. Албатта, сиз жиноятингиз изларини моҳирлик билан беркитгансиз, аммо ўзингизга катта баҳо бериб юборгансиз. Мисол учун, Андерсон сирингизни фoш қилиб қўйишини ўйлаб ҳам кўрмагансиз.

– Қандай сир!? Ахир, Андерсон ёлғон кўрсатма берди, – Пейнкрофт қаршисидаги

одамни ишонтира олмаганидан жавабага тушиб кўлларини силтай бошлади. Ишлар шу зайлда кетса, хадемай уни дорга осишга ҳукм этишади. Оиласининг ночор қолишини ўйлаб, кўзларига ёш келди. – Ё, Худойим!.. Менга ишонадиган бирон кимса борми?

– Ўзингизни кўлга олинг, Пейнкрофт, – деди Робсон совуққонлик билан. – Бўлар иш бўлди. Энди ҳар қанча дод-фарёд қилманг, барибир фойдаси йўқ. Жиноят қилишдан олдин ўйлаш керак эди. Бу ерга нолаларингизни эшитиш учун эмас, қила оладиган одилона ишингизни бажаришингизни илтимос қилиб келдим, – Робсон Пейнкрофтнинг саволчан юз ифодасига тикилиб давом этди. – Жиноятингизни исбот этувчи талай далиллар бор. Буларни инкор қила олмайсиз.

Дастлаб, уйингиздан топилган захарга келсак. Сиз улар билан қишлоқдаги ит ва мушукларни ўлдиришда фойдалангансиз. Уларнинг ўлигини нима қилганингизни билмайман. Билиш ниятим ҳам йўқ. Тунлари қишлоққа келиб, ҳар гал кимнингдир уй хайвонини ўғирлагансиз. Мархум Шерман Ҳилберт ити йўқолган қуни икки полисмен зарурат юзасидан уйингизга борган. Аммо рафиқангиз сизни қаттиқ чарчаб ухлаб қолди, деб уларни қайтариб юборган. Қисқаси, полисменлар сизни кўра олишмаган. Кўра олишмасди ҳам. Негаки, ўша вақт уйингиздан анча олисда, қишлоқда мархум Шерман Ҳилбертнинг итини ўлдириш билан банд бўлгансиз.

– Ҳаммаси тухмат!.. Барчаси уйдирма, ёлғон! – ўшқирди Пейнкрофт.

– Майли, энди қотилка қайтамиз. Сиз Андерсонни доимо кўркув билан бўйсундириб тургансиз. Унинг ёрдамида қабристондаги эски жасадни қазиб олиб, ўрмонга беркитгансиз. Эртасига Шерман Ҳилбертни ўша ерга бошлаб бориб, уни ўлдиргансиз ва жасадини яшириб, ўрнига эски жасадни қўйгансиз. Мўъжизакор ўлим барчани эсанкиратиб қўйиши, сиз эса панада қолишингиз учун бу жуда кўл келарди.

– Етар! – кўллари билан қулоғини беркитиб, кўзларини юмди Пейнкрофт. – Ортик сизни эшитишни истамайман... Илтимос, менга раҳм қилинг!

– Мархум сизни ўзига дўст биларди. Керак пулни тўғрилиқча ўзидан сўраб қўйсангиз ҳам бўларди. Аммо сизга мероснинг анчайин қисми керак бўлиб қолган. Очкўзлик сизни йўлдан оздирди. Озроқ қутсангиз, паймонаси тўлиб, ўзи ўларди. Ҳаммасидан расвоси барча айбни мохирлик билан она сути оғзидан кетмаган гўдак бўйнига илишингиз бўлди. Бечора касалманд Брэдли сал қолса, қилмаган айби учун дорга осиларди, сиз эса пулларни олиб, ҳаётингизни роҳат-фароғатда ўтказардингиз.

– Менга ишонинг, Робс, бу ишларнинг ортида ростдан ҳам Эрик Брэдли турипти.

– Ёлғонингизга ҳеч қимни ишонтира олмайсиз, Пейнкрофт. Сиздан бир нарсани сўрайман. Мархум Шерман Ҳилбертнинг жасади қаерда? Уни ҳеч бўлмаганда одамдек дафн этишсин.

– Ахир, неча марта айтиш керак. Жасад ростдан ҳам жаноб Ҳилбертники ва мен уни ўлдирганим йўқ.

– Ҳукм олдидан озгина бўлса ҳам, инсофга кирармикансиз, деб ўйлаган эдим. Мана бу ердаги маълумотлар билан, – Робсон қоғозларга ишора қилди, – сизга ваъда бера оламанки, дорга осиласиз, – Робсон соқчини чақириб, қоғозларини йиғди ва хонани тарк этди.

Бир соат ўтиб барча суд залига йиғилди. Робсон фақат икки мухбирнинг ичкарига киришига розилик берди. Қолган журналистлар Робсонни лаънатлаганча ташқарида қолишди. Улар атайин шу суд учун пойтахтдан келишганди. Бу ердаги машҳур воқеаларни бўрттириб ёзиш, уларнинг газетаси учун улкан фойда

келтирарди. Одамлар ҳақиқатларни ўқишни ёктиришарди. Робсон эса, воқеа бузиб талқин этилиб, аҳоли орасида саросима келиб чиқишидан чўчирди. У ички ишлар вазирининг буйруғи билан шундай қилаётганди. Нимадир бўлса вазир уни сувдан курак олиб чиқиб кета оларди.

Андерсоннинг аҳволи оғир эди. Доктор Жейкоб унинг асаблари ишдан чиққанлигини айтганди. Унга бир нечта тинчлантирувчи дори берди. Аммо Пейнкрофтни кишанланган ҳолда хонага олиб киришганида ранги қув оқариб, боши айланиб йиқилиб тушди. Хушидан айрилган бир у эмасди. Пейнкрофт хоним ҳам эрининг абгор ҳолини кўриб, хушдан кетди. Шу тарика ишнинг бошланиши бир неча дақиқага кечикди. Ҳамма жойини эгаллагач, судья барчага тинчлик сақлаши лозимлигини яхшилаб уқтирди. Судья сўзни инспектор Робсонга берди.

Робсон ўртага чиқиб, бўлиб ўтган жиноят тафсилотларини бирма-бир сўзлаб берди. Пейнкрофтнинг пулга муҳтожлиги, жаноб Ҳилберт унга катта пул васият қилиб қолдирганлиги ва бу икки омил жиноятга сабаб бўлганлигини, Пейнкрофт кўпни кўрган одам бўлганидан жиноятни пухта режалаштирганлигини ҳижжалаб сўзлаб берди. У бошданоқ асосий гумондор этиб Эрик Брэдлини тузоққа туширишни ўйлаган. Тунлари қишлоққа яширинча бориб, уй хайвонларини захарлаб, уларни гумдон қилган. Қишлоқ аҳли ўрмон қаъридан мунгли овозлар эшитилаётганлиги ҳақида миш-мишларни кўпайтириб юборгач, Пейнкрофт Эрик Брэдлига тунлари ўрмонга бир бор бош суқишни маслаҳат беради. Шу ерга келганида Робсон Эрик Брэдлини гувоҳ жойига чақиртирди. Нимжон Брэдли секин қадамлар билан кўрсатилган жойга бориб ўтирди. Сўнг ҳарсиллаганча Робсоннинг сўзларини тасдиқлади.

– Уй хайвонлари йўқолиб, ваҳимали овозлар тунда кулоққа чалина бошлагач, одамлар саросималаниб қолишди. Жаноб Пейнкрофт кунларнинг бирида итларни яхши кўришимни айтиб, тунда ваҳимали инграш эшитилганида ўрмонга бир бор назар солишимга шама қилди. Кейинчалик жаноб Андерсон мени тунда ўрмондан чиқиб келаётганлигимни кўргач, одамлар мен ҳақимда ёмон фикр юрота бошлашди. Лекин жаноб Пейнкрофт барчага менинг айбисизлигимни таъкидларди.

– Нега бу ҳақда ўшанда одамларга айтмагансиз? – сўради Пейнкрофтнинг оқловчиси. – Бу билан ўзингиз ҳақингиздаги миш-мишларга чек қўйишингиз мумкин эди-ку.

– Брэдли бу суҳбатни жентльменларча сир тутган, – гувоҳ ўрнига жавоб берди Робсон. – Бу ҳам Пейнкрофтнинг режасида бўлган. У барча нарсани ипидан игнасиғача режалаштирган. Брэдлини ёмон отликқа чиқариб, мархум Шерман Ҳилберт иккиси ўртасида жанжал юз беришини ташкиллаштирган. Бу жанжалнинг суддаги натижаси ҳақида барчангиз яхши биласиз. Брэдли ўшанда ҳам олийжаноблик қилган. Пейнкрофт эса ҳамон ўз ролини мохирлик билан ўйнарди. У ўзини куйиб-пишиб Брэдлини ҳовуридан тушишига эришгандек қилиб кўрсатган.

Робсон Брэдлига жавоб бериб, доктор Жейкобни чақиртирилганини сўради. Доктор Жейкоб Эрик Брэдлининг оғир аҳволини, тез-тез ётиб қолишини тасдиқлади. Итлар кишиларнинг ўзларига нисбатан ўй-фикрлари қанчалар ижобий ёки салбий эканлигини сезиш қобилиятига эга эканлиги ҳақида сўз юритди.

– Қишлоқда барчага маълум, – деди доктор Жейкоб сўзи якунида, – Эрик Брэдли итларни яхши кўради. Итлар ҳам у билан ўйнаши ёктиришади. Агар Брэдли уларни ўлдириб, гумдон қилишни ўйлаганида, итлар унга яқинлашмас, балки уни қопган бўларди. Бироқ Пейнкрофт итларни хушламайди. Итлар ҳам уни кўрди дегунча қопишга уринишади. Буни кўпчилик билади.

Доктор ҳам ўрнига қайтди. Робсоннинг борган сари кайфияти ошиб, эр-хотин Пейнкрофтларнинг эса, аксинча аҳволлари оғирлашиб борарди. Пейнкрофт айбланувчи ўрнида тобора сиқилиб ўтирар, кўзидан ёш оқар, тили айланмас, баъзан қаршилик қиларди-ю, уни ҳеч ким тингламас, судья ҳам тезда жимлик сақлашни тайинларди. Бехол рафиқаси бўлса дугоналари суяшлари ёрдамида тик ўтирарди. Робсон навбатдаги гувоҳларни, икки полисменни чақиртирди. Улар Шерман Ҳилбертнинг ити йўқолган тун Пейнкрофтнинг уйига борганларини, лекин Пейнкрофт хоним эри чарчаб, ухлаб қолганлигини айтиб, ҳеч бўлмаса, тунда уни тинч қўйишларини сўраганлигини сўзлаб беришди. Шу пайтгача жим ўтирган Пейнкрофт хоним чинкирганча ўрнидан турди.

— Ахир, у ростдан ҳам қаттиқ чарчаб келарди. Кундузи билан югур-югур қилгани етмагандек, тунлари ҳам чакиришади.

Судья болғасини тахтачага уриб, жимлик сақлашни сўради. Ниҳоят, жаноб Андерсон судьянинг рухсати билан ўрғага чиқди. Унинг аҳволи ҳамон оғир эди. Танаси енгил титраб турар, тиззалари юришга зўрға дош берарди. Пейнкрофтга қараганида дарҳол юзини ўгириб, йиқилиб тушди. Робсон уни тургазиб, кўрсатилган жойга боришига кўмаклашди. Андерсон титраб-қақшаб билганларини сўзлаб берди. Пешонасини совук тер босиб, боши айланганидан тез-тез тўхтаб қоларди. Робсон дарҳол унинг аҳволи ҳақида тушунтирди:

— Жаноб судья, Шон Пейнкрофт жаноб Андерсонни қаттиқ кўрқитган, буни ўзи ҳам сўзлаб берди. Доктор ўз ўрнида Пейнкрофт савдойи бўлиб чиққан ҳоллар ўтмишда бўлганлигини айтиб ўтди. Бундай савдойининг сирини билиш жаноб Андерсоннинг руҳий аҳволига кучли зарба бўлган. Доктор Жейкоб унга ҳозир, фақат, осойишталик кераклигини айтди, — шу захоти доктор ўрнидан туриб, буни тасдиқлади. — Андерсон терговнинг осон кечишида асосий иштирокчига айланди. У менга биринчи учрашувдаёқ билганларини сўзлаб берди. У қотилга кўркув исканжасида, ха-ха, фақат, кўркув туфайли ёрдам берган. Негаки, Пейнкрофт унга айтганларини қилмаса, болаларини ўлдиришини айтиб таҳдид қилган. Шу сабаб Андерсонни бу ишларда мутлақо айбсиз деб ўйлайман. У терговга, адолат қарор топиб, бечора ёш йигит жувормарг бўлмай, ҳақиқий қотил жазога тортилишига катта ёрдам берди.

Судья ёнидагилар билан нималарнидир шивирлашиб олди. Андерсон саволларга базўр жавоб бериб, ортга қайтаётганида Пейнкрофт унга тешиб юборгудек тикилди.

— Ҳаммадан кутсам ҳам, сиздан кутмагандим, Андерсон.

Бу сўзлар исзис кетмади. Андерсон ҳушидан айрилиб, Робсоннинг қўлларига тушди. Доктор улар томон югурди. Робсон соқчиларга Пейнкрофтнинг овозини ўчиришларини буюрди. Йиғилганлар тинчланиб олгач, судья айбланувчига сўнгги сўзни берди. Пейнкрофт кўзларида ёш билан ўрнидан турди. Барчага илтижоли бокиб айби йўқлигини айтди. Аммо рафиқасидан бошқа ҳеч ким унга ишонмасди. Ҳамма унга нафрат билан боқарди. Пейнкрофт сўзлари бесамар эканлигини тушунди ва Эрик Брэдлига тикилди.

— Барчасига мана шу ёвуз айбдор!.. — Пейнкрофт озроқ жим турди-да, жазавага тушиб, олға интилди. Шу захоти соқчилар уни тутиб қолишди. — Лаънати, бир кун келиб кирдикорларинг, албатта, фош бўлади. У дунёдан қайтиб бўлса ҳам, сендан ўчимни оламан.

Соқчилар уни жойига ўтқазиб қўйишди. Судья Пейнкрофтга айбини тан олиши учун, сўнгги имконни берди.

— Шон Пейнкрофт, илтимос, марҳум Шерман Ҳилбертнинг жасади қаердалигини

айтинг! Бу виждонингизни озроқ тозалаб олишингизга ёрдам беради. Бу чиқариладиган қароримизга ҳам ижобий таъсир ўтказади.

Пейнкрофт судьяга шундай тикилдики, гўё ичидаги бир олам дардини тўкиб солмоқчидек бўлар, лекин аламдан тили айланмасди. Шунча вақт айбсизлигига барчани ишонтиришга уриниб кўрди, ялинди ёлворди, бироқ ҳеч ким унга қилча ишонмаганди. Пейнкрофт бир неча сония шундай ачинарли турди-да, кўл силтаб, стулга беҳол чўқди. Судья маслаҳатчилар билан кенгашиб олиш учун кўшни хонага ўтиб кетди. Ярим соатдан сўнг судья бошлиқ кенгаш аъзолари қайтиб чиқишди. Барча тик турган ҳолда ҳукми тинглади.

– Шон Пейнкрофт, сиз одамларнинг мулкига тажовуз этиб, аҳоли юрагига гулгула солганликда ҳамда Шерман Хилбертнинг ўлимида айбдор, деб топилдингиз. Олий суд сизни дорга ошиш йўли билан қатл этишга ҳукм этади. Ҳукм қатъий, шикоятга ўрин йўқ!

Пейнкрофт хоним йиқилиб тушди. Уни дугоналари ушлаб қолишди. Ғалағовур кўтарилиб, одамлар шовкин сола бошлади. Ҳар ким ўз билганича гапирар, кўпчилик ҳукмдан мамнун эди. Судья уларни тинчлантириб, Андерсонни жиноятда ўз хохиши билан эмас, балки кўрқув туфайли иштирок этгани учун, айбсиз деб эълон қилди. Шундан сўнг яна шовқин кўтарилди. Одамлар судьяни қарсақлар садоси остида кузатиб кўйишди. Кимлардир Робсонга ҳам миннатдорлик билдирар, факат икки одам оғзига талқон солгандек жим эди. Булар Шон Пейнкрофт ҳамда Эрик Брэдли эди. Уларнинг нигоҳи тўкнашганча қотиб қолганди. Беш дақиқалар ўтиб, икки соқчи типирчилаб айби йўқлигини такрорлаётган маҳкумни судраганча ташқарига олиб чиқишди.

Давоми бор



*Ўзод дегани одамнинг фикри
ва ҳиссиёт бодбудаги ички имкониятла-
рини рўёбга чиқариши деганидир.*

Озод ШАРАФИДДИНОВ.



Ҳали юрагимда гулханлар ёнар



Ҳосият
БОБОМУРОДОВА

* * *

Бу сўлим оқшомлар сен томонингда,
Юрагимга гўзал туйғулар экар.
Кўшиқлар оловдай кезар конингда,
Фавворалар тинмай кўзёшин тўкар.

О, тилингдан учган маҳзун нолалар,
Учар қушларни ҳам айлагай таслим.
Нега томиримда кезар лолалар,
Нахотки, бошланди бешинчи фаслим?

Майсалар чайқалиб тинглар дил розинг,
Юлдузлар сен томон, ой ҳам сен томон.
Борликни эгаллаб олди овозинг,
Сехрингдан мен қандок қолайин омон?

Авжларингдан титрар гулларнинг тани,
Гўзалликлар кетди сен томон ўтиб.
Мавжларингдан тўлқин урмоқда қони,
Қололмасман энди юракни ютиб.

Ҳосият БОБОМУРОДОВА – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1950 йилда туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтида (ҳозирги ТДПУ) таълим олган. Шоиранинг “Дарёдан катта”, “Қалб титроғи”, “Турналарим”, “Самарқандга мактублар”, “Мен узган гуллар”, “Мурод қасри” шеърини тўпламлари нашр этилган.

Соат

Титроқларда қолган жонимни ўлчаб,
Томирларда оққан қонимни ўлчаб,
Билагимни қучиб тураверади,
Бу соат тинмайин юраверади.

Мен тинмай қарайман, сиз келар йўлга,
Соатда тинмайин юраверади.
Фурсат ўтган сайин безовта дилга,
Бир ширин санчиклар кирaveraди.

Қирқ жоним тушириб икки тизимга,
Бу соат тинимсиз юраверади.
Менку келолмайман, энди, ўзимга,
Милларчи, айланиб келaveraди.

Додимга етар ким, дил хароб-хароб,
Эх, соат тўхтамай юраверади.
Юрсак ҳам етмаймиз, ишқ сароб-сароб,
Қисмат ўз даврини сураверади.

Ғамларни тўхтатиб қўйгинг келади,
Юрак урар экан тўхтамайди вақт.
Бахтнинг либосини кийгинг келади,
Бирок, биздан сира сўрамас фурсат.

* * *

Гулшан нега жимсан, нега хабар йўқ,
На шамол елади, на бўронлар бор?
Осмон тўла булут, юрак тўла чўғ,
Нафасини ютиб турар кўҳна ғор.

Боғладими, бийрон тилларингни қиш,
Сувлар шовқини йўқ, Созоғон сойда.
Ерлар ҳам жимгина қўраётир туш,
Ой юзинг кўринмас кўкдаги ойда.

Жавобсиз турибди мен йўллаган хат,
Йўлларга қарайман умидсиз, беҳол.
Шундай жон берарми, меҳру муҳаббат,
На бўлди, кўксингга мен эккан ниҳол?

Гулшан қор ёғдими япроқларингга,
Музлар мадорингни олдим сўриб?
Умид эккан эдим тупроқларингга,
Чикмадим, бирор майса кўқариб.

Кечир, тулкиликдан беролмадим дарс,
Ўргата олмадим қуллар тилини.
Юракнинг четидан кетса ҳамки, дарз,
Фақат кўрсатибман осмон йўлини.

О, менинг бағримда юз очган чаман,
Тонгда қуёш билан бораман бирга.
Ҳали юрагимда гулханлар ёнар –
Етсам тўлдираман хонангни нурга.

Бургут канотини бердим, бас, дебман,
Йиқилишдан сабоқ олмаган гунча.
Кўзёшинг кўрсатма, бўлма бағир қон,
Қаламга суяниб тур, боргунимча.

Изтироб фасли

Қачон ўтиб бўлдим баҳорларимдан,
Сочимни силаган сахарларимдан?
Бугун бошларимда айланар булут,
Фарёд иси келар наҳорларимдан.

Ҳар ғамга чидардик бир бутун бўлиб,
Гул бўлиб ё тикон ё ўтин бўлиб.
Айрилиққа кандоқ чидайман эй дўст,
Олис ой бўйнида, бир тутун бўлиб.

Ёз бўлдик меҳрнинг оташларида,
Куз бўлдик юракнинг туташларида,
Бир тан эдик баҳор, қишларимизда,
Адашдикми, бурчни ўташларида?

Чекамизми, кўнгли тошларни бўлак,
Тўкамизми, кўзда ёшларни бўлак,
Хатирчию Жомлар бир ёқда қолиб,
Кўриб келамизми, даштларни бўлак?

Иккимиз бир дилга сиғардик, асли,
Иккимиз ҳам кўнгли кенгларнинг насли.
Орамизга кимнинг сояси тушди,
Наҳотки, бошланди изтироб фасли?

* * *

Эсимда, биз кезган боғлар кўйнида,
Япроқлар дилимдай қалтирашлари.
Сув устида сирли камалак ясаб,
Денгизнинг умиддай ялтирашлари.

Бизни кўкка олиб кетган чархпалак,
Чиккан жойимизга олиб келгани.
Аввал, дилга осмон ишкени солиб,
Сўнг, ерга тушириб, роса кулгани.

Мен ерга тушиб ҳам гулдай кўнглимни,
Сенинг осмонингда қолдирганларим.
Вужуд бутун қолиб, фақат дилимни,
Сўрамаганимга олдирганларим.

Денгизга бекитиб дилим оловин,
Дарахтлар танини силаганларим.
Ўзимнинг жонимни унутиб қўйиб,
Фақат сенга омад тилаганларим.

Узоқ-олис йиллар йўқотиб юрган,
Шўрлик юрагимни топиб олганим.
Шамолларнинг ҳарир кучокларида,
Ўзимни тополмай шошиб қолганим.

Сен, балки, буларни эсламассан ҳам,
Менсиз ҳам бошингда куёш сочар нур.
Эй дўст, менга бахту ишкнинг йўлини
Кўрсатиб қўйганинг учун ташаккур!

Бир келиб кетсайдинг

Аразим сендамас, энди, ўзимдан,
Булултар тарқалган, кўнглим топ-тоза.
Йўқ, айбимни қайта ювмоқлик учун,
Майин ёмғирлардан олдим андоза.

Бу тил ҳам гангиган, тийилиб қолган,
Энди, у шуурдан юради кейин.
Узр ҳам сўрайди чаппа айланиб,
Бўлса ҳам оғирроқ, бўлса ҳам қийин.

Сен берк деб, ўйлаган эшик ҳам очик,
Қўлингда ёрлик бор, келиб киргали.
Қачонлар баридан топардинг хабар,
Бир келиб кетсайдинг мени кўргали.

* * *

Кеча кечмоқ бўлдим хаёлларингдан,
Юлмоқ бўлдим азоб илдизларини.
Сўндирмоқчи эдим қалбим кўкида
Нур сочган меҳрнинг юлдузларини.

Баттар томир отди жисму жон аро,
Кўзёшимни ичган ўжар илдишлар.
Тунимнинг зулматли осмонларида
Яна ёрқинлашди таниш юлдузлар.

Кўл етмас дийдорнинг аламларидан,
Яна охлар урдим, яна доғландим.
Ўчирмоқчи эдим номинг дилимдан,
Унутаи деб, яна каттиқ боғландим.

Хайрли тун

Шамолларга айтдим, сочингни силаб,
Юзу кўзларингга секин кўяр лаб.
Юлдузларга айтдим, сенга бахт тилаб,
Майин нурлар билан кўяр эркалаб.

Ҳаволарга айтдим, билдирмай кучиб,
Нафасларинггача қоришиб кетар.
Оймомага айтдим, ўздан кечиб,
Тонггача уйкунгни кўриқлаб ётар.

Ўзимга айтдимки, борақол, сен ҳам,
Лоақал, чакмоқдай бир лаҳзага бор.
Қалбим шивирлайди, кўзларимда нам,
Мен сенинг ёнингга боролмайман ёр.

* * *

Баҳорни юбординг, нега бошимга,
Энди, тамом, эриб кетаман.
Гуллаб турган анов дарахтнинг
Кучоғига кириб кетаман.



Ҳамидулла
БОЛТАБОВ

ҲАЗРАТ НАВОИЙ ИЖОДИДАН РУҲ ОЛИБ...

Ҳар қандай ижодкор адабиёт оламига ўз сўзини айтиш иштиёқи билан кириб келаркан, ижоднинг бошидаёқ белгилаган ўз йўли, ўзининг адабий эътиқоди бўлади. Ўз йўлини топмаганлар эса худди йўл бошидаги сарсонликлари каби бутун умри давомида ўз сарсонлиги етмаганидай ўқувчиларини ҳам паришон қилади. Ўз йўлини топиш эса оддий йўловчининг иши эмас, у доимий изланишни, ҳар бир шеър, ҳар бир сатр ва ҳар бир сўз устида бетиним заҳмат чекишни талаб қилади.

Исмоил Маҳмуд шоир сифатида ўтган асрнинг 70-йилларида адабиёт майдонига шуъла сочиб кириб келган. Унинг илк шеърлар мажмуаси “Шуъла” ҳам нафақат илк ижоднинг самараси, балки ижод йўли бошида турган шоирнинг изланишлари натижаси эди. Сир эмаски, ўтган аср етмишинчи ва ундан кейинги йиллар авлоди ўзида Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Рауф Парфи ижодий таъсирини ҳис қилган, эҳтимол, очик, эҳтимол, ғайришуурий равишда ўз салафларига эргашишга интиланган. Шу жиҳатдан “Шуъла”ни варақлаганда дунёни рауфона нозик ҳис қилиш, ҳали мушаккал шеър бўлиб қулоч отмаган ҳиссий кечинмаларини боридай, самимий суратини чизишга интилиш борлигини кузатиш мумкин: Кеч куз. Ҳазонрезги. Боғ. Шовуллайди тўкилган барглар. Барглар Саъва бўлиб Ўз шохига қўнмоқчи бўлар. Ихчамгина бу шеърни ҳар ким ўз билгича талқинга йўяр. Лекин мен бу мўъжаз кечинмада ўзининг ёш, пўртана туйғуларига қўним излаётган ижодкорни кўраман. Айни мана шу безовта интилиш “Муин Бсису кундалиги” шеърда сезилади. Маълумки, бизнинг авлод фаластинлик бу шоирни араб ёки унинг русчага ўгирилган шеърларидан эмас, Рауф Парфи тўпламларида кўрган. Унинг жанговар ва қонли ҳаёт йўли ижодкор тақдирига лоқайд бўлмаган ҳар бир зиёлини тўлқинлантирган: Қора соҳил, Чақирма, бас, ёнингга, Ўз йўлимга қўйгил мени, Мени қўй ўз ҳолимга.

Ҳамидулла БОЛТАБОВ – 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетида таҳсил олган. Халқаро Эстетика ва эркин санъат ижтимоий академияси (Россия ФА) аъзоси. “Истеъдод ва услуб”, “Ўз сўзини излаб...”, “Наср ва услуб” (турк тилида), “Қатагон қилинган илм”, “Абдурауф Фитрат – адабиётшунос”, “Фитратнинг илмий мероси”, “Мумтоз сўз қадри”, “Ислом тасавуфи манбалари”, “Шарқ мумтоз поэтикаси”, “Фитрат ва жаҳидчилик” китоблари муаллифи.

Ижодкор учун ўз йўлини топиш қанчалик муҳим бўлса, ўз ҳолини поэтик ифода қилиш яна ҳам муҳимроқ. Ўз кечинмаларини шеърӣ ифода қилолмаганлар ёки “прозаизм”га тутилади ёки туйғуларнинг ўзини эмас, балки чучмал ноаниқликни тасвирлаганини баъзан ўзи сезмай қолади. “Ўз ҳолини ифода” қилишга интилиш шоирнинг “Келажакка ишониб” тўпламида ҳам кўринади. “Ҳолат” шеърӣ ижодий келажакка ишониб, унда ўз руҳининг паноҳ топишини истаган шоирнинг иккиланишлари эмас, балки масъулиятли изтироб: Мени тутиб турар иккита кутб, Икки кутб боғланган ўйимга бу кун: Бири у йўл эрур – мен босган ўтиб Ва бири шу йўлнинг колгани – яқун.

Аслида умр йўлининг икки босқичи бўлган “узок бир ижодий сафар” (Ўткир Ҳошимов шоир умрини шундай атагани) вақт масъулиятини ҳис қилган, ҳар қадам, ҳар бир бекатда депсиниб қолмай, келажакка ишониб, қуёшли кутбга интилаётган қалбни сезамиз: Кўзларим – масофа, юрак – кўзларим. Вақт – қуёш тинмайин санчилар кўзга.

Иккинчи тўпلامда шоирнинг Нарзул Исломдан қилган таржима ва Маҳмуд Дарвишга назиралари бор. Табиийки, бу ижодкорлар тақдирини ҳам Исмоил Маҳмуд дастлаб Эркин Воҳидов каби устозлари асарларида кўрган, уларнинг қисматига ачиниш баробарида шеърӣ қисмат ортида ётган шоир юрагини “кўриш”га, туйғуларига туйғудош бўлишга интилган. Шу жиҳатдан Назрул Исломнинг “Дуо”си Исмоил Маҳмуд тилида шундай сас беради: Кўшигим ўтиб кетар... Ўтар оний лаҳзада, Сукут акс-садо берар Муз қалбингда ўт бўлиб Умид қайта туғилар. Айни шеърда ўз даврида урф бўлган шеърӣ неқбинлик, ҳар қандай фожианинг ҳам муроди эртакнамо яхшилик каби жиҳатни кўрмаймиз. Ҳислар ўз окимида оқади, туйғулар баъзан сўзга бўйин бермайди, баъзан ўз ифодасини тугал топмагандай кўринади. Бироқ шеър сўнггида Қумда йўқолган издай ғойиб бўлган ул инсон Дардилар солиб, бошингда қулиб туради ҳамон: Қон қақша. Титра абад, Тунги майса каби хун. Шудир сенга дуоим, Рўёбга қикай бутун!

Маҳмуд Дарвишнинг “Қамоқхонадан мактуб”и “миттигина юртин буюк муҳаббат билан” севган шоир курашидир. Шеърда Исмоил Маҳмуд Ватанга муҳаббатини буюк маънавий курашдай ифода қилади. Кейинги тўпلام “Эътироф”да ҳам бу кураш тўхтамайди, аксинча, у бамисли шамол, унинг қўллари билан қамоқxonанинг чиркин тош деворларини учириб юборур Халқ деган ёвкур! Халқ қудратига ишониш, унинг исён, ўч – кучли қудрат эканини ҳис қилиш ўзбек шоирларига Чўлпондан мерос. Бироқ бу мерос ҳиссиёт Маҳмуд Дарвиш бўлиб зулм билан қайта тиклашганда янги куч олади. Ватаним! Исмингни мен тишларим билан Тошга ўйиб битдим. Сизгир бармоқларим-ла нурнинг қумуш сочларини майин тарадим. На илтижо, на ёш бордир Менинг қорачуғимда. Ловулайди унда фақат биргина олов!

Орадан ўн йиллар, балки ўн беш, салкам йигирма йил ўтса-да, биз Исмоил Маҳмуднинг улуғ шоирларга ҳавола берган, уларнинг дардини ўз дардидай қуйиб ёзган сатрларини соғинсак-да, учратмадик. Шоир бироз тиниш олгандай, қалами ва туйғуларини янги ўзанга солаётгандай тасаввур берди. Тасаввур алдамади, аввалги тўпلامларида бир-икки “йилт” этиб кўриниш берган мумтоз оҳанглар унинг шеърларини ўз бағрига олди. Замон ўтиб, келажакнинг истиқболли йўллари ойдинроқ кўринган сари шоирда мозийга қайтиш, унинг сир-синаотини

кайта тахрирдан ўтказиш, мумтоз адабиёт берган мўъжизаларни ўз истеъдоди доирасида синаб кўриш ҳоллари аниқ кўзга ташлана бошлади. Бу табиий, чунки мумтоз шеърят шундай бир туганмас беназир хазинаки, уни сарф этиб адо қилиб бўлмайди, ундаги ҳар бир тимсол ва гўзалликни сарф этган сайин янги имкон кирралари очилиб, муҳибларни ботиний гўзаллик сари тортаверади.

XX асрнинг долғали ўйларида мумтоз оҳанглари тирилтирган Эркин Воҳидов ва Жамол Камол ғазаллари, айни қуйларга жўровоз бўлишга интилган Фарид Усмон ва Матназар Абдулҳаким ишқий байтларига оҳангдошлик унинг шеърларига кўчди. Шоирнинг “Ишқ саодати” китоби буткул мумтоз матнлар асосига қурилди. Исмоил Маҳмуд тўпламдаги ғазалларни улуғ соҳибдевор шоирларга ҳавас қилиб, алифбо тартибда тузди. Бироқ бу мажмуа улуғ шоиримиз Абдулла Ориф “ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун” деб ёзганидек, кирилл алифбоси тарзида тузилди. Шақли-шамойили қандай бўлишидан қатъи назар бу ғазалларда арузнинг ички имкониятларидан хабардор бўлган, мумтоз қофия ва бадий санъатларни ўзлаштирган шоир шуури кузатилади. Уларнинг руҳида эса пок ният, пок тийнат учун қайғурган, покиза эътиқодни ўзининг ҳаёт тарзи деб билишга интилган мўъмин банданинг охират саодати ҳақидаги ўйларини топамиз:

*Висолин истабон, Маҳмуд, Ўзига сен муножот қил,
Ки ёрнинг васлидин йўқдур лазиз коми жаҳон бул кун.*

Биз ўтмиш шеъриятида шундай маъни йўлларини кўрганмиз, ҳайратланганмиз. Бироқ замона талотумлари ичра “мен”лик ишқига ғарк бўлиб, охиратни унутиш, ёлғиз Ўзигагина муножот қилиш, Унгагина топиниш бутунги шеърый намуналарда у қадар кенг учрамаётган эди. Ёки Ҳазрат Навоий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо ғазалларига тахмис ёки тасдис битаётганлар кўпроқ мажозий суратларга банд бўлиб, мумтоз шеър калбадаги Илоҳий иймонни замон арузига кўчиришга ийманаётган вақтда Исмоил Маҳмуд Ҳазрат Навоий ғазалига мухаммас тарзида ёзади:

*Жон қуши ёр васлига етмоққа зору зор эди,
Бу риёзат ичра мақсадга кўнгил саркор эди,
Ишқида, Маҳмуд, азалдин ул садолар бор эди,
Эй Навоий, ёр васли гарчи бас душвор эди,
Фони ўлғоч бўйла душвор бўлди осон оқибат.*

Дарвоқе, Исмоил Маҳмуднинг мўъжазгина сайланма йўналишидаги тўпламини бизга ҳавола қилган устоз Иброҳим Ғафуров шундай ёзган эди: “Исмоил Маҳмуд қандай шеър ёзишидан қатъи назар зоҳири ва ботини бут, зоҳири ва ботини бир, зоҳири ва ботини осуда ва пок инсон деб тушунар, билар, у билан ўртамиздаги дўстликни кадрлар эдим... Исмоил Маҳмуднинг ўзи қандай бўлса, ҳеч қандай даъво-достон қилмай ҳавас ва муҳаббат билан ёзган назми ҳам шундай: тийнати, асоси, маъзи пок, зоҳири ва ботини бир”. Айни сўзлар шоирнинг “Тулзор қилур...” тўпламига сўзбоши ёзган устоз мунаққиднинг кузатишлари эди.

Исмоил Маҳмуд истеъдодли шоир сифатида юртимизда ўз номи, шаъни ва истеъдодига эга. Замонавий талқиндаги шеърларда тажриба орттириб, энди кўҳна

арузнинг сиру асрорларидан хабар топиб, мумтоз шеърят боғига кадам кўйган шоир бу боғнинг бўстонга айланиши йўлида тинимсиз изланиб, заҳмат чека бошлади ва бунинг натижаси улароқ унинг “Саодат манзари” девони дунё юзини кўрди.

Шоирнинг арузда ёзилган шеърлари асосида тузилган дастлабки тўпламларидан фарқли равишда “Саодат манзари” мумтоз девоннавислик анъаналарига мос тарзда шакллантирилди. Девон таркибидаги ғазаллар алифбо тартибида жойлаштирилди ва Ҳазрат Навоий йўлини тутиб, ҳар бир ҳарф имконлари доирасида (“Зол” ҳарфи заковатлиларининг зодалари” каби) сарлавҳалаштирилди. Девоннинг асосий қисмини ташкил этган ғазалларда кўҳна жанрнинг янги бадий уфқларини очишга, устозлар шеъриятида синалган рамал, ҳазаж баҳрларида аруз ўқишга майли ўткирроқ бўлгани сезилади:

*Бўлма гофил, бу ҳаётда, ҳар нафасдан топ зиё,
Кеча кундуз, шох, гадо ё хору хасдан топ зиё.*

Ёки:

*Санингдек дилрабога, ёр, манингдек жонфидо муҳтож,
Дили абгор, кўзи хунбор, ки дардингда адо муҳтож.*

Шоир ўз тахмисларига тартиб беришда ҳам тахмисчилик анъанасига содиқ қолган. Ҳазрат Навоийдан тортиб замонавий шоирларнинг ғазалларигача ёзилган тахмисларни жойлаштиришда қатъий даврий-хронологик таъмалга амал қилинган. Устоз шоирлар “панжасига панжа” уриш орқали нафақат уларга тенглашишга интилиш, балки бу беназир байтлар катидаги маънини англашга ва ўзи томонидан кўшилган мисралар орқали элга тушунарлироқ қилиб англантишга эҳтиёж бор. Ҳазрат Навоий ғазалига ёзилган қуйидаги тахмис бунга мисол бўла олади:

*Кўзголиб руҳда тўфонлар истади монанди ёр,
Жон талотум оламида чекди ранжи бешумор,
Заҳми ишқ бирла риёзат илқида топмай қарор,
Менки, ҳижрон даштига кирдим кўндек беқарор,
Оҳу вовайлоки, ҳам саргаштамен, ҳам хоксор.*

Мусаддас, қасида ва рубоийлар девоннинг жанрлар ранг-баранглигини таъминлашга имкон берган. Уларда шоирнинг аруз имкониятларидан унумли фойдаланишга саъй-ҳаракатлари яққол кўзга ташланади. Айниқса, шоир рубоийлари ўткир фикр, салмоқли вазн ва турфа тимсоллар билан зийнатланган:

*Мен ишқнинг қудратин ҳис этдим такрор,
Тунлар қирқ тилкалар у қилни бедор.
Қолгандим саҳрода умидсиз ёлғиз,
Бир ҳамроҳ йўллади – навобахи, дилдор.*

“Саодат манзари” девонининг чоп этилиши шоир ижодидаги бурилишдан далолат берибгина қолмай, мумтоз шеърятга ишқибоз мухлисларни муайян даражада қаноатлантирди ва шунинг баробарида уларнинг мумтоз шеърятдан хабардорик даражасини ҳам оширишга хизмат қилди. Айниқса, замонавий шеърятда “мудраган арузни уйғотган Эркин Воҳидов” (Ғафур Ғулом баҳоси) ва бу вазн имкониятлари доирасида қалам тебратаётган Жамол Камол, Фарид Усмон каби истеъдодларнинг нисбатан камлигини ҳисобга олганда Исмоил Маҳмуднинг “Саодат манзари” девони мана шу арузий эҳтиёжни қондириш йўлидаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Маълумки, мумтоз шеърят улуғ бир бўстон, бу бўстонга кирган ҳар бир муҳиб фақат гул узиш, ҳидлаш, наъфланиш илинжида юрмай, балки яратилган даврдан тобора узоқда қолаётган беназир боғимизни меҳр билан парваришлаб, ундаги турфа неъматларни келажакка ҳам етказиш илинжида ҳаракат қилади. Исмоил Маҳмуд ана шундай заҳматқаш ижодкорлардан бири. Шоир аруз гулшанига қадам қўйганидан бери унинг турфа гулларига маҳлиё бўлиб, йилдан-йилга бу чаманни янгидан-янги асарлари билан бойитишга муваффақ бўлмоқда.

Исмоил Маҳмуд ўзининг арузий шеърлари асосида тузилган янги девонини “Дилда васли муддао” деб номлади. Мазкур девон ҳам мумтоз адабиётимиз анъаналарига содиқлик руҳида яратилди. Олдинги девондан фарқли ўларок бунисига арузий шеърнинг тўққиз навъида ёзилган битиклари киритилди. Шоирнинг ҳар бир янги шеъри унинг аруз сабоқларини янада теранроқ ўзлаштираётганидан ва бу вазн имкониятларидан янада кенгрок фойдаланаётганидан далолат бермоқда.

Бу сатрларни ўқиб, ўқувчиларимиз Исмоил Маҳмуд шеърларида ҳеч камчилик йўқми, уларнинг ҳаммаси юксак поэтик шаклларда акс этганми, деб ажабланиши мумкин. Улуғ устоз Қодирий домла “мозийга қайтиб иш кўришликни хайрли” билгани каби ўтмиш шеър руҳини тирилтиришга урунишни хайрли деб билганимиздан бу сафар Исмоил Маҳмуд шеърларининг нуқсону қусурларидан сўз очишни жоиз билмадик. Бойси эзгулик йўлида қилинган ҳар бир саъй-ҳаракатнинг аввало жозиб томонларини қадрлашимиз, ўтмиш адабиётини ўрганиш, унинг анъаналарини давом эттириш ва бойитиш хайрли иш эмасми? Зеро, ўтмиш бугун билан пайвандлангандагина, келажакка асқотади.

Ўтганлар сардафтарин варақланг бот-бот



Қамчибек
КЕНЖА

Тўртликлар

Олам асли яралмиш қойилмақом,
Фақат пасту баланд, сал бесаранжом.
Ораста айламоқ бўларкан одам,
Тарху тарзин бузиб, қилар бемаром.

* * *

Эй, йўловчи, эҳтиёт бўл ўнгу сўлингга,
Қўл силтама фақат менинг кўчам, йўлимга.
Юрагинг бегидир, озода гар бошмоғинг,
Торгинмай киравер уйимгаю кўнглимга.

* * *

Ё Раб, ҳар қайда қаддим ҳам бўлишдан асра,
Безиё, нодонга ҳамдам бўлишдан асра.
Толеним бут қилу ҳеч ёра этма тобе,
Фуруриму орим мулзам бўлишдан асра.

* * *

Шошилганнинг доим кеч қолмоғи бор,
Ошиққаннинг мункиб қоқилмоғи бор.
Мувозанат тарзи – ҳаёт йўсини,
Ютоқиб ичганнинг тикилмоғи бор.

Қамчибек КЕНЖА – “Шухрат” медали соҳиби. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими. 1946 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎЗМУ) филология факультетини битирган. Адибнинг “Созинч”, “Яшил барг”, “Кўнгли кўчалари”, “Ишиқинг тулса”, “Орзуманлар”, “Нотаниш гул”, “Тог йўлида бир оқишом”, “Соҳилдаги сув париси”, “Қизил гуллар”, “Муҳаббатни гуноҳ десалар”, “Соҳибжамол аёл сирини”, “Бобурийлардан бири”, “Севинчларим ва қуйинчларим”, “Кўнгли кечинмалари”, “Палахмон”, “Муҳаббат бадали”, “Машаққат ва жасорат”, “Ҳаёт ҳикматлари” ва бошқа шеърин, насрий, публицистик китоблари чоп этилган.

* * *

Кимгадир ғариблик қисматин битган,
Кимгадир шарифлик, зар ато этган —
Нафсу ҳирс дардига мубтало бари —
Бу сирлар калитин қайга беркитган?

* * *

Бағирнинг бағрида яна бир бағир,
Тақдир тақдирида бечора тақдир.
На бағир, тақдирдан узилолмай хун
Сарангу гарангу сўзона, фақир.

* * *

Битса манглайга ноҳос не балоқим, ёр ярим,
Ғамзаю меҳру вафо, зор ярим, ғамхор ярим.
Қиш яримдир, куз ярим, ҳам ёзу баҳор ярим,
Ғам ярим, шодлик ярим, ҳам ғуруру ор ярим.

* * *

Ғунчаи бесабр гул бўлди охир,
Илдизи бандидан айрулди охир,
Ва яшнаб бир муддат, ҳаволандию
Сўлиди, қуриди, кул бўлди охир.

* * *

Далли парвоналар чарх уриб йитар,
Қай бири бахт топар, мақсадга етар?
Лек улар ҳолидан кулганлар, эсиз,
Куймоқлик завқини туймайин ўтар.

* * *

Зор-зор юзим бўз рангдан айла халос,
Кўзимни ғубору чангдан айла халос.
Шафқату меҳрдан этма мосуво,
Кўнглими ҳар не зангдан айла халос.

* * *

Бу не синоат, не каромат, эй гул,
Бўйингу аксингга дуч келгум нукул.
Ҳар майса, гиёҳга атрингни пурқаб,
Жо этган мисоли жисмингни буткул.

* * *

Нух умри ҳам уммондан бир коса каби,
Ҳар бир жон умри асли нимкоса каби.
Ўтганлар сардафтарин варақланг бот-бот —
Ҳайрату надомату ҳулоса каби.

* * *

Битарди қалбдаги жароҳат, алам,
Таркарди бор ғубор, неки сир муҳам,
Ўзгалар ёдидан ўчирсам сени
Ва, сенинг ёдингдан ўзгаларни ҳам.

* * *

Қувончининг умри кам, эмасдир қойим,
Суйган дил ғуссага тўлиқдир доим.
Бехис, бедардларга айлама йўлдош,
Қалби оташларга йўлиқтир доим.

* * *

Ҳусну малоҳатга қувонмай қўйдим,
Ҳавойи ҳисларда кўп ёнмай қўйдим.
Сохта гул мисоли алдаркан сурат,
Энди суратларга ишонмай қўйдим.

* * *

Кутмасам-да гарчи ҳеч кимни,
Қадам саси эзар кўнглимни,
Хаёлимда шу замон биров
Қокиб қолар дил эшигимни.

* * *

Туйғуларнинг сарвари муҳаббатдир, соф агар,
Қайғуларнинг дилбари муҳаббатдир, соф агар.
Яралгайми усиз ҳеч қимир этган бирор жон,
Икки олам жавҳари муҳаббатдир, соф агар.

* * *

Пинҳон сиринг қалбингда тугун,
У ҳам очмас ҳаргиз сен учун
Мухимлардан-муҳим бир сирин...
Ҳадик топгай тупроқда яқун.

* * *

Ким ишқ учун, суйиш учун яралгай,
 Ким хониш, ким нолиш учун яралгай.
 Кимга гул ёр, кимга хор ёр дунёда
 Ким ёниш, ким куйиш учун яралгай.

* * *

Ёр мунтазам жононининг жонидамас,
 Васлу висол ким хоҳлаган онидамас.
 Қисматимас хижрон фақат бандаларнинг,
 Ой ҳам доим ўз юлдузин ёнидамас.

* * *

Тўфон турсин томса бир томчи жоланг,
 Ришта ё чилвирга айлансин толанг.
 Ғам сели ё хижрон зардобигамас,
 Муҳаббат шавқиға тўлсин паймонанг.

* * *

Кўп оғир сафардир дунёга келмоқ,
 Умр – чағир йўлда олға интилмоқ.
 Минг бир муаммою жумбокларни еч,
 Мушқули бир қайсар қалбига кирмоқ.

* * *

Эй гул, зеболиғни бунча оширмоқ нечун,
 Найзаларни барг остига яширмоқ нечун?
 Аввал кўз-кўзланиб, дилларга солиб қутку,
 Сўнг бандингга қўл чўзганга ниш урмоқ нечун?

* * *

Ёлғонинг чинингдан айириб бўлмас,
 Фейлингни дилингдан қайириб бўлмас.
 Риё бир сирғанчиқ кўприк, ости — жар,
 Муҳаббат йўлида тойилиб бўлмас.

* * *

Расмга ўхшайди, бўёкли хусн –
 Узоқдан бир муддат этади мафтун.
 Боз узра ул чирой бўлса нимяланг,
 Манглайга урилар мисли тош устун.

* * *

Бир қарашининг сеҳру жодудан зиёд,
Жилмайиши осмоний ёғдудан зиёд.
Ҳажри ҳама аламу қайғудан зиёд,
Васли жамики тотлиғ орзудан зиёд.

* * *

Ёрсиз ўтар йиллар асли асрларга тенг,
Ёрла кечар кунлар гарчи лаҳзаларга тенг,
Ҳаво, сув бўлсаю, бўлса меҳру садоқат,
Овлоқдаги бўйра қапа қасрларга тенг.

* * *

Кимга нима гўзал – ўзи билади,
Қайга қарамокни кўзи билади.
Кўз овига гул илинар ёки хор –
Ҳар кимсанинг ризқу рўзи билади.

* * *

Лутфингга бу ғарибинг мушарраф бўлмиш,
Куюклар ичра шоёни шараф бўлмиш.
Бори зор бир тараф, у бир тараф, яъни,
Ошиқлар маржонида дур, садаф бўлмиш.

* * *

Нигоҳ ёр суратин йўқотар гоҳо,
Дилни талпинтириб хит этар гоҳо.
Дил парво қилмаса арзу ҳолига,
Қасдлаб, ўзга овга ўқ отар гоҳо.

* * *

Гулинг гул назарин ташлабон ҳавол,
Ўтди – мийиғида сирли бир ҳаёл.
Кипригу забонинг қарахт қотди, оҳ,
На садо беролдинг ва на бир савол.

* * *

Хусннинг тоши бор, тарозуси йўқ,
Жило-жилваси бор, ранги-гуси йўқ.
Гирдида бисёрдир парвоналар, лек
Бамисли чироқ – раҳм туйғуси йўқ.

* * *

Гоҳ лазиз гоҳ дилгир туйғусан, армон,
Махзун энтиктириб, ўртаб беомон,
Минг бир ҳужайрамга солсанг-да сурон,
Дунёда сен бору у бор, мен борман.

* * *

Ёдинг хаёлимда — уйқу бегона,
Соғинчдан ўзга бор туйғу бегона.
Ҳажру озорларинг жонимга ҳузур,
Кўнглимга ўзга дард, кайғу бегона.

* * *

Ҳар наҳор умидим – кун мунаввар келгай,
Тушларим хосиятли, бекадар келгай.
Ниятим эмасдир – олтину зар келгай,
Ул бекарамдан карам – хушхабар келгай.

* * *

Не замонки, юрагим доғ, хомушдир,
Эзаётган нолавор бир товушдир.
Ҳаловат, таскин бер уларга, ё Раб,
Зорни-зорга, оҳни-оҳга қовуштир.

* * *

Ҳар лаҳза айрилиқ сендан ҳижрат менга,
Гарчи, ҳар дам қалбингга йўл – узлат менга.
Сенинг ёдинг ва хаёлинг – бор умидим
Икки дунё кадридан қиммат менга.

* * *

Тонларинг сафосин офтобдан тила,
Ошиқ дилқушосин гулобдан тила.
Гар кўнглинг уйига шом чўкди ноҳос,
Нур ила давосин моҳтобдан тила.

Япроққа ёзибман дастхатлар



Гулжамол
АСҚАРОВА

Ватан десалар

Ўзингни аяма, Ватан десалар,
Халқ десалар Ҳақнинг қошига боргил.
Ҳақиқат десалар руҳингни кўтар,
Ўтирма хорғин!

Коинотда битта, оламда битта,
Шу азиз халқингни дардини сўйла.
Ундан мунисини топаолмайсан,
Дунёга бўйлаб!

Борма, қақирсалар гулгун чаманлар,
Ял-ял тиллоларга юзингни бурма.
Ватанингдан бошқа манзил, маконлар,
Кўнглингда ургай!

Шоир айтаётир сенга бу сўзни,
Ўз халқини қаттиқ севган бир ошиқ.
Дунёда шоирдан бошқа ҳеч кимга,
Ишонма ортик!

Халқинг севадими сени, севмасми,
Бир лаҳза тинмагил унинг ёдидан.
Остонасин ўп ва ёлғиз бошингни
Олма пойидан!

Гулжамол АСҚАРОВА – Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси. 1978 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. “Дил фасли”, “Рўшнолик”, “Бедор кўнгироқ”, “Бахт дастхати”, “Уйғотувчи алла”, “Гулнома”, “Турналар йўли”, “Эркалик имтиёзи”, “Ошиқлар тумори” каби шеъррий китоблари чоп этилган.

Онангни севгандек, сев уни дўстим,
Отангни севгандек, сев уни дўстим,
Ҳаётни севгандек, сев уни дўстим,
Кетма бағридан!

* * *

Соғинсак қайтади қувончларимиз,
Чорласак қайтади ҳаттоки ғамлар.
Биродар, ялину ёлвор, кетказма,
Ҳечам қайтмас экан кетган одамлар.

Кушлар қайтиб келар соғиниб юртни,
Тўлқинлар қайтади соҳилларига.
Ёмғирлар самони айланиб келиб,
Қайтгуси заминнинг бағирларига.

Шунинг-чун сен одам йўқотма, қалбим,
Ҳатто, тиз чўкса ҳам сен деб оламлар.
Бу дунёга қайтиб келмаганидек,
Қалбингга ҳам қайтиб келмас одамлар.

Тасаввурлар

Чоғинг етмас чоғи чоғланмоқликка,
Рухинг руҳим билан боғламоқликка,
Юрагим кўникди доғланмоқликка.

Илкимга илк бора кафтингни чиздим,
Соямда соянгнинг тафтини сездим,
Кези келганида ёлғиз, жим кездим.

На илож, шодликлар ноилож қолди,
Кўзингни оч, кўксим ишққа оч қолди,
Рухим айвонида қалдирғоч қолди.

Қоралама ёзган қораламамни,
Шамол шаъмасида ўчирма шамни,
Ғамлаб юрма яна юракка ғамни.

Яратган дунёни шундай яратган,
Сочдан тирноқ қадар нурлар таратган,
Ким у сайр чоғи булбул сайратган.

Зиёни борми ҳеч нурни, зиёни,
Дунё деб, дунёга сарфлаб дунёни,
Рўёбга чиқармай ўтдик рўёни.

Кўнглим кўхна ғамга кўниккан, кўнган,
Сўнгаклар ичида иликлар тўнган,
Шамларни ёқай деб, пиликлар сўнган...

Сенсизлик ва бахт

Кўзларингни соғиндим бугун,
Кўзим, бағрим, дилларим билан.
Кут, ёнингга қайтарман бир кун,
Турналарнинг йўллари билан.

Жоним, дилим, мендан ўксиган
Нигохларинг меҳрли майин.
Гуллар такиб ишқдан кўксимга,
Мен ёнингга бормоғим тайин.

Фақат сев ва мени кутгил сен,
Ахир, бекор ишқсиз тожу тахт.
Сенсиз бахтни тополмайман, мен,
Сенсиз мени тополмайди бахт.

Уйғониш

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВАга

Чинни гуллар чинқиравериб,
Ичимдаги чинни уйғотди.
Минг йилларки томирларимда
Ухлаб ётган жинни уйғотди.

Ҳар кимлардан улгу олмадим,
Тик ушладим қадду коматим,
Қарқарали бахту омадим,
Ғанимдаги кинни уйғотди.

Бахт-тахтимга тегиб кетди кўз,
Жиним айтди, дунёсини буз,
Тоабадки, йўқсан деган сўз,
Менимдаги менни уйғотди.

Ғаним тузгач режасини хом,
Қўлга олдим қон лим тўла жом,
Тўмарисдан қолган интиком,
Қасд, қасосу хунни уйғотди.

Не синоат нафасда, бонгда,
Бонг урди вақт руҳдаю онгда,
Шукр, шукр, тулларим тонгда
Чарақлаган кунни уйғотди.

Ноябрь видоси

Бу мулку, бу жаҳон сеники,
Қонунга ўхшайди истагинг.
Айб шуки: сен – шохсан, мен – ғариб,
Лек, соянг бўлмокни истадим.

Омон бўл, тахтдами, ердасан,
Тўзимлар тилайман жонингга.
Мабодо, ёнингда бўлмасам,
Чўмилма, қизғалдоқ қонига.

Бўлди, бас, дунёнгни бузмайман,
Тинчингни тарк этар исёним.
Боғингда илонлар юрибди,
Уларга тегмайди зиёним.

Изн бер, алвидо айтмоққа,
Япроққа ёзибман дастхатлар.
Оҳ, десам, оловдек отилди,
Боғларга қип-қизил ҳасратлар.

Хавотир олмагил, мен йўқман,
Барига қоларсан кўникиб.
Эй шохим, изн бер, мен кетай,
Бу мулку жовидон сеники.

* * *

Менам парвонаман, шамларим сўнган,
Оловлари ташлаб кетган парвона.
Бу дунё рақсига ҳайрона бўлиб,
Маънос яшайпман далли девона.

Изтироб эмасдек изтиробларим,
Рухим – бўғзи ғамга тўлиб кетган най.
Судраблар юрибман жонсиз лошимни,
Юрагим – севгисиз қолган одамдай.

Кўксимда бир уюм қулдан бўлак йўқ,
Кўзларим ненидир жовдираб излар.
Бу дунёда мангу далли кетмасам,
Мени кечиргайму маҳсума хислар.

Оппок кўйлақларда келар бир хаёл,
Оппок булутларни ичгим келади.
Анов оққушларга айланиб тонгда,
Оппок осмонларни кечгим келади.

Нега уйғонмайман бу гафлатдан ҳеч,
Не учун абгорман муқаддас қайғу.
Айт, нечун сен менинг кўксимда йўқсан,
Қабрлар лабида яшаган туйғу.

Менам парвонаман шамларим сўнган...

Мен сирман

Мен сирман. Ва, ошкор бўлмоқ истарман.
Қарорда бекарор бўлмоқ истарман.

Айтарлар, бандани севмоқ гуноҳ деб,
Тоабад гуноҳкор бўлмоқ истарман.

Мени такрор-такрор севгил азизим,
Лек, сенга бетакрор бўлмоқ истарман.

Унинг дийдорига етган ўлармиш,
Дийдорга талабгор бўлмоқ истарман.

Ожизангман дея, жар солгим келар,
Бир мардга тору мор бўлмоқ истарман.

Ҳар ошиқ азизлик тахтини истар,
Мен нечун хору зор бўлмоқ истарман.

Илдизлари қадар гуллаб кетсин у,
Бир гулга гул баҳор бўлмоқ истарман.

Ахир, зеболарнинг сафиндаманку,
Чин ёрга чин дилдор бўлмоқ истарман.

Очилмоқ олдидан гул ҳам кизарар,
Мен гулдек “шармисор” бўлмоқ истарман.

Жон қурбон қилмоққа арзир фақат ишқ,
Шу йўлда жон нисор бўлмоқ истарман.

Доим ёдимдасан, борлиғимдасан,
Ёдингда доим бор бўлмоқ истарман.

Бахт менга ҳечам ёр бўлмади, лекин,
Мен бахтга мангу ёр бўлмоқ истарман.

ТАҚИҚ МЕВАСИ

Икки новелладан иборат роман¹

4

Икки кундан сўнг Ҳосилани олиб кетишди: энди умид йўқ, бу ёғи ёлғиз Худодан дейишибди. Олиб кетишаётганда у беҳуш эди. Мен у билан сўзсиз хайрлашдим. Бўғзимга бир нарса тикилди-да, уларни кетишини ҳам кутмай йўлга тушдим. Хаёлан Иблис билан юзма-юз келдим, уни хуморимдан чиққунча дўппосладим, хаёлимда ур-калтакдан моматалоғи чиқиб кетди. Бошқа биров бўлганда аллақачон жони узилган бўларди, аммо у менга иршайиб, мени масхара қилиб қараб турар, менинг калтакларим унга чивин чаққанчалик ҳам таъсир қилмаган эди. Ўзимга келиб, унинг олдида нақадар ожизлигимни хис қилдим. Уни ўлдириб, ёқиб, йўқ қилиб бўлмасди. Уни ўлдирганим, ёққаним, тўпга солиб отганим, қадим ханжарларда чавақлаганим сари бошқа жойда, бошқа киёфада, етти мучаси соғ қайта-қайта пайдо бўлаверарди. Иблис олдидаги озижлик алами билан бир неча кун яшадим. Кейин Ҳосилани ҳам, унинг эрини ҳам унутдим. Ўзимнинг дардимга ўралашиб қолдим. Мени яна Малак деб аталган азоб ўз қаърига тортиб кетди. Мана, кирғоқда ўз кемасини кутаётган йўловчидек ўтирибман. Кемадан эса дарак йўқ, бошқа кемаларга чиққим келмайди.

5

Хонамдан ташқарига қарайман. Ичимдан чиқаётган тафтдек туман шаҳарнинг ўпкасида хилпираб турибди. Ўрнимдан туриб, деразани очдим. Хонага совуқ шамол ёпирилиб кирди. Туман уйлар орасида сизиб юрарди. Тонг хира отган, кўчада онда-сонда одамлар кўриниб қоларди. Кунчиқар тарафдан улкан бино кўланкаси кўзга ташланарди. Йўлак бўйида чирий бошлаган ҳазонлар музлаб қолганди. Рўпарамдаги боғда дарахтларнинг таналари аёзда қорайиб кетган, улар жуда мушгипар, болалари ташлаб кетган кампирга ўхшашарди. Мен уларда янги бир вазоҳатни кўрдим. Уларнинг шохлари юқорига кўтарилган, муқаррар хавфни кутган қўшиндай, зарбага шай туришар, энди уларнинг шохлари фалакка ўқталанган найзага ўхшарди.

¹ Давоми. Бошланиши ўтган сонда.

Дарахтлар ҳам ўз қисматларига исён кўтаришганди.

Йўллар худди ҳозиргина артилган шишадай ялтираб турарди, ҳалқоб-ҳалқоб кўлмақлар пайдо бўлганди, осмон худди укувсиз расмоннинг кўли билан беланган бир парча доғ-дуғ қоғозга ўхшарди.

Мен йўл бўйлаб қаёққадир кетиб борардим.

Ёмғир юзимга уриларди. Йўлак четидаги дарахтларнинг яланғоч таналари ёмғирда бўртиб кўринар, улардан чиркин ҳид келарди: дарахтларнинг таналари қорамтир тусга кирган, улар озорли киёфада эдилар, ёмғир томчилари уларнинг шоҳлари, таналарида секин сизиб келмоқда: улар жимгина, тик турганларича эзилиб-эзилиб йиғлардилар... Мен биринчи марта бундай ҳолни кўришим. Илгарилари ҳам кўрган эдим, эътибор бермагандим. Мен уларга қарашдан кўркиб, тез-тез юриб борардим. Оёқларим мени яна Малакни илк марта учратган ерга бошлаб келганди: оёқларим аллақачон менинг ихтиёримдан чиқиб, кўнглим ихтиёрига ўтган, шунинг учун мен қанчалик уринмай, барибир, у мени истаган томонга судраб кетарди. Кўнглимнинг саркашлиги мени Малакни олма гулли кўйлақда илк бора кўрган ҳолатга қайтариш билан якун топди. Менга ҳаммаси, Ҳосила ҳам, уқубатларим, саргашталигим, умуман, унинг икида еру осмонни кезган уч йиллик умрим, шу лаҳзагача бўлган бор ҳаётим, Малакни кўрган ва унга маҳлиё бўлиб қолган оний лаҳзаларда тасаввуримда содир бўлгандай туюлди. Мен шу уч йил ичида ҳеч қаёққа кетмагандим. Ҳали ҳам уни кўрган лаҳзада турардим. У эса ўзидан олма гули хидини таратиб ўтиб борарди: гарчи атрофимда куз, гарчи ҳозиргина ёмғир ёғиб ўтган, борлиқ завол, паймона сари юз тутган бўлса-да, кўнглимда баҳор нафаси пайдо бўлди, димоғимга олма гули ва новдасининг ҳиди урилди – вақт оти аллақачон олисларга югуриб кетиб қолганди, умримнинг ортда қолган сўмоқларида исмим ёзилган ва ёзишга улгурмаган кунларнинг жасадлари янада кўпайганди. Фақат кўнглим ўзгармаганди: мен ҳали ҳам Малакни кўрган лаҳзада турганимни, ўтган йиллар ичида ҳеч қаёққа кетмаганимни англадим. Мени яна уни илк марта кўргандаги туйғулар қамраб олди. У яна ўтиб борар, мен эса оламга муҳаббат ва ишқ ҳиди бўлиб тутаётган олма хидидан маст бўлиб турардим. Малак билан кўшилиб бутун умрим, отам, момом, укаларим, кўрган-кечирганларим ва табиийки, менга истехзоли назар ташлаганча Ҳосила ҳам ўтиб борарди...

Эрталабки илик ёмғир тушга яқин изғиринли қорга айланди. Қор аввал шамол йўналишига монанд равишда юзга изиллаб ёпиша бошлади. Мени худди нохуш нарсадан огоҳлантирмоқчидек, томнинг устига олма шоҳлари тунукани “тўқ-тўқ” уришди.

Қор бутун шаҳарни ва бутун куз давомида рухиятим, уқубатим гувоҳи бўлиб, губорга айланган оёқ изларимни худди қишдан яширмоқчидек қоплаб олди.

Ниҳоят аёз шаҳарга ўз салтанатини ўрнатди. Қорлар баданимизни чимчилади. Кўчаларга аёз ойна тутди. Юлдузларнинг табассуми музлаб қолди. Сумалақда куёш ўзининг аксини кўриб, уялиб кетди. Кунларимиз қишга тушовлаб кўйилди. Хонам ишқ жасади солинган музхонага ўхшайди.

Лаҳча-лаҳча ёғаётган қорни кўрасан: ҳаммаёқ оппоқ. Гўё қиш заминнинг бор айбини яшириб, уни оппоқ қилиб кўрсатмоқчидек.

Менинг кўнглим эса қоп-қора – хуфтон ётибди у ерда.

Мен қиш бўйи муҳаббат печкасига исиниб яшадим.

Азоб менга ишонмайди – мен билан ҳар куни дарсга катнайди.

Оёқлар музлар устида ҳайкиради. Қуёш ўз каддини ўзи биледи. Хориждан кайтади ҳожи булутлар. Кечалари юлдузлардан сумалак ясайди.

МУНОЗОРА

1

Ҳосиладан айрилиб, оғир изтироб билан юрган пайтларимда Ш. тўсатдан ҳаётимга кириб келди. Уни кўргандаёқ мен ўзимда ғалати бир ҳиссиётни бошдан кечирдим: у сабоқхонага сассиз, худди шарпадек, соядек кириб келиб, минбарда хонадагиларни бироз истехзо, кибр аралаш бирма-бир кузатаркан, кўзларимиз тўкнашди: мен бу кўзларни, бу кибрли турк-тароватни қаерладир кўргандек эдим. Лекин қаерда кўрганимни ўша пайти эслолмадим. Ҳаммамизнинг эътиборимизни тортган нарса – у бу ўқув даргоҳида русумга айланган одатни такрорламади: кўлидаги йўқлама журналга ҳам бир истехзо билан қараб қўйди-да, уни кераксиз матоҳдек минбарнинг бир четига ташлади ва бироз чийиллоқ, аммо анча ширали, қатъиятли овозда, “Сизларга бугундан бошлаб мен маъруза ўқийман”, деди ва ҳеч қандай кириш сўзларисиз бирданига дарсни бошлаб юборди. Тўғриси айтишим керак, у маърузасининг биринчи дақиқасидаёқ бутун сабоқдошларимни ўзига ром қилиб қўйди: бошқа ўқитувчилар каби ўзига ортиқча эътибор ҳам талаб қилгани йўқ, маърузасининг бизга қизиғи йўқлигини ўзлари ҳам билишгани учун ҳаммиша қандай қилиб бу соҳани танлагани-ю, номзодлик ёки докторлик диссертацияларини қандай ёқлагани, қайси машҳур олимлар сўзга чиққани, фанда янгилик бўлди деб эътироф этишгани, қаерларда ишлагани, қаерларни қойил қилгани, талабаларга неча йилдан буён сабоқ бераётгани каби вақт ўтказишга қурилган кириш ҳам қилиб ўтирмади, ҳатто ўзини таништиришни ҳам истамди, бирдан фаннинг асоси бўлган масаладан биз кутмаган тарзда эркин, мантқиқли саркаш саволлар қўйиб, бу саволларга янада саркаш жавоблар билан маърузасини бошлаб юборди ва, тан олишим керак, биринчи дақиқадаёқ ҳаммамизни мафтун қилиб қўйди. Унинг қарийб икки соатлик дарси қандай ўтганини сезмай ҳам қолдик. Ш. маърузасини тугатди-да, соатига қараб, “Кейинги маърузагача хайр!” деди-ю, худди жангни зафар билан якунлаган саркардадек ғолибона тарзда чиқиб кетди. – Аслида, ҳақиқатан ҳам биз тўрт йиллик талабалик давримизда биринчи марта бу хил маърузачини ва маъруза ўқишининг бу хил шамойилини энди кўриб туришимиз эди. Унинг ўтқир нигоҳи, ёш, навқирон, ўктам овози, биз кўчасидан ўтмаган манбалардан усталик билан фойдалангани бизнинг ўқитувчилар ҳақидаги котиб қолган тасаввуримизни тор-мор қилиб ташлади. Ёшликдаги орзу ховурлари босилиб, ўзларига жуфт излаётган мусичадай инжиқ ва жиззаки бўлиб қолган кизлар тезда бир-бирлари билан шивирлашишга тушди: биз – йигитлар ўқитувчимиз келтирган янги манбалар, унинг бошқаларниқига ўхшамайдиган таҳлил, талқин ва хулосалари ҳақида баҳслашаётганимизда кизлар унинг хушсуратлиги, ўзига ярашиб турган суртуғи, унга ўзгача салобат бағишлаб турган соколи, жингалак сочи, лаб-лунжи, қошу кнприги – ҳаммаси қизгин муҳокама қилинша бошлашди. Бу муҳокаманинг натижаси шу бўлдики, кейинги дарсда кизлар бирдан бошқача кийиниб, анчадан

бери биз курсдошлари олдида унутиб қўйишган пардоз-андозу ясан-тусан билан келишдики, бу ҳол биз йигитларни хушёр торттирди: ёш ўқитувчимиз ўзи билмаган ҳолда бизга – сабоқдош йигитларга ракобатчига айланганди. Бундай пайтда махфий хизматлардан ҳам аълороқ ишлайдиган кизлар ўқитувчи ҳақида аниқ бўлмаса-да, лекин ҳақиқатга яқинроқ бўлган маълумотларни топишди: насбу насаби оддий оиладан чиққан, болалигидаёқ ўзининг алоҳида қобилятини намойиш қилган, синфдан-синфга жуда тез кўчган, ҳали ўн уч ёшидаёқ олий ўқув юрти талабаси бўлган, кейин ўзини илмга бағишлаган, яқинда қайсидир вилоятдаги институтдан бизнинг институтга махсус тақлиф қилинган. Олимлар ичидаги энг ёш доктор, илм-фанда янги силсилани бошлаб берадиган янги даҳолардан, уйланган, уйланмагани аниқ эмас, лекин аини пайтда боши очик. Олдинги маълумотларга безътибор бўлиб, сақич чайнаб ўтирган, аллақачон ўзини оилга тайёр деб ҳисоблай бошлаган кизлар охирги маълумотдан сўнг бирдан хушёр тортишди ва, менимча, ҳар бири ўзича омадини синаб кўришни режалаштиришиб, унинг эътиборига тушишга ҳаракат қила бошлашди.

Кейинги маърузаларида мен у билан баҳслашишга уриндим, гарчи ўзимни унинг талқинини тан олмаган қилиб кўрсатсам-да, лекин унинг қувваи ҳофизаси кенглиги ва фикрлаш тарзининг теранлиги, азал билан абаднинг бошини қовуштирган далиллари, энг муҳими, шу пайтгача мавжуд бўлган қарашларни инкор қила оладиган мантқиққа эга эканлиги, саркаш дунёни саркаш жавобларда талқин қила олиши мени ҳам уни ҳурмат қилишга мажбур қилди: у билан баҳсимиз бизни тобора бир-биримизга яқинлаштирди, охир-оқибат дарслар иккаламизнинг баҳсимиз ва бир-биримизга билдирган эътирозларимиз, фикрларимиз тўкнашуви билан ўтадиган бўлди.

– Биласизларми, муҳаббат туйғуси худди Прометей Олимпдан оловни ўғирлаб келгани каби, Одам Ота томонидан аршу аълодан ўғирлаб келинган туйғу, – деди у бир куни одатдагидай ўзининг ҳар бир гапи ҳар биримизда худди уруш кўнгиноклари каби акс-садо беришини билгандай бизга бирма-бир разм солиб чиққач. – Одам Ота билан Момо Ҳавонинг асли гуноҳи тақиқ мевасини татиб кўришда эмас. Балки аршу аълонинг муҳаббатини ер юзига ўғирлаб тушганида ва уни ўз наслига мерос қолдирганида. Одамнинг хатоси шундаки, у шу танлови биланок фалак тартибига энг катта исёни қилди. Чунки муҳаббат одамга эмас, фаришталарга хос ҳиссиёт эди. Муҳаббатдан одам эмас, аслида фаришталар яралади. Одам эса уни жўн туйғусга айлантириб катта хато қилди. Одамнинг муҳаббатдан бошқа ҳамма нарсаси оддий гел, лой, оёқларинг остидаги тупрок. Фақат муҳаббатгина уни аршу аъло билан боғлаб туради. Агар муҳаббат бўлмаганда одам деганимиз бошқа жониворлар каби оддий бир йиртқич махлук бўлиб қоларди. Одамзотнинг табиати муҳаббатга муносиб эмас. Шунинг учун муҳаббатни аршу аълога қайтариш керак. (У “биз” демади, “сизлар” деди. Бу менинг диққатимни тортди, ичимда унинг ожиз жойини топгандек истехзо пайдо бўлди. Бунга ўхшаган даҳолар одатда ўзларини алоҳида мавжудотлар қилиб кўрсатиш учун ҳам хатолар, гуноҳлар каторида номларини санашмайди). Муҳаббат мавжуд экан, одам ўзини фаришта ҳисоблайверади. Бу эса уни яна қайта-қайта хато қилишга ундайверади, аршу аълони ларзага келтирадиган фожиаларга сабабчи бўлаверади. Мен бир нарсага ишонаман: бу хато барибир қачонлардир тузатилади, муҳаббат аршга қайтарилади. Ҳаммаси ўз жойига

тушади. Чунки фаришта фаришта, одам одам, тупрок тупрок бўлиб қолиши шарт. Ибтидонинг бу адолатсизлигига чек қўйиш керак.

Бизнинг назаримизда хаёлимизнинг кўчасидан ҳам ўтмаган бу саркаш, ҳар бир харфида нафрат сезилиб турган фикрлар бизнинг тасаввуримизни остин-устун қилиб юборди. У гапиришдан тўхтаб, унга худди илоҳларнинг илоҳини кўргандай маҳлиё бўлиб қараб турган бизларга бир-бир қараб чиқди. Аудитория сув куйгандай жимиб қолди. Баъзилари, “Хўш, жуда ақли эдинг-ку, сен нима дейсан?! Бу гапга ҳам эътирозинг борми?!” дегандек менга кўз осларидан қараб ҳам қўйишди. Менинг соямга салом бериб, юзимга ялтоқланиб, астида ботинан мени ёмон кўриб юрадиган, ҳамшиша ўзларини саводсизликда, калтафаҳмлиқда айблаганим учун мени ҳам кимдир мулзам қилишини ич-ичидан орзу қилганлар ич-ичидан қанчалар қувонаётганини тасаввур қилиб турардим.

Рости, бу хил талқин, менинг хаёлимга келмаганди. Унинг мантиғи мени довдиратиб қўйди. Унга қарши ўта заиф қандайдир фикр билдирдим, чоғи, у мийғида қулиб қўйди. Шу қулиши билан мени бутунлай тор-мор этди – курсдошларим орасида мени ер билан яқсон қилди. Ҳар қалай, мен шундай деб ўйладим ва ўзимни тахтдан қулатилган қиролдай ҳис қилдим. Кўзимнинг бир чети билан Малакка қарадим. Малак худди сеҳрлангандай устозга қараб ўтирар, унинг қарашини эҳтиром ва ҳайратга тўлиқ эди. Шунда мен биринчи марта Малакни бу ёш ва навқирон, ўзига бино қўйган даҳодан қизгандим. Шу қуни рашк азобидан ярим тунгача боғ кездим. Зеро, Малак ҳали бирон марта менга бундай маҳлиёлик билан боқмаган, унинг кўзларида бунчалар ранго-ранг алангани кўрмагандим.

Устозни ҳар дарси унинг ғалабаси ва менинг мағлубиятим билан яқунланарди. Унга ҳеч қайси талаба қарши фикр билдирилмас, ҳамма маҳлиё эди ва фақат мен эътироз билдирар, “Фалон асарда бундай дейилган, фалон тадқиқотчи бундай деган, фалон файласуф бундай деган!” деб ўзимнинг билимдонлигимни кўрсатишга уринар, у менинг фикрларимни эшитиб туриб, кейин меникидан кўра асослироқ, меникидан кўра ўзига хосроқ бўлган бошқа бир фикрни ўртага ташларди. Устоз билан даҳанаки жангимиз натижаси шу бўлдики, у ҳам мен билан қизиқиб қолди ва дарсдан кейин кўпинча анча ергача бирга кетадиган, ҳатто кўчаларда ҳам баҳслашадиган, баъзан телефонлашиб ҳам бир-биримизга маълум бир масалалар ҳақида фикр билдирадиган бўлдик, зеро, у ёшини айтмасан-да, кўринишидан ва ўзини тутишидан биз билан деярли тенгдош эди.

Талабаликнинг уч йилида тополмаган дўстни, ҳамдардни, ҳамфикрни, энг муҳими ўзим каби “айро” фикрлайдиган кимсани ниҳоят топгандай эдим. У худди Малак каби менинг қалбимни забот этишни бошлади. Мен ўзимга ўхшаган, ўзим каби такаббур, ўзим каби ҳеч қайси қолипга сиғмайдиган, дунёни бошқа томондан кўрадиган ўзимни топгандай эдим. Бир қуни у билан ижара уйимизгача бирга юриб, баҳслашиб келдик, кейин уйга кирмасдан ташландик боғни айлана бошладик. У ҳам худди менга ўхшаб негадир кекса олма дарахти олдида тўхтаб, ўзгача бир назар билан қараб қоларди.

– Сиз ҳам олма дарахтини ёқтирасизми?! – деб сўрадим ундан.

У олма дарахтидан кўз узмай туриб жавоб берди.

– Бу дарахт билан боғлиқ хотираларим жуда кўп!

Шунда унга момомдан эшитган афсонани айтиб бердим.

– Биласизми, сизнинг қарашларингиз момомнинг олма дарахти ҳақидаги афсонани эсга солди менга. Момомнинг айтишича, аёлни авраш учун Иблис ҳамиша олма дарахтидан фойдаланаркан. У ўз маъшуқасини олма дарахти олдига олиб келиб, муҳаббат изҳор қиларкан. Шунда маъшуқаси унга башар зотиға барҳам берадиган охириги одамни туғиб бераркан.

Бу гапим унда истехзо уйғотди чоғи. Менга жавоб бермади-ю, лекин юпқа лабларини қимтиб олди. Бу лаблар менга чархланаётган қиличдек кўриниб кетди. Аммо мен бунга ортиқча эътибор бериб ўтирмадим. Унинг шу сўзи эътирофи менга етарди: шубҳа йўқ эди. У худди менга ўхшарди, бизни олмага бўлган мехру муҳаббат бирлаштириб турарди – биз тезда тил топишиб кетдик. Шу қуни иккаламиз боғ айлланиб бўлиб, кейин қаергадир бориб, бирга овқатландик. У мен жавоб излаб юрган кўп саволларга ўта аниқлик ва ишонч билан жавоб беради. Тўғриси айтсам, мен ҳали у каби ўзига ишонган, гаплари мени ҳам доводиратиб кўядиган мантик билан суғорилган билимдон одамни учратмаган эдим. Унга энди ҳамма нарсани, ҳатто Малак ҳақидаги туйғуларимни ҳам ишониш мумкин эди.

Ниҳоят уч йиллик азобланишларимдан сўнг унга Малак ва унга бўлган ғайриоддий хиссиётим ҳақида гапириб бердим. Менинг кечинмаларим уни ҳайратга солди. Менинг Малакка бўлган ғойибона ошиқлигимдан ҳайратга тушди ва ҳатто менинг гапларим уни негадир ларзага солгандай бўлди. Унга уч йилдан бери бир кизни деб чекаётган азобларимни айтиб берарканман, унинг лаблари титраб, кўзлари олайиб, худди бир фожиага гувоҳ бўлаётгандай юзлари оқариб кетди. Менга бир неча муддат ажабланиб тикилиб турди.

– У киз буни биладими? – деб сўради у негадир мутаассир овозда.

– Йўқ, – дедим мен. – У беҳабар. Унга бу ҳақда қандай айтишни билмайман. Айтсам, ҳаммаси тугайдигандек туюлади. Унга муҳаббат изҳор қилишим – уни ерга, ҳаммамизнинг орамизга олиб тушиб қўядигандек, ўзимнинг кўнглим сирини айтиб, уни илоҳийликдан, самовийликдан маҳрум қиладигандек туюлади. Шу сабабли ҳаммасини ичимга ютаман, илоҳий, самовий хисларим ҳам тасаввуримда қолишини истайман. Шу истак билан ҳалигача бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто унинг ўзига ҳам кўнглимни ёрмадим...

Албатта, унга фақат Ҳосила менинг бу кечинмаларимдан хабари борлиги ҳақида гапириб ўтирмадим. Энди Ҳосила йўқ эди. Шундай экан, бу дунёда менинг Малакка бўлган хисларимдан ҳеч ким хабардор эмас. У менинг ғойибона севгим ҳақидаги гапларни ўзи билан бирга мангуликка олиб кетган.

– Сизнинг гапларингиз мени жуда мутаассир қилди, қарашларимни алғов-далғов қилиб юборди, – деди у менга алланечук номсиз андуҳлар порлаётган кўзларини тикиб.

Айни дақиқаларда Ш. менга ҳайрат билан тикилармиди ёки нафрат биланми, билолмасдим. Унинг ёниб турган кўзлари худди қабр ичида ёниб турган шамга ўхшаб менда нохуш таассурот уйғотди. У шу қарашлари билан бирдан менга бегона, ёт бўлиб қолгандек эди.

У Малакка бўлган муҳаббатимни эшитиб, негадир ўй бўлиб ўйга, ғам бўлиб ғамга, изтироб бўлиб изтиробга ўхшамайдиган андуҳга берилганча менга худди рентген нурларига ўхшайдиган кўзларини тикиб турарди: гўё шу қараш билан менинг ичимни бирма-бир варақлаб, айтганларимнинг ҳаммасига ўзи гувоҳ

бўлмоқчи, менинг хиссиётларим, кечинмаларим, туйғуларимни бирма-бир титиб кўрмоқчига ўхшарди. Ниҳоят тикилишни бас қилиб, мени ажаблантирганча ташвишли алфозда хона бўйлаб юра бошлади.

– Мен дунёда бундай муҳаббатга арзийдиган сабаб қолганига ишонмайман, – деди у юрган кўйи худди товуш чиқариб фикрлаётгандай. – Шундай экан, қурбон бўладиган муҳаббат қолмаган деб юрардим...

Кейин тўхтаб, менгами ёки хаёлидаги бошқа бировгами, жahl бўлиб жahl эмас, зарда бўлиб зарда эмас, аммо ички бир талваса билиниб турган оҳангда, “Бўлиши мумкин эмас! Бунақа бўлиши мумкин эмас!” деди.

Мен уч йиллик дардимни кимгадир айтиб, енгил тортган бўлсам ҳам унинг ҳолатидан хавотирда турардим. Чунки мен ҳеч қачон бу муҳаббатимни бировга айтишни, ошкор қилишни тасаввур ҳам қилолмаганман. Малак менинг ичимни, кўнглимни, вужудимни, хаёлларимни тўлдириб турарди. Агар бировга буни ошкор қилсам, ичим ҳам, хаёлим ҳам, кўнглим ҳам бўшаб қоларди. Бу эса мен учун ўлим билан барабардай туюлар, шу сабабли шу кунгача бу хисларимни, Ҳосилани айтмаса, барчадан, ҳатто Малакнинг ўзидан ҳам яшириб келгандим. Мана энди ошкор бўлди, ичим бирдан бўшаб қолди. Мени уч йил суяб турган устунлар бирдан қулаб тушгандек эди. Ўзимни беҳол, кучсиз, пажмурда ҳис қилдим. Худди жиноят устида қўлган тушиб, ошқора тарзда қатл қилинаётган маҳкум ҳолатида эдим.

Ш. хонани анча пайт айланиб юриб, ёнимга қелди-да, менга ҳаммасини қайтадан гапириб беришни сўради. Мен яна қайтадан унга Малакка бўлган ғойибона хиссиётим ва уч йиллик азобу укубатларим, унинг ишқида телба бўлганим, у бор экан, менга дунёнинг, ҳаётнинг ҳеч қандай қизиги қолмагани, токи бу дунё қабул қилолмас экан бу муҳаббатни бир умр ичимга яшириб ўтишга тайёрлигим ҳақида гапириб бердим. Эртасига ҳам биз шу ҳақда гаплашдик. Қарийб бир hafta унга ўтган уч йил ичидаги бошимдан кечирганларимни бирма-бир гапириб бердим.

– Мен ақлдан озганга ўхшайман, – дедим мен. – Малакка на дардимни айта оламан, на ундан кўнгили узиб кета оламан. Туйғуларим ҳам, муҳаббатим ҳам Малак қаршисида йўққа чиқади, унинг олдида арзимасга айланаман, бу кечинмалар билан унинг номига, унинг илоҳийлигига гард юктираётгандай ҳис қиламан, уни ғойибона севишга, дардида ғойибона куйиб адо бўлишга, энг сўнгги нафасгача унинг хаёли билан яшашга маҳкум эканимни ҳис қиламан. Унинг абадий беғубор, пок, илоҳий бир хилқат бўлиб қолишини истайман. Шунинг учун бу муҳаббатни ичимга яшириб, дунёдан уни қизганиб яшайман. Малакка менгина эмас, бу дунёнинг ўзи ҳам муносиб эмасдай туюлади. Бу дунё ҳали унинг висолига эришадиган даражада улғайгани, поклангани, фориғлангани йўқ. У фақат тасаввур ва кўнгили етиб борадиган юксакда яшайверади, мен уни ҳар лаҳза худди куёшни кўргандай кўриб, унга талпиниб яшайвераман. Менга у оламларни бирлаштириб турган остонага ўхшайди. Токи остонани кўрган эканман, ичкарини кўриш унчалик қийин эмас, шундаймасми?

Менинг бу фикрларим уни бутунлай вайрон қилгандай, ер билан яқсон қилгандай, менинг ҳар дил изҳорим уни ерпарчин қилгандай туюлар, ҳар гапимдан сўнг унинг юзида виқор, салобат, ғурур йўқолиб борарди. Балки менга шундай туюлгандир. Аслида, Ш.нинг олдида бу гапларим билан шунчаки китобий ошиққа айланиб қолгандим, холос. У шундай деб ўйласа ҳам асло хафа бўлмасдим. Балким

у ҳақдир? Мен ҳали ҳам дунёга китоб, момом айтиб берган ривоят ва афсоналар кўзи билан қарардим. Менинг хотирамда Малак туфайли пайдо бўлган озорлар ва шу ривоятлардан бошқа ҳеч вақом йўқ эди. Шу сабабли ўзимни Унинг олдида ожиз ва нотавон ҳис қилдим. У менинг ҳисларимни масҳара қилмоқчидек чиройли қизларни қандай тузоғига илинтирганини гапиришга тушарди. Унинг гапларига шубҳа қилмасдим: қизларга суяги йўқ эди: уни кўчаларда, университет томонидан ажратилган ўқитувчилар ётоғидаги хонасида қанча қизларга наҳс тўла нигоҳи билан хушторлик қилиб турганини учратганман. У қизлар ҳақида гапираётганда бозорга пулсиз келган харидордек ўзимни хаёлларим ортига яшираман.

Нима бўлганда ҳам мен бир нарсани сездим: Малак ҳақидаги ихзори дилим негадир уни ташвишга солган, мен билан хайр-маъзурни ҳам йиғиштириб, шошиб жўнаб қолганди. Аммо кетиш олдида менга бош чайқаб қараб турди-да, афсуслангандек:

– Ўша қизни кўрсатсангиз, сизнинг ҳисларингизга арзиш-арзимаслигини айтиб бераман, – деди.

Унга ҳеч нарса демадим. Ўша пайтда унинг қарашлари худди ўлжа излаб юрган оч бўриники каби эди.

Ундан ҳатто Малакнинг номини ҳам қизгандим. Ш. мендан жавоб ололмай яна қайта бош чайқаб, мендан қочиб кетаётгандай зиналардан сакраб-сакраб тушиб кетди.

Билмадим, балки у ҳақ бўлгандир, бундай севги эскиргандир, мен ҳам замондан орқада қолгандирман, аммо бошқаси менинг кўлимдан келмасди. Мен севгимни ошкор ҳам қилолмасдим, ундан воз ҳам кечиб кетолмасдим. Малакни кумсардим, уни соғинардим. Лекин бу дард фақат ўзимга аён эди. Куни билан унга айтиш учун энг чиройли гаплар, сўзлар, шеърий байтлар, иктибослар ўйлаб юрардим, ёд олардим, лекин уни кўришим билан ҳаммаси тугарди: ҳаммаси ёдимдан кўтарилар, унинг қаршисида тилдан қолар, худди эриб кетаётгандек вужудим ўт бўлиб ёнар ва гапириш тугул ҳатто унга қарашга ҳам журъат қилолмасдим. Уни еру кўкка ишонмасдим. Аммо Ш. жуда айёр эди. У сабоқ пайтлари менинг ўзимни тутишимдан маҳбубам Малак эканини билиб олганини ҳис қилдим. У мен кирганда бир менга, кейин Малакка қараб қўяр, мени худди синамоқчидай унинг ёнига ўтиришга чорларди. Мен эса худди унинг гапларини эшитмагандек, Малакдан анча узокка – орқага бориб ўтириб олардим. Унинг ёнидан ўтаётганимда тутаб кетгандек бўлардим, бу дудни Ш. ҳам қўрарди чоғи. Унинг кўзларида истехзоли нимтабассум пайдо бўларди. Аммо бу табассумнинг масҳара ҳам эканини тезда англаб қолдим.

Менинг кўнгил қўйганим Малак эканини билиши билан Ш. менинг нафақат ақл бобида, балки муҳаббат бобида ҳам рақибимга айланганди. У маъруза ўқиётганда Малак ҳам унга шундай меҳр билан тикилиб турардики, унинг кўзларида барча талабаларники каби хайратдан бошқа яна бир ифода ҳам пайдо бўларди. Тезда Малак унинг дарсларининг биронтасини ҳам қолдирмасдан келаётганини сезиб қолдим. Ваҳоланки, у барча сулув қизлар каби дарсларга келмай қўяр, кейин дунёни жизгинак қиладиган табассуми билан тутуриқда турмайдиган баҳона қилса ҳам ўқитувчилар унга танбех бериб ўтиришмас, бу эса унга дарсларга хоҳлаган пайти келиш имтиёзни берганди. Энди эса у биронта дарсни қолдирмас, ҳаммадан олдин келиб олиб, хонада худди кимнидир муштоқ бўлиб кутиб тургандай туюларди менга.

Ва Ш. пайдо бўлиши билан унинг кўзлари порлаб кетганини сезиб қолардим. Буни билган кундан бошлаб, Ш.га нисбатан менда англаб бўлмас рақобат бошланди. Шу сабабли у билан деярли учрашмай қўйдим. У ҳам негадир мени энди йўқлаб келмасди. Орамизда киши билмас жарлик пайдо бўлганди. Ким билади, балки у Малакни кўргач, менинг уч йиллик ғойибона муҳаббатимга арзишини сезган ва айтган гапларидан уялгандир? Мен яна бир нарсани сезгандим: Ш. маърузаларини аксар ҳолда боғдаги олма дарахтига қараб ўқир, кўзларини олма дарахтидан узган заҳоти Малакка қарар, гўё шу йўл билан Малак билан олма дарахти орасида бир боғлиқлик, бир ришга кўргандай туюларди менга. Буни сезганим сайин Ш.ни ёмон кўриб борардим. Лекин унинг дарсини қанда қилмасдим, йўқ, унинг маърузалари аввалгидай мени қизиқтирмасди, мен ундан, унинг нигоҳларидан Малакни кизганардим. У Малакка тикилган пайтлар атайин чалғитиш учун саволлар берар, унинг нигоҳини Малакдан бошқа ёққа қаратишга, шу йўл билан муҳаббатимни ҳимоя қилишга интилардим. Охир-оқибат шу бўлдики, Малакдан ажралиб қолганимни кеч англадим. Кеч англадим у яна олдингидай ўзимни ўзимнинг ичимга яширдим.

2

Ҳаммаси жуда тез содир бўлди. Ақлимни йиғиштириб олишга ҳам улгурмадим. Ҳаммасига бирдан қарор қилдим. Аслида уларни кўрган дақиқадаёқ бутун шуурумда шу истак пайдо бўлганини, руҳимни бутунлай жазавали ҳис қамраб олганини англагандим.

Аввалига кўзларимга ишонмадим. Малак ва Ш. мен ҳамиша келиб дардимни айтганидан олма дарахти тагида туришар, улар гўё дунёни унутишгандай яқинларига бориб қолганимни ҳам сезишмади. Мен улардан атиги бир неча қадам нарида турардим. Аслида мен бу ерга, одатдагидай ўз хаёлимга ўзим фарқ бўлиб, дунёни, ҳаммаёқни янгилашга, ранглари орқали ишқ беришга киришган баҳорни, гуллаб жўнаган боғни ҳам унутган, илғамаган алфозда ўз хаёлим билан келиб қолгандим. Пичирлашишни эшитиб бошимни кўтардим ва таққа тўхтаб қолдим. Аввал худди чимилдикқа қираётгандай таманно билан турган Малакка, кейин шакарғуфторлик билан нималарнидир гапирётган Ш.га кўзим тушди.

Малак олма гулига махлиё бўлгандек, олма новдасини ўйнаб турарди. У менга номаълум бахтдан худди мен уни илк бор кўрган палладек очилиб кетганди.

Мен яшин ургандек туриб қолдим. Эҳтимол қорайиб ҳам кетгандирман, эҳтимол кулларим ҳам ҳар томон сочилиб кетгандир? Мендан ғойибона муҳаббатимни билиб олган, ҳайратга тушган Ш. Малак билан бирга эди! Афтидан, у бошқа қизларга ўхшаб, унга ҳам наҳс тўла кўзларини тикиб турарди! Ш. негадир соқолини олган, фақат мўйловда қолганди. Балки у ўзини ёш кўрсатгиси келгандир? Унинг мўйлови менга кимларнидир эслатди. Лекин диққатимни жамлаб ололмадим. Бутун вужудим рашқ ўтида ёнар, гўё боғ, бутун дунё вужудим билан қўшилиб алангаланиб жўнаганди. Малак янаям очилиб кетганди. Бир маҳал Ш. узалиб, тепароқ шохдан бир неча дона олма довуччасини узди-да, Малакка берди. Малак аввал кафтида марвариддай турган довуччаларни роса томоша қилди. Кейин қўли билан артган бўлди ва Ш.га меҳр ҳамда муҳаббат билан тикилганча биттасини тишлади.

Мен боққа қандай сассиз келган бўлсам, шу тарзда изимга қайтдим.

Уч кун хонамга қамалиб олдим. Ҳеч қаёққа боргим, чиққим, ҳеч кимни кўргим келмасди. Гўё ҳаёт мен учун тўхтаган, осмон узилиб ерга тушган, мен эса осмон бўлаклари остида ётардим.

Мен танамдан қони сўриб олинган мурдадай соатлаб шифтдан кўзимни узмасдим. У ерда энди чивинлар ғужғон ўйнар, улар кўзимга устимда айланиб юрган ғажирларга ўхшаб кўринарди.

Ухламасдим. Кўзимни юмолмасдим. Ҳали ҳам кўзларимга ишонолмасдим. Кўзларимни юсам Малақдан ажралиб қолаётгандек бўлардим... Лекин кўз олдимда Ш.нинг маккорона кўзлари, Малакка довучча узиб бергани, Малакнинг довуччани егани кетмасди.

Шунда бирдан унинг мўйловини эсладим. Эсладим, кўзларим ярқ этиб очилди. Ирғиб туриб, Ҳосила жўнатган суратни излай бошладим. Ниҳоят уни китоблар орасидан топиб, суратдаги куёвга кўзим тушиши билан бутун танамда мадор қолмади. Дунё қоронғи бўлиб кетди.

Бу ўша эди! Ҳосила “Иблис” деб атаган эри эди. Шунда ҳаммасини, унинг гапларини, менинг муҳаббат, Малак ҳақидаги гапларим уни нега ларзага солганини ҳам, Малак билан қизиқиб қолганини ҳам, ҳаммасини тушунгандек эдим. Иблис менинг Малагимни сўнгги одам туғиб берадиган аёлга айлантирмоқчи эди.

Нима қилишни билмасдим. Ўзимни кўярга жой тополмасдим.

Мен шунча йиллардан бери ерга олиб тушишни истамай, ардоқлаб келган кўнглим маҳбубасини Иблис ўзиники қилиб олганди.

Дастлаб Малакни ҳамма нарсадан хабардор қилай дедим. Лекин шу пайтнинг ўзиде у менинг биронта ҳам гапимга ишонмаслигини ҳис қилдим. Малак аллақачон унга кўнгли эшигини очганини, аллақачон жодулаб бўлинганини ҳис қилдим. Энди унга гапириш, уни огоҳлантириш, уни тўхтатиш бефойда эди. Уни ҳеч қандай ваз, ҳеч қандай амал бу йўлдан қайтаролмайди. Иблис олдида мен ожиз эдим.

Уни Иблис қўлидан қандай қутқараман? Ошиқ руҳим ожиз ва нотавон эди. Шунда бирдан хаёлимга келган фикр бутун вужудимни ёритиб юборди. Фақат шу йўл билангина мен муҳаббатимни софлигича, ўзимнинг тасаввуримдаги, фалакда олиб юрадиган малаклича сақлаб қоладигандай, шу йўл билангина уни ҳам ўзимнинг муҳаббатимни ҳам Иблисдан асраб қоладигандек туюлди. Ҳа, унга кучим етмас экан, ҳеч қурса шу йўл билан уни Иблисдан сақлаб қолишим мумкин.

Энди фақат шу режа билан яшай бошладим. Уйимга қамалиб олиб, фақат шу ҳақда ўйлардим.

Ҳаммасини хаёлимда пишитиб бўлдим. Бошқа иложим йўқ эди. Мен учун бошқа йўл ҳам қолмаганди. Ш. истехзо билан таъкидлаган, бундан ўзгача ғурурланган Одам Отанинг хатосини такрорлашни истамадим...

МАРСИЯ

Мана бир неча ойдан бери панжарали туйнукдан осмонга тикиламан. Мен учун бу туйнук – бутун дунё, олам, коинот. Ана шу туйнукдан осмонга, юлдузларга, чексиз ва маъносиз дунёга қараб ётаман, у билан мулоқот қиламан, менсиз ва менинг муҳаббатимсиз қолган олам билан бу бир парча осмон орқали боғланиб

тураман. Ҳамма нарса, муҳаббатим ҳам, мен севган дарахтлар ҳам, мени севганлар ва нафратланганлар ҳам ҳаммаси ташқарида қолди.

Ташқаридаги Иблис найранглари билан тўлган дунё мен билан муроса қилолмади. Охир-оқибат мени қотил сифатида мана шу кичкина хужрага қамади. Бу дунё аслида мен уни нимадан қутқариб қолганимни, муҳаббатни Иблис ўзиники қилиб олишига имкон қолдирмаганимни билмайди. Дунё буни англайдиган бу мақомга ўсиб чиққани йўқ...

Ҳа, мен маҳбусман. Иблис менинг муҳаббатимдан охири одам яратишини истамаганим мени маҳбусга айлантирди.

Уларга ҳаммасини ўзим айтиб бердим. Малакни олма дарахти тагига чақирганимни, унинг қотили бўлганимни, жасадини олма баргларига кўмганимни, кейин токи тонггача, қоравул кўриб қолиб, ҳаммага хабар бермагунча, совиған жасадини кучиб, йиғлаб ўтирганимни, ҳаммасини...

Терговчи менинг нега қотиллик қилганимни тушунмайди. Унга Малакни асраб қолишнинг бирдан-бир йўли шу эди десам, кўзимга худди телбага қарагандек тикилиб туради. Фақат у эмас, мени бутун дунё тушунмайди.

Менга энди эса барибир. Отиб юборишса ҳам майли. Мени нимани асраб қолганимни ҳозирча улар тасаввур ҳам қилишолмайди.

Улар мени ўзлари турган томонда деб ўйлашади. Улар шунинг учун ҳам айблашади. Мен эса тасаввурдан сакраб, вақтнинг нариги томонига ўтиб олдим. Ҳаммасига ўша томондан туриб қарадим, ўша томондан баҳо бердим, кейин ўзим ҳам ўша томонда қолиб кетдим. Ҳозир ҳам ўша ёқдаман. Бу томонда фақат жисмим. Рухим аллақачон у томонга ўтиб олган... Шунинг учун ҳам менга бўлган айбловлар кулгимни қистатади.

Аслида мен йўқотмадим. Топдим. Уларга Малакни ўлдирмаганимни, уни ўзимники қилганимни, у менга, мен унга айланганимизни айтдим. Кўзларидан англадим: мени ақдан озган деб ҳисоблашди.

Ҳар қалай, муҳаббатни Иблис ўзиники қилиб олишдан дунёни асраб қололдим. Бу тасалли менга қарши қўйилаётган барча айбловлардан устун ва асосли туюлади. Шу менга далда беради. Иблис муҳаббатимни ўғирлаб кетолмади. Унга изн бермадим...

Мен бу ердагилар учун шунчаки қотил ошиқман. Ўз маъшуқасининг қотили. У ёқдагилар учун эса муҳаббатни асраб қолган, муҳаббат учун ўзини қурбон қилган ошиқман.

Бу дунёнинг айбловларини индамай қабул қиламан. Уларга ҳеч қандай изоҳ бермайман. Изоҳ берганимда ҳам барибир тушунишмайди. Қамокхона доктори озгина бўлса ҳам жазомни енгиллатмоқчи, мендан телбалик асоратларини топмоқчи бўлади. Унга телба эмасман, соппа-соғман, бу қотилликни англаб, билиб туриб қилдим дейман. У барибир ҳеч нарса тушунмайди. Шу гапимни ҳам телбаликка йўяди. Нималардир ёзади, доктор ҳар келганда, бош чайқайди. Ўзини менга яқин, ҳамдард тутаяди. Мен билан адабиёт ҳақида тортишади. Шу билан кўнглимни кўтармоқчи бўлади.

– Достоевскийнинг ҳам касали бор эди, шекилли, – дейди у мени гапга тортиш учун. – Ўта ғайритабиий ёзувчи. Уни ўқийверсам, ўзимни-ўзим ёмон кўриб қоламан. Худди бировнинг ҳақиқага яшаб юрганга ўхшайман. Кўнглимдаги кўпгина

нарсаларни суғуриб олади... Ўзимни бўм-бўш, чириган ёгочдек хис қиламан... Умуман, даҳоларнинг ҳаммаси маълум маънода рухий касал бўлишади. Сиз ҳам бу қотилликни дунёни ўзгартираман деган хаёл билан қилгансиз, шундайми? Барча улугъ жиноятлар тагида шундай оқлов ётади. Буюк жиноятлар, қурбонликлар қилинаверади, дунё эса ўзгармасдан қолаверади.

У ўзини ақлли кўрсатгиси, ҳаёт, тириклик ҳақида фалсафа сўққиси келади. Мен у билан тортишмайман. Умуман, энди ҳеч ким билан тортишмайман. Дунё билан баҳслашиш, ўзингнинг ҳақлигингни исботлаш беҳуда. Мен бу дунёга кўнгил ёргим келмайди. Малакка бўлган муҳаббатимни ошкор қилганим мени шу кўйларга солди. Агар уни ошкор қилмаганимда ҳаммаси бошқача тугарди. Энди бу дунёга лом-мим демайман. Дунё энди ҳеч қачон ичимдагини билолмайди. Ичимдагиларни бу дунёдан қизғанаман. Уларни ўзим билан олиб кетаман...

Мен докторга ҳаммасидан чарчаганимни, ҳеч кимни кўргим келмаётганини айтаман. У буни менинг рухий ҳолатим рухий зўриқиш билан боғлайди. Унинг калтафаҳмлигидан жажлим чиқади. Мен телба эмасман, мен бу дунёдан, Ш.дан муҳаббатимни асраб қолган бир ошиқман холос. Мухими, мен бу сафар Иблисдан ғолиб келдим. Иблисга муҳаббатимни ўғирлаш имконини қолдирмадим. Айбим ҳам, касаллигим, тавқи-ланъатим ҳам шунда. Мағлублигим ҳам, зафарим ҳам шунда. Доктор кетади. Мен яна туйнукдан осмоннинг – аршу аълонинг бир парчасига тикилиб қоламан.


Тамом



*Қилич ишга тушиганда эл-юрт
тинчлиги бузилади. Қалам ишга соли-
ниб эса, эзгу йўл-йўриқлар тузилади.*

Юсуф Хос ҲОЖИБ.





**Абдували
ҚУТБИДДИН**

Уфқмидинг, қуёш кетгач йиқиласан

Тахайюл тунида сени эсладим,
Кафтингда бахт куши, елкангда кафтар.

Пойингда тиз чўкиб, мўлтирар маъюс

Кийиклар.

Бошида гулбаргак, кароғида ой,

Севдим дедим, сени манглайи ялпиз.

Қўй деди, этагинг тишлаб ётган той –

Она қиз бу,

Она қиз.

Қалдирок бургутдай ерга ташланди,

Оёғимдан торғди, боғлади йўлга.

Йўл чопди,

Жуда кўп чопди.

Ташлади малаклар чўмилган кўлга.

Сев, сев, сев!

Тепамда бакириб ўтди қалдирок,

Устимдан қичкириб ўтди шамоллар.

Ёнимга келдилар

Гўзал, яланғоч

Сев мени, дегунча,

Соҳибжамоллар.

Қўзимга мил торғдим, сени эсладим,

Кафтингда бахт куши, елкангда кафтар.

Осмон марказига ботаётирсан,

Осмон марказига ботар

Кийиклар.

Абдували ҚУТБИДДИН – (1960–2019). Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Шоирнинг “Найсон”, “Ҳумо”, “Бахтли йил”, “Хайёл кечаси”, “Сен ва сен учун”, “Узоқдан олисга”, “Бор” каби тўпламлари нашр этилган.

* * *

Ёғ ёмғир!
Бағримни қилдим қалқон
Санчилаверсин камон.
Ёғ ёмғир!
Юрагим кимга яқин,
Олиб ирғитсин чақин.
Ёғ ёмғир!
Ўйиб ташла жисмимни,
Унутайин исмимни.
Ёғ ёмғир!
Руҳим билан қолайин,
Севги нима билайин.
Ёғ ёмғир!
Шунда, балки, хотиржам,
Изн сўрайман ажалдан.
Ёғ ёмғир!
Ич-ичимдан доғланиб,
Кетавераман чуғланиб.
Ёғ ёмғир!

* * *

Қалқиб кетар тун юзи,
Учиб чиқади тушлар.
Ўз оташида куяр
Ох, шўрлик кизил қушлар.

– Денгиз нега бунча шўр?

Қалқиб кетар камалак,
Рангин учади андух.
Ох, тилла балиқчалар
Камалакнинг йиғиси.

– Денгиз нега бунча шўр?

Қалқиб келади булут,
Кўтарар ой бошини.
Ўкириб шамол келар
Сўраб синган тишини.

– Денгиз нега бунча шўр?

Қалқийди кўршапалак,
Тирналар қоронғилик.
Кўзларидан тиркираб
Оқиб тушар ёруғлик.

– Денгиз нега бунча шўр?

* * *

Булутни чувиб ташлар,
Калава тортар шафак.
Заранг этик кийволиб,

Юлдуз ўтар
Тақатақ.

Уфқ майин матодир,
Ўраниб ол, ўраниб,
Кўражаксан, албатта,

Коинотнинг
Отини.

Кишнашини эшитгин,
Ҳалқаланар ҳавода,
Умринг, энди, бир лаҳза,
Лаҳза-лаҳза дунёда.

* * *

Тизсангда юрагим потирлаб турса,
Лабларинг титраниб пичирлаб турса,
Ёнингда бир арик жилдираб турса,

Ёримо

Суюнчим суюнчдан суюнчли...

Азоблар ташласа чойшаб қонларга,
Фурсат йиғиб берса учқур онлардан,
Кўл ушлаб ботардик илиқ тонгларга,

Ёримо

Суюнчим суюнчдан суюнчли...

Худоё, вуждим ила сийласа,
Кулфи калитини тортиқ айласа,
Сен очиб кирсанггу, мангу кулфласанг,

Ёримо

Суюнчим суюнчдан суюнчли...

* * *

Изладим-изладим, оҳ, бениҳоя,
Шаштим даштга етди,
Сенга етмади.

Нурланиб, кизиниб оқарди соя,
Умрим вақтга етди,
Сенга етмади.

Учар от эгарлаб чанқаган дилдор,
Тагин ютолмади сени тубсиз ком.
Самовий гирённинг заррин чангидан
Ясадинг паймона суви учун жом.

Жон десанг берардим,
Қон десанг томир,
Фақат бу очларга ташлагин урвоқ.
Фақат ташналарга тўкиб ўт ёмғир,
Фақат шўрликларга ташлагин нигоҳ.

Изладим-изладим, ох, бениҳоя,
Туғён уммон бўлди,
Сени топмади.
Талқондай сочилди тап-таранг қоя,
Армон гўрбон бўлди,
Сени топмади.

Кунлар озоридир нимёғду дала,
Тупроқда эврилиб, сувларга тушган.
Жуссаси ям-яшил,
Кўллари лола –
Кўм-кўк қиз нима у кўксингда жўшган?

Бошимни кўксинга олсайдинг қани,
Сочинга йўллатиб қўйсайдинг эди.
Бир хўшлам қон бўлиб қолсайди таним,
Юзингни, ох, чайиб олсайдинг эди.

Изладим-изладим, ох, бениҳоя,
Уним тундан ўтди,
Сенга етмади.
Баҳайбат қуш бўлди кечаги моя,
Сасим елдан ўтди
Сенга етмади.

Умидим сулайди, қуёшга боқдим,
Бўйнимга кишанлар сол деб сўрадим.
Элт дедим, дилдорга ёшларим окди,
Жонимни суғуриб ол деб сўрадим.

Умидим йиқилди, хилолга айтдим,
Қаҳрабо захрингдан бергин, ичайин.
Элт дедим, кўк қизга ўзимдан қайтдим,
Танам кийим бўлса, кийиб ечайин.

Мен ҳам кўзларимдан чехранг шилайин,
Ҳайдаб юборайин туйғу-даюсни.
Сен ҳақда ўйларим тилиб ташлайин,
Чаваклай ичимда кезган маъюсни.
Чунки сен
Париваш, мохлиқодек,
Ягона, бегона,
Шўҳи сабодек,
Кўнгил ғаш, дарё ашк,
Дарди Худодек,
Бепарво, бенаво,
Жабри-жафодек.

Таслимман,
Ўтов қур, лахча тоғора,
Михларни улоқтир ва ўқи оят.
Бир йўла қутулай барча озордан,
Севгилим, севишдан безидим ғоят.
Ниҳоят...
Ниҳоят..
Воҳ, бениҳоят...

Эҳром

Миср мис рангида, кун-кечаси мис,
Афсона қаърида ўзимман, ёлғиз.
Кўркаман,
Дуойбад қилса арвоҳлар –
Юзим мис...

Увада, мижғов жазирамалар,
Қилич ураверса жаранглайверсам.
Кўрғошин кипригим қимирлатолмай –
Аланглайверсам...

Қутқаринг, тилимда занглаган қурум,
Фикратимда ўша – иблис англаган
Каттариб, каттариб боргучи хитоб:
Чангалман...
Чангалман...

Мисман,
Пажмурдаман, соқов эҳромда,
Шоқолман, панжамда
Ўлжа бўлаги.
Ёшим ўн саккизда Тутанхамондай,
Эмгим келаяпти,
Чаён кўкрагин.

Сўз

Осима –
Ёлғизим, сен ундай дема,
Дастурхон четида қолдиргин меҳр
Хуру ғилмонларми олди кўрманам,
Бор-шудим кўлмакдай самарсиз умр.

Осима –
Ёлғизим ойнаклар мубҳам,
Қиёфа ортида мавжуд киёфа.
Аслида мен эмас гапираётган,
У шубҳа...

Тальатинг –
Кўрлигим ёритсин шоён
Ишкни соябондай тутай кўлимга.
Сенга дил арзини қилайин аён,
Бебаҳо сўз кўйай, соқов тилимга.

Бошқаман,
Мутлақо чекмайман афсус,
Юракни отаман чинни лаганга,
Яна бир севаман,
Алалхусус –
Исмимни айтаман камашганларга...

Ушмундоқ

Осима,
Не қилай кўнглим ушмундоқ,
Бир чети осмону, бир чети тупроқ.
Бир тунда подшоман икки кишварга,
Бир кунда зордирман бир қур назарга.
Липиллаб, липиллаб бўзарди руҳим,
Хохла порлатиб қўй, хохла парчала,
Эсиз, ҳар томонга урди шуқухим,
Эсиз, ўтолмадим шум даричадан.
Осима,
Розиман, мендан асар йўқ,
Иста, мен ҳақимда бошқа хабар йўқ.
Аммо дилим эрка дилингни истар,
Мендек хушхабар йўқ,
Мендек хатар йўқ.
Осима,
Аларга кўп ҳам инонма,
Улар қуш кўмганлар хиёбонларга.

Кумлари зарланган
Бўлса ҳам бордир,
Лек ҳаром ўрмалар тавонларида...
Осима,
Сен ҳақсан,
Мен тугаб ботдим,
Бу қисса сўнгида, шудир касида.
Гўзал борлигимни майдалаб сотдим,
Йўғимни кайтардим
Ўз эгасига...

Эй, дилбарим

Охумидинг ёбонимда сув излаган,
Ёхумидинг томонимда лаб излаган,
Даллигина жаҳонимда,
Сийму зарим:
– Эй, дилбарим..

Чашмамининг тошлар узра тўкиласан,
Уфқмидинг, қуёш кетгач йиқиласан,
Ямоқ тушган ҳаётимда
Сен чеварим:
– Эй, дилбарим...

Бий далада қуюн ила сочилдинг-а,
Ўргасида явшан ила очилдинг-а,
Юрагимга қадаб қўйган
Оқ гавҳарим:
– Эй, дилбарим..

Кошқийди, то қиёмат биз ёнма-ён,
Кошқийди, то қиёмат биз жонма-жон.
Гулхан ёкиб узун туннинг этагида,
Билагимиз тилиб қўйсак уст-устига.
То қиёмат
Зикр айтсам
Моҳпайкарим,
То қиёмат зикр айтсам моҳпайкарим:
– Эй, дилбарим....



Баҳодир КАРИМ

“Умрим вақтга етди, сенга етмади”

Абдували Қутбиддин деган бир шоир ижоди билан танишганимга роппароса ўттиз йил бўлди. Талабаликнинг ширин орзу-хаёлларига кўмилиб юрган кунларимнинг бирида йўлимдан “Найсон” чиқди. Ўқидим, ҳозир ҳам яйраб ўқийман, келгусида ҳам ўқишим аниқ. Чунки Абдували Қутбиддин шеърларида юрак кенгдан-кенг уфқларга йўл олади. Юрак кавурга қафасларидан қанот ёзиб ташқарига учиб чиқади. Шеърнинг айнан ўзи ҳам тушовини узган аргумоқдек ўлчовларни, вазн, турок ва қофияларни парчалаб ташлайди. Шоирнинг руҳи, овози, шоирнинг юрак садоси – руҳият ҳақиқиришлари Абдували Қутбиддин шеърларида баралла янграйди.

Мен тушунарсиз сўзларга ҳам дуч келаман. Аммо уларни луғатлардан излаб ўтирмайман. Чунки тополмайман. Айнан бири-бирига қовушмаган иборалар, сўз бирикмалари, мисралар, жумлалар таровати руҳиятга ўзгача ҳарорат ва ҳаловат бағишлайди.

Маънисизга менгаш мисраларида қандайдир маънолар маҳзани мужассамдек туюлади. Хазинага кириш калитини топиш зарур. Абдували Қутбиддиннинг кўнгил хазинасини очадиган калит куйма соф тиллодан бўлмоғи лозим. Шеърларни, ҳис-туйғуларнинг марварид шодасини англаш учун ўзига хос мезонлар, ўлчов бирикклари керак.

Шеърини ўқиган ўқувчи Абдувалига айланади. Шоир билан баравар: “Ҳофиз эмасман, ишқда Абдувалиман гўё” ёки “Лақа-там-там, лай-лай, Абдувалиман ҳай-ҳай”, дея сакрайди: юраги бир лаҳзада ишқ дарди билан ёнади.

Абдували – жумбоқли шоир. Аммо шоирнинг кўнгил асрорига маҳрам бўлган, “иликдай қоқиб” берилган “вужуд гавҳари”ни сеза олган одам шеърдан озуқа топади, руҳига куч-қувват олади. Уни англаш учун ўйдошлик, дилдошлик керак. Абдували шеърларидан дил завкланади, юрак алланималарнидир ҳис этади. Адабий-назарий китобларидаги илмиймонанд атамалар унинг шеърларига ном бўла олмаганидан ийманади, уялади, кисинади, кизаринади.

Баҳодир КАРИМ – филология фанлари доктори. 1966 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎЗМУ) тамомлаган. “Жадид мунаққиди Ваҳуд Маҳмуд”, “Қодирий қадр”, “Янгилаштириш соғинчи”, “Чўлпон ва танқид”, “Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур”, “Адабиётшунослик методологияси”, “Руҳият алифбоси” каби адабий-илмий китоблар муаллифи.

Абдували мантик изидан эргашмайди. Абдували оқил ва доно фикрларни, бирор хабар ёки маълумотни шеърга солмайди. Бунга хохиши ҳам йўқ. Абдували юрак уришининг ритмидан, туйғулар талошидан шеър тузади...

Биринчи чекиниш: Талабалик йилларимда уни минбарда кўрдим. ЎзМУда. Салкам бутун вужуди билан ўйин тушиб ўқиётган, бошини сўзлари талаффузига мос тебратаётган Абдували Қутбиддиннинг шоирона суврати шунда хайратим деворига мухрланган эди. Шу университетда энди муаллимликни бошлаб, журналистика факультети талабаларига машғулотлар ўтган маҳалларда Абдували Қутбиддин шеърларидаги дарвешона, сўфиёна кайфиятдан ҳам гапирар эдим. Талабаларимдан бири бориб шу гапларимни айтганида, хурсанд бўлган экан шоир. Оммавийлик ва ҳаммавийлик, оқиллик, донолик ва замонасозлик қилган паллаларда Абдували Қутбиддин ўзига мутлақо ўхшамай қолади. Шу эътибордан расмий бир газетада ёзган оддий хабар-мақоласини ўқиб, ҳаддим сиғиб кўнғирок қилдим. Сўз мартабасидан, чўнг тахаллуси исрофидан сўзладим. Одам одамга кўзгу. Гапимни оғир олмагандир. Индамади... Кўп ўйлаб юраман. Бировга рўбарў келиб, юзи-кўзига қараб ҳақ гапни айтиш қийин, аммо жонсиз-хиссиз гўшакни кулоққа кўндириб оташин бўлиш анча осон. Бугунги тармоқлару ирмоқлар оқимида сузадиган тўда буни яхши билади...

2

Абдувалига девонавашлик, телбалик, сўфиёна ошиқлик ярашади. Шеър ўқишидаги жазава унинг айнан Абдували Қутбиддин деган шоир эканидан, иккинчи бир шоир бундай жўшиб, шиддат ва завқ билан рақслар оғушидан шеър ўқимаслиги, ўқий олмаслигидан дарак беради. Шоирнинг ўзи гўё шеъри билан баробар кўкка учади.

Дейлик, “Кўшиқ” шеърини бошдан охиригача:

*Ер осмонга баробар, осмон ерга баробар,
Еру қуёш кокилин тортиб-тортиб ўйин туши.
Вужудимдан дуд чиқар, дилим аро ўт чиқар,
Девонаман-девона, эй оловим, ўйин туши,*

дея ўқиган одам беихтиёр шоир даъватига кўнади. Қанот ёзади. Титрайди, инграйди, “лов-лов” – ловуллаб, “гур-гур” – гуриллаб ўйин тушади. Оташнафасликми ё оташпарастлик? Қайсидир тарикатнинг самовий рақсларими ё? Гоҳида жимлиги, сукути ҳам инсонга бағоят ярашади...

Бу ва бундан кейинги гапларни ҳали шоир тирик пайтида қоралаганман. Мақолага режа тузган эканман. Мен бандан ожиз қайдан билибман Абдували акани Оллоҳ ўз даргоҳига чақириб олишини?.. Шеърлар таҳлилини ёзишга ҳушим йўқ. Хўш, шоирнинг олтмишини кутиб нима қилардим?! Бугун Абдували Қутбиддин йўқ. Унинг ўз шеърини жазава билан ўқишларини қўрмаганлар гапим исботига гувоҳ бўла олмайдилар. Аммо умидим шоирнинг дўстлари, яқинлари мени ёлғончига чиқармайди...

Иккинчи чекиниш: “Матбуотчилар уйи” олдидagi кенг майдонда Абдували Қутбиддин ёлғиз хаёлланиб келаёттир. Тўхтади. Саломлашиб гаплашиб қолдик. Тик оёқда бир соатга яқин суҳбат бўлди. Ўтган-қайтган билан иши бўлмади. Саломлар алиги учун бош қимирлади. Биров халакит бермади. Икковимиз узоқ суҳбатлашдик.

Мен айнан ўйлаб юрган, хаёлан ўзимга анча яқин бўлган, тасаввуримга кўра ўз шеърларида белоён кенгликка интилиб ётган шоир тилини топдим гўё. Кўнгил бир яйради.

Ғийбатлар сўзланмади, шоир ва адибларнинг ғурбатлари эсланмади. Тоза ва покиза сўз, баланд ва гўзал адабиёт ҳақида гурунг бўлди. Навоий, Бобур, Толстой тўғрисида, Рембо, Хемингуэй ҳақида, Қодирий, Чўлпон, Рауф Парфи, Шукур Холмирза ва яна шу каби ажойиб адибларнинг кўнгил маъволари, фақат ижоди тўғрисида сўзлашдик.

Гурунгдан кейин куйидаги гапларни ёзган эканман: “Самарқанддаги ажойиб инсон, профессор Муслиҳиддин Мухиддинов домла билан бирга Ургутга, Чорчинорга борган эдим. Шуни айтдим. Бир сесканди. Абдували ака университетдаги сабоқдоши шовотлик Баҳодир Содикни эслади. Жуда билимдонлигини қайта-қайта айтди. Абдували акага И.Кантни ўша Б.Содик ўқишга тавсия қилган экан. Абдували ака бошқача, бошқаларга ўхшамайдиган, сўз окмида, рухий бир кайфият измида шеър ёзадиган шоир. Икки йилдан кейин олтмишга тўлса, бироз тайёргарлик билан, балки бирор мақола ёзсам керак. Сарлавҳаси “Тушунтириш машқлари” бўлар балки. Бошланиши бундай: “Шеър гўзал, уни тушунтириш гўзалликни парчалашдек гап. Аммо шоир билан маърифий суҳбатлар, унинг шеърлари тўғрисидаги айрим таассуротларни ёзиш – бу ҳам зарур бир юмуш. Абдували Қутбиддин – рухияти кучли шоир. У сўзларни ўйнатади, кўпинча шоир ёзганларини тушуниш қийин. Ҳаддан ташқари куюк метафора, мажоз, рамзга қурилган...” Шеърларини қайта ўқишим керак. Жуда бўлмаса, А.Қутбиддин баҳонасида шеърият ҳақидаги фикрларим баёни бўлажак...” Бу август ўртасидаги суҳбатдан. Орадан бирор ой ўтиб, ушбу мақола қораламасини ёзган эканман. Ҳозир тарашлаб ўтирибман...

Абдували Қутбиддинга жунунлик, тозалик, жўшқинлик хос. Унинг шеърларида мусиқийлик, кўнгилдаги тошқинлик етакчи. Унга “Изоҳсиз луғат” ингиз хали ҳам изоҳланмасдан ётибди”, десам, “Сиз ҳам изоҳламадингиз” деди. Начора ўша “Изоҳсиз луғат” деган дostonини изоҳлаш, шоир мисралари зимнидаги маъноларни шарҳлаш менинг ҳам қўлимдан келмади. Чунки у манфаатлар, мукофотлар, мансаблар йўли учун шамчирок қилиб ёзилган дoston эмас. Бировнинг кўнглига қараб, кимдир ўқиши ва ўқиши учун мўлжаллаб ёзилган эмас. Шоирнинг қапалакдек учиб юрган кайфият зарралари сўзлар шаклида қоғозга қўнган. “Изоҳсиз луғат” шоир рухий дунёсининг тушунарсиз-тушунарли туйғу ва тасаввурларининг маҳсулидир. “Изоҳсиз луғат” дostonини шоирнинг ўзи ҳам изоҳлаши қийин. Ўқувчи бошқа маъниси англайди, шоир бошқа бир маънони тақдим этади. Устига-устак олимлар ҳам босмақолип фикрлар, илмий-назарий истилоҳлар занжири билан кишанлайди уни. “Изоҳсиз луғат” изоҳланса, таровати кетади. “Изоҳсиз луғат”нинг ўзи изоҳларсиз гўзал.

Рауф Парфининг бир шеърда киш кунда куёш қиров қалами билан деразага чизилган гўзал нақшни эритиб юборганини ёзгани ёдимда қолган. Абдували Қутбиддиннинг “Изоҳсиз луғат”и Наққошнинг ўша деразага бағоят чеварларча чизилган манзарасини эслатади. Қандайдир олимона атамали валдирашлар бу гўзалликка барҳам бериши мумкин. “Изоҳсиз луғат” адабиёт тарихида ёмбидек ётибди. Унга мурожаатлар бўлди. Ҳали унга яна кўп мурожаатлар этилади. Ҳали келажакда сўз заргарлари кўп бора ушбу ёмбидан адабий тилло тақинчоклар, узук биллазуқлар бунёд қилажак.

Ўша дostonни бир ўқинг.

Шоирга ҳис-ғуйғудан, ишқдан сабоқ бериб шеър ёздириб бўлмайди. Абдували Қутбиддинга биров бундай дарс бермаган. Ўзи-ўзига сабоқ берган, ўзи учун ўзига қондалар ишлаб чиққан. Адабий-назарий китобларни ўқиб, бармоқ букиб, бўғинлар санаб шеър ёзадиган шоирлар тўдасидан мутлақо фарқ қилади Абдували Қутбиддин.

Унинг шеърларида руҳнинг йўлчилиги, руҳнинг замин узра, гоҳида коинот қадар, баъзан етти қат осмон ва етти қат ер остига тушиб кетадиган туйғуларнинг тасвири ўйнайди. Шунинг учун унинг шеърларида “хайрат эшиги” хаёлнинг олти томонига қараб очилади.

Шунинг учун унинг шеърларини ўқиган ўқувчи беихтиёр:

*Талмир-тилмир кўзларим
Дарё бўлолмай ўтди.
Садақани ишқ, қўлим
Асло сўролмай ўтди.*

Ёки:

*Соҳибдиллим – дилоро,
Аййит тўхтасин карвон.
Най нуфлаган қуоннинг
Энасими биёбон.*

каби мисралари оҳангига ошифта бўлади. Бутун вужудини тўлдириб олган нафасига бор овозини улайди. Ундош товушлар эзилади, иккиланади, жуфтланади; унлилар кенгайди, жаранглайди, юксалади, чўзилади. Юрак бўшайди.

Абдували ака битта шеърини “Ҳиссий шеър” деб ноўрин номлаган экан. Чунки унинг бисотида ҳиссий бўлмаган шеърининг ўзи йўқ. Ҳаммаси ҳиссий шеърлар. Барчасида туйғу ва кайфият оқими етакчилик қилади. Бадний сўз тоғдан тушиб келаётган тушовсиз селга айланади. Ақлни, мантикни ўз йўлига буриб, ўз измида оқизиб кетади.

Бу мақолани ўқиманг. Чунки мен шоир шеърларини шарҳлаётганим йўқ. Шарҳ ва ифода учун сўз топилмайди. Унинг шеърларини ўқиганда кўнгилни ғаройиб бир туйғу, тушунтириб бериш қийин бўлган, исмсиз ҳислар эгаллаб олади. Гоҳида бу олам унутилади; гоҳида баланд висол тоғига қараб чоғиб кетаётган шоирга эргашасиз. Ёки булутлар узра чордана қуриб, заминга тикилиб ўтирган шоир ёнида томошабинга айланасиз.

Шоир шеър айтаётган маҳали баъзан ёнига фаришта келгандек бўлади. Тарозида савоб ва гуноҳлар юқини тортади.

Унинг шеърларида рубобий оҳанг кучли; мазмун ҳам, вазн ва қофия ҳам ички бир тўлқиндан пайдо бўлади. Шунинг учун шеърини сатрларнинг бўлиниши, мисралар зинапоёси сезилмайди. Зинапоялардан чиқиш ва тушиш малол келмайди.

“Ниначи қанотин хижоб қилсайди” – инжа бағоят. “Қумуш ғор оғзида вовуллар оккуш” – бу нима дегани? “Субҳлар ҳўплайди патли ҳавони” – бу қандай содир бўлади?

*Балиқнинг тиши-ла тилимни тилдим,
Юрагим урчуқдай уч айлантирдим.*

“Даллигина жаҳони” бор шоир юрагини шундай маҳорат билан чир айлантира олади. Рухига эргашган “девона хаёл” билан агар туф деса, ботқоқ гулистонга эврилади.

*Дунёни тарк этдим, ҳур сафар этдим,
Ёрим-ла туйқусу беҳабар кетдим.
Ўн беш кун тўй бердим
Дорулбақода...
Яйрадим,
Яйрадим,
Яйрадимааа!*

Олтмишига етиб-етмай кетган шоирнинг ўттизга етиб-етмай ёзган бу шеърини сиз қандай тушунасиз?

Тўғри, шеърятдан математик мантиқ излаш уни жўнлаштиради. Шорих баъзан Абдували шеърларидаги нонсенс-мантиқсизликни мантиқли гапга айлантиради. “Бу шеърим хаёлдир, бу шеърим ёлғон”. Шеърнинг асли ёлғон. Ёлғон билан ҳақиқат ёнма-ён ёки ичма-ич. Фақат уни топмок керак.

4

Хуллас, бу мақолани сиз ўқишингиз учун ёзганим йўқ. Мен бу мақолани ўзим учун ёздим. Ўзимнинг шеърни қанчалар англашимни, сезишимни, билишимни, тушунишимни, тушунтиришимни синаш учун ёздим. Синаб кўрдим. Мен Абдували Қутбиддин шеърларини англамадим, сезмадим, билмадим, тушунмадим. Шунинг учун тушунтира билмадим. Шеър ҳақида кўп нарсани билмаслигимни билдим. Яхшиси, сиз Абдували Қутбиддин шеърларининг айнан ўзини ўқинг...

Мақолага илдирилган хулоса шуки, ўзаро гурунгда шоир шаънига оғзаки яхши гаплар айтдим. Раҳматли бўлганини эшитганимда юракда бир армон кўкарди. Ўз вақтида бу гаплар матбуотда босилса, қувонган бўларди, балки. Энди эса сўзим туганчи анча бошқача: шоирнинг руҳи шод бўлсин...

АБДУВАЛИ КУТБИДДИН ПОЭТИКАСИГА БИР НАЗАР



Шавкат
ҲАСАНОВ

Адабиёт оламида бирор-бир чинакам сўз соҳиби йўқки, ўз миллий маънавияти сарчашмаларидан бахра олмаган бўлса. Албатта, адабиётни адабий алоқаларсиз ва таъсирларсиз тасаввур этиб бўлмайди, гап шундаки, ана шу адабий алоқа ва таъсирлар босқичига миллий адабий анъаналар заминидан ўсиб чиқилади. Бусиз ҳар қандай адабий тажриба, ўзига хос эксперимент пойдеворсиз қурилган уйдек бўлиб қолаверади. Борхеснинг фикрича, наср миллатнинг тафаккурини, шеърят туйғусини тарбиялайди. Миллий тафаккур ва миллий туйғуни тарбиялаш эса, табиийки, миллий адабий анъаналарсиз амалга ошмайди. Шу нуктаи назардан мумтоз адабиёт билан ҳозирги адабиётни яхлит адабий жараён сифатида ўрганиш бугунги адабиётшунослик олдида турган долзарб ва муҳим масалалардандир.

Шарқ мумтоз шеърляти тили рамзлар, имо-ишоралар, белгилар билан кодланган санъат тилидир. Бунинг учун Алишер Навоийнинг биргина “Лисонуттайр” асарини эслаб ўтишининг ўзи кифоя. Бугунги шеърятда ҳам бу анъаналарга ворисийлик кўзга ташланмоқда. Ҳозирги шеърятнинг образлар тизими, ғоявий-бадий кўлами, поэтик олами, унда кечаётган ўзгаришлар ва янгиланишлар жараёни шундай хулосага келишимизга асос беради.

Мумтоз сўз санъатининг замонавий шеърятга таъсирини ўрганишда Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Жамол Камол, Аксар Махкам, Сирожиддин Саййид, Азиз Саид, Фахриёрларнинг асарлари қатори Абдували Қутбиддин шеърляти ҳам старлича бой фактик материал бера олади.

Бу шоир муурожаат қилган жанр ва шаклларнинг ранг-баранглигида, асарларининг шаклан пишиқ, мазмунан теран ва салмоқдорлик касб этишида, индивидуал услубининг сержилологияда бирдек намоён бўлади. Абдували Қутбиддин шеърларидан олинадиган дастлабки таассурот унинг туб мохиятига унча мувофик эмас: жумбокнамо, крассвордга ўхшаган, узук-юлуқ сатрлар, Аҳмад Аъзам айтганидек, боғланмаган боғланишлар, ритму қофияланиши ҳам ўзига ярашадек... Қайта ўқишга киришиб, унинг поэтик ишораларини илғагандек бўласиз ва лирик изхорнинг шунақа манерасига ҳам кўника бошлайсиз. Сўз сеҳри, жумла жозибаси, мисра таркиби, фикрнинг зарбулмасал сийрати, анъанавий бўлмаган композицион комбинациялар диққатингизни бир шеърдан иккинчисига тортаверади. Боиси

Шавкат ҲАСАНОВ – филология фанлари доктори. 1967 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек ва тожик филологияси факультетини тамомлаган. “Ёмғирлар мавсуми”, “Қайғудан кейинги кун” шеърлий тўпламлари, “Достон ва лирика”, “Ўзбек драматик достони”, “Достон таркиби ва табиати” номли монографиялари chop этилган.



Гулбаҳор
ЭРНАЗАРОВА

бир хил шеърларида бахшиёна оҳанг сезилиб турса, баъзиларида Ҳофизу Саъдий замонида яшаб ўтган риндларнинг, қаландарларнинг дилга ғулу соладиган садоларини тинглагандек бўласиз. Айрим шеърларида эса символизмнинг ранглар, ифорлар, тимсолларга йўғрилган услубини кузатасиз, гоҳо турли услубларни ўзида жамлаган барокко йўналиши ўзлигини намоён қилади. Умуман, Абдували Қутбиддиннинг ифода этиш тарзи анча мураккаб, бироқ баъзи бўртиб турадиган жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мумкин. Шулардан бири – қутилмаган ва ўзаро алоқадорлигини тасаввур қилиш қийин бўлган гоё, образ, тушунчаларни уйғунлаштиришда кўринади. Шунингдек, сўзни унга оҳангдош

бошқа сўз билан контраст қўллаш (“Афсунгарлар шафақни шафкат этдилар” (“Барокко туркуми, “Муқаддима”), сўзнинг ўз маъносидан ташқари айни пайтда кўчма маъно ташиши (“Дор устида дор кўтариб юрдик, ажаб” (ўша шеър), маъноси: қил устида яшаётгандекману яна ўзим учун дор олиб юрибман. Ибора ё тушунчага ишора бериш (“Кўнгил ичра кўнгилларни нарх қилганмиз” (ўша шеър), назарда тутилгани “кўнгил савдолари” ибораси шулар жумласидан.

Табииyki, ижод қилаётган шоир мен у услубда ё бу шаклда, тасаввуфона ё бароккоча ёзаяпман, деб ўйлаб ўтирмайди, ижод лаҳзалари ҳам, унинг ҳосиласи ҳам ижодкорнинг ҳаётий, индивидуал олами, дунёқараши билан боғлиқ жараён.

Зигмунд Фрейд назариясини давом эттирган Карл Юнг инсон ботинини ўрганишда уч омилга эътибор қаратади: онг, онгости, оммавий онгости. Онг инсонни жамиятга мувофиқлаштирадиган тизим, онгости – кўпинча ботинда яшовчи, ўзлигини билдирмай турадиган истак, интилиш, таассуротлар қатлами. Оммавий онгости ёки оммавий онгсизлик эса авлоддан-авлодга, гендан-генга ўтиб келаётган тасаввур, туш кўринишлари, эътикод, майллар, рухий-психологик ҳолатларнинг асорати ва бошқалар. Соцреализм асарлари асосан, биринчи қатлам – онгга эътибор қаратарди. Карл Юнг тақдим этган бу талқинлар баъзи бир жиҳатлари билан тасаввуфнинг шариат, тарикат, ҳақиқат, мақоматларини эсга солади. Абдували Қутбиддин услубидаги ўзига хослик шундаки, у иккинчи, учинчи қатламларни ҳам тасвир доирасига торта бошлади.

Бу жиҳатдан, Абдували Қутбиддиннинг “Автопортрет” шеъри, айниқса, характерлидир.

*Мен жуда ёлғизман,
Гўё қудуқда
Қовургамгача сув, баданим оғу,
Билагим увушиб типирчилайди –
Мисли сўнги нола, охириги ёҳу.*

Гулбаҳор ЭРНАЗАРОВА – 1981 йилда туғилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Замонавий шеърятда мумтоз адабиёт анъаналари” мавзусида илмий тадқиқот ишларини олиб бормоқда. Республика ва халқаро журналларда ўндан зиёд мақолалари чоп этилган.

*Мен жуда ёлғизман –
Қудуқдир жойим,
Безиллар, яширинар мендан чувалчанг,
Қурбақа сен балки малаксан асли,
Не бўлар аслинга қайтолсанг.*

*Мен жуда ёлғизман –
Қўлимда нина
Тиламан, қазийман чуқурдан-чуқур.
Тепадан тош тўла нақир ташларлар,
Сўрарлар қилиб бер дея жавоҳир.*

*Мен жуда ёлғизман,
Азобим чексиз,
Қўлимда занлаган қадимий тақа.
Бўйнимга ёпишиб этар тавалло,
Аслига қайтолмай ётган қурбақа,*

*Мен жуда ёлғизман,
Тепадагилар
Кенгликда от суриб овлашар гуноҳ.
Мени тушунмаслар (фаҳм шарт эмас),
Аждарман*

*Ва исмим “Оҳ”дир менинг,
“Оҳ”.*

Шеърнинг умумий рухидан келиб чиқилса, бундаги ёлғизлик кўпчиликдан ажралиб қолган алоҳидалик ёки атрофдагилар байрамга кетиб, уйда бир ўзи қолгандаги ёлғизлик эмас, балки қисмат қаршисидаги ёлғизликдир.

“Ота-она, қариндош// Ҳеч ким бўлмайди йўллош// Мардона бўл ғариб бош// Умринг елдек ўтаро”, сатрларида Аҳмад Яссавий ҳазратлари назарда тутган тақдир йўлларидаги ёлғизлик ҳақида сўз кетмоқда. Бу ёлғизлик якка бир шахсга эмас, балки лирик қаҳрамон мансуб бўлган муҳитга – умумга хос ёлғизлик. Чунки ашёларнинг, нарса, буюм, шахсларнинг якка тарзда тасвирланиши конкретлик ва ҳаётчиликни кучайтиради, аниқ, эсда қоладиган образ ҳосил бўлади. Агар шеър “Биз жуда ёлғизмиз...” тарзида давом этганида, яъни умум номидан гапирилганда китобхоннинг фикру хаёлини мавҳумликка етакланган бўларди. Лирик қаҳрамоннинг “мен” номидан гапириши ҳамиша ҳам бир шахс тўғрисида гап кетаётганлигини аниқлашга ёрдам бериши мумкин.

Иккинчи бандда қудуқдаги ёлғизлик таъкидлангани ҳолда, “чувалчанг” ва “қурбақа” образлари пайдо бўлади. Қудуқда чувалчанг ва қурбақаларнинг бўлиши табиий ҳолат. Шоир шу табиийликни сақлаб қолиб, яъни “нарса ўзида”га амал қилган ҳолда ассоциатив равишда “Уч оғайни ботирлар”даги маликанинг қурбақага айланиши мотивини рухий кечинма тўқималарига сингдиради. Илк қарашда лирик қаҳрамоннинг қудуқдаги ҳолати, жойи ўқувчини ажаблантиради, ғалати, ғайриоддий туюлади. Бу ўринда қудуқ – рамз. Сўфийлик адабиётида, хусусан Аттотрол фалсафасида қудуқ дунёнинг рамзи бўлиб келади. Унга кўра, қудуқ – чексиз оламдан, беҳудуд коинотдан ажралиб қолган зиндон. Агар инсон ўзлигини поклаб бормаса, илоҳиётга интилмаса, ўзлигини танимаса, у шу зиндонда қолиб кетади.

Ҳазрат Навоий бу дунёни ҳаммомга киёслайдилар ва фақат қорин ғами билан умргузаронлик қилишни ҳаммомдан нопок чиқиш деб ҳисоблайдилар. Абдулла Ориповнинг “Тилла балиқча” шеъридаги “қўлмак ҳовуз” ана шу кудукнинг сал кенгайтирилган модели. Агар эътибор берилса, Ҳовуз толлар соясида жойлашган, сув юзасидаги “хору хас, хазонлар” бу сояни янада куюклаштириб, зулмат пардасига ўрайди. Шу сабаб тилла балиқча ёруғлик нелигини ҳам билмайди, унинг дунёси – “қўлмак ҳовузча”, насибаси – “ташландик ушок”.

Учинчи бандда нина билан кудук қазиш машаққати хусусида сўз юритилади. Бу аслида тирикчилик ташвишларига қўмилиб бориш, маънисиз, майда-чуйдалар, икир-чикирлар гирдобига тобора фарқ бўлишни аңлатади. Боз устига “олам аҳли”нинг сенга қўядиган талабу иддоаси ҳам кучаяверади: “Тепадан тош тўла пақир ташларлар, // Сўрарлар қилиб бер дея жавоҳери”.

Тўртинчи бандга келиб ёлғизлик азобини кучайтирадиган янги деталлар қўшилади. “Занглаган қадимий тақа” – Абдували Қутбиддиннинг ўз таъбири билан айтганда “Даққиюнусдан қолган тириклик”¹ рамзи. Қурбақа энг хунук жонзотлардан бири. Унинг манзил тутадиган жойи ҳам қўлмак, балчик, захқаш. Шоир анъанавий фольклор образини янгича талқин этади: Қурбақа – дунёга келишдан мақсад нелигини аңламаган кас. Аслига қайтиш учун инсон тор, бирик, қоронғи кудукдан кенг, мусаффо, ёруғ дунёга чиқиши керак.

Анатоль Франснинг “Инсоният” ҳикоясида қадимий шарқ подшоларидан бири қариган чоғида инсоният тарихи ва одамлар ҳаётининг маъносини билишга кизиқиб, салтанатидаги олимларга инсоният тарихини ёзиб келишни буюради. Кўп йиллик машаққат маҳсули сифатида қирқ туяга юк бўладиган китобларни подшога тақдим қилишади. Подшоҳ қарилги ва ишлари қўплигини айтиб, бу китобларни мухтасарроқ қилиб келишларини сўрайди. Олимлар ёзиб чиққан инсоният тарихи энди бир эшакка юк бўладиган ҳолга келади. Подшоҳ шуларнинг барини бир китоб шаклига келтириб беришларини илтимос қилади. Ва нихоят инсоният тарихи бир китоб ҳолига келади. Подшоҳ бу пайтда ўлим тўшағида ётганлиги учун энг зўр олимдан китобни бир жумла сўз билан тушунтириб беришини сўрайди.

– Одамлар туғилади, азоб чекади, ўлади, – деб жавоб беради у олим. – Инсоният тарихи шундан иборат.

Худди шу каби Абдували Қутбиддин илгари сурган поэтик ғоя ҳам тор, биқик дунёқараш билан чекланиб қолган, дунёга келишни қорин тўйдиришу, мол-мулк тўплаш деб биладиган ва шу тахлит ўзлигидан беҳабар, оламдан бебаҳра, ҳашарот сифат ўтиб кетадиган кишининг рухий изтиробларини очишга йўналтирилади. Лекин бу лирик қахрамоннинг ўзига хослиги шундаки, у “тилла балиқча”дан фарқли ўлароқ беҳуда умр кечираётганлигини, тушиб қолган реал ҳаётгий вазиятини аңлаяпти, ғафлат уйқусидан бедор бўлиш кераклигини тушунаяпти.

Рамзлар тили билан изҳор этилган дилиқдорларининг турлича тушунча ва талкинларга сабаб бўлиши табиий ҳол. Лекин ўқувчилар томонидан турлича тушуниладиган бу мажозийлик муаллифнинг нуктаи назарига ҳамоҳанг бўлиши асосий масала.

1987 йил ёзилган бу шеър “Автопортрет” деб номланган, яъни ҳасби ҳол. Ўшанда шоир 27–28 ёшларда бўлган. Унинг болаликданок шарият, тариқат масалаларидан хабардор бўлиб ўсганлигини ва шу руҳдаги адабиётлар таъсирида шаклланиб борганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, бу шеър лирик қахрамоннинг ўз-ўзига исёнидан, руҳиятида қарама-қарши қутбларнинг тўқнашуви кетаётганидан, бир-бирига ўхшаш бесамардек қуллардан, беҳудадек кечаётган умрдан норозилик

1 Қутбиддин А. Бор. – Т.: Фафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011 йил, 209-бет.

ифодаси сифатида туғилгандек туюлади. Ёшликдан олинган руҳоний тарбия билан уни қуршаб олган муҳит ўртасида туғилган номувофиклик ушбу шеър кайфиятини белгилаб берган, десак тўғрироқ бўлади. Одатда, киши ёшлигида ўзини қийнаётган саволларга жавобни, руҳий таскинни кўча-кўйдан, давралардан, ташки дунёдан излаб кўп вақтини зое қетказди. Излаётганларини, тополмаётганларини ичкаридан, “ўзлик”дан ахтариш зарурлигини кечроқ англайди. Хуллас, лирик қаҳрамоннинг руҳий кечинмалари сўфийликнинг тавба мақомидаги хусусиятларини эсга солади. Тавба тасаввуфда руҳнинг бедорлигини, қалбан покланишга эҳтиёж сезган инсоннинг руҳий изтиробларини англатади. Бу эса инсоннинг янги бир сифат босқичига кадам қўйганидан дарак беради.

*Соҳибдиллим – дилоро,
Аййит, тўхтасин қарвон,
Най пуфлаган қуюннинг
Энасими биёбон,*

“Соҳибдил” – ўз қалбининг эгаси демак, кўнгил амри билан иш қиладиган, олам ва одам сир-асрорларидан огоҳ киши. Тасаввуфда дарвиш, пир маъноларида қўлланилган. Шеърда лирик қаҳрамон бу дунёга ўзининг хаёлий оламини тақдим этади. Бу оламнинг ўз ақидалари, низоми, мақоматлари бор. Булар – хаёл, тасаввур, туш, туйгулар ассоциацияси... Бунда соҳибдил дуо кучи билан қарвонни тўхтатиши мумкин, қуюн шунчаки қуюн эмас, унга жон ато этилиб, “най пуфлаётган” бўлади, биёбон эса унинг “энаси”га айланади.

*Соҳибдиллим – дилоро,
Қайда у чашма гирён.
Жилға бўлган кўнглимни
Қуритиб бўлди мижгон.*

Сахро оралаб бораётган қарвон мотиви шарқ мумтоз поэтикасида кўп мурожаат этилган мавзулардан. Инсоният тақдири кўпинча сахродаги қарвонга қиёсланади. Азалий қарвон йўлини давом эттириши учун у абадиёт саҳросида чанқоғини қондириб туриши керак. Чунки “жилға бўлган кўнгил”ни мижгон ўқлари қуритиб бўлган. Ошиқона шеърятда “чашми гирён” турғун бирикмага айланган. Абдували Қутбиддин эса товушлардаги оҳангдошлик ва уйғунликка асосланиб, уни “чашма гирён” тарзида қўллайди.

*Соҳибдиллим – дилоро,
Кўзим менинг қулфмидур.
Очиб нигоҳим чиқса,
Чопган қилич зулфмидур.*

Мумтоз бадииятда зулфнинг печу тоб бўлиб, ҳалқа-ҳалқа бўлиши ошиқ кўнглини илинтирадиган қармоқ, тузук ҳисобланган. Бунда эса кўнгил эмас, кўз ва зулф зиддиятини кўрамаиз. Юқоридаги бандда кўнгил хақида сўзланган эди, шунинг учун шоир такрор қўллашдан қочиб, кўнглининг эквиваленти бўлган “кўз”ни мисол қилади. Бирок бу мисрадаги “кўз” ҳам ўз маъносида эмас, балки кўнгил кўзи метофорасини ифода этаётпти. Соддароқ қилиб айтадиган бўлсак, шу пайтгача ғафлат хобида бўлгандекман, бедор бўлиб зулфининг домига тушдим ёки қиличида чопилгандек бўлдим.

“Қақнус гулхани”, “риёзат”, “тоат”, “васл”, “сароб”, “рўё”, “ишқ” каби шеър давомида қўлланилган рамзлар унинг ошиқона оҳанглар руҳида ёзилганлигини тасдиқлайди. Тарикатга кирган мурид пир қўлида бир қанча руҳий-маънавий босқичларни босиб ўтганидек, шеърнинг лирик қаҳрамони ҳам маънавий сарбони “соҳибдил”га қайта-қайта муурожаат қилади. Муридда бўлганидек, унинг қўнглига ҳам ғулув солган ишқ шавқи мисрадан-мисрага, банддан-бандга кучайиб боради, айна дамда муайян руҳий ҳолатнинг рангин манзаралари юзага келади.

*Соҳибдилим – дилоро,
Кўп риёзат чекдим-ку.
Ўзим кетдим. Йўлингга
Тоатимни экдим-ку.*

Риёзат – тарикат йўлига кирган солиқнинг бажариши лозим бўлган машаққатлари.

Ўтган асрлар, кечган даврлардаги ўзгаришлар ва янгилинишлар узлуксизлиги, кечаги постмодернизм, бугунги глобаллашув замонида тарикат мақомлари ва тарбиясига қайтишнинг иложи йўқ. Чунки у бугунги кунда биздан Марс қадар йироқликдаги ҳаёлий ва афсонавий эртақлар олами бўлиб қолган. Унга факт тасаввур ва тахайюл кучи билан бир қадар яқинлашиш мумкин. Шоирнинг ўзи ҳам Ҳофиз замонига қайтолмаслигини яхши билади.

*Соҳибдилим – дилоро,
Васлинг саробми, рўё.
Ҳофиз эмасман ишқда,
Абдувалиман гўё.*

Мазкур шеър муаллифнинг руҳий тарбиясидан ҳамда ўқиб ўзлаштирган, таъсирланган асарларидан олинган завқ-шавқ, ҳаяжон, ҳайрат, таассурот, кечинма, поэтик руҳ, образли ифода ва ҳулосаларнинг синтезлашиб, қуйма ҳолатга келганидан туғилган. Жумладан, Шайх Саъдийнинг “Эй сарбон...” деб бошланувчи ғазали, Гулханийнинг “Ҳоло, бераҳм онам...” сатрлари билан бошланувчи “Туя ва бўғалоқ” масали, Фафур Ғуломнинг “Зўр қарвон йўлидан етим бўтадек// Интизор кўзларда халқа-халқа ёш” каби мисралари ва шу руҳдаги кўплаб асарлар ижод психологиясининг қонуниятларига кўра, шоирнинг хотирасида, ундан ҳам чуқурроқ онгостида қатланиб, ғайришуурий тарзда янги, оригинал ижод намунасига айланган. “Соҳибдилим – дилоро” шеърининг таъсирдорлиги шундан бўлса, ажабмас. Бадий тасвир воситаларининг тигизлиги, метафораларнинг қуюқлиги ҳам бу эмоционал таъсирдорликни кучайтирган омиллардандир.

*Сирли бадаргоҳда қуюқ туман,
Олмос лангар,
Билур кема.
Зарбоф кўйлак кийган дарға мендирман,
Эй гул, кетасанми мен билан.* □

Бунда бирор-бир сатр йўқки, тасвирий воситалар қўлланилмаган бўлсин. Тасвир объектига тушган ҳар қандай тушунча, нарса, буюм, ҳолат, туйғу сифат касб этади, бадий либосга бурканади.

Дунёкараши, феъл-атвори, тушунчалари материалистик онг таъсирида шаклланган кишининг бу лирик қаҳрамон руҳиятига кириши анча қийин. Хаёлга ва тасаввурга эрк берсангиз – чинданам мўъжиза рўй беради: эртаклар, афсоналар қаъридан чиқиб келаётган ул гўзални кўрамиз, унинг қафтида бахт қуши, елкасида қафтар, ортидан эса маънос ва мулзам кийиклар эргашиб келаяпти. Эртакларда ҳам шундай: ойнасини отса – қўл, тароғини отса – ўрмон пайдо бўлади.

*Хоҳласанг бераман сеҳргар
Каклик
Сайраса бўғзидан тушади гуҳар,
Унинг бир қаноти атиргул, бири
Нилуфар.*

*Истасанг зумуррад тароғим сенга,
Сочингни тарасанг ярмиси зумрад.
Силасанг қўлингиз бармоғинг
бўлгай
Ложувард.*

Аста-секин ғаройиботлар мамлакатига, сеҳру афсунлар диёрига, ҳайрату таҳаюлот оламига кириб борасиз. Лекин бу болаларнинг эртаги эмас, бошқачароқ, мураккаброқ, чигалроқ, фожирок катталар эртаги. Энди у сизни мавҳумотлар томон етаклайди. Тўсатдан ҳаёлот осмонидан реал заминга тушасиз:

*“Эшикни ёп дейсан,
Совуқку ахир.
Бошим оғрияпти, бошим.
Уҳ тортиб ойнага, турқсовуқ хомуш
Аёз ишқаб ўтар эшикка бетин.
Қуқулаб юборар ҳовлида турмуш,
Дарахтдан узилиб
Тушади – олма
Олтинн
Ол-тин-нн...*

Шеърнинг дастлабки уч банди туш, ҳаёлот олами эди, охириги икки банд лирик қаҳрамонни объектив оламга қайтаради. “Ҳовлида куқулаб юборган турмуш” – хўрознинг қичқирғи сеҳрли эртак – тушни бузиб, тонг отганини, турмушнинг азалий ташвишлари бошланганини билдиради.

Нега руҳимиз баъзан осмон қадар юксалиб, нечун гоҳо пужмурдага айланади? Ҳозиргина бошингизда тож, пойингизда тахт, илкингизда етти иқлим мулки эди-ку? Нега туйқус баридан батамом мосуво бўлган кул ҳолига тушдингиз? Инжик руҳингизнинг истаги не? Йўқликдан келиб, йўқликка юз тутаятган изтироб, қувонч, ғам, шодлик, қайғунинг манбаи қаерда? Уни ким шарҳлаб бера олади: мунажжимми, муаббирми ё дайр пири? Лирик “мен” шу саволларга жавоб излайди.

*Чувидим, рўзгорим бўлмади обод,
На Жамшидга ҳавас, на майл Кайқубод.
Бугундан таскину эртадан имдод,
дод, дод, дод...*

Оламни-ю одамни идрок ва ифода этишда реаллик ва ҳаёл, ҳуш ва туш оралиғида яшаётган лирик қаҳрамон кун ва тун, аввал ва охир, жон ва вужуд можаролариаро висолнинг фироққа, тугилишни ўлимга, аёни ноаёнга, муяссариятни маҳрумиятга айланишини ҳис қилиб, кечинмаларини ранглар, товушлар, белгилар, ишоралар, оҳанглар, рамзларга кўчира бошлайди.

*Индамай руҳимга эргашиб олдим,
Девона ҳаёлим гилмон санадим.
Туф дедим ботқоққа
Гулистон қилдим...
Яйрадим.*

Бирор-бир ҳатти-ҳаракатни амалга оширмасдан ботқоқни гулистонга айлантириш сеҳрли эртақларга хос хусусият.

*Мажнунтол дарчасин очди, киритди,
Юз битта қизидан бирин танладим.
Хивич қасрларда
Баргандим бирам...
Яйрадим.*

Эртақларда табиатдаги буюм ва нарсаларни жонлантириб, уларни мукаддас билиб мурожаат қилиш, “ёрил, ёрил, ёрилтош”, дея тошга, “очил, очил, қамишлар”, дея қамишларга илтижо қилишлар ибтидоий инсоннинг фикрлаш тарзи билан боғлиқ дунёкарашнинг образли кўриниши ҳисобланади. Абдували Кутбиддин ана шундай жонлантиришнинг мураккаб метафорик шаклларини қўллайди.

*Дунёни тарк этдим, ҳур сафар этдим,
Ёримла туйқусу беҳабар кетдим.
Ўн беш кун тўй бердим
Дорулбақода...
Яйрадим,
Яйрадим,
Яйрадим-аа!*

Сеҳрли эртақларнинг хотимаси ҳар доим тўй-томоша тасвири билан ниҳоясига етади: “Қирк кеча-ю, қирк кундуз тўй бериб, ошларини-ошаб, ёшларини-яшаб, мурод мақсадларига етадилар”. Шунга ўхшаб лирик қаҳрамон ҳам шеър сўнггида “ойнинг ўн беши ёруғ”, дея ўзини ишонтиради.

Умуман, шоир шеърлятида халқ оғзаки ижодидаги образ ва мотивлар муҳим ўрин тутди. Унинг бошқача оҳангдаги шеърлари ҳам ана шу образ ва мотивлардан қувват олади, ўзига хос индивидуал услубининг янги кирраларини намоён этади.

Абдували Кутбиддин шеърлятида тасаввуфий қарашлар модернизм хусусиятлари билан бирлашиб, оригинал ижод намунасини вужудга келтирган. Модернизмнинг, айниқса, символизмнинг тасаввуфга яқинлашадиган жиҳатлари анчагина. Модернизмнинг фаркли жиҳатларидан бири – унинг дунёвийликка асосланганида. Символистлар мавҳумликни конкрет образ ва деталларда ифодалаш методологиясини антик адабиётдан ўзлаштиришган. Масалан, Зевс – ҳукмдорлик тимсоли, Геракл – куч-қудрат тимсоли каби. Баъзан аниқ бирор-бир образ ўрнида

унинг сифати ё рамзига урғу бериш ҳам символистларга хос. Абдували Қутбиддин ижодида ҳам бундай шеърлар талайгина.

*Қаргалар қағиллар бахтиёр,
Симёғочда музлайди чумчуқ,
Занжирда совуқ қотади вафо,
Томларда яйраб яшар ўғри...²*

Аслида қарганинг қағиллаши бахтиёрликдан эмас, бахтсизликдан нишона хисобланади. Чумчуқлар ҳам симёғоч симларига музлаш учун эмас, исиниш учун тизилишади. Кейинги мисраларда ит ва мушук ўрнида “вафо” ҳамда “ўғри” сифатлари ишлатилапти. Шоирнинг рамзийликка йўғрилган бундай шеърлари мумтоз шеърятдаги муаммо, таърих жанрларига яқинлик касб этади.

Абдували Қутбиддин ижодида эркин шеър тизимига асосланган кўплаб намуналарни учратиш мумкинки, бу шеър тузилиши – верлибр ҳам символистларнинг адабиётга киритган янгиликларидан биридир. Шоир символистлар ижодини яхши ўқиб-ўрганган, лекин бу уларга тақлид эмас, адабий олифталик учун шунчаки уларга эргashiш ҳам эмас. Айтиш мумкинки, Абдували Қутбиддин миллий заминда туриб, шарқона тафаккур тарзи ва дарвишона руҳияти билан символизм йўналишининг имкониятларини кенгайтди, унга сўфиёна оҳанглар бахш этди.

*Тоғларнинг елкасини қамчилар суворий,
Пишқуриб оқар дарё –
Қояларнинг забони.
Пайдо бўлар сарҳадда чақчайган арабийлар,
Ҳансираб чопар отлар –
Биттагина осмони.*

*Тош бўлиб қотиб қолар ёлқинли кўпиклар,
Қотар оғир харсангдай.
Кишнаётган аламлар тўкилади дарёга,
Сузиб кетар наҳангдай.*

Ватан кечмишининг унсиз нолаларини табиатни бундай жонлантириш оркали тасвирлаш учун оламни шундай кўриш, тинглаш, хис этиш керак. Шунда жонсиз жисмларга жон, тоғу тошга юрак, қотган шаклга мазмун ато этилади.

Талкинга кўра, моддалар алмашинуви назриясига мувофиқ кишилик жамияти тўрт унсурнинг ўсимликка, ўсимликнинг ҳайвонга, ҳайвоннинг одамизотга айланиши жараёнлари маҳсули. Илҳом дақиқаларида шоир ана шу эврилишлар жараёнининг хоссаларини интуитив равишда хис қилиб туради, ташки, зоҳирий кўринишларнинг ички аломатлари очилади: улуғвор тоғлар бедор бўлади, ўтмиш қаъридан наъра тортиб суворийлар чиқиб келади, дубулғасиз, яланғоч нафратларнинг ярадор умидлари дод солади, ғорлардаги аёллар кокилларини аркон қилиб, шафакқа термилади...

Шеърини кайфият, илҳом завқи, хис-туйғу табиатан қисқа муддат давом этиши боис бўлса керак, Абдували Қутбиддин шеърларида вақт, ҳаёт оқими лаҳза, дақиқа, сониялар бағрига сингиб, табиатдан алоҳида ажратиб олинган пейзаж манзараси билан бирикади.

2 Қутбиддин А. Бор. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011 йил, 58-бет.

*Сизни шох-шабба ва буталарда,
Чечакларда, япроқларда, майсаларда
қолдирсам...
Ўзим мусичадай қу-қулаб ўтсам,
Ёнингиздан, чандан, ўнгдан, сўлдан,
сизни қўриқласам...*

Шу жараёнда лирик шахснинг ўзи ҳам макон ва замон бирлигига сингиб, уйғунлашиб кетади. Шу боис у “мусичадай қу-қулаб ўтиш”ни орзу қилади, ўзини “Хивич қасрларда баргланган”дай тасаввур қилади. “Биқинларим оғрийдир, // Бўлаётирман Ғирот”, дейди, “Лаҳзани ёпсағу қамалсак буткул”, дея ҳаёл суради. “Сувога”, “Қайси кун”, “Қасам”, “Мовийлик кудуғида”, “Сут оққан кеча”, “Қорлар қуйлаб кетди”, “Тонгдан узиб келдим” сингари биринчи тўплами “Найсон”дан ўрин олган аксарият шеърларидаёқ лирик “мен”нинг ўзни табиатнинг бир бўлаги ҳис этиши, коинот билан бирлашиб кетиш туйғуси ёрқин намоён бўлган эди.

Агар шу туйғу бўлмаганда куйидагидай ҳароратли сатрлар тугилмаган бўларди:

*...Ортимда чўл дедим, кўрсам, Бадахшон,
Қадимий тангадай беҳамён, бешон.
Ўзимни изласам мендан йўқ нишон,
Ал-омон, ман қайда,
Сим-сим-ей, сим-сим.
Мабодо алдасам қўлларим синсин...*

“Қасам” шеърининг бирор банди, бирор мисраси йўқки, ана шу лирик қаҳрамон “мен”нинг коинот билан ўзликни яхлит, бир-бутун ҳис қилиш туйғусининг мавж ва завқларидан бебаҳра қолган бўлсин. Шу бирлик туйғусини дил-дилдан туйган шахсгина

*Ҳамиширам – турна,
Қондошим – жайрон,
Жигарим – аргуvon.
Хоки туробданман, иним – қумурсқа, оғам – от,
Билдим – одамийзотман,*

Одамийзот... – деб баралла айта олади. Шу шахсгина сон-саноксиз оламлараро инсоннинг ўзи ҳам бир олам эканлигини, чексиз коинотда, сарҳадсиз галактикада ночор, ғариб, ёлғиз эмаслигини теран англайди ва тимсоллар тилида ифода эта олади. Шу шахсгина миллий шеърят анъаналари заминиди туриб умуминсоний дард ва интилишларнинг, умумбашарий ғояларнинг куйчисига айлана олади.

НОЁБ ЖАНР



Иқболой
АДИЗОВА

“Мусаллас” сўзининг луғавий маъноси арабча “уч қават”, “уч бурчакли” демакдир. Истилоҳий маънода мусамматнинг ҳар банди уч мисрадан иборат бўлган биринчи тури маъносини ифодалайди. Шарқ мумтоз адабиётида мусамматнинг мазкур турида санокли асарлар яратилган. Жумладан, ўзбек мумтоз адабиётида адабий мактаб яратган ижодкорлар Алишер Навоий ҳам, Қўқон адабий муҳитида устоз раҳнамо мақомида бўлган Амирий кабилар ҳам мазкур жанрда асар яратмаган. Мусалласнинг жанр хусусиятлари ва тараққиёт босқичларини ўрганган адабиётшунос Умнат Тўйчиев “Учлик инкилобгача бўлган ёзма адабиётда дастлаб ва фақат Увайсий ижодида дуч келди”¹, деган хулосани баён этади.

Хурматли олимимиз мусаллас ҳақида маълумот бера туриб, “мусаллас тузилишида Оврупо терциналарининг таъсири бор”, деган хулосага ҳам келади. Бунда жон бор. Албатта, турли халқлар адабиёти ҳар доим бир-бирига таъсир кўрсатган. Айрим қирраларнинг ривожланишига туртки бўлган. Аммо биз, бу фикрни инкор этмаган ҳолда, ўзбек адабиётида мавжуд мазкур жанр намуналарини кузатар эканмиз, уларда халқ оғзаки ижодида учровчи уч мисрадан иборат бандли шеърларнинг таъсири борлигига амин бўлаемиз. Кейинги давр (XX аср) адабиётидаги учликларда ҳам халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиёт намуналарининг таъсири яққол намоён бўлади.

Адабиётшуносликда Чўлпон, Рауф Парфи ижодида ҳам учликлар борлиги, аммо улар аруз вазнида эмаслиги, шу сабабли мусаллас жанрига мансуб деб бўлмаслиги айтилган². Замонавий шеърятдаги учликларни япон ҳакку жанри таъсирида вужудга келган деб талқин этувчилар ҳам бор. Аммо уларнинг шаклланишида дунё адабиётининг таъсирини инкор этмаган ҳолда, асосий замин мумтоз мусаллас ва фард каби жанрлар эканлигини эътироф этиш лозим.

¹ Адабий тур ва жанрлар. 3 жилдлик. 2-жилд. Лирика. Т.: Фан, 1982, 218-бет.

² Адабий турлар ва жанрлар. 3 жилдлик. 2-жилд. Лирика. Т.: 1992, 218-бет.

Иқболой АДИЗОВА – филология фанлари номзоди, доцент. 1957 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. “Ўзбек адабиёти тарихи” ўқув қўлланмаси ва дарслиги, “Эл дардини куйлаган шеърят”, “Сўздин бақолироқ ёдгор йўқдур”, “Сўзумни ўқуб англагайсен ўзумни...”, “Увайсий шеърятинида жанрлар тақомили” каби рисола ва монографиялари, юздан ортиқ мақолалари ўзбек ва чет тилларда эълон этилган.

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий ижодида ҳам бир нечта – “Яшанглар, яшайлик, Турон”, “Бойбаччалар, семиринг” каби учликлар учрайди. Улар шоирнинг “Миллий ашулалар учун Миллий шеърлар” туркумига киритилган. Халқ куйларига мослаб, халқ ашулалари йўналишида яратилган. Шу сабабли ҳам, уларда халқ оғзаки ижоди таъсири яққол намоён бўлади. Ҳамзанинг ўзи ҳам мазкур шеърларнинг яратилиш сабаблари ва унинг айрим хусусиятлари борасида туркумнинг “Қизил гул” деб номланган бўлимида қуйидагича изоҳ беради: “Бу учинчи бўлимдаги шеърларда баъзи узун-қисқаликларни (ҳижоларни – И.А.) ҳамда адабиётдан йироқлигини кўруб, адабиёт илмидан бутун деярли хабарсиз киши эканми, деювчи зотларга қарши бу адабиётдан хабарсизлик эмас, қора элимизни тушунувина ўнғай бўлсин учун бўлса керак. Ҳамда бизим ашулаларимизда о-о-ой..., во-о-ой..., хо-о-о-й..., ё-ё-ё... каби авж исми ила қисилмиш ортикча овозлар кўп. Мана у аҳамиятсиз товушлар ўрнига қисқа-тўмтоқ бўлса-да, керак сўзлар киритилганга ўхший, деб шояд бизим тарафимиздан жавоб берувчилар-да бўлур, деб узун – ихтор (қиска – И.А.) ёзмақга тургунуб юрмадук. Ҳақиқатда қасдан ўзбек тилида экан, биз ўзбек тилига яқинлашдурмоққа киришдук. Бу тўғриларда қусурларимиза афвларин рижо ва ниёз этармиз”³. Кўринадики, Ҳамзанинг ўзи мазкур асарларида қатъий мумтоз қонуниятларга амал этилмаганлигини эътироф этмоқда. Бу камчилик эмас, балки мақсадли тарзда амалга оширилганлигини таъкидламоқда.

Ҳамза Ҳақимзода Ниёзийнинг мазкур учликларида даъваткорлик руҳи устувор. Ёшларни уйғонишга, маънавий маърифатга, камолотга ундов ўз ифодасини топади. Ҳар бир банд пастдан юқорилаб борувчи бир хил ритмик композицияга эга. Ундаги фикрлар тараққийси ҳам ритмик композицияга мос. Жумладан, биринчи бандда Турон аҳволи баёни берилиб, учинчи мисра “йиғланглар, йиғлайлик, Турон”, деган даъват билан яқунланса, охириги бандларга келганда, “юринглар, юрайлик, Турон”, “Яшанглар, яшайлик, Турон”, деган яшовчанлик руҳидаги ундовлар ва даъватлар билан тугалланади.

Бизга маълумки, мусаммат жанрларида бандлардаги мисралар ўзаро, сўнгги мисралар эса мустақил умумий қофияланади. Ҳамзанинг юқорида тилга олинган асарларида худди шу хусусият сақланади. Улар ааб; ввб; гтб... тарзида қофияланган. Аммо вазн масаласида мусаллас жанри қонуниятларига мос келмайди. Улар арузда эмас, балки бармоқ вазнида яратилган.

Профессор Умат Тўйчиев таъкидлаганидек, Жаҳонотин Увайсийга қадар ўзбек мумтоз адабиётида мусаллас жанрида асар яратилмаган. Барча шоирлар мусаммат яратаётганда, мураббадан бошлашган. Увайсийнинг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида 1837 раками остида сақланаётган девонидан ҳам “Раҳм этиб, ёраб, мени сен айла жонондин халос...”⁴ мисраси билан бошланувчи биргина мусаллас жой олган. Асардан унинг мусаллас жанрига бироз эркин ёндашгани кўринади. Бу, айниқса, унинг қофияланишида намоён бўлади. Асар етти банд, йиғирма бир мисрадан иборат. Ҳар бир банд ўзича алоҳида ааа, ббб, ввв... шаклидаги қофияланиш тизимига эга. Увайсий ижодига яхлит назар ташласак, унинг шеърдаги қофия унсурига бошқа шоирларга нисбатан эркинрок ёндашганининг гувоҳи бўлаемиз. Ҳатто шоира бир шеърда маънони қофия каби шаклий унсурлардан устун қўйганлигини кузатамиз:

3 М.Тожибоева. Жадид адабиёти ва мумтоз аъналар. Т.: Мумтоз сўз, 2011, 100–102-бетлар.

4 Ҳамза. Тўла асарлар тўплами. 2- том. Т.: 1983, 39–53-бетлар.

*Увайсий, қофия танг ўлса ҳам мазмуни маҳвашдин
Хайлин маҳкам эт, айгилки: "Эҳромингга салламно!"⁵*

Зоҳиран караганда, бандларда мазмунан парокандалик мавжуддек кўринади. Ҳар банднинг алоҳида, мустақил қофияга эга бўлиши асардаги силсилавийликка халақит бергандек таассурот қолдириши мумкин. Аммо чуқурроқ ёндашсак, уларни бир-бири билан боғловчи ички алоқа борлигини кўриш мумкин. Асардан мусаммат арабча “ипга тизилган маржон” маъносини англатиши бежиз эмаслигини англаймиз. Мусаммат турларидан бири бўлган мусалласда ҳам бу хусусият яққол намоён бўлади. Жумладан, Увайсий мусалласида ҳам бандлараро ички мазмуний алоқа сўнгги бандгача сақланади. Биринчи бандда қўйилган тезис, охириги бандгача кенгайиб боради. Шоира сўнгги бандда радд ул-матлаъ санъатини қўллайди. Биринчи мисрадаги “Раҳм этиб, ёраб, мени сен айла жонондин халос...” жумласи, охириги мисрада бироз ўзгариш билан “Раҳм этибон Вайсини додига сен етгил десам...” шаклида қайтарилади. Шунинг ўзиёқ, асарда мазмуний доира мавжудлигини кўрсатади.

Мусалласнинг дастлабки банди, мумтоз анъанага кўра, Оллоҳга муножот билан бошланади. Асосий образ ошиқ тимсолидир. Унинг аҳволи ўз тилидан баён этилади. Унинг мақсади руҳоний хурликка, ваҳдат ҳолатига кўтарилиш. Бунинг учун эса икки тушунча жон ва жонон ягоналикка эришиши лозим. Шоира биринчи банддаёқ ана шу бош мақсадни тезис сифатида баён этади:

*Раҳм этиб, ёраб, мени айла жонондин халос,
Бағрими қон этти, ул лаъли бадахшондин халос,
Жонни тандин қутқориб, кўнглимни армондин халос.*

Рухий озодликка эришиш – ошиқ кўнглидаги армон. Бу армонни бартараф этиш учун, жон тандан қутқарилиши лозим. Бу ифодалар ирфоний тушунчалар, тасаввуфий ғоялар, қарашлар талқинидир. Биринчи банддаги талқиннинг ўзиёқ, мусаллас тасаввуфий йўналишда яратилганини кўрсатиб туради. Жоннинг тандан, кўнглининг армондан халос бўлиши – ваҳдат ҳолатидир. Ошиқ худди ана шу мақомга интилмоқда.

Кейинги бандлар эса шу тезисни изоҳлаш, шарҳлаш, аниқлаштиришга хизмат қилади. Жон ва жонондан халос бўлиш истагининг сабаблари ҳақида сўзланади. Иккинчи бандда ошиқнинг руҳий ҳолати аниқ ва таъсирли ифодалаб берилади. Шоира ҳар бир сўзни қўллашда, унинг энг нозик маъно кирраларига ҳам эътибор беришга ҳаракат қилади. Жумладан, “Лутфинга роғиб элидин мен каби термулмағай” мисрасидаги “термулмағай” сўзи ошиқнинг интизорлик ҳолатини ифодалашда муҳим бадий вазифани бажарган. Бу сўзнинг бирорта муқобили ҳолатнинг моҳиятини шу даражада чуқур етказиб бера олмайди:

*Лутфинга роғиб элидин мен каби термулмағай,
Ҳайрати хоби хайли ичра ҳайрон ўлмағай,
Ҳеч гунча сен каби ҳолимни англаб қулмағай⁶.*

5 Ўша асар, 33-бет.

6 Увайсий. Девон. Кўлёзма. Инв. Рақам 1837, 87-бет.

Банднинг учинчи мисрасидаги ғунча тимсоли ҳам кенг қамровли мазмунга эга. У фикрни биринчи банд билан боғлашга хизмат қилади. “Кўнгил армони” тушунчаси ғунча тимсолида янада аниқроқ мужассамлашади. Чунки кулиш, табассум қилиш тасаввуф истилоҳи сифатида тажалли, васл тушунчасига тенг. Ғунчанинг “кулмаслиги” – очилмаслиги эса маҳбубанинг ошиқ кўнглида тажалли топмаслиги маъносини англатади. Мазкур бандда шоиранинг сўзни англаш ва танлаш маҳорати ғунча тимсоли тасвирида яна бир бор намоён бўлади. Учинчи мисрада маҳбуба ғунчага қиёсланади. Унинг кўриниши, гўзаллиги, сирлилиги мазкур тимсол ёрдамида изоҳланади. Шу билан бирга нозик ва маҳоратли чизгилар ёрдамида маҳбубанинг феъл-атвори ҳақида ҳам ишоралар беришга эришилади. Жумладан, ғунча ошиқ аҳволини тушуниб, кулмайди. Аммо маҳбуба эса унинг аҳволини кўра-била туриб кулади. Бу тасвир унинг табиатидаги шаддотлик ва кибрни кўрсатишга, характери ҳақида тасаввур уйғотишга хизмат қилади.

Тўртинчи банддан бошлаб лирик қаҳрамон руҳида кўтаринкилик пайдо бўлади ва сўнгги бандгача сақланади. Ушбу ўринда ошиқ ўзини буюк қудратнинг зарраси сифатида ҳис қилади. Учликнинг учинчи, хулосаловчи мисрасида ошиқлик лирик қаҳрамонга азалий қисмат эканлиги баён этилади. Мазкур руҳий ҳолат қуёш, ой, ёр, ҳажр, кўз, кўнгил каби ўнга яқин рамзий тимсоллар воситасида ифодаланади:

*Зарра эрдим меҳрига мен, моҳи шабгарди нетонг,
Ёр илкида кабоб, ҳажр илкида фарде нетонг,
Ютқузуб эрдим кўзу кўнглумни, то берди нетонг⁷.*

Шоира кейинги бандларда дашти жунун, Мажнун, Лайли каби тимсолларга мурожаат этади. “Ҳажридин ўзни йитурдим кирдим ул дашти жунун...” каби мисралар ошиқнинг юксак, жунунвор мақомидан дарак беради. Бундай мақомга кўтарилган ошиқнинг мақсади улканлашади. Энди у вужудий қафаслардан озод бўлиш иштиёқи билан ўртанади.

*Жон қабул этмас, танимдин дармаҳал кетгил десам,
Ёр бовар қилмагай жон сўзига битгил десам,
Раҳм этибон, Вайсини додига сен етгил десам⁸.*

Эътибор берсак, биринчи ва сўнгги бандлар мазмунан бир-бирини тақозо этади. Гўёки, сўнгги бандда “ошиқнинг додига жон ҳам, ёр ҳам” етмайди. Асл мақсадга етиш иштиёқида ёнган ошиқ ўзига йўл излайди. Натижада, сўнгги банд биринчи бандга бориб туташади. Лирик қаҳрамон Оллоҳга мурожаат этиб, тан ва жонондан халос этиб, эҳтиёжсизлик мақомига мушарраф қилишни илтижо қилади. Кўринадики, Увайсий мусалласидаги мазмун ички алоқадорликка, занжирли боғлиқликка эга бўлиб, умумий доирада бирлашади, яхлитлик ҳосил қилади.

⁷ Увайсий. Мазмун маъдани. Шеърлар. Т.: “Академнашр” нашриёти, 2010, 18-б.

⁸ Увайсий. Девон. Т.: Фаң, 1959, 148-бет.

Кетиб бораман кўзларим илҳақ



Даврон РАЖАБ

* * *

Деразадан оқиб келар вақт –
нурга айлангириб
сўзларни.

Бу яйноқ жимликда
коришиб ётар
толе битиклари.

Уларни топиб,
гапириб кўр
дур шаклида.

У шундай сирлашар
сен билан,
деразадан бокиб турар
вақт...

* * *

Дарахт шохлари
орасидан ой чиқди.
Қуюқлашди
бинафша ранг,
Унга қўшилди
зангори осмон.
Куй каби тарқалди
акслари.

Даврон РАЖАБ – 1967 йилда тугилган. Беньков номидаги Республика рассомчилик коллежини тугатган. Шоирнинг “Бир томчи юлдуз”, “Бахт шамоллари” номли шеърый китоблари нашр этилган.

Сўнг,
бир митти юлдуз
ёришди
тун охангида.

Дарахт баргларида
акс этди жило –
қайта ибтидо
бошлангандек,
Ой атрофида
капалакдек
ўйнар
бу юлдуз.

Ой осмон саҳнида
олиб учар юлдузни
Атрофида
сокинлик яйнар...

* * *

Капалак,
келма кўлимга,
коч мендан
коч.
Ажабтовур кўринсамда,
кўлимда эзилган
гуллар
изи бор...

* * *

Овозингда кўнглим ранглари,
Шивирласанг тикланар аслим.
Кўзларингда бор оҳангларим:
Нигоҳингда янграйди фаслим.

Сўзласанг бошланиб кетаман,
Рангларга кетаман қарасанг.
Юрагим юртига етаман,
Йўлимдан қайтаман сўзласанг.

Тингласам куйга айланаман,
Қарасам дўнаман тиллага
Ва ё қуш бўлиб шайланаман
Тинимсиз парвозга қиблага!

* * *

Хўб яхши тушундим сўзингни.
Бу гўё садосиз ёғаётган қор –
Сен шундай асрагин ўзингни.

Ҳа, баъзан, сўз айтилмасада
Уйғотиб юборар гўзал туш каби
Шу рангин рўёга қайтилмасада.

Инон, сен аслида бир ташбеҳ учун
Яшайсан умрингни, жонингни тикиб
Ва, шундай англайсан лаҳзани буткул.

* * *

Тонгга яқин кетиб бораман
бир сокин йўлдан.
Йўқ,
бу тонг эмас,
хали бордир юлдузлар
осмон саҳнида.

Йўқ
бу йўл эмас,
унда бордир нурнинг
пиллапояси.

Лекин,
кетиб бораман,
кўзларим илҳақ,
ора-сара
ўтар булутлар
парқув.

Бу,
ахир,
осмонга тугашган
манзил.
Ҳа,
шунинг учун
кетиб боряпман.

Шунинг учун тонг,
тонг дедим,
шунинг учун йўл,
йўл дедим.

Кетиб боряпман
йўлимда:
осмон,
тонг
ва
юлдузлар...

* * *

Сўқмоқлар қолибди:
бизни ўзгартириб,
ўзи ўзгармай.
Эсласам кечагина ўтгандайман.
Англамай сеҳрини
фарқига бормай
торож қилгандайман

Ҳа,
бир марта ўтилар
бу йўлқадан,
Сўнг
уни фақат кўрасан
тушларда
Нахотки,
шу мен эдим,
дейсан
“Ҳа” деётгандай
бўлади у,
фарқига бормайсан.

Югуриб-шошиб,
чопасан ундан,
ҳозир оёғингда излари қолган.
Бу сўқмоқ
бако қуёши нурларидан
тарашланган.
Англамай,
нафас олаётгандай
бўласан
зарралари ҳаволаридан,
лекин,
қайтолмайсан сира.
Қайтган кунинг,
умринг излари яшнаб,
сенга керак бўлмай
қолади сўқмоқ....

* * *

Кема сузиб борар олида,
Мовий уммон осмонга ўхшар.
Мавжлар юлдуз каби бир ҳисда –
Ўйламасанг гўёки тўхтар.

Сузиб борар олида кема –
У менинг абадий орзуларим
Уларга эришмадим, дея, кўрма,
Тинсиз сузар туйғуларим...

* * *

Яна
Ўзимга етиш учун
уйғонаман,
аммо,
кеч бўлибди
бу сафар ҳам.

Ўзимга етиш учун
йўлга чиқаман,
бирок,
бирдан ғойиб бўлар.

Ўзимга етиш учун
кидираман,
йўқотиб қўяман
кўлимдагини ҳам.

Ўзимга етиш учун
тураман ўрнимдан,
шошаман,
холдан тояман,
вақт ўтиб кетган
бўлади
яна...

* * *

Тонг осмонида қайиқдай сузар ой,
Ҳарир булутлардан очиб мавжларин.
Юрагимга гоҳ ҳадик солар, гоҳ чирой...

Ёки ой сув тубидамикан, адашдимми,
Тушириб қўйдимми мен уни совкотиб,
Болаликда йўқотган каби дўстимни.

Ёки бу тушимми эди, унутилган сеҳрли,
Сўзимми эди, борлиқ – умрим ойнаси.
Ой кезар ёниб-ўчиб – бор сўзим маъниси...



ЖОНТЕМИР

Ўзига айланай ўзимда туриб

Қўмсаш

Тошкент. Ёмғир. Юрак остини
Юмдаларкан титроқ торлари.
Хаёлимга кирар бостириб,
Шаҳрисабз олмазорлари.

О, хидлайман кизғиш гулларин,
Яфрокларин силайман сизлаб...
Қикир-кикир кулар нурланиб,
Кўкраклари олмача кизлар.

Югураман улар изидан,
Ширага ўч болари мисол.
Кўксим – тандир, лов-лов кизигай,
Муздек шамол пуркайди Ҳисор.

Суви қочиб, тамшанар лабим,
Олма, олма, тўхтаг, илтимос.
Чимилдикда ўтирган каби
Банд-бандимда қайнар эхтирос.

Мен ишониб ёшлик кучига
Енгилмасдан бораман қувлаб.
Кўхна боғнинг олис бурчида
Адаштириб кетади қувлар...

ЖОНТЕМИР – 1994 йилда тугилган. Ёш ижодкорнинг “Дарवेश кўшиғи” номли китоби чоп этилган.

Уйғонаман хаёл – қимиздан,
Тошкент. Баҳор. Севалар ёғиш.
Кўкраклари олмача киздай
Қиқир-қиқир кулади соғинч...

Санъат

Пианино чалади кўшним,
Тунги шаҳар оромин бузиб.
Қанотлари кесилган кушнинг
Хаёлида юраман сузиб.

Пианино чалади – Моцарт,
Гоҳ Шопенга айланиб, гоҳ Бах.
Юрак – меърож, туйғу ҳавоза,
Тамакимдан ҳаволайди бахт.

Пианино чалади... бетон
Деворларда ўрмалар оҳанг.
Мум тишлаган андуҳлар бетоб,
Қиз кучгандек кўнгилда роҳат.

Чайқаламан, чайқалар Тошкент,
Тебранади сомё дарахтлар.
Ой ҳижжалар кечани сокин,
Булутларни бир-бир варақлаб.

Куй узилар тонг чоғи, ҳасрат
Тунни жойлар вақт идишига.
Мен ухлайман. Жўнайди Моцарт
Супургисин судраб ишига.

Пианино чалади кўшним.

Зориқиш

Биз ҳали гўдакмиз, йўрғакланмаган,
тилимиз – бойчечак, кутар баҳорни,
журъатимиз – айик, ғор қоровули.

Термиламиз бир-бировга жим.

Менга аталган сўз – чумоли инида,
сенга аталган сўз – қарлуғоч тумшугида,
бизга аталган сўз – қуртаклар кўшигида.

Термиламиз бир-бировга жим.

Сир айтсанг, шамолга айт,
Суянсанг ўзга суян.
Йирткичларга кўшилиб
Овга чик, сабоқ буям.
Аммо тусланма асло,
Қалбингни наҳсга бўяб –
Иймон – қилич, нафси чоп,
Луқмангни ют ҳалоллаб!

Дунё – қарга, умрингни
Бир бошидан чўкилар.
Руҳингга руҳ кўшади
Сокол кўйган чўкилар.
Тоғда тўкилган кўшиқ,
Фақат тоғда ўқилар –
Юксакларда туғилдинг,
Шунда бўлсин қабринг ҳам!

Бир кўлида китоблар,
Бир кўлида заранги.
Чўқиларни чайқатар
Кўшиқларин жаранги.
Сиртлон панжа, лочин кўз,
Йигитча – шолғомбурун.
Боқиб юрибди шодон,
Йилқиларнинг уюрин...

* * *

Ҳазратим, най чалинг,
Оҳанги фирдавс,
Айланиб-айланиб ўйнасин хурлар.
Айюбдек қуртларин тўксину кир нафс,
Фикратим қамашсин илохий нурдан.

Ҳазратим,
Май сунинг,
Лаззати сархуш,
На дўзах на жаннат, аросат бекор.
Китобин оловга ташласин Зардўшт...
Руҳимни сийласин сийрати зебо.

Ҳазратим,
Дунёни елкамга ортинг,

Сориг дард истарам, жазбаси бокий.
Бўйнимдан занжирлаб, ит каби тортинг,
Кимсасиз тоғларга қозикланг ёки.

Ҳазратим,
Ишқ беринг, томчиси – оғу,
Дастидан сўнгагим тўкилсин чуриб.
Қашқирлар кўзимга кўриниб оху,
Ўзига айланай ўзимда туриб.

Ҳазратим,
Ишқ беринг
Ишқ,
Ишқ...

Раҳмат

Раҳмат сизга,
эзгин болалик,
качкулимга ғам ғамлаган ғайб
ва қисматнинг чалкаш, қоронғу
кўчасида адаштирган қалб.
Раҳмат сизга,
жим-жит бекатлар,
томоғимга ойдаи қадалиб
кўзларимдан сизиб чиққан тонг.
Чорасизлик.
Хумор кўпганда
бир ўткинчи узатган сигор.
Парилар-ла ковуштириб гоҳ,
гоҳ туфрокқа булаб танимни
кимлигимни кўрсатган шароб.
Ўлим завқин улашган оғрик,
моҳиятга етиб-етолмай
ташлаб кетган бесабр хислар.
Ё бобом,
ё тоғлардан юққан
конимдаги ёввойи хислат.
Юрагидан қувиб солгану
соғинчидан жой берган кизлар.
Раҳмат сизга,
мени туккан куз,
сўнг кўксимни ўйган сўз –
чўкич.
Ҳузурланиб ожизлигимдан
Яратганга шуқр айтган дўст.

Ишқ деганда титрар лаб излаб,
 лабларимда эскирган ўпич.
 Шеър улашган ҳар бир дақиқа,
 тасаввурим – даҳшатга мойил.
 Кафан ичра боққан ҳақиқат
 нигоҳига чидамли лойим.
 Ҳобил эмас,
 Алмисоқ куни
 Қобил дея босилган муҳр,
 сон-саноксиз соғлар ичинда
 тирик юрган эй ногирон рух!
 Раҳмат сизга!
 Ҳаммаси учун,
 хоҳишларим нағмаси учун.
 Шерлигим рост итлар қошида,
 хор ёнида хорлигим ҳам чин...

Маъзур тутинг бир девонани,
 ёмғир сабаб ийдим бу оқшом.
 Ғуруримнинг ёқасин кийиб,
 иқроқ тўнин кийдим бу оқшом.
 Уйқусизлик,
 мастлик дастидан,
 тор шаҳарнинг
 кенг ойнасидан
 тамшанганча ёмғирга қараб
 илк бор туйиб муҳаббат тафтин,
 ох ва Аллоҳ кўзи олдида
 бор-йўғимни қиялпман тафтиш...

Раҳмат сизга,
 барибир раҳмат.

Тарих

*“Тепадан осмон босмаган бўлса,
 настдан ер ёрилмаган бўлса, эй турк халқи,
 давлатингни ким бузди?”*

Кул тигин битиги

Ой бордию омон қайтмади омад,
 Покиза товоққа ҳаром сузилди.
 Яловни ғар тутди,
 қилични – номард,
 Қонунлар бузилди,
 илик узилди.

Тулкилар ўрнашди туркнинг тўрига,
 Ёпилди рост айтар оғиз тамбалаб.
 Кўй боқтириб Бойсари Бойбўрига
 Отларни эгарлаб чопди қарғалар.
 Гўрўғли гўрига қаладилар гишт,
 Оқиллар бепарво ликиллатар дум.
 Улуғлар жин чалиб,
 теккандай қарғиш,
 Овози борича ҳайкирар: "халқум!"
 Замин ёрилмади,
 осмон босмади,
 Қуёш қораймади,
 оғоч осмади.
 Дарё лойқарганин кўриб рўйи рост
 Ҳофиз куйламади,
 шоир ёзмади!
 Оқибат ботқоққа айланди замзам,
 Оқибат фитнага тўлди ер-у кўк.
 Ичи ошсиз,
 таши кийимсиз савлат
 Устидан қулмаган зоғ қолдими, турк?
 Шунда ҳам тозариш ҳақда ўйламас,
 Отага панд берар,
 ўғилга фириб.
 Кўхна юрагига бир қур бўйламай
 Ётарлар тарқоқлик корнига кириб.
 Ниҳоят сизлардан юз бурди Тангри,
 Ботқоқ эгалари – қурбақанусха.
 Урхун битиглари,
 Энасойлардан
 Бўғик товуш келар,
 (тингламас биров)
 "Қони айнамаган борми улусда?"


Замин ёрилмади,
 босмади осмон,
 Қунботар ботмади,
 кунчиқарда нур.
 Ўз-ўзин укакка урдилар қасддан,
 Ўз-ўзин болталаб еб битирди турк.

... Аммо тинган эмас жангари чорлов,
 Урхунми, Энасой,
 келар олисдан.

Бир чақмоқ,
бир қуюн,
бир аччиқ савол –
"Қони айнамаган борми улусда?!
Қони айнамаган борми улусда?!"

* * *

Бир соя бошимни чўқийди,
Бир қўрқув қудратим ортида.
Бир зоҳид калима ўқийди,
Бир банги сўқинар ортидан.
Бир бўлак тириклик ўпирдим,
Бир танга ё сиғмас, ё сиғар.
Томоғин хўлласин, тупурдим,
Пажмурда оғриқнинг оғзига.
Бир нафас нафасим қайтарар,
Бир наво бўғзимда ирийди.
Бир болта тилимни майдалар,
Бир журъат ичимда чирийди.
Бир шароб лабимга интилгай,
Бир фоже юрибди қувалаб.
Бир азоб суйкалар қимтинмай,
Бир аёл ёдимда муаллақ.
Бир ҳовуч қилмишим жамлайди,
Бир виждон силкитиб сўрар бож.
Бир бўшлиқ изимдан ямлайди,
Бир қабр қаршимда қутар оч...



Дамин ТЎРАЕВ

Ботмонқуш қўшиғи ёхуд бир новелла таҳлили

Яқинда детектив-саргузашт ва тарихий мавзуларга қизиқувчи адабимиз Неъмат Арслоннинг “Ботмоннинг қўшиғи” номли новелласини ўқиб колдим. Аслида бу фалсафий ва фантастик новеллада модернизм, романтизм ва реализм унсурлари бор. Айниқса, реалистик унсурда муаллиф автобиографияси билан боғлиқ тасвирлар, хусусан, асар персонажларининг аниқ прототиплари исмлари билан берилиши ва бадий маконнинг айнан кўрсатилиши ҳам бадий асар сюжети талқинидаги янгиликдир. Ёзувчи новеллани романтизмга хос – фалсафий ғояни, фикрлаши ва сўзлаши, маърифати ва маънавияти билан инсон барча жонли мавжудотларнинг гулгожи, азиз ва мукаррам зот деган ғояга эътироз билдирувчи антитеза баёни билан бошланади: “Эй, қанотсиз одамзот...” Ана шундай бошланарди Ботмоннинг қўшиғи. Қанчалар таассуф бор эди унинг сўзларида ва кўзларида.

Новелла сюжетини ва поэтикасини ташкил этувчи ровий-муаллиф ва ровий-асар қахрамони тилининг стилистикасига, фикрларнинг бир-бирига турлича улашишида кучли манتيкий боғланишлар борлигини кўраимиз. Юзаки қарашда бу фикрлар бир-бирига алоқасиздай кўринади. Лекин, асар қахрамони рухиятида кечаётгани учун улар мантиқан боғланиб кетган. Энди новелла сюжетини муаллиф эмас лирик қахрамон бошқаради. В. Г. Белинский проза – насрда ҳам чуқур, лиризм бўлиши ҳақида ёзган эди. Новеллада лирик қахрамон синчалақдан ҳам кичикроқ Ботмонқушнинг қўшиғи бошқалардан кўра унинг ожиз аҳволига алоқадор, деб ўйлаши табиийдир: “Ҳеч шубҳасиз, Афлотунни танимасди Ботмон, унинг бу мавзудаги трактатини ҳам ўқимаганди ва шу боис одамнинг оёғи азалдан (ўйлагандек ва кўриб турганидек) иккита эмас, балки тўртта бўлганини билмасди ва табиийки, менинг бошланам йўқлигидан ҳам хабарсиз эди бу қанотсиз жонивор. Модомики, шундай экан, ҳаётим давомида йигирма беш жойга кўчиб, бировларнинг уйда яшаганимни қаердан билсин?! Йигирма беш! Тасодифни қаранг! Майли, бу рақам нега мени бу қадар ғазаблантираётганини айтмай қўя қолай”.

Дамин ТЎРАЕВ – 1946 йилда тугилган. Қарши давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини тугатган. “Ҳаёт ва сюжет”, “Ўзбек адабиётида реализм масалалари”, “Бадий талқин йўлларида”, “Ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси”, “Давр ва ижод масъулияти”, “Рангин тасвирлар жилоси”, “Янги ўзбек адабиёти”, “Мумтоз ижод сабоқлари”, “Ҳаёт манзаралари” каби монография, рисола ва эсселар тўпламлари нашр этилган.

Бу фикрлар ва ҳолатлар бир-бирдан жуда узоқ. Мазкур жумлаларда тағ маънолар очилмай, сир тутилади. Новелла қахрамонининг йигирма беш жойга кўчиб яшаганига ким айбдор. Ахир, уни уйсиз деб бўлмайди. Қишлоқда уйи, онаси, иккита амакиси уни ҳурматлайдилар. Онаси уни уйлантиради. Шунга қарамай, бу йигит қишлоқдан кетган, шаҳардан иш излагандир? Ўқишга киролмаган, олий маълумоти йўқлиги сабабли, яхшироқ иш тополмай, уйсизлиги сабабли йигирма беш жойга кўчиб бировларникида яшагандир? Онасининг эса бунга рози бўлмаслиги тайин.

Қишлоқда яшаётганида йигит бўлғуси хотини Танзилани осмондан тушган фаришта деб тасаввур қилади. Кўп йиллардан сўнг уни топади. Онаси бу ўғлига Жухутон маҳалласидан қиз топади. Тахмин қиламизки, ўзбек маҳалласида қизларини камбағал йигитга беришни истамайдилар. Новеллада қизнинг жухутлиги ҳақида сўз йўқ. Фаридуддин Атторнинг “Шайх Санъон” асарида буюк авлиё, пири муршид христиан гўзалини севиб қолиб, унга чўчкабоқарлик қилгани тасвирланган. Аммо “Ботмоннинг қўшиғи” новелласида асар қахрамонини онаси Жухутон маҳалласига олиб бориб қизни кўрсатгани ва камтарона тўй қилиб уйлантиргани айтилади.

Ҳикоячи ракурсидан, ровий нигоҳи билан, уч-тўрт жумлада қизилган манзарада беш ўғил ўстириб, тарбиялаш (боқиш, кийинтириш, ўқитиш, хунар ўргатиш, уйлантириш...) азобларини тортган жафокаш она портрети Ғарб мусаввирлари – Рембрандт ёки Альбрехт Дюрер асарларидаги каби аниқ-равшан кўринади. Шарқ халқлари менталитетида қуёш ботатган вақтда, гира-шира ёруғ, хиралиқда тандир бошида (ёзувчи қоронғуда, остонада, дейди – Д.Т.) ўтиришни хосиятсиз дейилади, бирор фалокат келаётганидан дарак беради. Шу сабабли, оилада тўнғич (катта) ўғил бўлган асар қахрамони кўнглига кўрқув тушади: “Нохуш бир нарсани сезди юрагим ва сўрадим:

– Нимага бундай ўтирибсиз, она?!

– Ўзимни ўлдираман!.. – деган нидо келди қоронғи тандирхона оғзидан”.

Шундан сўнг бир неча жумлада онанинг руҳий ҳолати қизилади: “Кўрқинчли ва беҳад ғамли эди бу манзара. Узоқ йиллар давомида тутун пуркаган эди тандир деворлари эшиксиз эшик пешонасига”. Тандир қиздирилаётганида олов пуркалиб, “сочилиб” тургани сабабли тандирхона эшигининг ўрни бору, очилиб-ёпиладиган эшиги йўқ. Атокли назариётчи Михаил Бахтин айтганидек, ҳикоячи шу ерда, яъни новелла матнининг бир жойида хронотопни – вақт ва макон бирлиги кўрсатади: “Қуёш эса маҳзун лаҳзалар таъсирини янада кучайтирмоқчи ва бу билан муштипар аёлга кўмак бермоқчи бўлгандек, беомон ботиб борарди”. Бу ерда ёзувчи бир сўзга жуда кўп маънолар юклайди. “Беомон” сўзи фақат қуёшнинг ботиши, қоронғилик кучайишини ва онанинг оғир руҳий ҳолатини ҳам, қишлоқдаги бир камбағал оиланинг ночор аҳволидан ҳам дарак беради. Сизгир ва зийрак ўқувчи шу манзара ва ҳолатдан тасаввур қиладики, новелла қахрамони – камбағал, ақлли йигит укаларини уйлантиришга пул йиғиб, ўзи узоқ йиллар уйланмайди. Жафокаш она буни тушуниб, камбағаллигидан эзилади, шу сабабли ўлимга ҳам рози. Новелладаги тасвирдан яна шунга ҳам тасаввур қилиш мумкинки, қахрамоннинг укалари ўз оиласини зўрға тебратишиб, аканинг уйланиши ҳақида қайғурмайдилар. Мабодо қайғурсалар ҳам уларда имкон йўқ.

Ровий – ҳикоячи билдиришича, меҳрибон она катта ўғилга билдирмай, сўраб-суриштириб, бир оиланинг иккита чиройли қизи борлигини (юқорида айтилганидек, Жухутон, яъни яҳудийлар маҳалласидан) аниқлайди. Новелладаги тасвирда бу қизларнинг ота-онаси ақлли, эс-хушли, кўнгли тоза одамлар эканлиги сезилади.

Биз шундан биламизки, қизларнинг ота-онаси бўлғувчи куёвнинг бойлигига эмас, меҳнатсевар, вазмин, камтарин эканлигига қизиқадилар. Биз новелланинг шу жойида Афлотуннинг устози Сукрот ҳақидаги бир ҳикматни эслаймиз. Донишманд Сукротнинг қизига икки жойдан, бир бой, мулкдор йигитдан, бир камбағал йигитдан совчилар келибди. Дўстлари ундан бунинг сабабини сўраганларида Сукрот мен сўриштириб аниқладим. Бой оила фарзанди эркатой, дангаса, ўйин-кулгини севадиган экан. У бир неча йилда отасининг бойлигини совуриб, камбағал бўлиб қолади. Камбағал оиладаги йигит меҳнатсевар, ҳунарманд экан. Яқин йилларда у бойиб кетади, дебди.

Неъмат Арслоннинг “Ботмоннинг кўшиғи” новелласида Жухутон маҳалласидаги кизнинг ота-онаси бўлғувси куёвни кўришга келадилар. Ўша вақтда йигит оғилхона деворларини суваш учун кетмон билан лой қориётган эди. Қизнинг ота-онаси буни кўради. Улар қизига кўрсатиш учун йигитнинг расмини сўрайдилар. Шу ерда ёзувчи яна бир деталь-тафсилотга эътиборимизни қаратади. Йигит бўлғувси келинга кўрсатиш учун чиройлироқ тушган расмини танламай, дуч келган расмини беради: “Қора кўйлак кийиб ўйчан киёфада тушган суврат кўлимга илинди. Бепарвогина қарадим суратга: ариқча бўйида қўлларим билан тиззамни кучганча ўтирибман. Ён томондан олинган суратда бўрним бироз узунроқ кўринади. Сочим қалин ва мумдай коп-қора. Меҳмонларнинг аёли суратга узоқроқ тикилиб қолди”. Мана шу сўнги жумлада чуқур маънолар бор. Отага нисбатан она қизининг тақдири ҳақида кўпроқ ўйлайди.

Новеллада яна бир тафсилот – романтизмга хос сирли, ҳазин матнда енгил кулги – беғубор юмор ҳам бор: онаси ўғлини бўлғувси келинни кўрсатишга олиб боради. “Биз учрашган уйда чоғроқкина дастурхон безаб қўйилганди”. Бу тасвирда чалалик бор. “Чоғроқ” дастурхонда нималар борлиги айтилмаган. Лекин, қизлар муфассал тасвирланади: “Иккита қиз биз ўтирган хонага кириб, чиқиб дастурхон тузашмоқда. Бирининг сочи семиз одамнинг болдиридай йўғон, битта қилиб ўриб орқасига ташлаб қўйилган... У пайтда қизлар сочларини йиғиштириб, майда ўриб, саранжон-саришта қилиб юришарди. Шўхроқ қизлар европалик дугоналарига таклидан, “Я у мами дурочка” яъни “Мен онамнинг тентакчаси”, деган соч турмаги қилишарди... Назардан қочирмадим ҳар иккала мезбон қизни ҳам”. Онаси эса шу қизлардан қайси бири келин бўлишини ишора қилади.

Новеллада тасвирланган давр ва маконда ҳаёт қийин кечмоқда эди. Ровий, ҳикоячи, асар қаҳрамони тўй ҳақида ҳеч нарса демайди. Тўй жуда оддий ўтгандир? Ҳозиргидай куёв ва келин тараф ўртасида кўп олди-берди бўлмагандир? Муҳташам ресторанларда базмлар бўлмай, тўп-тўп машиналар гулдиратиб, шаҳарни айланмагандир? Лекин маънос, ҳазин оҳангидаги бу ҳикоя-новеллада (аслида бу қиссага муносиб мавзу – Д.Т.) камбағал оила йигити ҳам ҳаётда ўзи орзу қилган қизга ўйланиб, меҳр-оқибатли бўлиб, бахтли ҳаёт кечириши мумкинлиги ҳақида гуманистик ғоя билан асар бошланишида айtilган қишлоқдан шаҳарга (иш излаб) келган оиланинг уйсиз, йигирма беш жойга кўчиб яшаши, бу рақамни эсласа, ғазабланиши каби, чанг-тўзонли йўлда, жазирама иссиқда пашшаларга таланиши одамзотга нисбатан пашшалар бахтлироқ яшаётгани ҳақида пессимистик ғоя бири-бири билан тўқнашади. Асар қаҳрамони шу сабабли йигирма беш рақамини эсласа ғазабланади. У кимдан ғазабланади? Севимли хотинига инсонга хос ҳаёт шароитини яратиб бермаганиданми? Шундай чорасиз, камбағал ҳаётда (бировларникида – ижарада йигирма беш жойда яшаш) хотини норози бўлмагани романтизм руҳидан далолат. Реал ҳаётда эса анча-мунча бошқачароқ бўлади...

Новелла сюжетида ҳикоячининг аммаси ва иккита амакиси борлиги асосий воқеадан, асосий ғоядан ташқарига чикиб қолгандай. Ҳикоячи – қахрамон (адиб унга исм ҳам бермаган – Д.Т.) қахрамон бир амакиси скрипкачи эканлигини айтади. У жиянига тўйида скрипкасида куй чалиб беришини айтади. Лекин, новеллада асар қахрамони уйлангани ҳақида хабар бору, тўй ва скрипка, амакилар ҳақида сўз йўқ. Фақат умумий хулоса бор: “... Кўп сувлар оқиб ўтди ўшандан бўён, гоҳ лойқаланди, гоҳида тиник тортди мен айтган сувлар. Мана энди ёшим бир жойга бориб қолган, ўзим ҳам тиник тортганман (яъни, руҳида ҳаёт ташвишларидан куйиниш йўқ – Д.Т.), сочларига оқ оралаган кампирча ўтирибди ёнимда. Ундан ярим ҳазил овозда сўрайман:

– Сен Ботмон деган қушни биласанми?

– Биламан. Боши ва томоғининг таги қора рангда, худди қора рангда...”

Ҳикоячи “Йўқ, у бошқа”, деб хотини айтган қушни таърифлайди.

Асар сюжети узук ёки билакузук каби, асар бошидаги масалага қайтади – энди қахрамон яна Ботмон қуш ва унинг қўшиғи. Яна романтизм усулига хос рамзийлик, фантазия, фалсафийлик асосий ўринга чиқади. Эркак ва аёл Ботмонни кўриш учун Такия номли олис қишлоққа йўл оладилар: “Жуда кўп қишлоқларнинг қиёфаси ўзгарди замоннинг зайли билан, аммо Такия бундан юз йил аввал қандай бўлса, шундайлигича қолган. Демакки, биз излаган қушчанинг ини бузилмаган... Азалдан таниш эди менга Ботмоннинг қўшиғи. Қарда эшитганман, қайси китобдан ўқиганман эслолмайман...”

Зукко ўқувчи тушунадикки, қишлоқнинг Такия деб аталиши тасодифий эмас. Бу исм тасаввуф фалсафасига хос, мангу ҳаёт сирларини ўрганувчи, гоҳ маломатийлар, гоҳ ҳароботийлар пирдан сабоқ олувчи жойнинг рамзидир. Мангу ҳаёт сирларини ўрганувчи-йўлчиларни жажжи қуш ҳақиқатга бошлайди. Асар қахрамони тасавурида Ботмон қуш бундай сайрайди.

*Эй, қанотсиз одамзот,
Сенда икки оёқ бор.
Қанча катта бўлсанг-да,
Пашша-чивинга емсан.
Мен-чи, кичик бўлсам-да,
Пашша-чивин менга ем...*

Булар оддий, зохирий, юзаки маънодаги сўзлар эмас, ботиний, таг маъноли сўзлардир. Рамзий маънода – халқнинг нонини туя қилувчи, яъни бутун нонини ярим қилиб берувчи, бева-бечораларнинг ҳақини егувчи баъзи мансабдорлар – пашша ва чивиндилар... Эҳтимол, Ботмон қўшиғининг бошқа маънолари ҳам бордир. Соф виждон, иймон, инсоф инсонларнинг икки қанотидир. Иймонсиз ва инсофсиз одамлар қанотсиз инсонлардир.



Равшан НИЯЗОВ

АНЪАНАВИЙ ШАКЛДА ЯНГИ УСЛУБ

Детектив асарнинг моҳияти унинг асосий мавзуси бўлмиш жиноят ва унинг фош бўлишига қаратилади. Детектив ёзувчи ва танкидчилар кўшимча мураккаб сюжет тафсилотлари, ишқий муносабатлар ва ўта ёрқин характерларнинг қўшилишига қарши бўлишган. Детектив тарихи чуқур ва ҳар томонлама воқеяликни, ўта ҳиссий муаммоларини ифодаламаслиги керак, айнан шу нарсалар сюжет мувозанатини ва бетакрорликни яъни интеллектуал ўйин нормаларини бузиши мумкин¹. Масалан, Стивен Ван Дайн детектив асар яратиш жараёнида “жиноятни фош қилиш” деб аталмиш интеллектуал ўйинга китобхонни жалб қилиш учун турли қоидаларни ишлаб чиқади ва умумлаштиради.

Детектив жанр оммабоплигининг тобора ошиб бориши ҳамда китобхонни ушбу жанрга қайта ва қайта мурожаат қилишининг сабаблари кўп: инсондаги ноиложлик ҳиссининг ўрнини тўлдириб боришга интилиш, ўзидаги қўрқув ҳиссини енгиш, айбдорлик ҳиссини юмшатиш, ўз гуноҳидан тозаланиш ҳисси билан ёниш, инсондаги ақлий салоҳият қақирғига жавобан қурашувчанлик ҳиссини уйғотиш, синчков характерли инсонларни кузатишга ва мутолаага бўлган хоҳиш; кундалик шаҳар ҳаётида инсонни улуғловчи олий ҳис-туйғуларга диққат билан разм солишга интилиш, ақлий беллашувда иштирок этиш, воқеалар ривожини аниқлаш, инсоннинг кенг фикр юритиш борасида ўз имкониятларидан фойдаланиш ҳамда жумбоқларни топишга интилишидир. Жон Кавелти бутун дунё китобхонлари орасида детективнинг оммавийлиги сабабларига мурожаат қилар экан унинг қуйидаги хусусиятларини айтиб ўтади: детектив ғоявий тўсиқларни ифодалашдаги мослашувчанлиги (эгилювчанлиги), буржуа демократиясининг индивидуаллашган ғоялари ва кадриятлари, яъни ҳар бир инсоннинг адолатга бўлган ҳуқуқини глобализация шароитида тарқатишда ифодалаш имкониятини беради².

Кўпгина қадимий афсона қаҳрамонлари хусусиятлари замонавий детектив персонажлариникига мос тушади – жасорат, содиқлик, ёвузликни жазолашга

¹ Sayers D. L. The Omnibus of Crime //The Art of Mystery Story: a Collection of Critical Essays. N. Y., 1992. P. 81.

² Haycraft H. Murder for Pleasure //The Art of Mystery Story: a Collection of Critical Essays / ed. by H. Haycraft. New York: Carroll and Graf Publ., 1992. P. 158–177.

Равшан НИЯЗОВ – 1981 йилда туғилган. Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетини тамомлаган. Ўндан ортиқ илмий мақолалари маҳаллий ва хориж матбуотида эълон қилинган.

интилиш, мақсадга эришиш йўлида қурбонликка тайёр бўлиш – детективни “қахрамон персонажнинг энг сўнги мадад нуқтаси”³ сифатида таърифлаш имкониятини беради. Ёвузлик табиати сюжетдан-сюжетга ўзгариб туради, лекин барча детектив асарлар замирида ётадиган ғоя ўзгармайди, ўзгармас томони изкувар – қахрамон жиноятчини қонун олдида жавоб беришига мажбурлайди. Чунки Баҳодир Холиқов тўғри таъкидлаганидек, “Детектив инсон сифатида интеллектуал салоҳияти баланд, билимли, малакали, ўз ҳаётини принципларига содиқ шахс; жиноятни қош этишида ўз услубини ярата оладиган изкувар; ўзигагина хос сифат ва характерга эга инсондир”⁴.

Детектив асар ҳикоя қилиниши ўзининг белгиланган қодалари асосига бўйсуниб давом этади ва ўзининг аниқ тузилишини ифодалайди. Умберто Эко таъкидлаганидек, детектив тузилиши ва шакли ҳар хил турдаги иккиламчи маълумотлар билан бойиб бориши мумкин, асосий мавзусидан чекиниши мумкин, лекин аниқ белгиланган сюжет тузилиши шаклида албатта – қахрамоннинг ёвузлик устидан ғалаба қозониши шарт⁵. Классик детектив ҳикоячилигининг адабий формулалари орасидан биз изкуварни гавдалантириш, тергов қилиш услублари ва фаолият олиб бориш ҳудудига алоҳида эътибор қаратамиз. Айнан шу учала усул XX аср ёзувчилари (Дэрил Хэммет, Рэймонд Чандлер, Эд Макбейн, Жон Гришем) томонидан қайта талкин қилинган, айнан шу қайта талкин қилиш АҚШ детектив адабиёти ривожига улкан ҳисса қўшди.

Детектив жанр оммалашишининг сабаблари ҳамда хусусиятларини тадқиқ қила туриб, Наталия Ильина “детектив жанр ёки асар бу ҳам адабий асар, ҳам “ўйин”га ўхшайди, деган хулосага келади. “Ўйин” деганда китобхоннинг кузатувчанлик имкониятини оширувчи ҳамда ушбу “ўйин”да иштирак этувчиларнинг фикрлаш доирасини кенгайтира оладиган фойдали ўйин деб қараш лозим”⁶. Унинг фикрича “детектив жанри санъати бу “қундалик ҳаётимизда содир бўладиган ҳодисалар, муайян инсонларнинг феъл-атворларини ишонарли тарзда очиб бериш имконини берувчиқобилиятдир”⁷ Жулиан Симонс ҳам китобхонларни айнан детектив асарларни севиб мутолаа қилишларига сабабчи бўладиган бир неча омилларни санаб ўтади. Инсондаги психоаналитик алоқаларни тадқиқ этар экан, муаллиф 1957 йилда Чарльз Райкрофтнинг “Psychology Quarterly” журналида берилган мақоласини келтириб, Педерсен-Крогтнинг фикрича ёзувчидаги детектив асарларнинг яратилиши унда болаликдаги кўркич ва илк таассуротларининг тахлилидан бошланишини айтиб ўтади. Детектив асар мутолаачиси болалик чоғларида уни қийнаган кўркич ва кизиқишларини “терговчи” сифатида қондира бошлайди ва шу тарзда “у болалик чоғларида онгига ўрнашиб олган кўркич, айбдорлик ҳамда ночорлик ҳисларини тўлдиришга ҳаракат қилади”⁸. Жулиан Симонс Уистен Хью Оден томонидан илгари сурилган яна бир диний мазмундаги мисолни келтира туриб, шундай дейди:

³ Фрэй Д. Н. Как написать гениальный детектив : пер. с англ. СПб.: Амфора, 2005. С. 8.

⁴ Холиков Б. Детектив романларда воқеликнинг бадий талқинини тизимли моделлаштириш (Марио Пьюзонинг “Чўқинтирган ота” (“The Godfather”) ва Тохир Маликнинг “Шайтанат” асарлари мисолида) филология фан. фалсафа доктори дис. Б. 161

⁵ Eco U. Narrative Structures in Fleming // The Poetics of Murder: Detective Fiction and Literary Theory. San Diego, N. Y., London: Harcourt Brace Jovanich, 1983. P. 97.

⁶ Ильина Н. Что такое детектив? // Н. Ильина // Белогорская крепость : сатирическая проза : 1955–1985 // Н. Ильина. – Москва : Советский писатель, 1989. – С. 320–330., с. 320.

⁷ Ильина Н. Что такое детектив? // Н. Ильина // Белогорская крепость : сатирическая проза : 1955–1985 // Н. Ильина. – Москва : Советский писатель, 1989. – С. 320–330., с. 328.

⁸ Симонс Дж. Из книги “Кровавое убийство” // Как сделать детектив / пер. с англ., франц., нем., исп.; сост. А. Стрөөв ; ред. Н. Португимова – Москва : Радуга, 1990. – С. 225–246., с. 230.

“Детектив асарларда инсондаги айбдорлик ҳиссини энгиллаштирадиган қандайдир сеҳрли куч бор. Сабаби биз ҳар қадамда қонун ўз ҳукмини ўтказадиган жамиятда яшаймиз. Нима сабабдан биз детектив жанрга мурожаат қиламиз, чунки унда айбсиз экани муқаррар бўлган инсон айбдорга айланиб, аксинча, асл жиноятчи ҳеч қандай гумонлардан ҳоли яшайверадиган ва биз севгини қораловчи қонун сифатида эмас, балки ҳақиқий севги сифатида англашиладиган тасаввурий гуноҳлардан ҳоли бўлган дунёда бир муддат яшаб, қундалик ҳаёт ташвишларидан чекинамиз”⁹. Бундан ташқари, Оден ва Фуллерлар томонидан илгари сурилган фикрларни давом эттириб, шундай дейди: “Детектив асарни ўқишдан олинадиган завқни авваллари ибтидоий жамиятларда инсонлар ўз гуноҳлари ва бошига тушган балолардан қутулиш учун амалга оширадиган анъаналар билан тенглаштириш мумкин. Шунингдек, детектив жанрининг таназули сабабларини эса “айбдорлик ҳиссини сугайиши” билан таққослайди”: “Дин нуқтан назаридан инсон ўз гуноҳқорлигини англаган жойда иблисни қувиб соладиган изқуварга ҳеч қандай иш қолмайди”¹⁰.

Инсондаги детектив асарни ўқишга бўлган майл унинг “қоронғуликдан ёруғликка” интилишдаги имкониятига боғлиқ. Бундан мақсад, авваламбор, жиноятни фош этиш ҳамда махфий жумбоқни ечишдир. Машҳур ёзувчи Эдгар Понинг ўйлашича, детектив асарнинг бадий завқи ва фойдаси инсонни зулматдан ёруғликка ва ноаниқликдан аниқлик сари доимий равишда ҳаракатланишидир. Сергей Михайлович Эйзенштейн бу ҳолатни “Яратганининг марҳамати” эришиш билан тенглаштиради. Бунда, юқорида келтирилган ҳолатни ёвуз кимсани имкони йўқ бўлган вазиятлардан қутулиб чиқиб кетишига ундаш сифатида қўриш мумкин. Изқувар асл ҳақиқатни рўёбга чиқаради, “ёки бутун бир детектив асар шунга ишора қиладики, инсонни гумроҳлик “жаридан”, ёлғон ва чалғитувчи кўчалардан қутқаради, ва ниҳоят “Худонинг марҳамати” билан жиноятнинг асл манзарасини намоён қилади”¹¹. Бу ҳолатда, муаллифнинг фикрича детектив асар Минтавр ҳақиқати афсонага ўхшаб, унинг бирламчи вазифаси билан боғланиб қолади. Шу тарзда, детектив асарлар адабиёт майдонида ўзларининг мустахкам ўринларига эга.

Детективни кенг омма томонидан ўқиладиган ягона адабиёт сифатида қўриб чиқилганда, у яхшилик ва ёмонлик ўртасидаги аниқ чегарани белгилаб беради, яъни, Жойс Портер таъкидлаганидек, “фақатгина детективга ҳақиқат, адолат ва адолатсизлик категориялари ҳақидаги муаммолар масаласини кўтариш хос, лекин бошқа жанрларда бундай хусусият кузатилмайди”¹². Детективнинг умумлашган формуласи ҳақида Уистен Хью Оден шундай ёзади: “Қотиллик содир бўлади, кўпчилик гумон қилинади, ҳамма гумонланувчилар, бир кишидан, қотилликни содир этгандан ташқари, ҳисобдан чиқарилади, қотил ҳалок бўлади ёки қўлга олинади”¹³. Лекин бу қисқа таъриф старлича мукамал эмас, у бошқача нуқтан назарни тахмин қилади, буни барча танқидчилар қўллаб-қувватлашади; унда аниқ

⁹ Симонс Дж. Из книги “Кровавое убийство” / Дж. Симонс // Как сделать детектив / пер. с англ., франц., нем., исп.; сост. А. Строев; ред. Н. Португимова – Москва : Радуга, 1990. – С. 225–246., с. 231–232.

¹⁰ Симонс Дж. Из книги “Кровавое убийство” // Как сделать детектив / пер. с англ., франц., нем., исп.; сост. А. Строев; ред. Н. Португимова – Москва : Радуга, 1990. – С. 225–246., с. 233.

¹¹ Эйзенштейн С. Трагическое и комическое, их воплощение в сюжете // Вопросы литературы. 1968. № 1. С. 107. с. 100

¹² Porter D. The Pursuit of Crime: Art and Ideology in Detective Fiction. New Haven; London : Yale Univ. Press, 1981. P. 12.

¹³ Auden W.H. The Guilty Vicarage //Detective Fiction: a Collection of Critical Essays. Vermont, 1988. P. 15.

бир тартибни, аниқ белгиланган ва барча сюжет тузулишининг элементлар кетма-кетлиги талаб қилинади ва бу нарса детектив ҳикояшунослигининг ўзгача, бошқа адабий шакллардан фарқланишини кўрсатади.

Жаҳон адабиётшунослигида инглиз, француз, итальян детективчилиги оммабоп ҳисобланади ва китобхонлар орасида жуда машҳур. Биргина детектив жанрнинг ўзи шундай йўналишларга бўлинар экан, ҳар бир йўналишдаги детектив жанрни ўрганиш, уни таҳлил қилиш ва шу йўналишларда илмий изланишлар олиб боришга барча адабиётшуносларни ҳамда тадқиқотчиларни ундайди. Жамиятнинг зиёли қатлами вакилларининг бундай асарларни мутолаа қилишга бўлган қизиқишларини детектив асар ҳамда фанда қабул қилинган бир неча услубларнинг бир-бирига чамбарчас боғлиқлигида кўриш мумкин. Бошқача қилиб айтганда, детектив жанри жаҳон адабиётининг ривожланиб бораётган жараёнида тенг ҳуқуқли ва залворли жанр ҳисобланади.

Айни шу маънода бир қатор детектив асарларнинг муаллифи англиялик мутаффақир ва ёзувчи Гилберт Кит Честертон ўзининг “Детектив жанрини ҳимоя қилиб” номли эссесида: “Детектив роман ёки ҳикоя мулақ асосли адабий жанр ҳисобланиб қолмасдан, у халқнинг умумий манфаатларини тўлақонли ифода қила оладиган аниқ афзалликларга эга”¹⁴ деб таъкидлайди. Бундан ташқари, муаллиф детектив жанрининг пайдо бўлиши инсонларнинг ижтимоий ҳамда маданий эҳтиёжларини қондира оладиган қонуний ҳамда тарихий тараққиёт жараёни эканлигини тушунтиради. Бунга қўшимча қилиб у шундай ёзади: “Замонавий шахарнинг имкониятларини ошириб берувчи бироз дағал, аммо оммабоп адабиёт эртами кечми вужудга келиши керак эди. Айнан шу ҳодиса Робин Гуд ҳақидаги балладалар, одамларни жунбушга соладиган, уларни қонини кўпиртирадиган оммабоп детектив асарлар шаклида намоён бўлди”¹⁵.

Аргентиналик насрий асарлар устаси, адиб ва шоир Хорхе Луи Борхес ҳам детектив жанрини алоҳида жанр сифатида таъкидлаб, шундай ёзади: “Детектив жанрини ёқлаб, бу жанр ҳеч қандай ҳимояга муҳтож эмас деган бўлардим: кўп сонли китобхонлар томонидан севиб ўқиладиган мазкур жанр жамиятда турли хил тартибсизликлар кечаётган бир даврда ўз қонуниятларини сақлаб қола олади. Ундаги бундай қатъийлик намунаси мақташга лойиқдир”¹⁶. Ўз навбатида Раймонд Чандлер ҳам айни шу маънода: “Детектив жанри санъатнинг энг муҳим ва ривожланиб бораётган шакли эканини исботлаш шартмикин!”¹⁷ деб ёзади. Детектив мавзу бу сир, жумбоқ ва бошқотирма мотивлари билан алоҳида ажралиб туради.

Детектив адабиётда заковатли бош қахрамон яқка ўзи жиноятни тергов қилади ва жумбоқни ечади, Жон Палмер таъбирича, бу нарса капиталистик жамиятда шахснинг мақоми ва ролини тушунишга хизмат қилади, детектив асар эса тўлиқлигича мустақиллик, озодлик, автономлик ва ўзининг кучига ишониш принципларини қўллаб қуватлайди, айнан шу хусусиятлар ривожланган капитализм даврига тўғри

¹⁴ Кашкин И. Г. К. Честертон – Режим доступа: <http://littera.websib.ru/volsky/text>. Htm. 449. – 13.07.2009.

¹⁵ Sayers D. L. Omnibus of Crime //The Art of Mystery Story. A Collection of Critical Essays. Carroll and Graf Publishers, 1974. P. 75

¹⁶ Киреева Н. В. Трансформация жанровых конвенций автобиографии и детектива в прозе американского постмодернизма. Автореф. дис. ...д-ра филол. наук. Москва, 2011; Лаврентьев А. И. “Черный юмор” в американском романе 1950-х – 1970-х гг. Дисс. канд. филол. н. Ижевск, 2004.

¹⁷ Чандлер Р. Просто искусство убивать //Чандлер Р. Сборник романов. – М.: РИПОЛ КЛАССИК, 1999. 800 с.

келади айнан шу даврда детектив адабиётнинг ривожига ҳам мос келади¹⁸.

XX аср ўрталарида АҚШ детектив адабиётида пайдо бўла бошлаган янги йўналиш тарафдорлари асосий эътиборни расмий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятига қаратадилар. Хорижий танкидчилар бу турдаги асарларни полиция романлари (police novel), ёки одатда “Полиция иш жараёнлари” детективи (police procedural), – деб аташди роман “V as in Victim”¹⁹ номли асар америка ёзувчиси Ловренса Трит (1903–1998) томонидан 1945 йили chop этилган. Шунингдек, “полиция иш жараёнлари” детективи йўналиши бўйича биринчи иктибослар 1956 йил америкалик ёзувчи ва танкидчи Энтони Бучер томонидан Эд Макбейннинг “Полициячиларни ёмон кўрувчи” (Cop Hater) романи асосида келтириб ўтилган. Энтони Макбейн асарларининг моҳиятан тан олинishi ва шу йўналишнинг ривожига тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, бу турдаги детективда полиция фаолияти тасвири биринчи ўринга қуйилади, полиция детективида жиноятни фош этиш сирини – бу полициячининг моҳирона ишлаш услуби натижасидир²⁰.

Юридик детектив асарнинг ўзига хослиги шундаки, унда адолатнинг тантана қилиши ёки қарор топишида юридик детектив профессионал юрист образига гавдалантирилади – у жиноятнинг тергов ва тафтиш жараёнида нафақат ўзининг аналитик қобилиятлари таянади балки касбий фаолиятни тартибга солувчи турлитуман қонун ва қонун ости ҳужжатларига ва юридик касб этикаси метёрларига суянади. Шунингдек, юридик детектив асарнинг пайдо бўлиши ва унинг бош қаҳрамони сифатида айнан юрист образига гавдалантирилиши америка детектив адабиёти орқали давлатнинг ҳуқуқий тизимини баҳолаш, ижтимоий-тарихий сабабларнинг кучини аниқлашга, фуқароларнинг ҳуқуқий онгининг даражасини янада юксалтиришга бўлган эҳтиёж туфайли амалга ошганлигини ҳам кузатишимиз мумкин.

Триллер жанр қайси жанрга таълуқли бўлишидан қатъи назар, шунга эътибор қаратиш лозимки, бундай детектив асарлар “доим жинорий иш билан боғлиқ тафсилот ва хатти-ҳаракатлар (сюжетлар) билан бой бўлиб, бу ҳолатлар асосан асардаги биргина қаҳрамонга йўналтирилган бўлади”²¹. Жиноятга йўрилган сюжетларни ёритиш қонунга хилоф эмас. Асардаги жиноят ўзининг нафақат чиркинлиги, балки мутлақо ғайриоддийлиги билан ҳамда инсонларга етказадиган хавфи билан ажралиб туради.

Палмернинг фикрича, одатда, салбий ҳамда ижобий триллер асарлар бўлади. Уларнинг ҳар иккаласида ҳам, профессионаллик асар қаҳрамонини ёлғизлик домига гирифтор қилади. Ижобий триллер асарларда бундай ёлғизлик ўта мафтункор қилиб тасвирланади. Салбий триллер асарларда эса, ёлғизлик маънос ва ғамгиндир. Ҳар иккала турдаги триллерларда ҳам, асарнинг асосий қаҳрамони “Чиркин инсонларнинг ғаламисона тажовузкорлигига” қарши курашади ва дунёга хавф солаётган катта муаммони муваффақият билан ҳал этади. Гарчи асар қаҳрамонининг муаммони ечишга бўлган уринишлари ва хатти-ҳаракатлари қандайдир тартибсизлик келтириб чиқарсада, бу ижобий триллер асарларида кўп учрайди. “Салбий сюжетли триллер асарларда эса қаҳрамон шундай ҳолатда қолади-ки, гўё ўзи яратган қийинчилик

¹⁸ Palmer J. Thrillers: Genesis and Structure of a Popular Genre. New York : St. Martin's Press, 1979. P. 152–201.

¹⁹ https://en.wikipedia.org/wiki/V_as_in_Victim

²⁰ Макбейн Э. Убийство в винном магазине //Макбейн Э. Сборник романов. М.: РИПОЛ КЛАССИК, 1999. С. 42.

²¹ Palmer “The Triller”: Genesis and Structure of a Popular Genre. – New York: St. Martin's Press, 1979. – 220 p.

ёки муаммо яна бошқа салбий ҳолатларнинг туғилишига олиб келади. Шу билан биргаликда, ижобий ўткир сюжетли асар охирида асар қаҳрамони қайсидир маънода бахтга эришади ёки муаммони ижобий ҳал этади, ваҳоланки, салбий сюжетли асарда эса бунинг аксини кузатиш мумкин, яъни асарнинг охирида қаҳрамон бахтли бўладими, йўқми бу номаълумлигича қолаверади²².

Ҳар икки салбий ва ижобий ўткир сюжетли асарларда илгари сурилган асосий ғоя улардан олинадиган ҳақиқий завқдир. Биз триллер асарларнинг якуни қандай бўлишини аввалдан билмаганимиз учун эмас, балки асарнинг асосий қаҳрамони ўз рақибини ғайриоддий тарзда мағлуб этишидан завқ оламиз. Китобдан олинадиган завқ қаҳрамоннинг кўзларида акс этадиган ёрқин зиддиятлар билан кечадиган кечинмалардир, унинг истиқболдаги хатти-ҳаракатлари китобхон шуурини қамраб олади, бу ҳам маънавий ҳам жисмоний жиҳатдан тўғри. Унинг маънавий жиҳати шундаки, ўқувчи асар қаҳрамонини топиб олса, гўёки дунёдаги эзгулик манбаини топгандек қувонади. Жисмоний жиҳати эса шундаки, ҳатто асар сюжетига манфур қаҳрамон томонидан қаралганда ҳам, асардаги ёрқин ҳамда муҳим ҳодисалар доим қаҳрамон томонидан намоиш этилади²³. Шунинг учун китобхон асарни қайта-қайта ўқиётганида ҳам яна қайта завқ олаверади, чунки асар ўз муҳлисига қайта ҳаяжон бахш этади. Салбий қаҳрамоннинг ким эканини билиш аҳамиятга эга эмас. Китобхон асар қаҳрамонини салбий персонаж билан қандай қилиб ҳисоб-китоб қилиб олишини унута олмайди. Китобхон асардаги ҳодисаларни қаҳрамон томонида туриб қайта-қайта ҳаёлидан ўтказаверади.

1880 йиллардан бошлаб триллер атамаси адабий асарларга нисбатан қўлланилишни бошлаган. Жанр номи инглиз тилидаги “thrill” сўздан келиб чиққан²⁴.

Инглиз тилидагилар нуқтаи назарига кўра триллернинг мақсади китобхонда кўрқув, ваҳима, кучли ҳаяжонланиш, кўрқув остида саросимага тушиш ҳиссиётларини асар сюжетининг бошидаёқ қамраб олишидан иборат. Жеймс Паттерсон ўзининг “Триллер” асарида бу ҳақида шундай ёзади: “Агар триллер асабларимизни жумбушга келтира олмаса, ваҳима ёки кўрқувга, кучли ҳаяжонлашишга қодир бўлмаса – демак у ўз вазифасини удалай олмайди”²⁵. Триллернинг асосий мақсади асабни қитқловчи ҳолатларни яратиш ва “Эмоционал безовталиқ ҳолатини устунлик қилдириш ва кутиш ҳаяжонини”²⁶ ҳосил қилишдир. Айнан шу ҳолат детектив асарнинг исталган турига мос тушади.

Росса Мак детектив ва триллернинг фарқини қуйидагича тушунтиради: “Детективда жиноят қайд этилган вақтдан то содир этилган вақтга қадар воқеа ривожини орқага ҳаракатланади, яъни ечимга қараб боради. Триллер эса келажакка йўналтирилган, яъни фалокат томон, воқеалар ривожини ва унинг хотимасини ўқиш жараёнидагина аниқ бўлади. Шу мураккаб (интрига) сюжет чизиги асар

²² Palmer J “The Triller”: Genesis and Structure of a Popular Genre. – New York : St. Martin’s Press, 1979. – 220p p.52.

²³ Palmer J “The Triller”: Genesis and Structure of a Popular Genre. – New York : St. Martin’s Press, 1979. – 220 p.p 59.

²⁴ Palmer J “The Thriller”: Genesis and Structure of a Popular Genre. – New York : St. Martin’s Press, 1979. – 220 p.

²⁵ Чуковский К. И. Паттерсон и современная литература //Чуковский К. И. Собр. соч.: в 6 т. – М., 1969. – Т. 6. – С. 117–150.

²⁶ Palmer J. Thrillers: Genesis and Structure of a Popular Genre. New York: St. Martin’s Press, 1979. P. 61-63.

сўнгигача сақланиб қолади. Триллер жанрдаги асарлар учун аниқ бир чегара йўқ, тасвирланадиган ҳодисанинг жойи ва вақти бўйича классификацияланмайди. Триллер унсурлари турли хил жанрларда учрайди (мавжуд бўлади)²⁷.

“Триллер” – бу умуллаштирувчи, “соябонли” термин (*umbrella term*), кўпгина асарлар турига ҳам тегишли бўлиши мумкин. Жумбоқни ўз ичига олувчи, шиддатли жисмоний хатти-ҳаракатларнинг мавжудлиги энг асосийси эса китобхонни ҳаяжонга солиб ўзига мафтун қилиши керак. Детектив ва триллер ўртасидаги фарқ Рэймонд Чандлер ва Дэшил Хэмметнинг асарларида ёрқин намоён бўлади²⁸. “Hard boiled” “Шиддатли” деб аталмиш уларнинг асарларида жинойт жумбоғи мавжуд эди, айнан шу жумбоқ ошқор қилиниши керак, жинойтчи аниқланиши керак, бундан ташқари шундай сахналар борки, унда бош қаҳрамон ўзининг рақиби билан жангга киришади ва айнан шу ҳолат китобхонни ҳаяжондан жумбушга олиб келади²⁹.

Хулоса қилиб айтганда, детектив жанрнинг аҳамияти ва ролини англаб етиш унинг кенг танилишига сабаб бўлиб хизмат қилди. Мазкур жанрнинг оммабоплигини тобора ошиб боришини ҳамда китобхонни ушбу жанрга қайта ва қайта мурожаат қилишини сабаблари кўп: инсондаги ноиложлик ҳиссини ўрнини тўлдириб боришга интилиш, ўзидаги кўркув ҳиссини енгиш, айбдорлик ҳиссини юмшатиш, ўз гуноҳкорлигидан тозаланиш ҳисси билан ёниш; инсондаги ақлий салоҳияти қакириғига жавобан кўрашувчанлик ва беллашувчанлик ҳиссини уйғотиш; синчков характерли инсонларни кузатишга ва мутолаага бўлган хоҳиш; кундалик шаҳар ҳаётида инсонни улуғловчи оилавий ҳис-туйғуларга диққат билан разм солишга интилиш; ақлий беллашувда иштирок этиш, воқеалар ривожини аниқлаш, инсонни кенг фикр юритиш борасида ўз имкониятларидан фойдаланиш ҳамда жумбоқларни топиш шулар жумласидандир.

Аннотация

Мазкур мақолада америка детективи ривожини замирида, бир томондан эскириб қолган детектив шакли принципларига риоя қилиш устуворлиги, бошқа томондан эса мавжуд бўлган ананавий шаклга янги, ўз услубини кўшиш устувор аҳамият касб этиши атрофлича таҳлил қилинган.

Аннотация

В данной статье подробно проанализированы приоритеты соблюдения принципов устаревшей формы детектива в ходе его развития с одной стороны, а с другой - важное значение добавления нового, своего стиля к существующей традиционной форме американского детектива.

Resume

On the one hand, this article analyzes the priorities of observing the principles of an outdated detective form during its development in detail, and on the other, the importance of adding a new, own style to the existing traditional form of an American detective.

²⁷ Брехт Б. Заметки о литературе и искусстве // Иностранная литература, 1972, №5. – С. 305.

²⁸ Pringle M. B. John Grisham: a Critical Companion. Westport, CT; London: Greenwood Press, 1997. P. 9.

²⁹ Beckman E. M. Raymond Chandler & an American Genre // The Massachusetts Review. 1973. Vol. XIV, № 1. P. 149. 14; Durham Ph. The Tale-Teller // Down These Mean Streets a Man Must Go : Raymond Chandler's Knight. University of North Carolina Press, 1963. – P. 22-30; Priestley J. B. Close-up of Chandler // New Statesman. 1962. Vol. LXIII, № 1618. P. 379-380.

Бир кулиб, ўн ўйлатиб кетмоқ учун келдингми, ёр?



Ориф ҲОЖИ

Шаҳрисабз

Шаҳрисабз – шаҳри адаб,
шаҳри иймону эътиқод,
Шамс Кулолнинг руҳларидан
руҳ топар мангу ҳаёт.

Оқсаройнинг тоқидир бу
тоқи Кисродин баланд,
Руҳи пок Соҳибқирон
сарманзили бўлгай обод.

Жон чекиб қилди чаман,
мўғул хароб этган замон,
Хор этиб душманларини,
дўстларини қилди шод.

Ложувардликдан ўтар кўк
тоқидан “Кўк гумбаз”и
Еру кўклик бирла айлар
хар неча кўк ерни мот.

Сабзавордир тўрт тараф
гумбазлари феруза ранг,
Ёзу киш кўм-кўк ариқларда
оқар оби ҳаёт.

Ориф ҲОЖИ – 1966 йилда тугилган. Самарқанд давлат университетининг ўзбек филологияси факультетини битирган. Ижодкорнинг “Оптоққина қушигинам”, “Оқ тулпор” номли ҳикоялар, “Банди руҳ”, “Озод руҳ”, “Янги оҳанглар”, “Самарқанд сайқали”, “Қирқ ҳадис ва бир ривоят”, “Оналар оёғи остида жаннат”, “Ишқ йўли”, “Кўнғил қуши” номли шеърӣ тўпламлари чоп этилган.

Йўқдир

Кўнгил ёлғиз, кўнгил танҳо,
кўнгилга бир шерик йўқдир,
Ўлик рухлар аро ёлғиз,
не этсин, бир тирик йўқдир.
Гуноҳлар ваҳмидин мажнун толин
шоҳи бикин бошлар,
Теракдек тўғрилиқ бирла
бирор-бир қадди тик йўқдир.
Таажжуб тишлари тишлар
бу ҳолдин панжаи ҳайрат,
Тавозе шеvasи бирла
бирор боши эгик йўқдир.
Одамлар от мисол кажрав
бу шахмат тахтаси узра,
Турон авлодидек тўрт ён
юришда тўғрилиқ йўқдир.
Кўнгил, бас қил, шикоятни,
ўзингдан қил ҳикоятни,
Фақат ёзмок кифоятми,
ишингда эзгулик йўқдир.

Муаллим

Жаҳонда маърифат
бўлмас муаллимсиз,
Китоб на балки хат
бўлмас муаллимсиз.
Жамият дардига
дармон бўлар ирфон,
Жамиятда сихат
бўлмас муаллимсиз.
Кўнгилга эзгу ниятни
солар устоз,
Демакким, хушният
бўлмас муаллимсиз.
Жаҳолат душманидирлар
муаллимлар,
Жаҳолатга шикаст
бўлмас муаллимсиз.
Ватан ишқин сабоққа
сингдириб айтар,
Халойиқ ҳамжиҳат
бўлмас муаллимсиз.

Бир кулиб, ўн ўйлатиб кетмоқ учун келдингми, ёр?

Муаллим ўргатар
эркин фикрлашга,
Кўнгилда хуррият
бўлмас муаллимсиз.
Адоғига егиб бўлмас
санаб бир-бир,
Демак, ҳеч бир жихат
бўлмас муаллимсиз.
Муаллимдан сабоқ олгай
шоирлар ҳам,
Ҳазалмас, ҳатто, байт
бўлмас муаллимсиз.

Хол

“Лисон ут-тайр”ни ўқиб

Ул малакнинг ол яноғинда
тариғдек холи бор,
Тушди кўзим, энди, мен
кўз сурмасам увволи бор.
Чун санамнинг ишқи сиймурғ
ишқидек улкан эрур,
Жон қушин ул ишқ қошинда,
синчалакдек холи бор.
Ишқ йўлинда неча минг-минг
попишак тайрон эрур,
Лек, аларнинг дейдилар
мингдан бирин иқболи бор.
Ошиқ эрмас, улки ҳиммат
тожини киймас экан,
Қарчиғай, сор бўлса ҳам
бойкуш киби аҳволи бор.
Давлатидин ажр умидин
қилса арзир ким анинг –
Кўнглида кибру ҳаво,
нафсу ҳасад помоли бор.

Лафз

Билди инсоф аҳли кўкдан
ҳам баланд туғрони лафз,
Чунки, шарт қилгай йигитнинг
сўзига ижрони лафз.
Кўйни бўғзидан ҳалол дерлар,
одамни сўзидан,
Сўз эмасдир оқшом айтиб,
тонг тониб турғони лафз.

Баъзида шундоқ бўлурким,
 тинчини поймол этиб,
 Бир йигитнинг бошига чош
 айлағай ғавғони лафз.
 Кошки, айтмасдан бурунрок
 гунгу лол бўлсам эди,
 Дебки, канча ваъдабозлар
 бошига урғони лафз.
 Кимки, сўз айтмасдан олдин
 ижросини ўйлағай,
 Ул кишининг эрлигига
 хужжати – бурҳони лафз.

Бадиҳа

Кўзларингнинг ойнагинда
 етти хил ранг товланур,
 Лафзингга жоним тасаддук,
 ўз лисонингда гапур.
 Улки, сен сўзда, либосда
 ортидан боргунг агар,
 Ёнма-ён юрсанг, етолмай
 гарди пойингда колур.
 Эйки, сен оврупатақлид,
 ўзни зийнатлабсану
 Лек, ўзинг билгаймусанким,
 қайси эл ўздан тонур?
 Тобақай, ўзингни билмай,
 хору зор бўгунг элат,
 Айт, қачон миллий ғурур,
 томирларингда уйғонур.
 Бок жапан қавмиғақим,
 бу бир тирик тимсол санга,
 Қайси халқ аслини топса,
 ул шарафга чулғанур.

Ёр

Бир кулиб, ўн ўйлатиб
 кетмоқ учун келдингми, ёр,
 Пуржафолик расмини
 сен ҳам одат қилдингми, ёр?
 Дилга бир иссиқ ҳаво
 кирган каби сим-сим куяр,
 Не бало, куф-суф билан
 иссиқ-совуқ қилдингми, ёр?
 Олма ғафлат шавкини
 сендан бўлакни билмайин,

Бир кулиб, ўн ўйлатиб кетмоқ учун келдингми, ёр?

Завқи ишқингни бериб,
ўрнига ол билгимни, ёр.
Ўз-ўзича шодланур,
оламни, олам дардини,
Билмагай ишқий жунун
маст айласа, ҳар кимни, ёр.
Ишлари ёлғон билан,
чиндан осон анжом топар,
Ким буни ёлғончи дунё
дегани ё чинми, ёр?

Кузги шамол

Сарғариб турган сариғ
гулнинг сариғ япроғидек,
Сарғариб турган юзимда
кўз сариғ ой доғидек.
Хосиятсиз бул сариғ
ранглар аро жон риптаси,
Дилдирар кузги шамолда
титраган барг боғидек.
Сап-сариғ, ҳар ён сариғдур,
ер сариғ, осмон сариғ,
Бесамардур бул кузак ҳам
мисли умрим боғидек.
Доғли диллар яхши билгай,
бўлмагай оламда ҳеч,
Доғ сариғрок ёрдин айру
ўртаган дил доғидек.
Навкирон тан боғини ҳам
заъфаронлар қилди заъф,
Эндиликда сайрамас,
кўнгил қуши бурноғидек.

Нафс

Эй, кўнгил огоҳ бўлгин
тан учун озор нафс,
Рух учун мисли кафасдур
жонинга жаббор нафс.
Унга сен эркингни берсанг,
амрига солсанг кулок,
Бетайинлик водийсига
бошлагай маккор нафс.
Таъмадан лангар чўп ушлаб
нафс – дор фаҳм айласанг,
Қатли иймонинг учун
тайёр эрур зап дор – нафс.


Хор вужуд хоҳишлари-чун
туну кун саъй айласанг,
Нурдан ул бўлган руҳингни
айлагай кўп хор нафс.
Орифо, хушёр бўлгил,
нафс мавҳ этмай сени,
Сабр, дил қўрғонига боқ,
қирмасин ғаддор нафс.

Ўйноқи садаф

Қорачуғи – гавҳару
кўз оқи – садаф,
Иккисига бир йўли
қабоғи садаф.
Гавҳарини лаҳзада
тўрт ёнга сурар,
Ўғрийи дилми шунча
ўйноқи садаф.
Кўрдиму кўз оқидаги
гавҳарини,
Бўлди унут мангуга
бурноғи садаф.
Мижжасини ёпдию
бир очди кўринг,
Ушбу садаф бағрида
қайроқи садаф.
Сизга агар дуру садаф
даркор эрур,
Қорачуғи – гавҳару
кўз оқи – садаф.

КИПРИКДА ҚОЛГАН ТОНГ

Қиссадан парча



Саид АҲМАД

... Исирик ҳамда ковун иси ўрнашиб қолган машинамиз қайикдек енгил сузиб боради. Соат иккида Қўқоннинг Ғишткўпригида Адҳам Ҳамдам билан Анвар Муқимов, Йўлдош Сулаймон ҳамда ҳофиз Қобилжон Юсуповлар бизни кутади, шунга улгуриб бормасак бўлмайди, дедим. Ғишткўприкда одам кўп. Кўча оши ичман, деб навбат кутиб турганлар сон-саноксиз.

Адҳам Ҳамдам бутун водийда машҳур одам. Уни ҳамма танийди, ҳурмат қилади. У биз учун ошхона орқасига алоҳида жой қилдириб қўйибди. Ғишткўприкнинг кўча оши водийда овоза бўлиб кетган.

Бошига бирон мушкул иш тушган хонадон оқ жўхорини туйиб кўча оши қилади. Уни пақири билан кўчага опчикиб қўяди. Пақир ёнига беш-олтита сопол коса, кўзачада қатик, тақсимчада кертилган кашнич қўяди. Ўтган-кетган тўхтаб, кўча ошини ўзи сузиб ичади. Хонадон эгаларини мушқулингиз осон бўлсин, деб дуо қилиб, ўтиб кетади. “Кўча оши камбағаллар овқати, очарчилик замонларининг овқати”, деб уни тақиклаб қўйган эдилар. “Бу тўкин, фаровон, дориломон замонамизда бунақа овқат қилиб халққа тарқатиш сиёсий хато”, деб кишлоқ фаоллари кўча ошини ариққа ё ахлатга тўкиб ташлар эдилар.

Янги сўйилган қўй гўшти, жиндақкина туз еган пешноб, пўстдумба солинган, устига майда кертилган кўм-кўк хушбўй кашнич сепилган, ёғи олинмаган икки қошиқкина қатик, бетида қўқ қалампир сузиб юрган бу таом чимхўр, овқатга инжик хар қандай ланж одамнинг ҳам иштаҳасини очиб юборар эди.

Бу ноёб таомни ҳузур қилиб ичар эканмиз, қўли гул ошпазларга раҳматлар айтгандик. Унча-мунча овқатни кўнгли тортиб еявермайдиган Ўлмас (Умарбеков) косани ҳаммадан олдин бўшатиб, уялиб-нетиб ўтирмай, “Яна икки чўмичгина сўрасам айб қилмайсизларми?” деди.

Шу ернинг ўзида маслаҳатни бир жойга қўйиб, тўппа-тўғри Бағдодга борадиган бўлдик. Анвар Муқимов ўша ерда мактаб директори. Адабиёт ўқитувчиларига келишимизни айтиб қўйган. Улар мактаб боғига дастурхон тузаб кутиб ўтиришибди.

Саид АҲМАД – (1920–2007). Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ ёзувчиси. Тошкент педагогика институтини тамомлаган. “Уфқ” трилогияси, “Жимжитлик” романи, “Тортиқ”, “Эр юрак”, “Фаргона ҳикоялари”, “Чўл бурғути”, “Чўл оқшомлари”, “Одам ва бўрон”, “Йўқотганларим ва топганларим”, “Қоракўз мажнун”, “Киприкда қолган тонг” каби асарлар муаллифи.

Адабиёт муаллимлари билан суҳбат курсанг ҳузур киласан. Улар дарсликларда, программада айтилган гапларни ҳар йили такрорлайвериб зериккан муаллимлардир. Бугунги адабий ҳаёт уларни кизиқтиради. Адабий ижод соҳасида қандок жараёнлар кечаётганини билгилари келади. Кутубхонадаги дарсликлар уларга аллақачон ёд бўлиб кетган. Ана шунақа ўқитувчилар билан суҳбат қурсам – яйраб кетаман. Ёзувчининг шахсига, қанақа асарлар ёзаётганига, қандай ёзишига, ҳагто кечаси ё кундузи ёзишигача – ҳамма-ҳаммасига кизикадилар. Бирнастда саволларга кўмиб ташлайдилар. Мактаб директори, китоблари чиққан ёзувчи Анвар Муқимов улар учун маҳаллий классик бўлиб қолган. Бошқа соҳа одами суҳбатга аралашиб қолса, албатта, битта китобга қанча пул оласизлар, деб сўрайди. Китобингизнинг орқа муқовасидаги нархи бир сўм деган ёзувга кўзи тушади. Сўнгги саҳифани очиб, олтмиш минг нусха босилди, деган ёзувни ўқиб, кўзи тиниб кетади. Бир сўмни олтмиш мингга зарб қилади. Эҳ-ҳе, бунга ўнга “Волга” олиш мумкин. Хукуматнинг пули ёзувчиларнинг чўнтагига тушиб кетибди-ку, деб ўйлаб қолади. “Бунақада итининг туваги тилладан бўлиб кетмайдими?” Унга тушунтиришнинг фойдаси йўқ. Унга қоғоз ҳақи, ҳарф терувчи ҳақи, бўёқ ҳақи, рассом ҳақи, корректор ҳақи, муқоваловчи ҳақи, китобни ротацияда босган уста ҳақи, электр қуввати ҳақи... Буларни унга гапириб ўтиришнинг фойдаси йўқ. Бари бир у ёзувчилар бой

ИБРАТ

1961 йилда ёш ёзувчиларнинг Республика семинари ўтказилади. Бунда отам Анвар Муқимов ҳам иштирок этади. Унинг дастлабки машқлари Саид Аҳмадга манзур бўлиб, “Қовун сайли” ҳикоясига “Оқ йўл” тилаб, “Ўзбекистон маданияти” газетасида эълон қилади. Бу билан танишган Абдулла Қаҳҳор ёш ёзувчи ҳақида суриштиради. Саид Аҳмад Анвар Муқимовни “қўлидан етаклаб” улуг адибнинг олдига олиб боради... Шу билан улуг сўз санъаткори – Абдулла Қаҳҳор билан ёш ёзувчи – Анвар Муқимов ўртасида ёзишмалар бошланади...

1962 йилда мен тугилганман. Бу қувончли воқеалар таъсирида ёш ёзувчи менга Саид деб исм қўяди.

1986 йилда шоир акам Аъзам Ўктам Анвар Муқимовнинг, “Саид – ўнг қўлим, ундан кўра қўлимни кесиб берақолай”, деганига қарамай, мени Тошкентга олиб келди. Янги ташиқил бўлаётган Абдулла Қаҳҳор уй-музейига – Кибриё Қаҳҳоровага рўбарў қилди. Аъзам ака мен ҳақимда “обдон маълумот” берган бўлса керак, Опа билан суҳбатимиз қисқа бўлди:

– Саиджонингизнинг “права”си борми, ишқилиб? – сўраиди Аъзам акага юзланиб.

– Бор, бор, – деди Аъзам ака завқ билан.

Шу билан улуг устоз хонадонига қоровул бўлиб ишга жойлашдим.

...“Табассум”да, “Телевизион миниатюралар таэтри”да, “Муштум” журналида ишладим, отамнинг устози Саид Аҳмаднинг “яқинларига яқин йўлашга” журъғатим, етмади. Ёнларига бориш қайёқда, у киши ҳақидаги кулги устаси Эргаш Каримовдан уч кунда бир “янги”сидан эшитиб турсанг:

– Саид Аҳмад ака рулда, Самарқандга қараб боряпмиз. Устоз билан Ургутда учрашув белгиланган. Саид Аҳмад ака ҳеч кимга гап бермай, ҳаммамизни қулдириб кетяпти. Ҳар икки гапнинг бирида, ҳазил аралаш, “Мен Ўзбекистон халқ ёзувчиси бўлсаму, сенларга “шоир”лик қилиб юрсам! У-бу нарса ёзиб бериб, сенларни

деяверадилар. Муаллимлар билан бўладиган мулоқот бутунлай бошқача. Уларни ёзувчининг иқтисодий ҳаёти эмас, маънавий ҳаёти қизиқтиради.

Муаллимлар топган-тутганларини дастурхонга тўқиб солганлар. Ўз қўллари билан ош дамлаганлар. Бир суҳбат бўлди-бир суҳбат бўлди, айтилмаган гап, сўралмаган масала қолмади. Саволларни қалаштириб ташлашди. Бошларимиз айланма кетди. “Ўткан кунлар” қолмади, “Қутлуғ қон” қолмади. “Сароб”ни титкилаб кўрдик. “Кўкан батрак”ни қавлаштирдик. Миртемирнинг “Қорақалпоқ дафтари”, Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” асарларидаги ёш ёзувчи учун ибрат бўладиган томонларини, маҳорат сирларини эзиб-эзиб гапирдик. “Шум бола”нинг гўзал тили, унда тасвирланган Тошкент манзаралари, фавқулодда ўхшатишлар, ундаги бошқа бирон асарда учрамаган қиёфалар тўғрисида роса гапиришди. Айниқса “Кўшчинор чироклари” тўғрисида баҳс қизиқ кетди. Йўқ, баҳс эмас, шу топда романда тасвирланган жойда турганимиз учун ҳам уларни ўз кўзимиз билан кўриб тургандек бўлаверади. Муаллимлар асарнинг ниҳоятда ростўйлик билан, санъаткорона ёзилганига қойил қолишганини яширишолмасди:

– “Асрор бобо” уруш даврида ёзилган хикоялар орасида энг яхшиси, деб тан олинган. Бу хикоя ва унинг қахрамони Асрор бобо ҳам биз учун ниҳоятда кадрли. Чунки у бизнинг ён қишлоғимизда яшаган. У туғилиб ўсган Кўштегирмон, Ултарма

элга танитган мену сенларни ялпайтириб машинада олиб юрсам!” деб луқма ташларини ҳам қўймайди.

Йўл узоқ, чойхонада тўхтаб, тушилик қилмоқчи бўлдик. Бизни кўрди-ю, чойхоначига қўшилиб уч-тўрт йигит машинамиз олдига юзуриб келиб, қўллари кўксиди: “Ассалому алайкум, Эргаишжон ака, келинг!” дея мулозамат қила кетишди”. “Согмисизлар, омонмисизлар?” улар билан бир-бир сўрашдим. “Қани, қани, сўрига марҳамат қилинг, Эргаишжон ака”. Сўрига ўтириб, қўлимни дуога очиб, атрофга қарадим, қотиб қолдим: Саид Аҳмад ака тўхтаган жойимизда машинасига суянганча, сигарет чекиб турарди. Хиёлатдан терлаб кетдим. “Ие, устоз! – у киши томон юрдим. – Узр, узр!” қўлим кўксимда, сўри томон бошладим.

Саид Аҳмад ака сигаретини чуқур-чуқур тортганча, сўрига яқинлашди. Қўллари кўксиди турган йигитларга таништира кетдим: “Бу киши Ўзбекистон халқ ёзувчиси, устозимиз Саид Аҳмад ака бўладилар”. Йигитлар у кишига бирров кўз ташлашиб, бош қимирлатишди. “Биз ўйнаган ҳамма миниатюраларни шулар ёзиб беришади”, дедим ўтирганларининг диққатини Саид Аҳмад акага қаратмоқчи бўлиб. “Ҳм... Ҳа, яхши, – дейишади-ю, мезбонлар яна озгимга тикилишади. – Ўзингиз тинчми? Бола-чақалар ҳам яхшими?”

Саволларга жавоб берган бўлман, устозга мўлтиллаб қарайман. У кишининг қовоғи очилмайди. Чойхонада нима едим, нима ичдим, эслолмайман: ҳаёлим Саид Аҳмад акада. Ёдимдан қолгани, чўнтагимдан пул чиқарганим, чойхоначининг одамга хуш ёқадиган жавоби бўлди: “Ие, ие-ие! Нима қияпсиз, Эргаиш ака? Бир марта келиб қолибсиз... Сиздан пул олсам уят бўлади...”

Машинага ўтиришим билан, Саид Аҳмад ака маъноли қош чимириб қўйишди. “Одамлар ҳам қизиқ-да!” дея ўзимни оқлаган бўлдим. “Ҳа, майли, бензин қўйиб олайлик”, устоз машинасини шаҳобча томон бурди.

Шошиб машинадан тушиб, бензинга пул тўлаш учун юрдим. Бензинпуруш тушмагур, бизни кузатиб турган эканми, туйнугига боқсам, эшигини очиб, ташқарига чиқиб келяпти: “Ие, ие, ие! Ўзингизми, Эргаиш ака? Э, бормисиз?”

қишлоқлари шундоқкина биқинимизда.

– Ҳозир сизлар билан гаплашиб ўтирган жойимиз – Олчин қишлоғимизда томга чиқиб қарасак, Асрор бобо юрган кўчалар, гузарлар кўриниб туради...

– Бу ҳикояни кўп мамлакатларнинг ёзувчилари, адабиётшунослари мумтоз ҳикоялар рўйхатига киритганлар. Умуман, Абдулла Қаҳҳор бошқа ёзувчиларга ўхшамаган, ўзига хос услубга эга бўлган санъаткор сифатида кадрланади. Ёзувчининг отаси уста Абдуқаҳҳор шу жойларда устахона очган. Ёш Абдулла отаси билан ёнма-ён катталардек ишлайди. Тирикчилик кори билан устахонага келган дехқонларнинг суҳбатлари қулоғига қуйилиб қолган. Хилма-хил ташвиш билан келган одамларнинг қиёфалари кўзига сувратдек ўрнашган. Шунинг учун ҳам Асрор бобо образи ниҳоятда рост, ишонарли, санъаткорона яратилган. “Асрор

Сизни кўрар кун ҳам бор экан-ку!” у қадрдонлардай кучоқлаша кетди. “Шу бензин керак эди...” “Жонимиз сизга бензин, ака! Шестернаси билан керак эмасми? – бензинпуруш қўлини кўксига қўйди. – Шопирдан сўранг-чи, қанча кетаркан?”

Қарасам, Саид Аҳмад ака машина бакини очиб, мурувватни унга тўғриляпти. “Қирқта ҳайдайми, оқсоқол?” бензинпуруш у кишига юзланди. “У киши машхур ёзувчи Саид Аҳмад бўладилар, бирга учрашувга кетяпмиз”, дедим хижолатомуз. “Ҳа, яхши, – бензинпуруш бепарво сўз қотиб, менга юзланди. – Бола-чақалар яхши юрибдими? Телевизорда жуда камнамо бўлиб кетяпсизлар?..” “Ҳа, энди, ҳажвия ёзадиган одам кам... Ҳажвчиларнинг оқсоқоли эса, қаршингизда турибди. Бу киши...” “– Эй! – бунзинпуруш қўл силтади. Кейин ичкарига қараб гап қотди: – Худойқул, Эргаш аканнинг машинасига тўлгунча ҳайда!”

Чўнтакка кетган қўлимни, бензинпуруш чангаллади: “Нима қиляпсиз, Эргаш ака? Пул бермоқчимисиз? Сиз-а? Сўраб қўйинг! Сиздан оладиган бўлсам, пул олган қўлларим узилиб тушсин!”

Елкамга қўл келиб туиди. Қайрилсам, Саид Аҳмад ака жилмайиб турибди: “Қайтишида ҳам машинани бегона қилмагин, Эргаш, сенга ўзим шопир!”

...1992 йилда отам ҳаётдан ўтди... Уч-тўрт ой ўтиб, утозим Анвар Обиджон: – Саиджон, сизни Саид Аҳмад ака сўраяпти, олдиларига ўтиб қўйинг, – дейишиди. Ҳаяжонланиб кетдим.

– Бир-икки “пачка” сигарет олиш эсдан чиқмасин, Саид Аҳмад ака “Хон” чекади! – деди Анвар ака қувноқ оҳангда.

Қадрдон укам Носиржон Эргашев билан Дўрмонга отландик. Ўзимизча бозор қилган бўлдик.

– Бозорлиқни сен қилмаганинг кўриниб турибди, – деди устозлар устози Носиржонга юзланиб.

– Домла, энди... – Носиржон тараддудланди.

– Носиржон ёзмасаям, ижодкорларни севадиган...

– Қўллаб-қувватлайдиган йигит эканлиги кўриниб турибди, шундай йигитларнинг борлигига шукр... Уларни нарига қўйиб туринлар, – деди устозлар устози Саид Аҳмад бозорлигимизни четга суриб, “Хон” сегаретининг “блок”ига мамнун боқиб. – Отанг Анвар Муқимов ҳақида гаплашамиз...

Туида бошланган “тергов” хуфтонгача давом этди. Устоз эринмай отам ҳақида “суриштириб”, дафтарига анчайин ёзувлар битди...

Кўп ўтмай Саид Аҳмаднинг “Киприкда қолган тонг” китобини кўзимда ёши билан ўқидим...

бобо” мумтоз ҳикоялар сафидан жой олишга ҳақли, деб тан олинган.

Ёзувчи учун ҳам, китобхон учун ҳам худди шу бугундагидек жонли мулоқот ниҳоятда фойдали ҳамда мароқли эканига яна бир марта иқдор бўлдим.

Анваржон, “Энди меҳмонлар дам олишсин”, деб мезбон муаллимларга жавоб бериб юборди. Бизни Қўшгеирмон кишлоғидаги колхоз боғига олиб борди. Ўзи пионер лагери учун олдириб қўйган йиғма қаравотларни супа ёнига қўйиб, жой қилиш билан банд.

Ўлмас бир қиссанинг хомаки сюжети бошида айланаётганини айтди. Бўлғуси қиссанинг икки иштирокчиси бир кишлоқда яшайди. Иккови ҳам архитектура институтининг охириги курсида ўқийди. Диплом ёклаш ҳаракатида.

– Воқеа Янгикўрғоннинг айланма гузари билан Фурқат станцияси оралиғидаги йўлларда ўтиши керак. Ҳозирча ўйлаганим шу, холос. Агар сизга малол келмаса, машинангизда шу йўлнинг тунги манзараларини бир кўрсам дегандим. Ўз кўзим билан кўрсам, фикрим тиниклашармикан, деб ўйлаяпман.

Анваржон унинг гапларига қизиқиб қулоқ соляпти. Анвар Муқимовни ёш ёзувчилар семинарида танигандим. Унинг яхшигина бир ҳикоясини ўқиб катта газеталардан бирида “Оқ йўл” тилаганман. Абдулла Қаҳҳорнинг маслаҳати билан уни “Муштум”да ишлаш учун Тошкентга чақирадиган бўлдик. Лекин унинг бунга хоҳиши бўлмаётими ёки келишга бирон тўсиқ борми, билиб бўлмайдиган ланж аҳволда эди. Таклифимизга на ҳа, деди, на йўқ. У Олчин кишлоғидаги ўрта мактабда директор. Малакали ўқитувчилар кам бўлганидан ҳар икки сменада ҳам адабиёт дарсини ўзи олиб боради. Оталиғидаги иккита етти йиллик мактабда ҳам кунора дарс беради. Район халқ маорифи бўлимида ўтказиладиган турли семинарлар, конференциялар, ветеран ўқитувчилар билан учрашувлар усиз ўтмайди. Бунақа тадбирлар учун маориф пул аямайди. Узоқ кишлоқлардан келган ўқитувчилар газеталарда доимо ҳикоялари босиладиган тирик ёзувчи билан ҳаяжонли учрашувда худди Ойбекни ёки Гафур Ғулумни кўраётгандек кўзлари яшнаб ўтирардилар. Анвар Муқимов бу учрашувлардан қуруқ қайтмасди.

– Анваржон укам, – дедим унга. – Сиз ўсинингиз керак. Тошкентда устозлардан сабоқ оласиз, пойтахтдаги адабий муҳит, ўз тенги ёш ёзувчилар билан бўладиган мулоқотлар фикр доирангизни кенгайтиради. “Муштум” эса сизни элга танитади. Келсангиз ёмон бўлмайди...

– Қани, уйдагилар билан бир маслаҳатлашиб келай-чи, – деб Олчинга жўнаб кетди.

“Катта”дан руҳсат тегди, шекилли, кўрпа-тўшагини орқалаб Тошкентга келди. Анваржонга Тошкентда яшаш осон бўлмади. “Муштум”дан оладиган маоши, қалам ҳақи отаси талаб қилаётган пулга урвоқ ҳам бўлмасди. Ейиш-ичиш, квартира ҳақи, трамвай ҳақи олган маошини ямлаб қўярди. Унга адабиёт жамғармасидан икки марта ёрдам пули, “яхши ишлаяпти” деб редакциядан мукофот пули ҳам олиб бердик. Кўча овқатига пул етказиб бўладими? Уй эгаси, “Берадиган пулинг чироқ ҳақиға ҳам етмайди”, деб соат ўн бўлиши билан электрни ўчириб қўяди. Анваржон озиб-тўзиб, ранг-рўйи бир ҳолатда бўлиб қолди. У эрталаб нонушта қилмай Қўйликдан пиёда оч-наҳор ишга келади.. Охири, бўлмади. Бу аҳволда бирон дардга чалиниб қолмасин, деб кишлоққа қайтиб кетишига рози бўлдик. У кадрдон кўрпа-тўшагини орқалаб, туғилган Олчин кишлоғига қайтиб кетди.

...“Катта” Анваржондан бошқа яна тўрт фарзанд кўрган. Ўртанча ўғли Мухторали ювош, қўли гул дурадгор бўлди. Пойтеша чопганда тўсиннинг бетини ойна қилиб юборади. Атроф кишлоқлардаги иморат курдирадиганлар, албатта Мухторалини

танлайдилар. У иморатнинг пойдеворидан томигача ҳамма ёғоч ишларини ўзи бажаради. “Катта” чойхоналарда жўраларига хасрат қилиб қолади.

– Мухторалини уйлаганимга мана тўрт йил бўлай деяпти, энди учта болали бўлди. Боласи кўпаймаганига диққат бўляпман...

Жўралар кулишади.

– Мунча бесабрсиз, мулла Муқим. Одам боласи куён эмас-ку! Йилига ўн-ўн бештадан тугса. Мусулмончилик ҳам аста-аста-да. Ҳали қараб турунг, эшигингиз болага тўлиб кетади. Ҳазрат Муқимийнинг тупуқлари кучини кўрсатади.

“Катта”нинг юзи буришиб сесканди.

– Мана, тўнғичим Анваржонни олайлик. Етти болага ота бўлди. Бунақа кетишда ха-ху, дегунча болани ўнтага етказиб қўяди.

“Катта” феълда, қилар ишда отаси Нишон бобога торғди. Бир иш қиладиган бўлса етти ўлчаб бир кесарди. Фойдаси қанча-ю зиёни қанча, ақл тарозига солиб кўрарди. Фойда бермайдиган ишни иш демасди. “Катта” узоқ йиллар колхоз бухгалтери, иктисодчиси, колхоз раиси бўлди. У мана шу лавозимда ишлаган пайтларда колхозга юлғичларни йўлатмади. Жамоат “нони”ни ўзи ҳам емади, бировга ҳам едирмади. Уйига колхоздан ақалли битта пиёз кўтариб келмади.

Бумайрам эрига хасратини тўкиб солди:

– Отангиз қандок овқат чиқарсалар шуни ейишга мажбурмиз. Ўзингиз биласиз, ўғил бола кучли овқат ейиши керак. Бўлмаса катта бўлганда мижгов, нимжон бўлиб қолади. Ҳар куни бир хил овқат чиқаришади. Болалар бунақа бемаза овқатни емаймиз, деб кун ботмай оч-наҳор ётиб қолишади. Уларга қараб ичим ачишиб кетяпти. Ана, чиқарган овқатларини бир кўринг.

Анваржон устига лаган бостирилган тоғорани очиб қаради. Тўрттагина жазир бор нон билан картошка қориштириб димланган “нон-палов”.

– Болалар унга қайрилиб қарашмади ҳам. Тескари қараб ётиб олишди. Ўзимни айтмай қўяқолай. Хотин кишининг бировга айтиб бўлмайдиган харжлари бўлади. Тўрт тийинлик нарса. Шуни ҳам аптекадан насияга оламан. Собесдан болалар учун бериладиган нафакани почтачи “Катта”нинг қўлларига бериб кетади. Ўзим тийинга зор бўлиб қолавераман. Турақолинг, гузарга чиқиб насияга бўлса ҳам гўшт топиб келинг. Йўлақай овсиним Тўхтанисани айтиб юборинг, хар қалай хотин киши, ёнимда бўлсин.

Анваржоннинг йўл пули харжланмай ёнида қолганди. Олтиариклик таниши машинасида Бағдодга ташлаб кетган эди. Анваржон халта кўтариб гузарга чиқиб кетаётганда офтоб ҳали ҳам ўчмаган, эндигина тераклар орқасига ўтиб қизариб-бўзариб ботмоқчи бўлиб турарди. Кўча тўла бола. Улар кечки овқатни тўйиб еб, “ҳазми таом”га бир-бирларини қувлаб, шовкин-сурон билан қўчани бошларига кўтариб югуришарди.

“Катта”нинг невара-эваралари эса кўзларини очолмай, бемажол ётишибди. Чолни ваҳм босди. У тонг саҳарда ўн-ўн бешта иссиқ нонни кийикка тугиб, Мухторалининг хотини Тўхтаҳонни эргаштириб кирди.

Кечаси билан тўлғаниб чиққан “Катта” неча марта уйғониб, неча марта ётди. Худоё шу сабийларга ўзинг шифо бер, деб илтижолар қилди. У тагида ўт ловуллаб ёнаётган қозонни ўраб турган болаларни кўриб, “Ҳайрият-е, ҳайрият-е”, деб уларга яқин борди. Саҳар пайти Анваржон томорқадан танлаб-танлаб жўхори қайириб чиққан эди. Болалар қозонда сўтаси билан вақирлаб қайнаётган жўхориларга қараб қачон пишади деб туришарди. “Катта” бири иштонли, бири иштонсиз болаларнинг биттасини қўлтиғидан олиб кўтарди. Бола пардек енгил эди.

– Бумайрам, – деди у. – Бунинг мунча енгил? – деди инқиллаб ўтирган келинига.

– Оғирлиги сизнинг чўнтагингизда-ку, – деди жони оғриб турган Бумайрам.

Ҳеч қачон гапни жавобсиз қолдирмайдиган сўзамол чолнинг тили танглайга ёпишиб, лом-мим деёлмай қолди. У кеча кечкурун болалардан хабар олгани кирган эди. Улар айвонда “тўйбола”лардек шифтга тикилиб қатор ётишипти. Белини шол рўмол билан сириб олган келини айвон даҳанида инқиллаб ўтиришти. Болалар “Катта”нинг кўзига озиб қолгандек, юзлари сўлгин бир алпозда кўринди. Уни ваҳм босди. Болалар илгари ҳам шунақамиди? Шу пайтгача эътибор бермагани учун ўзини-ўзи койиди.

– Нима овқат едирган эдинг? Айниган овқат едириб қўймаганмидинг?

– Ҳеч нарса ёйишгани йўқ. Оч-наҳор ётишибди. Сиз чиқазган овқатни кўриб, “Бунақа бемаза овқатни емаймиз”, деб ётиб олишган. Ўғлингизни насиёга бўлса ҳам гўшт топиб келинг, деб гузарга чиқариб юбордим.

“Катта”нинг жаҳли чиқиб кетди.

– Нариги эшикда гўшт борлигини билардинг-ку, нега менга бир оғиз айтмадинг?

Бу гапдан Бумайрамнинг энсаси қотди.

– Айтмай қўяқолдим. Айтганим билан бари бир бермасдингиз.

Чол, “Ия, ия, эри келиб, тили чиқиб қопти-ку”, деди ичида. Кейин ўзига келиб, “Жонидан ўтгандан кейин тили чиқади-да”, деб юборди. “Катта”нинг бу гапни айтишга ундаган ичида бўғилиб ётган одиллик деб аталган кайсар бир кучнинг қалқиб юзага чиққанидан, садо берганидан эди. У невараларининг анча сўлиб қолганини ҳам энди кўряпти. Шу пайтгача кўзинг қаёқда эди, деб ўзини сўроққа тутолмади. Ҳозир у ўзини-ўзи жуда ҳам ёмон кўриб кетди. Нораства болалар ҳисобига “тежамкорлик” қилганини, шуларнинг соғлигини емирадиган “иктисодий сиёсат” юргизганини қанчалик аччиқ, қанчалик аламли бўлмасин тан олишга мажбур эди. “Воҳ!” деди пешонасига шапиллатиб ураркан. “Шунча нева-эвараларимнинг қўлида ақалли битта кўғирчоқ, битта ўйинчоқ кўрмабман-а?! Бошқаларнинг ҳовлиси ўйинчоқларга тўлиб кетган. Қайси эшикка кирсанг катта-кичик велосипедлар, самокатлар, тепкили машиналар, ётқизсанг инга-инга қиладиган, ёнбошлатсанг кўзини юмадиган кўғирчоқлар, бураб-бураб қўйиб юборсанг, ҳовлининг одоғигача гувиллаб борадиган жажжи автомобиллар, ҳар ер, ҳар ерда сочилиб ётган шахмат, пашка, домино тошлари...”

– Пул сарф бўлади, деб болаларимни шу қувончдан ҳам бенасиб қилибман-а?! – “Катта” кейинги кунларда анча кучдан қолган, ҳар икки қадамда тўхтаб нафасини ростлаб олар эди. Мана, ҳозир у инқиллаб оғиргина тўрва кўтариб кирди. Болаларнинг ўрнини йиғиб, улар ивирситган полосни супураётган қизалокқа: – Бўлдингми, болам, тез-тез қимирла. Нариги эшикка бор, бу ерда қиз бола қиладиган иш қолмади, – деди.

Шу пайт қушдек енгил бир кампирни етаклаб олиб киришди. У “Катта”нинг хотини Ойниса хола эди. Уни катта-ю кичик эна деб атарди. Эна ҳам айвонга чиқиб ўтирди. Ранг-рўйи ўчган, тинмай инқиллаётган келинига қаради. Унинг аҳволини кўриб, ачиниб кетди. Бумайрамнинг аҳволи оғир эди. Эркак одам хотин кишининг дардини билармиди. Унга атала қилиб ичириш керак. “Менга гапинлар бўлмаса, аталага уринақолай”, деди эна. У шундай деб ичкаридан ун олиб чиқиб, тапиллатиб супрага элай бошлади. Эна ун элай туриб келинига тез-тез қараб кўяр:

– Шўргинанг курсин, Бумайрам, келин бўлиб бирон кун рўшнолик кўрмадинг-а? Шу аҳволда ўлиб нетиб-кетсанг шунча бола чирқиллаб қолишини ўйладингми? Янги бўшалган хотиннинг лоақал уч-тўрт кун ётмай ишга уриниб кетиши, оч-наҳор

қолиши ўлиб билан баробарлигини наҳот билмасдинг? Бунақада бепушт бўлиб қолишингни ҳам билмасмидинг?” деб ич-ичидан унга ачинарди. – “Катта”нинг шу пайт янги бўшанган чиллални хотинни бошига одам тўшлашга бало борми? Ўзи бу чолга нима бўлган? Уч-тўрт кундан бери ҳуши ўзида эмас. Сахарлаб туриб олиб, айвон даҳанида ҳақ, деб ўй-ўйлаб ўтириб олади. Қаёққадир чиқиб кетади. Кечгача санғиб, чарчаб қайтиб келади. Ичкари уйга кириб чироқ ёқиб, пул санайди. Яна чиқиб кетади. Рўзгорнинг қалитини ташлаб кетмаганидан қозон осолмай кутиб ўтираман. Охират кўзига кўриняптимикин?

– Бумайрам, Тўхтанисо, сен ҳам менга яқинроқ ўтир. Ҳой, Энаси, сен ҳам кел.

Эна ўтирган жойида:

– Айтаверинг гапингизни, қулоғим қар эмас, ҳаммасини эшитиб ўтирибман, – деди. Кейинги кунларда “Катта”нинг Эна олдида обрўси қолмагандек эди. У эрига шарт-шарт гапирар, баъзан унинг оғиз очишига ҳам қўймай, силтаб ташларди. Бунга сабаб, эшикда тўй қозонида ҳар куни “нон палов” дамланиши-ю, катта-ю кичик шу “овқат”ни ейишга мажбур бўлиши эди. Эна олмишининг нариёғига ўтган, тамсиз, жирсиз таомдан силласи қуриб, ўз тили билан айтганда, “ўлар холатга” етган, қуч-қувватдан қолган хотин эди.

– Баққа кел. Ўтир, сен ҳам эшит, – деди “Катта” зарда билан.

– “Майлис” ҳам ўлсин шу пайтда бўлмай, раислик отидан тушганингизга неча йил бўлди? Ҳали ҳам эгарда қўнкайиб ўтирибсиз, – деб қўйди ғудирсиниб. У жаврай-жаврай Бумайрамнинг ёнига келиб ўтирди.

– Кўп таъна қилаверма, энаси. Энди эгардан бутунлай тушдим. – У ҳар хил, катта-кичик тугунларга тўлган тўрвани титкилаб, кичикроқ бир тугунчани олди. – Манаву сенинг пенсия пулларинг. Почтачи қандоқ олиб келган бўлса, ўшандоқ турипти: Тийинига ҳам тегмаганман. – У тугунчани Эна олдига зарда билан ташлади. Унга бошқа гап айтмади. “Катта” титкилаб иккита катта тугунни тўрвадан чиқазди. – Бу Мухторнинг хаппайи-ҳалол пули. Барака топқур, ёғиб еса тамом бўлмайдиган пул топган. Хунар, хунардан унар, дейдилар. Ҳозир ҳам болагинам “Биби Убайда”да, заготзернонинг пажарниги Луқмонбекнинг эшигида ётиб ишляпти. Олиб қўй, Тўхтанисо! – У халтадан олган хом ғиштдек оғир, тўрт бурчак тугунни Тўхтанисо томон суриб қўйди. Кейин яна тўрвани титиб, кичикроқ тугунча олди. – Анаву катта, оғир тугун Анваржоннинг ўн беш йилда топган пуллари. Кичиги болаларинг учун собес юборган нафақа пуллар... – “Катта” манаву сенга, манаву унга, деб охири халтани бўшатди. – Шу пайтгача сизларни ўз пенсия пулимга боқдим. Қучдан қолган чолнинг топгани “нон-палов”га зўрға етарди. Энди бундан буён қозон-товоғингизни бўлак қилдим. Мени йикқан-терган пулим йўқ. Қўзим юмилганда ўраб-чирмаб, маконимга обориб қўйсанглар, бас. Фақат битта илтимосим бор. Шу илтимосим бажо бўлмаса, гўримда тинч ётолмайман. Ҳамроалини топиб келиб, иссиқ-совуғидан хабар олиб туринглар. Ташлаб қўйманглар...

Анваржон гўшт олгани чикқанда қассоб бир гап айтганда:

– Отанга нима бўлган, ким кўринса сендан қарзимиз йўқми, қиёмат қарз бўйнимда кетмасин, деб рози-ризолик тилаб юрипти?

Анваржон ердан бош кўтариб, ота юзига қаради. У бола бўлиб умрида биринчи марта ота юзига қараши эди. Ота кўзида ёш кўриб, ғалати бўлиб кетди. Ўрнидан туриб унинг бўйнига осилгиси келди.

– Болам, – деди “Катта”, – ичингда армонларинг бордир, ахир? Айт, дардингни, тўқиб сол!

– Мен Тошкентга жуда катта ниятлар билан борган эдим. Устозлар, сендан катта

ёзувчи чиқади, деб бағирларига олишганди. Аммо топишимнинг тайини бўлмади. Пул топармиканман деб, мардикор бозорига ҳам чиқдим. Мардикор ёлловчилар рангимни, жуссамни кўриб ёнимдан индамай ўтиб кетардилар. Идорада ҳушдан кетиб қолган пайтларим ҳам бўлган. Шундай меҳрибон, буюк истикбол ваъда қилган устозларнинг юзига оёқ кўйиб, Олчинга қайтиб келдим... Сиз учун “Олчин” бир мамлакат эди. Мен ҳатто маҳаллий ҳам эмас, фақат маҳалла ёзувчиси бўлиб қолаётганимдан эзилиб кетаман. Бирга ишлаган, устозлардан бирга сабоқ олган ўртоқларим ҳозир номдор ёзувчи бўлиб кетишди. Бир-иккитаси “Халқ ёзувчиси” деган катта унвон эгаси бўлди. Мен мана шу бахтдан бенасиб қолдим.

“Катта”нинг боши эгилди. Елкалари қаттиқ-қаттиқ силкинди. Ерга икки томчи кўзёши тушди.

– Мен аҳмоқ, ризкинғизни қийиб пул йиғибман. Шундай қилсам ўлиб кетганимда болаларим кунига ярагади, деб ўйлабман. Бумайрам, кеча айтган гапинг ўла-ўлгунимча қулоғимдан кетмайди.

Бумайрам, нима деган эканман, деб унга савол назари билан қаради.

– Гўдаклигида тўйиб оват емаган ўғил болалар катта бўлганда нимжон, қилтирик, ланж, оғир ишга ярамайдиган бўлиб қолади, дегандинг. – У шундай деярли Анваржонга бир қараб кўйди. Бу қарашнинг маъносини Энаси ҳам, Бумайрам ҳам, ҳатто Анваржоннинг ўзи ҳам тушунди. Ноқулай вазиятдан қутулиш учун пешонасини силади. – Энди пул йиғишнинг ҳожати йўқ. Болалар катта бўлиб қолишди. Бирин-кетин ўз йўлларини ўзлари топиб кетишяпти. Катта эшигимиздаги томорқанинг кунботар томонга икки юзта терак қаламчасини қадаган эдим. Етти йилда йўғонлиги филнинг сонидек бўлди. Худо хоҳласа, бу тераклар сизларни камида йигирма йил боқади. Ҳар кесганда тагидан яна чиқаверади. Ўшаларни парвариш қилинса, ёнидан чиққан бачки шохларини кесиб турилса, бас. Бумайрам, сен уйим-жойим дейдиган яхши келин чикдинг. Шу бўш-баёв боламини сенга ишониб ташлаб кетаман. Сендан розиман, болам. Бугун ҳамма невараларимни Кўконга обориб, кабобга тўйдираман. Ўйинчоқлар, кўғирчоқлар, уст-бошлар, ҳар хил ленталар, бураб кўйиб юборса гуриллаб югуриб кетадиган автомобиллар, велосипедлар, портфеллар, қизиқ-қизиқ китоблар, бўёқ қаламлар олиб бераман. Бу мен золимнинг шу пайтгача тўйиб-тўйиб, тўкиб-сочиб оват емаган норасталардан кечирим сўраганим бўлади. Йўқ, бунақа гуноҳни кечирим сўраш билан ювиб бўлмайди. Мабодо шулардан биронтаси ногирон бўлиб қолса, гўримга ўт қўйиб юборинглар. Шунда кўнгилларинг зора таскин топса. – У ўрнидан туриб, бўшаб қолган тўрвани эҳтиёт шарт бир силкиб кўрди. Кейин уни оёғи тагига ташлади. – Елкадан босиб ётган юк, хайрият, ерга тушди. Энди қушдек енгил бўлдим.

“Катта” кўча эшиги томон кетаётганда босган қадами мўлжалга тушмай маст одамдек чайқала бошлади. У орқасига қарамай деди:

– Соат иккиларда катта эшикка автобус келади. Болаларни кийинтириб тайёр қилиб қўйинглар...



Салима
УМАРОВА

Бахт иси келади тонглардан

* * *

Умр нима ўзи, захматми роҳат,
Олтмиш йилнинг юкин олмиш қай бири?
Гул фасл – ғамлардан гуллаган неъмат,
Англаб етолдикми яшамок сирин?

Тонг ҳадяси захил-заъфарон кўшиқ,
Кун ҳам оташида тобласа чийраб.
Хижрон пуркар ҳаво, кирқилган қирқ жон,
Умр маънисини англатолди раб.

Синов эрур умр, саботдир умр,
Пасту баланд йўллар – юришга маҳкум.
Саодат истасанг икки дунёда,
Меҳр соч кўзингга пуркасалар кум.

Бугун умр шоми келмоқда шошиб,
Уфқ яшнамоқда ишқ ифоридан.
Дўст, юрт, сенга тутгум хазинам – меҳр,
Олгин, қувонайин, олгин, боридан.

* * *

Жоним поралаган йўқотмишим кўп,
Рухимни қайроқлаб, кунлар юз очди.
Ҳасадгир йўлдошдан умрим талотўп,
Ва, ҳар лаҳза қалбга ҳикматлар сочди.

Салима УМАРОВА – “Шухрат” медали, “Меҳнат ишхрати” ордени билан тақдирланган. 1954 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. “Инсон ҳақида кўшиқ”, “Қалб дафтари”, “Юракнинг ранглари”, “Райҳон ҳиди”, “Дил тилаклари”, “Саодат йўли” номли тўпламлари чоп этилган.

Соғиндим, жонимда гуллади вафо,
Болам деб, онам деб, Ватан деб ёндим.
Энг буюк ишқ сеҳри юрагимда жо,
Балки, шу ишқ шавки ила уйғондим.

Бугун яхшилиқнинг умридир узун,
Бугун яхшиларнинг баланд овози.
Шундай, эзгуликни етилтирган кун,
Куйлаб чарчамагин уни, шом рози.

* * *

Ушоққина қалам, заҳмат тўла йўл,
Тингламай нозигул кўнгил исёнин,
Фурсат пойлаб турган хоин лаҳза мўл,
Жонни бошқаргувчи саркашрух коним.

Баҳорни ўтибман, ўтибман ёзни,
Бугун олдда турар сумбула кузак.
Ва... Рухим тинглагай соҳир овозни –
Ларзон неъматлари умрга безак.


Сабр йўлларида топганим улар,
Олганим шулардир сабот қўлидан.
...Қурбонгоҳга кетган не-не туйғулар,
Бахш бўлиб келмоқда ишқнинг йўлидан.

Тароват

Булут оҳанг севалаб ўтди,
Боғлар узра, далалар узра.
Тоғлар узра қаҳқаҳа кетди –
Қуёш қизиқ латифа сўзлар.

Покизалик – дарахт, гулларда,
Шаббода кучоқлаб олгулик.
Ер хиди уфурган йўлларда,
Кўнгил наволарга солгулик.

Қўлмақларни пуфлайди еллар
Титраб куннинг, булутнинг акси.
Мангуликка чорлайди йўллар –
Тирикликка ўқийсан таҳсин.



Собир ЖАББОР

Собир ЖАББОР – 1955 йилда туғилган. Тошкент давлат университетининг (ҳозирги ЎзМУ) журналистика факультетини битирган. Унинг “Яшаи имкони” шеърый тўплами нашр этилган.

Шафтоли гули

Шафтоли гулин кўриб,
Болари бўлгим келди.
Гулгун чехрали ёрим,
Бағрингда кулгим келди.

Шафтоли гулин кўриб,
Болари бўлгим келди.
Гул, ари топар сурур,
Мен нима қилай энди?

Шафтоли гулидайн
Бўса тутсанг нимтатир,
Уйғонар дилда майин,
Хамир ичидан патир.

Кел, сени гуллатайн,
Сувратингга тикилдим.
Шафтоли гулидайн
Тўкилди дил, тўкилди.

Саратон

Хайриятей –
Омонлик тилаб,
Елпинишар олма, гилослар.
Кўз олдимда жилмаяр аста
Намозшомгул қаддини ростлаб.

Энди ширинсухан қовунлар
Сирларини сақлолмас ичда.
Ой ялонғоч ҳолда ювинар
Ҳансираган тўлқинлар ичра.

Дил орзиқар хар кўча-кўйда –
Куйлар аро яйрар ғазаллар.
Ухлолмайди тунлари уйда
Ўн саккизга кирган гўзаллар.

Энди уни

Бу қадим шаҳарнинг эгалари бор,
Бобом менинг – Абу Райҳон ал Беруний.
Боғларида тил ёрар мевалари бор,
Бахш этамиз бу шаҳарга юрак қўрини.

Истиклолда, келажакка бўлиб рўбарў,
Кўтарганча елкасида соғлом авлодни.
Боболарим, момоларим бари бообрў,
Барпо қилди масканларда янги ҳаётни.

Авайлайман тун-кун Султон Увайс тоғини,
Берунийнинг номларига юқтирмай деб гард.
Кўзга суртиб Ватанимнинг зар тупроғини,
Энди уни қорачигимда сақламоғим шарт.



**Зухра
ЯНГИБОЕВА**

Истиклолга

Ҳамма юртнинг ўзига хос минорлари бор,
Қиш, куз, баҳор билан видолашасан.
Ҳар бир уйда қулоқ етмас чинорлари бор,
Берунийда тоғ йўқ десанг хатолашасан.

Толеидан чексиз бахти ёрлиги учун,
Ташлаб узоқ-узоқларга дунё кўз қирин.
Қалбда умид тоғдек таянч борлиги учун,
Чикди эркака шундай улар суяб бир-бирин.

Бахтиёрман

Бари чинор бўлиб қолган,
Ўчмас боболар ёдлари.
Ҳар соҳада таълим олган
Аждодлари, авлодлари.

Келажакка кенг йўл берган,
Дилда гуллаган баҳорим.
Қувончимга соф дил берган,
Гуркираган она шахрим.

Қайда олов, қай ерда дод,
Сайрар булбул боғ-роғингда.
Дилим обод, юртим озод
Бахтиёрман қучоғингда.

Зухра ЯНГИБОЕВА – 1956 йилда туғилган. Нукус давлат университетининг филология факультетини тамомлаган. Ижодкорнинг “Ихлос”, “Ўйгоқ қалб”, “Ёғдулар ичра – мен” шеърӣ тўпламлари нашр этилган.

Ҳаёт



**Собир
ОЛИМЖОН**

Ҳаёт нима? Сўрама мendan,
Яшашимни туб маъносини.
Ғимирлайман субҳидам – тонгдан,
Ечай деб, кун муаммосини.

Эрга саҳар нонушта килиб,
Отланаман ҳар куни ишга.
Ишларимни саришта килиб,
Чоғланаман ишдан қайтишга.

Уйда қанча муаммо қутар:
Бола-чақа, ғаму ташвиши.
Шу йўсинда кунларим ўтар,
Ҳеч ташвишсиз юрмаскан киши.

Ҳаёт, асли, меҳнат, ҳаракат,
Мақсад килиб борар орзуни,
Шунда келар қуту баракат,
Мана сенга ҳаёт мазмуни.

* * *

Бир баҳор келади қалбимга менинг,
Ҳисларим жунбушда сўзлар унади.
Сўзларим нопармон, фикрларим кенг,
Сўзларим устига туйғу қўнади.

Сараларим топиб жилвагар сўзнинг,
Қалбимда шеър айлаб тузгим гулдаста.
Сатрлар кетидан сатр харир қоғознинг
Оқ бетига томади оҳиста-аста.

* * *

Сизларни севаман қишлоқдошларим,
Ҳар бирингиз менга азизсиз-азиз.
Қаро кўзлариму қаро қошларим,
Фарзандларим каби ҳар бир ўғил-қиз.

Кексаю ёшлари дўст-ўртоқларим,
Куним ўтмас сизла қўллашмасам қўл.
Келар бир кун, ногоҳ, қайтар чоғларим,
Дуо имконила қилар қўлма-қўл.

Собир ОЛИМЖОН – 1955 йилда туғилган. “Сиз ўшамми?”, “Дунё танир ўзбекни”, “Алмашдим қўғирчоққа”, “Қизик ўйинлар”, “Юрт мадҳи” шеърый тўпламлари чоп этилган.


Яшасанг

Ўйласанг, кимгадир кераклигингни,
Кимгадир суянчик, тиргаклигингни,
Ҳамиша хушёру сергаклигингни,
Элингга меҳрингни бериб яшасанг,
Юракдан севилиб, севиб яшасанг!

Кимдир йўлларингга бўлиб юрса зор,
Кимнидир ё ўзинг айласанг хумор,
Муҳаббатни қалбга сен этиб тумор,
Сирли боқишлардан эриб яшасанг,
Юракдан севилиб, севиб яшасанг!

Кимнидир дардига бўлосанг малҳам
Ё кимдир сен сари талпинса ҳар дам,
Шодлик ҳамроҳ бўлиб, йироқлашса ғам,
Беминнат ризқингни териб яшасанг,
Юракдан севилиб, севиб яшасанг!

Ортса, одамларга берсанг борини,
Зарурда кўтарсанг, элнинг корини,
Турди Ҳайдар мунавварлик орини –
Ичига чуқурроқ кириб яшасанг,
Юракдан севилиб, севиб яшасанг!



Турди ҲАЙДАР

Ҳисобли дунё

Дейдилар, дунёнинг ками тўлмагай,
Бу бир кам дунёдир, ҳеч бут бўлмагай,
Яхшилик қилсанг гар қадри сўлмагай,
Ахир, яшамоқдин дўстим не маъно,
Ҳисобли дунё бу, ҳисобли дунё!

Бахилнинг ҳеч қачон кўкармас боғи,
Фарзандлари борнинг ўчмас чироғи,
Ҳимматли инсоннинг яқин-йироғи,
Яхшилик ҳамиша таратур зиё,
Ҳисобли дунё бу, ҳисобли дунё!

Ёмонлик қилсанг гар, қайтар шу замон,
Яхшиликка интил, бўлмагин ёмон,
Қун кетидан келгай, қун доруломон,
Ғунча эдинг, энди, бўл гули раъно,
Ҳисобли дунё бу, ҳисобли дунё!

Турди ҲАЙДАР – 1947 йилда туғилган. Қариш давлат педагогика институтининг (ҳозирги ҚарДУ) педагогика факультетини тамомлаган. Унинг “Ҳисобли дунё”, “Умр лаҳзалари”, “Ҳаёт муаллимдир олсангиз ибрат”, “Таширф манзили”, “Эзгулик элчиси”, “Ҳайрат мулки”, “Эзгулик наволари”, “Меҳрим сизга одамлар” китоблари, “Умр давони”, “Меҳр сарчашмалари” сайланмалари чоп этилган.

Дўстим, нима эксанг, шуни ўрасан,
Ахир, пешонгда борин кўрасан,
Мендан нега шундай дея сўрасанг,
Тақдир шуни сенга этгандир раво,
Ҳисобли дунё бу, ҳисобли дунё!

Умр югурикдир, қилгин сарҳисоб,
Кутмагай, интилуру олдинга шитоб,
Турди Ҳайдар сизга айлайди хитоб,
Борар жойи битта: шохми у гадо,
Ҳисобли дунё бу, ҳисобли дунё!



Олия ОРТИҚОВА

Бахт иси келади тонглардан

Қаҳратон қатрони эриган чоғда,
Бир насим, бир мужда кезади боғда,
Ҳаёт мавжланади куртак, бутоғда,
Дил фориг бўлади занглардан.

Қирларнинг либоси алвон рангида,
Олам қўшиқ куйлар гул оҳангида,
Зулмат ва зиёнинг битмас жангида,
Яшиллик уфурар ранглардан.

Куёшнинг инжуси дилни ёритар,
Дарёнинг шовқини ғамни аритар,
Қалдирғоч вижирлаб, қишни қаритар,
Ғуссалар қувилган онглардан.

Макон бошдан-оёқ гуллайди яна,
Кўзларга қатра нам илмайди яна,
Кўнгилларда сурур қилар тантана,
Мангуга барқарор шонлардан.

Отамнинг кетмони далага интиқ,
Онам нон ёпади меҳридай иссиқ,
Болам кўзларидай осмон ҳам тиниқ,
Бахт иси келади тонглардан.

Олия ОРТИҚОВА – 1960 йилда туғилган. Термиз давлат педагогика институтини (ҳозирги ТерДУ) тамомлаган. Ижодкорнинг “Бахт иси келади тонглардан” номли шеърый тўплами чоп этилган.

Умримиз

Отдами ё пиёда,
Бировдан кам, зиёда,
Сарин елдек дунёда,
Ўтиб борар умримиз.

Кўнгил қурғур тўлмасдан,
Эзгу ишлар қилмасдан,
Савоб нима билмасдан,
Ўтиб борар умримиз.

Гоҳи окни-кора деб,
Амал тегса зора деб,
Садақаю чора деб,
Ўтиб борар умримиз.

Оқибатни ўйламай,
Охиратни сўйламай,
Ширин жонни қийнамай,
Ўтиб борар умримиз.

Майли, яхши, ёмонмиз,
Ҳар не дўстлар, омонмиз,
Бўлайлик Ҳақ томон биз,
Ўтиб борар умримиз.

Ватан

Йўлларимни ёритувчи
Чироғимсан, ўзинг Ватан!
Кўзларимнинг гавҳарию
Қароғимсан, ўзинг Ватан!


Диёримни сотмай ёвга,
Ҳасрат қилмасдан бировга,
Жонин тиккан шарт гаровга,
Широқимсан, ўзинг Ватан!

Не бир зотлар ўтди бир-бир,
Не султонлар, не жаҳонгир,
Темур бобом тутган шамшир –
Яроғимсан, ўзинг Ватан!

Вафо кўрмай бу жаҳондан,
Бобур кетмиш Андижондан,
Бир сас келар Ҳиндистондан,
Сўроғимсан, ўзинг Ватан!

Кўксим ёқар оташин тафт,
Бир тафтингман, мен ҳам шўх-шан.
Киндик қоним томган бир кафт,
Тупроғимсан, ўзинг Ватан!

* * *



Абдукарим
ИСЛОМ

Ойнинг қоронғи ўн бешида
катталашар қорачикларинг,
Ўткирлашар нигоҳинг –
вужудинг бир улкан кўзга айланар.
Ҳар хужайранг – сезги,
Ҳар тукинг – ханжар.
Биласан:
тўрт ёнинг эмасдир қибла,
тошмоқ керак ягона,
энг тўғри йўлни.
Ўтмоқ керак паст-баландни,
ўрни-кирни,
йиқилмасдан,
суринмасдан
ойнинг қоронғи ўн бешида.
Ойнинг қоронғи ўн бешида.
атрофингни қамраб келар қўрқув,
оёгингдан чалар ваҳима...
...Фақат ўзингга суянгайсан,
кучингга,
бардошингга таянгайсан,
ойнинг қоронғи ўн бешида.
Ойнинг қоронғи ўн бешида.
айрилмагайсан умидинг,
ишончинг,
Эътиқодингдан.
Ўтаётган ҳар лаҳза
зулмат пайини қирқаётган исфаҳон.
Ўтаётган ҳар лаҳза – имкон.
Ўзинг билмассан,
эхтимол,
ойнинг қоронғи ўн бешига етарсан,
ойнинг қоронғи ўн бешида.

Абдукарим ИСЛОМ – 1951 йилда туғилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Шоирнинг “Эзгулик”, “Хаёлимда йўл босдим узоқ” номли тўпламлари нашр этилган.

Қуш бўлиш орзуси


Қуш бўлиш орзуси
бизни этмас тарк.
Ҳолбуки,
биз
ернинг тортиш кучин
аллақачон енганмиз.
Қадамимиз
югурик
хаёлимиздан.
Қийикла
тангидик ернинг
оғриқли бошин.
Ойдан ўпич олдик.
Юбордик
Зухрога муҳаббат хатин.
Юлдузлар
сайри ҳам яқин.
Барибир,
куш бўлиш орзуси
бизни
Этмас тарк...

Китоб

Китоб ҳаёт кузгусидир,
Қаёғингдай асрагил.
Эзгуликлар эзгусидир,
Бойлигингдай асрагил.

Дунё ичра дунё очар,
Китоб азиз ҳамроҳинг.
Илму ҳикмат нурин сочар,
Дилдан кетар ғам-оҳинг.

Англайсан, оламини сен,
Еру осмон асрорин.
Буюклар ҳам сабоқ олган,
Ўкиб муқаддас китобин.



**Карим
ТОШҚУЛОВ**

Карим ТОШҚУЛОВ – 1952 йилда тугилган. Тошкент давлат университетини (ҳозирги ЎзМУ) битирган. Унинг “Қалб наволари”, “Ватан мадҳи”, “Озод диёр” номли шеъррий тўпламлари чоп этилган.

Китоб – олам чароғбони,
Келтирар бахт-саодат.
Маърифатнинг зиёсидан,
Йўлланар қадру қаноат.

Тонг тилаги

Эзгу ният орзулардан юксалиб ҳаёт,
Ўтар экан, дардсиз яшай олмас одамзот.
Ҳар ким ҳаёт сўқмоғида синалар бот-бот,
Ёруғ ҳислар ардоғида яшашдир мурод.

Ҳар тонг олсин, дийдоримиз тонгдан уйғониш,
Юксакларга етакласин ҳар ўтган онлар.
Бахт-икболдан садо берсин ҳар сўз, ҳар хониш,
Элим деган, элда азиз булсин, ёронлар.

Баҳор келган вақт

Кенгликлар бурканди ям-яшилликка,
Майсаларнинг боши ёмғирдан эгик.
Инсонлар кўнглида бор шукроналик,
Шукурки, баҳорга соғ-омон етдик.

Зумда пайдо бўлган момақалдирик,
Уйғон, дея қалбга кўркув солгандай.
Чўчиб термиласан фалакка шунда,
Хайрият, баҳор бу, тортилади ёй.

Турналар келмоқда биз томонларга,
Шуурида доим илиқлик, соғинч.
Баҳор хос гуллаган ҳур замонларга,
Ватаним ҳамиша: чароғон, ҳур, тинч.



**Мухайё
ТЎЛАГАНОВА**

ҚИЗИҚАРЛИ АСАРЛАРНИНГ ЎРНИ БИЛИНАЯПТИ

Болалар ёзувчилари инсон руҳининг муҳандисларидир. Улар болаларга мос, кизикарли, улкан ишларга отлантирадиган асарлар ёзиб, ёрқин, кучли бадий образлар яратиб, ёш авлоднинг онги, характери ва иродасини ўстириб чиниктириши ва қийинчиликларни енга оладиган, меҳнатсевар, ҳалол кишилар қилиб тарбиялашда ёрдам беришлари керак.

Бу эзгу вазифани бажаришда адабий тилимизда Абдулла Қаҳҳор, Ойбек, Адҳам Раҳмат, Латиф Махмудов, Назир Сафаров, Носир Фозилов, Худойберди Тўхтабоев, Сафар Барноев, Анвар Обиджон, ҳозирги адибларимиздан Эркин Малик, Муҳаббат Ҳамидоваларнинг ўрни катта. Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Ориф бежизга “Болалар адабиёти – фаришталар адабиёти” демаган.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси, устоз адиб Худойберди Тўхтабоев “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чиққан бир мақоласида болалар насри жуда оқсаяпти, деган эдилар.

Яқинда таникли шоира Зулфия Мўминованинг “Академнашр” нашриётида “ҳали ҳеч қаерда айтилмаган” эртақларни ўз ичига олган “Донишманд тошбаканинг кўзойнаги” номли китоби чиқди. Болаларга хос беғуборлик, кувноклик ва ҳақгўйлик билан суғорилган ушбу эртақлар тўплами мураккаб қалба катталарга ҳурмат, кичикларга иззат каби фазилатларни шакллантиради. Эртақларни ўқиган бола кўз ўнгига беғубор ҳаёт намоён бўлади. Ўқувчида эртақ қаҳрамонларидек мард, зукко, садоқатли бўлиш истаги пайдо бўлади. “Қоратош”, “Бўталок ва кўзичоқ”, “Жасур типратикан ҳақида кўшик” ва бошқа эртақлар шулар жумласидан.

“Чин дўстлик” эртагида типратикан билан тошбақа чин дугоналар. Ёмғирли кунда типратикан этикчаларда, тошбақа эса юпун поябзалда кетишар эди. Меҳрибон типратикан дугонасига бир пой этигини беради. Тошбақа уйига келса, унга янги этикчалар олиб келишибди. Она тошбақа кизига соябон берибди. Тошбақа дугонасини уйига кузатиб қўйибди.

Мухайё ТЎЛАГАНОВА – 1959 йилда туғилган. Республика рус тили ва адабиёти педагогика институтини (ҳозирги ЎзДЖТУ) тамомлаган. “Энг яхши совга”, “Қалдирғочлар”, “Сабоқ”, “Сахий бобо”, “Тоza ҳаво” номли китоблари нашр этилган.

*Шамол-шамол, эсавер
 Бизлар сендан қўрқмаймиз
 Ёмғир-ёмғир, ёгавер,
 Бизлар сендан қўрқмаймиз.
 Кимнинг дўсти бор бўлса,
 Демак унинг бахти бор.
 Кимнинг дўсти бор бўлса,
 У ҳар доим бахтиёр.*

Шоиранинг “Чўлпон” нашриётида чоп этилган “Юмшоқ исмли типратиканча” номли эртаклар тўпламида “Катталар болаларга ўкиб беришлари учун” деган илова бор. Китобдан “Тадбиркор типратиканлар”, “Қирқоёқлар учун қирқ жуфт этик ҳамда қирқ жуфт пайпок буюртма берилди”, “Оқ кўнғизчанинг қора кўнғиз бўлиб қолгани ҳақида” ва бошқа эртаклар жой олган.

Мен муаллифнинг бу икки эртаклар тўпламига “Замонавий эртаклар” деган илова киритган бўлар эдим. Масалан, “Тадбиркор типратиканлар” эртагида “Ўрмон окшоми” газетаси, “Ўрмон янгилеклари” кўрсатуви, “Ўрмон банк”и, “Типратикановлар оилавий корхонаси” иборалари қўлланилган. Улар китобхоннинг мазмунни яхшироқ тушуниши учун адибанинг атайлаб қўллаган топилмаларидир.

Маълумки, Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджон болалар ва катталар учун ажойиб хангомалар, ҳажвиялар, масаллар, эртагу, ҳикоялар муаллифидир. Муаллифнинг “Кичкинтойлар қувончи” (“Ўзбекистон” НМИУ.) номли китоби болалар учун шеърлар, ҳикоялар ва қиссалардан иборат. Улар замирида қизик воқеалар, чуқур фалсафий қарашлар яширинган.

“Мўтгивоймисан, Митгивоймисан?” қиссасидаги “Ясама йўлбарс хангомаси” да бўрдоки қўчқор Хўппакаллани бола қозикқа қалта боғлайди. Танасига ўрикнинг елими аралаштирилган тезакни суртиб, қўнғир рангга бўяйди, қозонқуяда йўл-йўл чизиклар тортади. Кейин бошига қаноп халта кийдириб, қайчида иккита кўз очади.

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” асаридаги Қоровой, Худойберди Тўхтабоевнинг “Сехрли қалпоқча” асаридаги Ҳошимжон, “Ишбилармон кишилар” фильмидаги “ҳиндулар саркардаси” образларини эслаш мумкин. Бу асарлардан одам хузурланиб завқ олади.

Анвар Обиджоннинг “Одобли бўлиш осонми?” эртагида Сичқончага онаси катталарни кўрганда “Ассалому алайкум” дейиш кераклигини тушунтиради. Сичқонча аввал Мушукка, кейин Эчки, Тошбақага одоб билан салом беради.

Аммо иккита суюқ ғажияттан итлар унга бепарво. Сичқонча қаттиқ хафа бўлади. Эчки шундай дейди:

– Хафа бўлма, биринчи бўлиб салом бериш савобли иш. Аммо салом беришнинг ўз фурсати бор. Қолган гапни уйда ота-онангдан сўра, улар бафуржа тушунтириб беришади.

Ёзувчи Эркин Усмоновнинг “Боғқўча болалари” (“Шарқ” НМИУ) қиссалар тўплами “Боғқўча болалари”, “Телепат”, “Акс”, “Сукунатнинг сирли садоси”, “Эртакка ўхшаган ҳодиса” қиссалари ва болалар учун ҳикоялардан иборат. Бу китоб “Болалар учун ёзилган энг яхши асарлар” Республика танловида ғолиб бўлган, айрим асарлари асосида болалар учун бадий фильмлар ишланган.

“Дилафрўзнинг эртаги” ҳикоясининг мазмуни: автобус, троллейбус, трамвайлар – уч ака-ука. Икки ука тўполончи бўлгани учун она уларнинг

қўлларини боғлаб қўяди. Энди улар факат тўғри йўлдан юришга мажбурлар. Автобус эса босиқ, ақлли. Унда кўчаларга кириш учун рухсат бор...

Маълумки, эртақлар қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар болалар учун азиз. Улар дўстлик, садоқат, меҳр-оқибат ва бошқа гўзал инсоний хислатларни ўзида мужассам этади. “Ўзбекистон” нашриётида тўққизта рангли, суратли ўзбек халқ эртақлари нашрдан чиқди.

“Сехрли флейта” номли жаҳон халқ эртақлари (160 бетли) ёш китобсеварларга манзур бўлади, деб ўйлаймиз. “Сехрли флейта” эртагида чўпон бола флейта асбобида майин куй чалиб даҳшатли девни разилликдан қайтаради.

“Чўлпон” нашриётида чоп этилган молдаван адиби Спиридон Вангелийнинг “Гугутсенинг саргузаштлари” қиссаси кичкинтой Гугутсега отасининг унга катта телпак олиб беришидан бошланади. Қиссада окқўнгил, довюррак Гугутсе ва унинг кизиқарли, ибратли саргузаштлари қаламга олинади. Китобдан ўрин олган ҳар бир ҳикоя алоҳида мазмунга эгадир.

“Буvasининг ҳассаси” ҳикоясида бобонинг туғилган кунига совғалар келади. Гугутсе бобосига ҳасса беради. Бир куни Гугутсе буважон, нега мен совға қилган ҳассага суянмаяпсиз, деб сўрайди. Шунда бобо: “Сен менинг ҳассам – суянчиғимсан”, дейди.

Спиридон Вангелийнинг бу қиссаси кичкинтой Гугутсе образи орқали китобхон қалбига қувноқлик ва гўзаллик бахш этади. Зеро, болалар учун яратилган яхши асар вақт, замон, макон танламайди. У бир умр инсонни тўғрилиққа, ҳалолликка чорлайди.



*Маънан етук китобларни
танлаб ўқи. Акс ҳолда, бир даста коғоз
ҳаётингни захарлаши мумкин.*

Марк ТВЕН.





Qudrat HIKMAT

Uchib yurar mayin shamollar

Ertalab

Osmon tiniq, zangori,
Beg'ubor aft-angori,
Yarqirab nur anhuri,
Oftob chiqdi olamga.

– Assalom! – der yer pastda,
– Assalom! – der el asta,
Qancha orzu-havasda
Oftob chiqdi olamga.

Dovon oshib shod-xandon,
Xursand bo'lib u chandon,
Yashasin deb har bir jon,
Oftob chiqdi olamga.

Mix

Qalpoq kiygan askarga
O'xshaydi ming polvon ham.
Birikadi u bilan
Eshigu rom, narvon ham.

U bor uylar saranjom,
Havas qilar har asbob.
Ko'rinishdan kamsuqum,
Ro'zg'or uchun qulay, bop.

Maxsus katak qutida
Saqlashadi tejalab.
Qurilishda ustalar
Ishlatishar rejalab.

Qudrat HIKMAT – (1925–1968) Toshkent pedagogika institutini tugatgan. Adibning “Baxtli bolalar”, “Uch o'rtog'ning sovg'asi”, “Nevara mehri”, “Soatjonning soati”, “Shamol botir”, “Mening yuragim” nomli she'riy to'plamlari nashr etilgan.

Goh yanglishib ko'p joyga
Qoqib ayb qilishsa,
Qalpog'ini qiyshaytib,
Uni mayib qilishsa...

...Norozilik bildirib,
Mix qoladi qayrilib.
Deraza ham o'rnashmas
Kesakidan ayrilib.

Ko'rsa o'yinqaroqlar
Tepib, sochib ketadi.
Ko'zim tushsa, nogahon,
Jonim achib ketadi.

Turli-tuman buyumning
Pay tomiri o'shadir.
Bo'lak-bo'lak yog'ochni
Bir-biriga qo'shadir.

Bir istagim bor, uka,
Mixday to'g'ri, o'tkir bo'l.
Hurmat qilib do'stlaring
Shunda, senga berar qo'l.

Bahor

Uchib yurar mayin shamollar,
Yelpib-yelpib anhor yuzini.
Qirg'oqlarda soyabon tollar
Oyna-suvda ko'rar o'zini.

Tong yellari o'ynoqlab sekin,
Jiydazorga kirib yo'qolar.
Maysa, o'tlar tebranib sekin,
Orqasidan kuzatib qolar.

Chumchuqlarning og'zida cho'p-xas,
In qo'yishar tutlar ustiga.
Ko'kni quchgan teraklar tinmas,
Oro berar kulrang po'stiga.

Bedapoya, yam-yashil o'tloq,
Chinorlarda qushlar chug'urlar.
Ko'klam ko'rkin ko'rdingmi, o'rtoq,
Chamanzordek hammayoq gullar.

Tog' manzarasi

Go'yo ko'kka ustun tog',
Kiygan suvsar, oq qalpoq.
Cho'qqilari o'rkachdek,
Tosh gavdasi keng, yalpoq.

Ko'ksin bezar alvon gul,
Kifti archa-to'nlari.
Sho'x qo'shiqlar aytadi
Shalola-fontanlari.

Har xarsangi ming botmon,
O'rtasida nil hovuz.
Butalarning tagiga
In qo'yishgan g'oz, tovus.

O'tzorlarda chiyovlar
Qirg'ovulu tustovuq.
Ba'zan quyosh yilt etar,
Ba'zan tushar tez sovuq.

Chodir – uyni ivitib,
Savalaydi sel, jala.
Hurkib kiyik jayronlar
Qochishar gala-gala.

Alisher va kitob

Kitobga o'ch o'g'ilcham,
Oltin topgan singari.
Chiqsa yangi bir asar
O'qir mendan ilgari.

Mayli, bo'lsin hikoya
Yoki to'rt yo'l quvnoq she'r.
Ayvonchada muk tushib,
Sharillatar Alisher.

Qosh qorayib ketguncha
Qo'ldan tushmas kitobi.
Unga yoqqan she'rlarning
Hozircha yo'q hisobi.

Olimdek serharakat,
Ishlar puxta berilib.
Uncha-buncha yoshlardek
Oshib ketmas kerilib.

Turna qator savolga
Jiddiy kabi doim shay.
Hozirjavob bo'lmasdi,
Shuncha kitob o'qimay.

ОШХОНАНИНГ МУШУГИ

Интермедиялар



Алп ЖАМОЛ

Роза нонуштага ҳозирлик кўряпти.

Эргаш: – Чойни тезроқ олиб келакол, хотин. Бугун ишга барвақтроқ бормасам бўлмайди.

Роза: – Бугун байрам-ку. Байрамда ҳам уйда ўтирмайсизми?

Эргаш: – Менга қолса-ку жон деб уйда ўтирардим-а... Биз ошхона ходимлари байрам кунлари ҳам хизмат кўрсатмасак бўлмаслигини биласан-ку, хотинжон. Нима бўлди, яна таблари ранжиганроқ кўринади?

Роза: – Билиб юрибман, шу кунларда айниброк юрибсиз. Мени ҳурмат қилмасангиз ҳам болаларингизни ўйланг.

Эргаш: – Тагин нима бўлди, чап ёнинг билан турдингми, хотин? Эрталабдан терговни бошлавординг. Биздан яна қанақа гуноҳ ўтди?

Роза: – Кечаси билан ухламадингиз. Алаҳсираб, “Жанетта, Жанетта!” деб бақириб чиқдингиз! Ким у Жанетта?

Эргаш (*қулади*): – Жанетта дедимми? Жанетта, Жанетта... Э, у ошхонамизнинг мушуги-ю! Билсанг, омборхонамизда сичқон кўп. Яқинда бир оғайним чиройли мушук олиб келди. Унга Жанетта деб исм қўйдик. Кургур жуда чиройли мушук-да, менга шундоқ ўрганибдики, ёнимдан бир қарич ҳам жилмайди. Шунга ҳам рашк қилдингми, оббо, сен хотин-эй, у ошхонанинг мушуги – Жанетта!

Роза: – Ошхонанинг мушуги эмиш. Ошхонанинг мушуги тушингизга кирибди-да. Унда, “Жанетта, мана бу рўмонли сенга олиб келдим. Жонимга кўшиб мана шуни ҳам тақдим этаман!” деган гапларингиз нимаси?! Камига бир хушомад гапларни айтиб, қуласиз бирдан йиғлаб, “Кетма ёрим йирокқа, мени ташлаб фирокқа, Жанетта!” деб ашула айтасиз?..

Эргаш: – Туш-да, хотин, тушда одам босинқирайди, алжирайди. Шунга ҳам ота гўри, қозихонами? Бор, болаларни уйғот. Ясантириб чиқ! Циркка олиб бор. Мороженое олиб бер. Ундан кейин келиб, хоҳлаган таомларингни пишириб, енглар. Мен кеч қайтаман... (*эркалаб*) Ўзимнинг сергумон хотиним. (*Қулиб ойнанинг олдига боради*).

Алп ЖАМОЛ – (1915–1990). Адибнинг “Аччиқни ачиқ кесар”, уч томли “Сайланма” асарлари нашр этилган. Телевидение ва республика театрларида кўплаб интермедия ва комедиялари сахналаштирилган.

Телефон жиринглайди. Роза дастакни олади.

Роза: – Алло... Ҳа, ҳа, Эргаш аканинг уйлари... Менми? (*бироз ўйлаиб*) Мен опалари бўламан... Чақирайми? Ким сўраяпти дейин? Хўп, хўп.

Эргаш: – Ким?.. Нега опалариман, дейсан? Ким у?

Роза (*тубукани узатиб*): – Ошхонанинг мушуги – Жанетта сўраяптилар.

Эргаш: – А? Жанетта? (*дастакка*). Пишт! Пишт, пишт-э!!!

“МУРАББО”

Эшикдан Эргаш, Садир кириб келишади.

Хусан уларни қаршилайди.

Хусан: – Келинлар, келинлар, зап келиб қолдиларинг-да. Янги йил муносабати билан бир отамлашадиган бўлдик.

Садир: – Биз сизни йўл-йўлакай табриклар ўтмоқчи бўлдик.

Эргаш: – Ҳозир турамиз, ҳеч нарсага уринманг...

Хусан: – Уриниб нима қилардим. Ҳамма нарса тахт. Мен ҳозир... (*чиқади*).

Эргаш: – Садир ака, жуда маст бўладиган даражада ичмайлик. Янги йил билан табриклагани яна икки жойга ўтишимиз керак.

Садир: – Тўғри, сиз қайсинисидан тортасиз? Оқиданми ёки қизилдан?

Эргаш: – Биласиз-ку, менга фарқи йўқ...

Садир: – Тўхтаг, келаяпти.

ЎЛМАС ҚАҲҚАҲА

Алп Жамол деганда, аввало кўз ўнгимизда телеминиатюралар театри жонланади. Одамлар телеминиатюра деса, телевизор қаршисидан ҳеч қаерга кетмасди. Бетакрор, ичкакузди ҳангомалардан ташиқил топган кўрсатувнинг ҳар сонини орзиқиб кутишарди. Бу ўзига хос театр Ўзбекистоннинг ҳар бир хонадонига кириб борди, эътибор қозонди. Унинг бунчалик эътибор қозонишида, албатта, Алп Жамолнинг ўрни беқиёсдир. Баъзи бир кишилар ёстиқдай китоблар, романлар ёзишади, лекин бу том-том асарлар ўқувчига ҳеч нарса бермайди. Ўқувчи хотирасидан дарров ўчиб кетади. Жамолдидин Асомиддинов (Алп Жамол) яратган кичик ҳажмли асарлар эса кишини ўйловга тартади, ҳам кулдиради, ҳам нафрат уйғотади. Сатиранинг кучини қарангки, ҳар бир қаламга олинган соҳа ўз даврида одамларни ўйга толдирарди, уларни зийракликка чорларди. Унинг қаҳрамонлари ҳаётда бор эди, ёзувчи айнан ҳаётдан олиб ёзарди. Ёзувчи хизматлари билан порахўрлик, таниш-билишчилик, иккиозламачилик, ичқоралик каби нуқсонлар шундай ўтқир сатира тиги остига олинадик, ўша порахўрлар, ўғрилар, муттаҳамлар оз бўлса ҳам ўзларини тиярди, жамиятдан қўрқарди.

Мирзапўлат ТОШПЎЛАТОВ,
ёзувчи ва кинодраматург

Ҳусан киради.

Ҳусан: – Хуш кўрдик, яхши ўтирибсизларми? Келинингиз Янги йилга ғалати кекс пиширибди, қаймоққа қориб, бир тотиб кўринглар... Қани, олинглар... Мана, пичок, мен ҳозир.

Садир: – Кексини макташини қара. Кошки, ширин нарсани ёқтирсам!

Эргаш: – Буни ўрнига селётками, тузланган бодрингми, лаоқал иккита курт олиб чикиб қўймайсанми, номард!

Садир: – Шошилма, ҳали кўрасан. Бу жуда шинаванда йигит!

Эргаш: – Дастурхоннинг кўринишига қараганда жуда шинавандага ўхшамаяпти.

Садир: – Нима деяпсиз, ўзи ҳам жуда тортадиган хилидан. Бу билан беш йилча бурун шундай тортишганмизки, мен бунақасини кўрган эмасман. Ўзи ғирт тайёр, кўзи юмук, навбатинг келди, деб лабига пиёла тутгандим, култ-култ ютвораверди.

Эргаш: – Йигит-да. Йигитнинг гули шунақа бўлади.

Ҳусан қўлида асал, узум билан киради.

Ҳусан: – Мана бу, Паркатнинг узуми, дадамиз ўз қўллари билан етиштириб, бизга юборибдилар, асал ҳам Паркентники. Чойга солиб ичинглар, жуда хушбўй... Олинглар. Нега ҳеч нарсага қарамайсизлар? Кечирасизлар, бир минут. *(чиқади)*

Садир билан Эргаш маъноли бир-бирига қарайди.

Эргаш: – Паркат асали... Паркат узуми!.. Оғзини тўлдириб дадам юбордилар, дейди. Дадангдан ўргилдим, узум юборгандан кўра бир шишада мусаллас юбормайдими... Ҳа, нимага жимиб қолдилар?! Оғайнингиз мактаганларидан ҳам ортик-ку?

Садир: – Сабр килинг, биродар, сабр килинг.

Чинининг жаранлагани эшитилади.

Садир: – Эшитяпсизми? Ана энди бошланади.

Кўлида иккита пиёла билан Ҳусан киради.

Ҳусан: – Оғайнилар, чойни мана шу пиёлада ичасизлар. Бунга қуйилган чой ёқут сувига ўхшаб тобланади. *(Чой қуюди)* Қаранглар... Ўзимизда ишланган пиёла. Тошкент пиёласи. *(хиргойи қилади)* Она юртнинг бағридан зуваласи, Тошкент пиёласи... *(Чой узатади)* Қани, олинглар, олишиб ўтиринглар, мен ҳозир... *(чиқади.)*

Эргаш: – Пиёлани макташини қаранг! Анавиндан олиб чикиб, консерва банкасида куйиб бермайсанми, номард!

Садир: – Ичишни унутиб юборганми? Очикроқ айтаверсакмикин?

Эргаш: – Айтинг. Олиб чиқса, олиб чиқсин, бўлмаса турайлик.

Садир: – Бирпаст сабр қилайлик, олиб чиқмай иложи йўқ; ахир бугун Янги йил баҳонаси билан...

Эргаш: – Олиб чиқса тузук-ку, аммо бу мулойимингиз сариеғ кўтариб чикиб қолмаса...

Шишалар жаранлагани эшитилади.

Садир: – Мен сенга нима дегандим...

Эргаш: – Ҳайрият-э, энди жаранглапти. Овозингдан-эй! Толиқиб кутганингдан кейин товуши гижжакнинг нолаисига ўхшайди-я!

Хусан коса кўтариб киради.

Хусан: – Зерикмай ўтирибсизларми? Кампир ажойиблар-да. Янги йил дастурхонига деб катта банкада қаймоқ бериб юборибдилар. Қани, олинглар, мен хозир.

Садир: – Тўхта.. Оғайни, биз сеникига қаймоқ ялагани келганимиз йўқ... Ҳалиги... Нима демокчи эдим?..

Эргаш: – Анови бор-ку, анови... *(томоғига чертади)*

Садир *(қўлларини қадаҳ мисоли тутиб, Эргашнинг қўллари билан туташтиради)*: – Ана шундан бўлса...

Хусан: – Э, бўлди, бўлди, тушундим... Бир минут. *(чиқади)*

Эргаш: – Энди тушунди!

Садир: – Шуни айт. Келган замонимиз айтсак бўларкан.

Эргаш: – Мақтаганингизга ўзи тушунар дебман-да.

Садир: – Аста қарай-чи, оқидан олиб чикармикан ё кизилидан?

Эргаш: – Фарқи нима, олиб чиқса бўлди-да!

Садир: – Қара, қара!

Эргаш эшикдан аста мўралайди.

Бирдан юзлари бўжмайиб кетади.

Эргаш: – Турдик, кетдик!

Садир: – Ҳа, нима гап?

Эргаш: – Бу мулоим супургингиз беш хил мураббо олиб чикапти, тулинг!

Оёқ учида юриб, чиқишади.

“ҒИЗҒИЗОН”

Биринчи кўриниш.

Эргашнинг уйи. Эшикдан Эргаш кириб келади. У ниҳоятда ғамгин ва тажанг.

Эргаш: – Болаларни онаси, ҳо, болаларни онаси, қаёқдасан?

Роза *(ичкаридан)*: – Хў, лаббай? *(чиқади)*.

Эргаш: – Доим айтаман-ку, мен келганда останада кутиб ол, деб... Уфф! Ботинкамни еч!

Роза *(ботинкани торта туриб)*: – Дадаси, анави Бердивой устидан ёзган “юмалоқ” хатимиз текширишяпти, деган эдингиз, нима бўлди?

Эргаш: – Дард бўпти, ўл бўпти. Сенинг қўлинг билан ёзилган нечтаки “юмалоқ” хат бўлса, ҳаммаси, ҳаммаси мени зиёнимга ҳал бўляпти. Мана, Қосим мелисанинг устидан ёз, дедим, ёздинг. Қўлинг беҳосият келди, хат текширилиб, Қосим мелиса лейтенант эди, капитан бўлди. Юриб-юриб яна ёздинг, майор бўлди. Тавба, деб гапирай-ю, яна ёзгудек бўлсак борми, бемалол подполковник бўлиб олади. Ундан кейин, анави Жўра бригадир устидан ёзилган “юмалоқ” хат ҳам сени акашак бўлгур муборак қўлинг билан ёзилган эди. Хат текширилиб, текширилиб ниҳоят... Бригадир раис бўлиб кетди! Ўз қўлим билан ёзай десам, ёзувим танилиб қолган, сенга ёздирай, десам, иш чаппарасига кетяпти.

Роза: – Мени ёзаман деб кўзим учяптими? “Ёз-ёз, ёзмасанг ухлолмайман”, деб мажбурлаб ёздирасиз. Яна кўлинг беҳосият келди, дейсиз. Кўлим хосиятли экан, ёзган одамларимизни амали ортапти.

Эргаш: – Кўлинг курсин! Камига амали ортганини эслатиб нима қиласан? Уфф... Юрагим ёнапти. Муз борми, муз?! Олиб келиб, юрагимга бос!!!

Хотин чиқади.

Эргаш (*ўзича*): – Хотинимнинг кўлида бир сир борми, дейман-да? Ирим қилиб ўзимни устимдан ҳам “юмалоқ” хат ёздирсаммикан? Зораки, камина Эргашхўжанинг обрўси ортиб, юқорироқ мансабга ўрнашиб олсам... Хотин, хо, хотин...

Роза киради.

Роза: – Ҳа, дадаси?

Эргаш: – Ўтир мундоқ. Ёз!

Роза: – Қўйинг, гапларингизни эшитиб турибман. Сизни ёзиб бўлмайди.

Қўшни ҳовлидан одамларни хандаси, мусиқа товуши эшитилади.

Эргаш: – Дарвоқе, бугун кўшниникида тўй бор-а?

Роза: – Ҳа, тўйга чикмайсизми? Табриклар қўйсангиз...

Эргаш: – Тўй? Табрик? Нима мени биратўла ёниб, адо бўлиб кетсин, демокчимсан? Нарвон қани, узун нарвон?

Роза: – Нарвонни нима қиласиз?

Эргаш: – Электр симларини узиб ташлайман. Бир машмашасини кўрай.

Роза: – Вой, ўлай, дадаси, ўзимизнинг сим ҳам ўшанга уланган. Қоронғида ўтираимизми?

Эргаш: – Қоронғимиш? Мени юрагимда олов ёнапти, олов! Оловнинг ёруғида ўтирасан.

Эргаш чиқади.

Роза (*унинг ортидан*): – Электр тилини билмайсиз, қўйинг, ток уриб ўлманг тагин.

Эргаш(*овози*): – Узаман, дедим, узаман!

Иккинчи кўриниш

Эргаш кўрпа-тўшак қилиб ётибди. Атрофида одамлар.

Биринчи одам: – Ток ургани тупрокка кўмиш керак!

Иккинчи одам: – Ҳа, кўмиш керак.

Улар ер қовлашга ҳаракат қиладилар.

Эргаш (*кўзини аранг очиб*): – Чирок... Чирок ўчдим, хотин?

Роза: – Ўчди.

Эргаш: – Ҳайрият... Ўчган бўлса, Худога шукур. Мен тирик эканман, бу маҳаллада тўй, хурсандчилик бўлмаслиги керак!

Адабий ҳаёт

1 апрель – “Зомин қалдирғочлари” ёшлар семинарининг ҳудудий босқичларини ташкилий ишларини жадаллаштириш мақсадида ижодкор ёшларнинг ижодий ишларини тўплаш онлайн тарзда ташкил этилди.

2 апрель – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, “Ижод” жамоат фонди, “Дўрмон” ижод уйи, уюшма поликлиникаси ходимлари ўзларининг бир кунлик иш ҳақини тожвирус инфекциясига қарши кураш доирасида ташкил этилган “Ўзбекистон Мехр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондига бегараз ёрдам тариқасида ўтказиб берди.

8 апрель – “Ўзбекистон 24” телерадиоканалида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Ботир Эргашов, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, шоир Бобур Бобомуродларнинг суҳбатлари ташкил қилинди. Шунингдек, шоир Жўрабек Жаҳоннинг “Сиз биз учун ишлаяпсиз, биз сиз учун уйдამиз” номли шеъри ЎЗА расмий сайтыда эълон қилинди. Шу билан бирга, турли хил сайтлар, телеграмм каналларидан коронавирус мавзусига оид ўн иккита материал уюшманинг сайти, телеграмм канали ва фејсбук саҳифасида эълон қилинди.

9 апрель – Амир Темур таваллудининг 684 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари Муҳаммад Али, Тўлқин Ҳайит, Зокир Худойшукурнинг “Ўзбекистон 24” телеканалида чиқишлари ташкил этилди. Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Ориповнинг “Соҳибқирон” драмасидан парчалар, Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзонинг “Гўри Мир. Гумбазлар” шеъри, “Бугун – Соҳибқирон Амир Темур таваллуд топган кун!” рукнида Соҳибқирон ва унинг авлодлари ҳақида ҳикоя қилувчи 12 асар тавсияси, Эркин Воҳидов ижод мактабининг тарих фани ўқитувчиси Баҳромжон Худойбердиевнинг “Қалбида илм, кўлида қилич тутган жаҳонгир” мақоласи, Амир Темурнинг “Темур Тузуклари” асаридан парча, Ўзбекистон халқ шоири Муҳаммад Юсуфнинг “Амир Темур” шеъри жами (3 та чиқиш, 7 та материал) уюшманинг расмий веб сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларида ёритилди.

Ўзбек романчилик мактаби асосчиси, атоқли ёзувчи Абдулла Қодирийнинг таваллуд куни муносабати билан “Ўзбекистон 24” телеканали ва радиоканалида, “Ўзбекистон тарихи”, “Маданият ва маърифат”, “Тошкент” телеканалида Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари Нодир Жонузок, уюшма аъзолари Баҳодир Карим, Абдулла Улуғов ва Хондамир Қодирийларнинг чиқишлари ташкил этилди.

10 апрель – Маърифатпарвар ижодкор, ўзбек романчилик мактабининг асосчиси Абдулла Қодирийнинг “Ўтган кунлар” романи хитой тилига таржима қилиниб, 2000 нусхада Хитойда чоп этилди.

13 апрель – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қашқадарё вилоят бўлими бошлиғи Ўроз Ҳайдар онлайн тарзда уюшма қошида ташкил этилган “Ёшлик илҳомлари” адабий тўғарагининг аъзоларига маҳорат сабоқларини ўтди.

16 апрель – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сурхондарё вилоят бўлими, вилоят халқ таълими бошқармаси, вилоят ҳокимлиги маънавият ва маърифат бўлими ва бошқа жамоат ҳамда давлат ташкилотлари ҳамкорлигида ўқувчи ёшларнинг карантин даврида уйда қолиб, бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида “Коронавирус пандемиясига қарши курашда менинг ҳиссам” шиори остида “Она тилим – миллий ғурурим” мавзусидаги онлайн хайрия иншолар танлови эълон қилинди.

20 апрель – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Андижон вилоят бўлими томонидан карантин кунларини мазмунли ўтказиш мақсадида барча ёшдаги ижодга кизикувчилар учун “Шеър завқи” номи онлайн танлов эълон қилинди. Замонавий ўзбек адабиётининг таниқли вакиллари Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Рауф Парфи, Шавкат Раҳмон, Ҳалима Худойбердиева, Анвар Обиджон, Муҳаммад Юсуф каби устоз шоирлар хотирасига бағишланган ушбу танлов ҳакамлар томонидан кўриб чиқилиб, энг сара иштирокчилар уюшманинг вилоят бўлими томонидан рағбатлантирилади.

21 апрель – Фарғона вилоятидаги Эркин Воҳидов номидаги ижод мактабида онлайн равишда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари Ғайрат Мажидов ва Ўзбекистон халқ шоири Усмон Азим томонидан маҳорат дарслари ўтказилди.

27 апрель – “Давлат тилига оид қонуний меъёрларни бузган мансабдор шахсларга нисбатан жавобгарлик белгилаш тўғрисида”ги Қонун лойиҳасига Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ўринбосари, шоир Ғайрат Мажиднинг муносабати ҳамда она тилимизга бағишланган туркум шеърлари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг ijod.uz сайтида ёритилди.

28 апрель – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Навоий вилоят бўлими томонидан “Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 75 йиллиги” олдидан хатирчилик таниқли адиб Худойберди Наврўзнинг “Жанггоҳлардан омон қайтганлар” китобининг тақдими оғайиб тарзида ўтказилди.

29 апрель – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлими ҳамда вилоят Халқ таълими бошқармаси ҳамкорлигида 9 май – Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан ўқувчи ёшлар ўртасида “Хотира муқаддас – инсон азиз” номи онлайн ижодий танлов эълон қилинди.

30 апрель – Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Бухоро вилоят бўлими томонидан 2020 йил 27 апрель тунда вилоятда рўй берган табиий офат ва унинг оқибатларини бартараф этиш билан боғлиқ жараёнларга муносабат ўз ифодасини топган материаллар тайёрлаиб, жумладан, Жўра Фозил, Ибодат Ражабова, Шодмон Сулаймон каби уюшма аъзоларининг мақолалари ижтимоий тармоқларда кенг ёритилди.

МУНДАРИЖА

БАРҲАЁТ СИЙМОЛАР

МИРТЕМИР. Йўллар ўтиб кетмиш хижрон доғида.4

НАЗМ

Мирзо КЕНЖАБЕК. Мени ҳам соғинган бирор зот борми?.20

Хосият БОБОМУРОДОВА. Ҳали юрагимда гулханлар ёнар.53

Қамчибек КЕНЖА. Ўтганлар сардафтарин варақланг бот-бот. 63

Гулжамол АСКАРОВА. Япрокка ёзибман дастхатлар.69

Даврон РАЖАБ. Кетиб бораман кўзларим илҳақ.113

НАСР

Ҳаким САТТОРИЙ. *Икки ҳикоя*. Кўҳна ҳақиқат.9

Садбаргул.12

Даврон СУЛТОНОВ. Афсонавий кўзгу сири.

Саргузашт-детектив қисса.27

Назар ЭШОНҚҮЛ. Тақик меваси. *Роман (давоми)*.74

УНУТМАС МЕНИ БОҒИМ

Абдували ҚУТБИДДИН. Уфқминдиг, куёш кетгач йиқиласан.86

ШОИР ҲАҚИДА СЎЗ

Баҳодир КАРИМ. “Умрим вақтга етди, сенга етмади”.94

ТАЛҚИН

Шавкат ҲАСАНОВ, Гулбахор ЭРНАЗАРОВА.

Абдували Кутбиддин поэтикасига бир назар.99

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ. Ҳазрат навий ижодидан руҳ олиб.58

Иқболлой АДIZОВА. Ноёб жанр.109

Дамин ТЎРАЕВ. Ботмонкуш қўшиги ёхуд бир новелла таҳлили. 126

ЁШЛАР ИЖОДИ

ЖОНТЕМИР. Ўзига айланай ўзимда туриб.118

ТАДҚИКОТ

Равшан НИЯЗОВ. Анъанавий шаклда янги услуб.130

БУ БЎСТОН САҲНИДА

Ориф ҲОЖИ. Бир кулиб, ўн ўйлатиб кетмокучун келдингми, ёр? 137

САИД АҲМАД ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА

Саид АҲМАД. Киприкда қолган тонг. *Қиссадан нарча*.143

МУШОИРА

Салима УМАРОВА.152

Собир ЖАББОР.153

Зухра ЯНГИБОЕВА.155

Собир ОЛИМЖОН.156

Турди ХАЙДАР.157

Олия ОРТИҚОВА.158

Абдукарим ИСЛОМ.160

Карим ТОШҚҮЛОВ.161

ИЖОДИЙ КЕНГАШЛАРДА

Мухайё ТЎЛАГАНОВА. Қизиқарли асарларнинг ўрни

билинаапти.163

BOLALAR DUNYOSI

Qudrat НИКМАТ. Uchib yurar mayin shamollar.166

ГУЛҚАЙЧИ

Али ЖАМОЛ. Ошхонанинг мушуги. *Интермедиялар*.169

Адабий ҳаёт.174

Шарқ юлдузи

2020

4-сон

Муассис:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР
УЮШМАСИ

* Муаллифлар фикри тахририят ижодий жамоаси нуктаи назаридан фарқланиши мумкин. Тахририятга юборилган материаллар муаллифларга қайтарилмайди.

Журнал ОАК эътироф этган нашрларнинг 10.00.02 «Ўзбек адабиёти» ихтисослиги бўйича рўйхатига киритилган.

* Журналга обуна даврий нашрларни етказиб бериш билан шуғулланувчи барча ташкилотлар орқали амалга оширилади.

Обуна индекси – 911

Манзиллими:

100066, Тошкент шаҳри, Бунёдкор شوҳқўча, Адбллар хибони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси биноси.

Телефонлар:

231-23-65, 231-23-66, 231-23-68

www.sharqyulduzi.uz

e-mail: sharqyulduzi@mail.uz

sharqyulduzi1931@mail.ru

Босишга рухсат этилди:

Қоғоз бичими 70x108 ¹/₁₆

Офсет босма усулида офсет қоғозда

босилди. Босма табоғи 11,0.

Шартли босма табоғи 15,4.

Наширёт ҳисоб табоғи 17,2.

Адади 1950 нусха.

Буюртма №20

Журнал Ўзбекистон Маtbуот ва ахборот агентлигида 05.02.2016 й. 0562-рақам билан рўйхатга олинган.

“PRINT RABEL” МЧЖ

маtbаа корхонасида чоп этилди.

Корхона манзили:

Тошкент шаҳри, Олмазор тумани,

Ўрозбоев кўчаси, 35-уй

Журнал ойда бир марта

чоп этилади.

Мусаххилар:

Дилфуза Маҳмудова

Моҳира Ҳусанова

Саҳифаловчи-дизайнер:

Элёржон Негматов

Copyright © «Шарқ юлдузи»

Унутилмас лаҳзалар



Абдували Қутбиддин ҳаётидан лавҳалар

28002
ЎЗД-4.



«Анор дарахти»



«Анор»
Дилором МАМЕДОВА асарлари